

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Ж. Хўжақулов

**ЎЗБЕКИСТОН
ТАРИХИ**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ҚАРШИ 2005 ЙИЛ

Масъул муҳаррир: т.ф. д , проф. Ю.Эргашева .
Тақризчилар: проф . М. Худойқулов , дац. Б. Узоқов .

Касб таълими факультети услубий камиссияси (-сон баённома, 2005 йил) ва институт Услубий Кенгаши томонидан маъқулланиб, чоп этиш ва фойдаланишга тавсия этилган (-сон баённома, 2005 йил).

Аннотация

Ўзбек тилида: Маърузалар матнида Ўзбекистон халқларининг энг қадимги замонлардан ҳозирги кунга қадар босиб ўтган тарихий йўли ёритилади. Шунингдек, «Ўзбекистон тарихи» фани намунавий ўқув дастури (Тошкент, 2004) асосида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётга оид муаммолар, тарихий воқеаларнинг моҳияти, сабаблари ва қонуниятлари таҳлил этилади.

Рус тилида: В тексте лекций освещается исторический путь Нарбуов Узбекистана с древнейших времен до наших дней, а также анализируется теоретические, методологические проблемы социально –политической, экономической и духовно-культурной жизни, сущность, причины и закономерности исторических событий на основе примерной учебной программы по курсу «История Узбекистана».

Инглиз тилида: In this of lectures historical way of people of Uzbekistan from ancient time till our days is illuminated as well as is analysed theoretical methodological problems of sociat political, economic and spiritual cultural life, essence of the reason and regularities history event on base of the approximate scholastic program on course history of Uzbekistan.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

И. Каримов.

Кириш.

Ўтган XX асрнинг 90-йиллар бошида Ватанимиз тарихида буюк воқеа содир бўлди: халқимизнинг асрлар мобайнидаги орзуси рўёбга чиқди, Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди. Дунё харитасида яна бир мустақил, озод, суверен давлат-Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон-тарихини ўрганиш ва ўқитишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Олий ўқув юртлирида «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон тарихини ўраганиш ва ўқитишнинг ягона концепцияси асосида янги ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратилди ва яратилмоқда.

Мамлакатимиз фуқоралари, энг аввало, ёшларимиз онгида миллий мафкура, миллий ғоя сингари буюк хислатларни сингдиришда, уларда маънавий дунёқарашларни шакллантиришда, уларни оташин ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда. «Ўзбекистон тарихи» фанининг катта ва беқиёс имкониятларга эга эканлиги алоҳида қайд этамиз. Шу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қўйидаги ғоятда қимматли ва чўқур мазмунли сўзларини яна бир бор таъкидлашимиз мақсадга мувофиқдир: «Юртига, ватанига мухаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир.

Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб, авайлаб ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавий соҳасидаги ишларимизнинг асосий юналишини ташкил этмоғи керак. Шунга кўра ватан тарихи ва маданиятини, жуғрофияси ва иқтисодиётини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Боғчалардан тортиб олий ўқув юртлиригача бўлган таълим-тарбия тизимларда мазкур фан ва билимларни ўқитишга муҳим сиёсий вазифа сифатида қароמוғи лозим.

«Ўзбекистон тарихи» фани олий таълимнинг биринчи босқичи бўлган бакалавриятнинг барча йўналишларида ўқитилади. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус мактаб муоммолари институтининг ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув кўрсатмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиликларни яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тавсия этилган.

«Ўзбекистон тарихи» фанидан намунали ўқув дастурига киритилган барча назарий ва концептуал-методологик мазмундаги мавзулар Президент И. Каримовнинг 1998 йил 26 июнь куни республиканинг бир гуруҳ тарихчи олимлари ва зиёлилар билан бўлган учрашувдаги суҳбат чоғида илгари сўрган тарихимизнинг долзарб муоммолари, ғоялари ва методологик кўрсатмалари руҳида ўрганилади. Мазкур маърузалар матини тузишда яна шу мақсаддан келиб чиқилди.

Хуллас, маърузалар матинида ватанимизнинг ва ўзбек халқининг қадим замонлардан ва ҳозирги кунга қадар бошидан кечирган ғоятда мураккаб ва машаққатли тарихий ҳаётини баён этишга ҳаракат қилинди. Унда ижтимоий-сиёсий воқеяларнинг ёритилиши жараёнида меҳнатсевар халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти, яратган юксак маданияти ва этиқоди ҳамда унга онаватанга бўлган чексиз мухаббати ва садоқатига бағишланган сатрларни ўқиш мумкин.

Эндиликда халқимизда жонланган ўзлигини англаш ва миллий ўйғониш ҳиссиётини ривожлантириш, ёшлар онгига ўтмиш тарихимиз ва унинг бой қадриятлари, ота-боболар руҳини, моддий-маънавий маданиятга бўлган меҳр, ҳурмат ва қадр-қиммат, миллий ғоя ва миллий тафаккурга асосланган мустақил мафкўраси ҳис-туйғуларни сингдириш тарих фанининг асосий ва нихоятда долзарб масаласи ҳисобланади, зеро юртбошимиз такидлагандек, «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас».

Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.
-Т., «Шарқ», 1998, 5, 29-бетлар.

«Ўзбекистон тарихи» фанидан дарс соатларининг тахминий тақсимланиши

Мавзу Рақам лари	Маъруза мавзулари	Соат
1.	«Ўзбекистон тарихи» фанининг педедмети, назарий ва методологик асослари. Фанни ўрганиш манбалари ва ахамияти	2
2.	Ўзбекистон инсоният тараққиётининг қадимги уочқларидан бири.	2
3.	Ўзбек давлатчилигининг шакилланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари. Буюк ипак йўли.	2
4.	Ўзбек халқининг этник шакилланиши.	2
5.	IX-XII асарларида ўзбек давлатчилиги: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданият ҳаёти.	2
6.	Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш. Жалолиддин Мангуберди.	2
7.	Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий	2

	ва маданий ҳаёт.	
8.	Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари.	2
9.	Чор Россиянинг Туркистонни босиб олиши. Чоризм истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий-озодлик кураши. Жаидчилик.	2
10.	Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Истиқлолчилик ҳаракати.	2
11.	Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги тадбирлар ва уларнинг муштамлакамчилик моҳияти. Сиёсий қатоғонлик ва унинг оқибатлари.	2
12.	Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонган ғалабага қўшган ҳиссаси.	2
13.	Советлар империясининг таназзулга юз тутиши ва Ўзбекистон.	2
14.	Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қулга киритилиши. Демакратик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши.	2
15.	Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий-маданий тараққиёти.	2
16.	Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.	2
Жами:		32

Мавзу Рақам лари	Семинар мавзулари	Soat
1.	«Авесто» китоби - Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим манба	2
2.	Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва илк тараққиёти босқичлари.	2
3.	Буюк ипак йўли ва ҳозирги замон.	2
4.	Ўзбек халқининг этник шаклланиши.	2
5.	IX-XIII асрларда ўзбек давлатчилиги: ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт.	2
6.	Ўрта Осиё халқларининг IX-XIII асрлар даври маданияти. Аждодларимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссаси.	2
7.	Амир Темур – марказлашган давлат асосчиси.	2

8.	Ўзбек хонликларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.	2
9.	Чор Россиянинг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати.	2
10.	Туркистонда жаидчилик ҳаракати.	2
11.	Совет ҳокимиятга қарши қуролли ҳаракат.	2
12.	Совет тузумининг Ўзбекистонда юритган қатоғонлик сиёсати ва унинг оқибатлари.	2
13.	Ўзбекистон мустақил давлат.	2
14.	Ўзбекистон ҳуқуқий демакратик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши.	2
15.	Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳатлар ва бозор муносабатларининг шаклланиши.	2
16.	Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви	2
Жами		32

1-маъруза: Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, илмий назарий ва методологик асослари, фанни ўрганишнинг манбалари ва аҳамияти.

Режа:

1. Ўзбекистон тарихининг фан сифатидаги ўрни. Унинг предмети ва ўрганиш объекти.
2. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг илмий назарий ва методологик асослари ва тамойиллари.
3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш. Уни ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти.
4. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг ҳар томонлама етук инсонни тарбиялашдаги аҳамияти.

III. XX асрнинг мамлакатимиз халқлари учун берган энг буюк ва олижаноб неъмат бу Ўзбекистон миллий давлат мустақиллигининг қўлга киритилганидир. Чунки мустамлакачилик мустамлакачилик зулми ва мутелигидан озод бўлиш, том маънодаги истиқлол – мустақилликка эришиш халқимизнинг узоқ йиллардан бери кутган эзгу армони ва орзуси эди. Бу мақсад йўлда миллатнинг минг-

минглаб фарзандлари ўз жонларини қурбон қилдилар. Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллиги, халқимизнинг хур, эркин, озод яшаб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишдек буюк бахт бугунги авлод вакилларига насиб этди.

Аммо қўлга киритилган миллий давлат мустақиллигимизни сақлаб қолиш, уни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш ва келажаги буюк давлатни барпо қилиш мислсиз даражада мураккаб ва шарафли вазифадир. Бу вазифанинг қай даражада бажарилиши мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий – сиёсий савияси, миллий истиқлол мафкурасининг нечоғлиқ улар онгида шаклланиб, ҳаётий-дунёқарашига айланиши билан муштаракдир. Бу улғвор вазифани ҳал этишда мамлакатимиздаги билим масканлари билан бир қаторда олий ўқув юртлари ҳам ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Мустақиллик шарофати билан таълимнинг барча босқичларида бўлганидек. Ўзбекистон тарихини ўрганиш, уни ўқитишга бўлган муносабат олий ўқув юртларида ҳам тубдан ўзгарди. Маълумки, мамлакатимиз олий ўқув юртларида, қайси йўналишдаги мутахассислар тайёрланишидан қатъий назар, бир туркум ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилади. Шу фанлар орасида Ўзбекистон тарихи фани ўзига хос, алоҳида ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон тарихи фани олий ўқув юртларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар орасида ўзининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеига кўра асосий ва етакчи фанлардан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бу фан Ватан тарихининг ибтидоси – ўлкашунослик эканлигини эътиборга олган ҳолда олий ўқув юртларининг барча но мутахассислик факультетларида, қайси касб-ҳунарни эгаллашидан қатъий назар, бир хил ҳажмдаги соатларда ўқитилмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон тарихи фани олдига қўйилган бир қатор муҳим вазифаларни бажариш билан боғлиқдир. Хусусан:

Биринчидан, Ўзбекистон тарихи фани ёшлар онгида сиёсий, назарий- илмий дунёқарашни шакллантириш, воқеа ва ходисаларга тарихий нуқтаи назардан ёндошадиган ҳар томонлама етук, баркамол инсонни тарбиялашдан муҳим восита бўлиб хизмат қилади;

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихи мустақил Ўзбекистон ёшлари онгида миллий виждонни уйғотиб, унинг шаклланишига кўмаклашади. Ёшлар аждодларимизнинг тараққиёт йўлини, тарихий тажрибаларни ўқиб – ўрганганларидагина уларнинг онгида истиқлол тафаккури, ҳозирги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий турмушни ўтмиш билан таққослаш ва келажакка назар солиш туйғуси шаклланади;

Учинчидан, Ўзбекистон тарихи фани ёшларни Она Ватанга меҳр-садоқат ҳамда харбий ватанпарварлик анъаналари руҳида тарбиялаш воситаси ҳисобланади;

Тўртинчидан, Ўзбекистон тарихи фани ёшларни байналмиллатчилик руҳида тарбиялаш қуроли ҳамдир. Ёшларимиз бу фанни ўқиш, ўрганиш ва мутолаа қилиш жараёнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас таркибий қисми ва бир бўлаги эканлигини тушуниб оладилар, ўзбек халқи ва буюк алломаларимизнинг, фан ва маданият арбобларимизнинг жаҳон тараққиёти ва цивилизациясига қўшган ва қўшаётган муносиб ҳиссаси билан қонуний равишда фахрланадилар.

Ва ниҳоят, бешинчидан, Ўзбекистон тарихи фани ёш авлодни ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва ахлоқий фазилатлари: халлолик, поклик, одиллик, адолатлилик, инсонпарварлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик ва

камтаринлик, иймон ва эътиқодлилик, сабр-тоқат ва чидамлилик руҳида тарбиялашда, Ватан ва халқ олдидаги бурчга садоқатлиликни қарор топтиришда олийжаноб вазифани бажарди.

«Ўзбекистон тарихи» фани дунёдаги энг қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг қарийб 3,5 минг йиллик тарихий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётини ўргатувчи санадир. Марказий Осиёда жумладан Ўзбекистонда яшаб келаётган халқлар жаҳон фани ва маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар Ўзбек халқи Марказий Осиёдаги барча халқлар қаторида доимо эркинлик, хурлик, озодлик ва мустақиллик учун мустамлакачилар ва ёт келгиндиларга қарши олиб борган ва шу жихатдан у ўзининг инқилобий анъаналарига эгадир.

Ўз халқимиз, ўз она юртимиз, ўз тупроғимиз тарихини, ўтмишимизни чуқур англашимиздан асосий мақсад нима? Булар қўйидагилар:

1. Бугунги Ўзбекистон жаҳон харитасида пайдо бўлган тасодифий мамлакат эмаслигини, унинг илдиэлари нихоятда чуқур ва қадимий эканлигини дунёга кўрсатишдир:
2. Собиқ шўро сиёсати ва коммунистик мафкура тазйиқи билан сохталаштирилган тарихни ўз ўрнига қўйиш, тарих ҳақиқатини. Ҳаёт ҳақиқатини илмий ҳақиқат асосида қайта тиклаш;
3. Шу асосда халқимиз, айниқса ёш, навқирон авлодимиз қалбида миллий ғурур ифтихор, ўз аждодлари билан фахрланиш туйғуларини кучайтириш. Буюк ўтмишга муносиб бук миллат бўлиш. Эртанги кунга ишонч ва истиқлолга эътиқод билан яшашни турмуш тарзига айлантириш.

Тарих, донишмандлар айтгандай, улуғ мураббийдир. У юз берган ходисалар мохиятидан келиб чиқиб беради. Ҳаётда саракни –саракка, пучакни –пучакка ажратишга даъват этади. Агар тарихга шунчаки воқеалар баёни, ходисалар тафсилоти сифатида қаралса, унинг мураббийлик аҳамияти йўқолади. Нурсиз, ҳарортсиз, жозибасиз, киши руҳиятига таъсир этмайдиган бир нарсага айланади.

Тарих –тафаккур маҳсулидир. Ўтмишимизда юз берган ҳар бир ҳодиса маълум маънавий-руҳий, ижтимоий- сиёсий муҳит таъсирида юз берган. Яхшими – ёмонми, эзулик ёки ёвузликми, бу қатъий назар, ҳар қандай ҳодиса ўз даври кишиларининг қалби, онги, шуури, маънавий қудрати маҳсулидир. Демак, унга назар солганда, асрлар силсиласини варақланганда алоҳида ҳаяжон, алоҳида ва зуккоклик билан қараш керакки. Воқеалар замиридаги мантиқ, фалсафа руҳият сифат, қўйингки, ҳар даврнинг ўзига хос шукуҳи-ю ташвишлари, севинчу изтироблари, яхлитлиги кўзга яққол ташлансин. Онгимиз ва шўуримизга мустаҳкамроқ ўрнашсин. Ана шунда тарих кишини фикрлашга ўтмишни идрок қилиб, келажакни ақл йўриғи билан белгилашга ёрдам беради. Тарихнинг тафаккур маҳсули ва улуғ мураббийлиги, олий кадрият эканлиги ана шу билан белгиланади.

12. Ўзбекистон тарихини яратиш ва уни ўрганиш кўп жихатдан тўғри илмий-назарий ва методологик асосларнинг ишлаб чиқилишига, уларнинг амалий ҳаётга тадбиқ этилишига боғлиқ. Тарихий воқеаларни ўрганишда пухта ва чуқур ишлаб чиқилган илмий-назарий, методологик асосларга таянишнинг аҳамияти жуда катта.

Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг бир қатор илмий-назарий ва методологик асослар мавжуд бўлиб, улар чуқур илмийлик, холислик, тарихийлик, изчиллик, ростгўйлик, ҳаққонийлик ва бошқалардан иборат. Бу каби илмий назарий асослар тарихий тасаввурни, тушунча ва хулосаларнинг илмий-амалий ва услубий жиҳатдан тўғри ҳосил қилинишига пойдевор бўлиб хизмат қилади. Тарихини ўрганиш ва ўқитиш жараёнида миллий истиқлол, ватанпарварлик, инсонпарварлик, байналминаллик каби улуғ фазилатлар, халқимиз анъаналари, урф-одатлари, диний эътиқодлари каби миллий қадриятларни ёшлар онгига чуқур синдириш, уларни эъзозлаш устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу билан бирга мозийга ҳурмат билан қараш, миллий тикланиш тафаккури давр ва замон билан ҳамнафас бўлиш, турли ижтимоий табақаларга нисбатан цивилизацион ёндошув руҳини ёшлар дунёқарашида шакллантириш лозимдир.

Қишлоқ жамияти тарихини, тарихий воқеа ва ҳодисаларни ўрганишнинг муҳим назарий – методологик асосларидан бири – жамият тараққиёти қонунларини очиқ берувчи диалектик методдир.

Инсоният ҳаёти, жамият тараққиёти диалектик жараёндир. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади, деб таълим беради. Диалектика жуда узоқ тарихга эга, унинг билиш назарияси сифатида шаклланиши ва ривожланишида Гераклит, Аристотель, Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Декарт, Спиноза, Гегель, герцен ва бошқа олим ва маърифатпарварларнинг хизмати каттадир. Улар табиат, тарихий ва маънавий дунёни бир жараён шаклида, яъни уларни узлуксиз ҳаракат қилиб, ўзгариб ривожланиб борадиган ҳолда, тараққиётни ички боғланишда олиб ўрганиш методологиясини яратдилар. Ҳар қандай фанни ўрганишда қўлланиладиган ягона диалектик қонуниятга асосланган услуб, яъни диалектик метод «Ўзбекистон тарихи» ни ўқитиш ва ўрганишда ҳам асосий назарий методология ҳисобланади. Ўзбекистон тарихи фани, бошқа ижтимоий – гуманитар фанлар каби, доимо ҳаракатда бўлиб. Ўзгариб, ривожланиб, бойиб боради. Бу фаннинг яна шундай ўзига хос хусусияти борки. Тарихий фан бўлгани учун ҳам авваламбор, бошқа фанларга қараганда, у тез ва кўпроқ бойиб боради. Бир томондан тарихимизнинг очилмаган «кўрик» лари олимларимизнинг илмий-тадқиқот томонидан, мамлакатимизда, жамиятимиз ижтимоий, иқтисодий. Маънавий ва маданий соҳаларидаги қўлга киритилаётган ютуқлар тарихимиз саҳифаларини кун сайин бойитаверади. Диалектик методология ҳар қандай мамлакат тарихини жаҳон халқлари тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этади. Негаки ҳар бир халқ тарихида миллийлик, ўзига хос бетакрор хусусиятлари билан бирга жаҳон тарихи, бутун инсоният тараққиёт билан умумий боғланишдадир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон тарихи аввало Марказий Осиё мамлакатлари тарихи билан, қолаверса Башарият тарихи билан чамбарчас боғланган. Қадим замонлардан яқин йилларгача Ватанимиз Ўрта Осиё минтақасидаги кўпгина давлатлар билан – Афғонистон, Эрон, Шимолий Хиндистон каби мамлакатлар билан ягона иқтисодий ва маданий макона бўлиб келди. Бу катта худудда яшовчи уруғ, қабила, қавм, элатлар этник жиҳатдан доимо ўзаро таъсир ва алоқада бўлганлар, қўшилиш жараёнини бошдан кечирганлар, уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти бир-бирлари билан узвий боғлиқ ўтган. Шу сабабли Ўзбекистон тарихини қўшни мамлакатлар тарихи билан

боғлаб ўрганиш тақозо этилади. Қозоқ, қирғиз, хинд, қорақалпоқ, туркман, тожик, форс, афғон, араб ва бошқа халқлар тарихини қанчалик яхши билсак, Ўзбекистон халқлари тарихини шунчалик чуқур, ҳар томонлама ўрганишга имкон яратади, кўмаклашади.

Тарихий воқеа ва ходисаларни ўрганиш, уларни таҳлил этиш ва ёритишда холисона, ҳаққоний, адолатли ёндошув муҳим методологик қоидалар.

Холислик қоидасини тарихий воқеа, ходисаларни ўрганаётганда улар билан боғлиқ бўлган барча фактрларнинг ҳеч бир истисносиз, бутун мажмуини бирга олиб текширишни. Аниқ, ҳаққоний далилларга асосланишни талаб қилади.

Тарихни ўрганишда тарихийлик методологияси муҳим аҳамиятга эга. Тарихийлик қоидаси воқеа ва ходисаларни ўз даврининг аниқ тарихий шароитдан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо этади. Воқеа, ходисаларни ўрганишда тарихий боғланиш, тарихий узвийлик, тарихий ривожланиш жараёни қоидаларига риоя қилмоқ зарур. Ҳар бир воқеа ходисага умумий тарихий жараённинг бир қисми, бир бўлаги деб қарамоқ зарур. Ҳар бирходиса қандай тарихий шароитда, муҳитда пайдо бўлганлигини, бу ходиса ўз тараққиётида қандай асосий босқичлари ўтганлигини, кейинчалик у қандай бўлиб қолганлигини билиш тарихийлик қоидасининг асосий талабидир. Масалан, биронта давлат фаолиятига тарихийлик нуқтаи назаридан баҳо бермоқчи бўлсак, биринчидан, у қачон, қандай шароитда пайдо бўлди, иккинчидан, у ўз тараққиётида қандай босқичларни босиб ўтди, учинчидан, у ҳали ҳам мавжудми, ҳозир қай аҳволда, қандай бўлиб қолди, деган саволларга аниқ жавоб бериш зарур бўлади.

Тарихийлик методологиясининг таркибига узвийлик ва даврийлик киради. Тарихий фан бўлгани учун ҳам Ўзбекистон тарихи фанини ўргатиш ва ўқитиш жараёнида тарихий узвийлик ва даврийлик қоидасига риоя қилиши алоҳида аҳамият кашф этади.

Тарихини ўрганишда ижтимоий ёндошув қоидасига амал қилиш давлат арбобларининг, сиёсий кучлар, партиялар турли уюшмалар, улар йўлбошчиларининг тарихий тараққиёт даражасига кўрсатган ижобий ёки салбий таъсирини, жамиятни у ёки бу йўлдан ривожланишидаги ўрни ва ролини тўғри аниқлашга олиб келади ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиз тарихини ўрганишда миллий қадриятлар, халқ анъаналари ва урф-одатлари, дин ислом дини, адомларнинг диний эътиқодлари, диний таълимотлар ва уларнинг асосчилари фаолиятини таҳлил қилишга, ёритишга цивилизацион муносабатда бўлиб, уларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш нуқтаи назаридан ёндошмоқ керак.

Тарихни ўрганишда юқорида қайд этилган методологик қоидалар билан бир қаторда фактрларни таққослаш, мантиқий – қиёсий хулосалар чиқариш, даврлаштириш, социологик тадқиқотлар ўтказиш статистик, математик ва бошқа усуллардан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

13. Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ёритишда унинг даврларини илмий асосда тўғри белгилаш катта аҳамиятга эгадир.

Марказий Осиё халқлари, жумладан Ўзбекистон халқлари, ер юзининг қатор худудларидаги халқлар каби ўз тарихида инсоният тараққиётида содир бўлган барча ижтимоий-иқтисодий босқич (формация) ларни босиб ўтган эмас. Бундан чиқадиган хулоса шуки, биз ўз тарихимизни шу ижтимоий –иқтисодий формациялар асосида дарлаштирсак, тарихий ҳақиқат сохталаштирилган бўлади.

Шу сабабдан биз ўз халқимиз, Ватанимиз тарихини ўзбек давлатчилиги тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда даврлаштирамиз ва ўрганамиз.

Ҳақиқий тарихий жараён нуқтаи назаридан қараб, ҳечқандай «изм-изм»ларсиз Ўзбекистон тарихига ёндошадиган бўлсак, уни қуйидаги даврларга бўламиз:

1. Қадимги давр – энг қадимги замонлардан милодий VI асрга қадар;
2. Ўрта асрлар даври – милодий V асрдан XIX асрнинг ўрталарига қадар;
3. Янги давр – XIX асрнинг ўрталаридан ҳозирги кунга қадар;

Табийки бу катта даврларнинг ҳар бири бир неча босқичларга бўлинади, хусусан:

Биринчи – қадимги давр - Марказий Осиё халқларининг ибтидоий жамоа тузуми, шу минтақада дастлабки давлат тузилмаларининг, қадимги (антик) давлатларининг ташкил топиши босқичларидан иборат;

Иккинчи – ўрта асрлар даври қуйидаги босқичларга бўлинади: 1. илк ўрта асрлар - марказий Осиё ҳудудида ерга эғалик муносабатларининг, Турк хоқонлигининг ҳукмронлиги, араблар босқини ва ислом динининг маҳаллий халқ маънавиятига кириб келиши босқичи бўлиб, V-VIII асрларни ўз ичига олади;

2. ривожланган ўрта асрлар – Марказий Осиёда мустақил марказлашган давлатларнинг вужудга келиши (IX-XII асрлар);

3. Амир Темур давлати ва темурийлар даври (XIV асрнинг иккинчи ярми –XV аср);

4. Ўзбек хонликлари даври (XIV-XIX асрнинг биринчи ярми);

Учинчи – янги давр икки босқичга бўлинади:

1. XIX асрнинг ўрталаридан 1991 йил сентябрга қадар бўлиб, чор Россиясининг ўлкамиздаги мустамлакачилиги ва советлар ҳокимиятининг истибдоди даври;

2. 1991 йил сентябрдан – Мустақил Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт босқичи; бу халқимиз, мамлакатимиз тарихида энг янги давр, бу миллий уйғониш, Миллий Англаш тушунчаларини ўзида мужассам этган Истиқлол даври.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик даври тарихи эндигина бошланди, давом этаверади!

Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишда манбаларини билиш, уларга суяниш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай манбалар нималардан иборат? Тарихий манба деганда авваламбор, биз нимани тушунамиз?

Тарихий манба деганда узоқ ўтмишдан қолган, табиат ва жамиятнинг маълум босқичдаги кечилишини ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликларни тушунамиз. Шу боисдан тарихий манбаларни биз иккига бўлиб ўрганамиз. Биринчиси моддий манбалар бўлиб, унга кўхна манзилгоҳ ва мозорлар, шаҳарлар ва қасрлар ҳамда қалъаларнинг харобалари, ўша жойлардан топилган ишлаб чиқариш қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, зеб-зийнат ашёлари, қадимги суғориш иншоатларининг қолдиқлари, олтин, кумуш ва мис парчалари, шунингдек ибтидоий одамлар ва хайвонларнинг қоя тошларга ўйиб ишланган суратлари, умуман тош ва бошқа қаттиқ предметлардаги ёзувлар кирази.

Иккинчиси, маънавий туркумига узоқ ўтмишдан қолган қўлёзма асарлар ҳамда одамларнинг туриш – турмуши ва урф-одатларини ўзида акс эттирувчи материаллар, шунингдек кишилар онгида сақланиб қолган урф-одат ва анъаналар киради. Хуллас, табиат ва жамиятнинг кечмиши билан боғлиқ бўлган ҳар бир нарса тарихий манба бўлиши мумкин, табиат ва жамият эса бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий тури бу ёзма манбалар ҳисобланади. Тарих фанини чуқур ўрганиш учун бир қатор ёрдамчи соҳалар, хусусан, палеография, дипломатика, геральдика, элиграфика, нумизматика, метеорология каби соҳаларнинг қўлга киритган ютуқлари ҳам катта ёрдам беради.

Энди биз бевосита Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишдаги асосий тарихий манбаларга тўхтайдиган бўлсак, биринчидан, бу энг асосий ва муҳим тарихий манба - зардуштийлик динининг муқаддас китоби – «Авесто» ҳисобланади. «Авесто» да нафақат зардуштийлик (оташпарастлик) динининг тамойиллари, қонун –қоидалари асослаб берилган, балки унда қадимги аждодларимизнинг бошқарув тизими, ижтимоий турмуши маданий ва маънавий ҳаётига оид маълумотлар берилган.

Иккинчидан, ўтмиш ота-боболаримиз қолдириб кетган ва дунёдаги жуда кўп мамлакатлар, хусусан: Англия, Франция, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Россия ва Ўзбекистоннинг кутубхоналарида сақланаётган бой ва нодир қўлёзма асарлар.

Шундай қўлёзмалар орасида подшо, шоҳ, хон, амирлар саройида яшаган солномачи ва муаррихларнинг ёзиб қолдирган асрлари ғоят қимматлидир.

Учинчи - ва ғоятда, муҳим манбалардан бири – шоиру – ёзувчилар, олиму – фузалоларнинг қолдирган ноёб асарлари Ватанимиз тарихини ўрганишда ажойиб ва қимматли маълумотларни беради. Ал-Хоразмий, Аҳмат ал-Фарғоний, Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Али Қушчи, Имом ал-Бухорий ва бошқа кўплаб алломаларнинг ижодларида улар яшаган тарихий ва маданий муҳитга оид қимматли фикр хулосалар, тарихий маълумотлар мавжуд.

Бундан ташқари «Ўзбекистон тарихи» фанини ўрганишда ҳозирги кунда мавжуд бўлган илмий, бадий, тарихий асарлар, қўлланмалар, дарсликлар, монографиялар. Рисолалар, тўпламлар, ҳар хил музейларда, айниқса ўлкашунослик музейларида сақланаётган кўргазма заллари ҳужжатлари, археологик қазилма ёдгорликлари, музей –шаҳарлар, тарихий обидалар, кино, фото ҳужжатлар ва ҳақозолар муҳим ва қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

14. Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаш, улар онгида миллий истиқлол тафаккурини ва ватанпарварлик ғояларини шакллантиришда Ўзбекистон тарихи фанининг ўрни ва имкониятлари чексиздир. Чунки мазкур халқнинг башарият тарихидаги ўрни, Ватанимизнинг ўтмиши, авлодлар севиб, эъзозлаб, ўрганиб, ўрнатиб ва сабоқ оладиган ҳаёт мактабидир. Тарихий ўтмишсиз бирор бир халқнинг бугунги бўлмаган келажаги ҳам бўлмайди. Тарих адамларни уйлантиради. Бўлиб ўтган тарихий воқеа ва ходисаларни фарқлаш таҳлил қилиш ва улардан амалий, ҳаётий хулосалар чиқариш асосида дастурий ҳаракатлар йўланмасини белгилашга ёрдам беради.

Миллий ўзликни англашда, миллий бирликни шакллантиришда шажарамиз улуғлиги ва поклигини билиш ва кадрлашда, қадимий ва доно халқимизнинг жаҳон халқлари орасида тутган ўрнига баҳо беришда, унинг энг бой ҳаётий ва тарихий тажрибаларидан уринли ва кенгроқ фойдаланишда, халқимизнинг

олийжаноб, хурриятпарвар, эркпарвар ва истиқлолпарвар анъаналарини изчил ўрганиш ва уни янада бойитишда, хуллас, мустақил Ўзбекистон фуқаросига хос бўлган баркамол инсонни вояга етказиш Ўзбекистон тарихи фани нихоятда катта аҳамиятга эга. Ўз тарихини, ота-боболари ва аждодларининг ўтмишини яхши билган халқни қайта мустамлакачилик, асоратига солиш мумкин эмас.

Миллий ўзликни англаб етмаган халқ миллий мустақиллик кадрига етмайди, бундай халқ онгида миллий ғурур, Ватан равнақи йўлида фидойилик туйғулари ёнмайди, миллат бирлиги, ватанпарварлик ва байналмиллалик туйғулари уйғунлашмайди. Бундай халқ доимо бошқа халқлар асоратида тушади, хурланади, камситилади, унинг инсоний ҳақ ҳуқуқлари топталади. Бу ҳаётий аччиқ ҳақиқатни халқимиз ўз тарихида бир неча бор татиб куради. Халқимизнинг миллий бирлиги яхлит топган замоналар ҳам бўлдики (Амир Темури даври) табиатан байналминал халқимиз ўзлигини англай билиб, бошқалар томонидан она заминнинг топталишига чек қўйди, унинг гуллаб яшнашини таъминлади, миллат учун жонини фидо этадиган буюк фарзандларини вояга етказди.

Тарихимизда шундай даврлар ҳам бўлдики. Бу бу бирлик бузилди, гуллаб-яшнаётган Ватан ўзликни англашдан йироқ турган шахсий манфаатпараст «етакчилар» ўртасидаги ички зиддиятлар туфайли таназулга юз тутди. (хонликлар даври) мамлакат парчalandи, парчаланган юрт эса осонгина бошқалар асоратига тушиб қолди. Бу тарихий аччиқ ҳақиқатни билмасдан, тарихий воқеа ва ходисаларни таҳлил этмасдан, у ҳақда ёш авлодга тарихий билим ва тарбия бермасдан халқ онгида миллий ўзлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мумкин эмас.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон тарихи фан сифатида ўз ўрнини топди ва уни ўқитиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу фан ёшларнинг, талабаларнинг ҳақиқий тарбиячисига айланди. Шу ўринда Президент И.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз баркамол киши бўлмагандек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», «Тарих халқ маънавиятининг асосидир», «Тарихий халқ маънавиятининг асосидир», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «Инсон учун тарихдан жуда бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир» каби ҳам назарий, ҳам методологик аҳамиятга эга бўлган сўзлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда (Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т., «Ўзбекистон», 1992, 71 –бет; Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., «Шарқ», 1998, 10-21 – бетлар) . Ҳақиқатдан ҳам тарихий хотира, аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни эгаллаш талаб – ёшларда ҳалоллик, одиллик, ростгўйлик, меҳр- оқибат, меҳнатсеварлик, илмга интилиш каби интилиш каби инсоний фазилатларни шакллантиришга ёрдамлашади. Ватан тарихи ёшларда жамиятда эртароқ мустақил фаолият юритиш, ўз қобилятини тўлароқ очиш ва ҳаётга тадбиқ эта олиш сифатларини шакллантиради.

Шу сабабли ҳам Ватанимиз тарихини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Бу вазифанинг давлат даражасигача кўтарилганлигини Президентимиз Ислам Каримов қўйидагича таърифлади: «Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда» (Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка

тахдид. Барқарорлик шартлари ва тара ққийёт кафолатлари – Т., «Ўзбекистон», 1997, 140 бет).

Таянч тушунчалар:

«Ложувард йўли», «Шоҳ йўли», «Буюк ипак йўли» - Мулоқат йўли, Юнеско томонидан «Буюк ипак йўли – мулоқот йўли» дастурининг тузилиши, Бу дастурнинг амалга ошишида Марказий Осиё давлатларининг, жумладан Ўзбекистоннинг фаол иштироки.

Текширув саволлари:

1. «Тарих» деганда сиз нимани тушунасиз?
2. «Ўзбекистон тарихи» фани ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?
3. «Ўзбекистон тарихи» фани нимани ўрганеди?
4. Ўз халқимиз тарихини ўрганишдан мақсад нима?
5. «Ўзбекистон тарихи» фанини ўрганишнинг асосий илмий-назарий асосларини таърифлаб беринг.
6. «Ўзбекистон тарихи» қандай методологик асосда ўрганилади?
7. Тарихийлик методология деганда сиз нимани тушунасиз?
8. Ўзбекистон тарихини ўрганиш қандай даврларга бўлинади?
9. Ўзбекистон тарихини ўрганиш қандай тарихий манбаларга асосланади?

Адабиётлар:

1;2;3;12;23;29;30;31;32

2-маъруза: ўзбекистон инсоният тараққиётининг ўадимги учоўларидан бири.

Режа:

1. Инсониятнинг дастлабки аждодлари. Ибтидоий жамият ва унинг даврлари.
2. Уруғчилик жамоасининг вужудга келиши ва унинг инсоният тарихида тутган ўрни.
3. аждодларимизнинг илк диний эътиқодлари. «Авесто» - зардуштийлик динининг муқаддас китоби.

211. Тарихи минг асрлар қаъридан садо берадиган, аждодларимиз эъзозлаб бизга мерос қолдирган бу қўхна юртни қадим замонларда боболаримиз Турон, юнонлар Трансаксония, араблар Мовароуннаҳр деб аташган. Бундан қарийб бир минг икки юз йил аввал-VIII асрдан бошлаб эса, Турки стон деб юритишган.

Кўхна Турон-ҳозирги Марказий Осиё, жўгрофий Фарбда Каспий денгизи, Шарқда Хитой чегараси, жанубда Эрон ва Афғонистон, шимолда Орол – Иртиш сув айиргичига бўлган майдонни эгаллайди.

Марказий Осиё шарқи ва шарқи-жануби баланд тоғлар билан ўралган, қолган томонлари дашт ва чўллардан иборат бир ўлкадир. Кўхна Турон инсон ҳаёти ва маданиятининг энг қадимги ўчоқларидан биридир.

Марказий Осиё ҳудуди минг-минг йиллар давомида аждодларимизнинг тинимсиз меҳнати туфайли обод бўла борган. Бу ҳудудда, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ерларида, қадимий даврлардан бошлаб одамлар истиқомат қилганлар.

Ибтидоий жамоа тузуми Ўзбекистон тарихининг энг муҳим даврларидан биридир. Бу давр жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган Авваломбор, ибтидоий жамоа даври тарихида одамнинг пайдо бўлиши, унинг дастлабки маконлари масалалари ўта-муаммо ҳисобланади. Жаҳон фани ютуқларига кўра одамзотнинг дастлабки аждодлари зинжантроп –Жанубий Африкада, питекантроп – Индонезия, Синантроп- Хитойда, неандертал – Германияда яшаган. Бу минтақалар одамзотпайдо бўлган илк ҳудудлар ҳисобланиб келган.

Археологик олимлар кўхна Турон тупрогида ҳам энг қадимги одамларнинг изларини аниқлаганлар. 1938 йилда Бойсун тоғидаги Тешиктош ғоридан 8-9 яшар неандертал боласининг суяк қолдиқлари топилди. 1980 йилларда Фарғона водийсининг Сўх тумани яқинидаги Селунғур ғоридан синантропга замондош одамнинг суяк қолдиқлари топилиб, уни олимлар «Фергантроп одами» номи билан фанга киритдилар. Фергантроп одамининг яшаган вақти қадимги тош – (палеолит) даврининг ашель босқичи деб белгиланди. Агар Тешиктош ғоридан топилган неандертал боласи бундан 100 –40 минг йиллар аввал яшаган бўлса, фергантроп одами эса бундан бир миллион йиллар аввал яшаган. Бу икки топилма тарих фани соҳасида одамзотнинг пайдо бўлиш муаммосининг илмий ечимида жаҳон аҳамиятга молик ихтиро ҳисобланади.

Марказий Осиё ҳудудида ибтидоий жамоа тузумини даврларга бўлиш катта муаммолардан бири бўлиб, бу ҳақда фанда ягона фикрлар бўлмасда, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра у бир неча 100 минг йилларни ўз ичига олади. Умумий кўринишда Марказий Осиё ҳудудидаги ибтидоий жамоа тузумини қуйидаги даврларга бўлиб ўрганмоқ маъқул деб ҳисоблаймиз:

- I. Тош асри;
- II. Бронза асри;
- III. Темир асри;

Инсоният тарихида энг узоқ давом этган давр-бу тош асри бўлиб, у қуйидаги босқичларга бўлинади:

1. Палеолит –қадимги тош даври;
2. Мезолит - ўрта тош даври;
3. Неолит- янги тош даври;
4. Энеолит –мис тош даври ;

Археология фанининг маълумотларига қараганда палеолит (қадимги тош даври) уч босқичга бўлинади:

1. – Илк палеолит. Ашел даври – милоддан 700-100 минг йилликларни ўз ичига олади. Марказий Осиёда топилган илк палеолит ёдгорликлари милоддан 500-100 минг йил аввалги даврларга оид бўлиб, «ашел» даври маданияти дейилади;

2 - Ўрта палеолит. Бу давр «Мустье» даври маданияти деб аталиб, милоддан аввалги 100-40 минг йилликларни ўз ичига олади;

3- Юқори (сўнги) палеолит – милоддан аввалги 40-12 минг йилликлар киради.

Ибтидоий жамоа тарихининг колган даврлари: мезолит-милоддан аввалги 12-7 минг йилликлари, неолит-милоддан аввалги 6-4 минг йилликлар, энеолит – 4-3 минг йилликлар, неолит – милоддан аввалги 6-4 минг йилликлар, энеолит 4-3 минг йилликлар, бронза даври –милоддан аввалги 3-2 минг йилликларни ўз ичига олиб, темир даври эса, милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларига тўғри келади.

Марказий Осиё худудида топилган ва ўрганилган Селумғур (Фарғона) Учтут (Бухоро), Унарча (Қирғизистон) Қоратоғ (Тожикистон) каби маконлар илк палеолит даврига оиддир.

Марказий Осиёда ўрта палеолит (мустье маданияти даврининг энг машхур ёдгорликларига Тешиктош, Обирахмат, Хўжакент, Кўлбулоқ, Қўтирбулоқ Учтут каби бир қатор маконлар киради. Бу даврда музланиш кенг тарқала бошлаган, иқлим шароити анча ёмонлашган. Бу ҳол одамларни табиат кучлари билан курашишга мажбур қилган. Улар аста-секин овчилик хўжалигини такомиллаштириб йирик ҳайвонларни овлашга ўта бошлаганлар, ўт чиқаришнинг турли йўллари иxtиро қилдилар, турли шароитида яшаш учун ўзларига, бошпаналар (ғорлар, қапа, чайлалар) изладилар ва қурдилар. Бу даврда меҳнат қуролларининг янги турлари: қирғич, пичоқ кабилар пайдо булди.

Инсоният тарихи шажарасида бу даврнинг одами неандертал одами номи билан юритилади. Неандертал одамлар яшаган маданият маконлари Марказий Осиё худудининг 50 дан ортиқ жойида топилган. Шулар орасида 1938 йилда Бойсун тоғининг (Сурхандарё) Тешиктош деб аталган ғоридан топилган ёдгорликлар алоҳида қимматга эгадир. Ғордан тош қуроллар, гулхан излари, кул қолдиқлари, ҳайвон суяклари билан бир қаторда 8-9 яшар боланинг бош суяклари топилган. Унинг ёнида бир неча жуфт тоғ эчкиси шоҳлари ҳам топилган Бундан шу нарса маълум бўладики, неандертал одамларнинг асосий машғулоти ҳайвон ови бўлган.

Қадимги тош асрининг охириги юқори (сўнги) палеолит бўлиб, бу даврда Марказий Осиё худудида иқлим қуруқ ва мўътадил бўлган. Шунинг учун ибтидоий одамлар ғорлардан чиқиб, енгил турар жойлар кура бошлаганлар. Натижада улар фақат тоғли худудларда яшаб қолмай, воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликларда, дарё ва кўллар соҳалларига келиб жойлаша бошладилар. Сўнги палеолитнинг энг катта ютуғи антропогенез жараёнининг тугалланиши ва ҳозирги давр одамларига хос ташқи қиёфасидаги одамларнинг (кроманьон) шаклланишининг бошланишидир.

2\2 Инсоният тарихий тараққиётида шундай давр юзага келдики, бу даврда ибтидоий тўда ўрнига уруғчилик жамоаси вужудга келди. Бу ҳолат сўнги палеолит даврига тўғри келади. «Ибтидоий тўда» ўрнини матриархат – она уруғи жамияти, яъни «уруғчилик жамоаси» эгаллайди. Уруғчилик ибтидоий жамиятнинг алоҳида босқичини ташкил этиб, бу ижтимоий ҳаётдаги қатор ўзгаришларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хусусан, аёллар жамиятда етакчи мавқеини эгаллаганлар, Жинслар ўртасида меҳнат тақсимооти келиб чиққан

Аёллар озиқ-овқатларни сақлаш, овқат тайёрлаш, оилада болани боқиш ва тарбиялаш ишлари билан банд бўлса, эркаклар асосан овчилик билан шуғулланганлар, меҳнат куроллари тайёрлаганлар. Бу даврда қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ таъқиқланган. яъни экзогамия пайдо бўлган. Бу эса инсоннинг биологик жиҳатдан такомиллашиб боришига замин яратган.

Уруғчилик жамоасининг вужудга келиши аждодларимиз ҳаётида иқтисодий силжишларига, ҳатто инқилобий ўзгаришларга олиб келди. Масалан, милоддан аввалги 12-7 минг йилликларни ўз ичига олган мезолит (ўрта тош) даврида аждодларимиз камон ва ўқни кашф этдилар. Бу эса инсон яратган биринчи механизмдир.

Милоддан аввалги 3-2 минг йилликларга келиб ишлаб чиқаришда мис, темир ва бошқа металлари қоришмасидан фойдаланиш жез даври (бронза) нинг бошланишига олиб келди. Бу даврда инсоният жамият тараққиётида, халқ хўжалиги, техника ва маданият соҳасида катта ютуқларга эришди. Буни Зарафшоннинг қўйи оқимидаги Замонбобо қўлида, Панжикент яқинидаги Саразм қишлоғида, Сурхандарёнинг Сополлитепа, Жарқўтон, Хоразмнинг Тозабоб, Тошкентнинг Аччиққўл, Андижоннинг Далварзинтепа, Қаршининг Ерқўрғон, Тўртқўлтёпа ва бошқа ҳудудларда топилган ашъвий топилмалар исботлайди. Бу даврга оид топилмалар ўлкамизда қадимги шаҳарларнинг вужудга кела бошлаганлиги, аҳоли ўртасида мулкӣ тенгсизлик қарор топиб, ижтимоий табақаланиши жараёни бошлаганлигини кўрсатади.

Жез (бронза) даврида Ўрта Осиёнинг ижтимоий тузумида ҳам ўзгаришлар бўлди. Уруғчилик тузуми бу даврда давом этган бўлса ҳам, она уруғининг мавқеи аста-секин йўқолиб борди. Метал эритиш ва хўжаликнинг ривожланиши натижасида жамиятда эркаклар меҳнати биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб борди. Бу ҳол матриархат уруғи ҳукмронлигининг емирилиши ва патриархат – ота уруғи тузумининг ҳукмронлигига олиб келди.

2\3. Инсоният тараққиётининг турли босқичларида қадимги аждодларимиз ҳаётида дастлабки цивилизациянинг маънавий асослари юзага келди.

Оловдан фойдаланиш, ўқ-ёй, сопол идишлар, жездан зеб-зийнатлар ва буюмлар яшаш, марҳумларни кўмиш қўхна Турон қадимги одамлари моддий ва маънавий маданиятининг асосий белгиларидир. Лекин, табиий олам тилсимий ҳодисалари олдида одам ожиз қолаверади. Одам табиат ҳодисаларига, ҳайвонларга сиғина бошлади. шу тариқа дастлабки диний эътиқодлар пайдо бўлди.

Ибтидоий одамлар ўзларида содир бўлаётган руҳий кечинмаларни, фаолиятларининг хусусиятларини табиатга хос бир ҳолат деб билишган.

Дастлабки диний эътиқодлар ва маросимлар аждодларимиз ҳаётида уруғчилик жамиятида пайдо бўлган.

Ибтидоий тузум кишилари табиатни жонли тарзда тасаввур қилишган. Улар ўзларида содир бўладиган руҳий кечинмаларни, фаолиятларнинг хусусиятларини табиатга хос бир ҳолат деб билишган. Табиатнинг жонлилиги тўғрисидаги тасаввурлар йиғиндиси фанда анимизм деб аталади.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли машҳур асарида Хоразм халқи орасида анимизм кенг тарқалганини кўрсатади. Хоразм халқи ўнинчи ойнинг ўн бешинчи кунида жинлар ва ёмон арвоҳлар келтирувчи зарарларни даф этиш учун ис чиқариб, овқатлар пиширишган. «Ис чиқариш» деб аталадиган бу маросимда, одатда, арафа

кунлари, тўй тантаналари олдида, баҳорги ва кузги ер ҳайдашдан олдин ва таъзия маросимларида бўғирсоқ, юпка қатлама пиширилиб тарқатилган. Уларнинг эътиқодига қараганда, қиздирилган ёғ ҳиди поклаш ва эҳтиёт қилиш хусусиятига эга бўлган.

Тарихий асарларда, илмий манбаларда сув билан боғлиқ одатлар, байрамлар ҳақида бир қатор қимматли маълумотлар берилган. Масалан, баҳор ёки ёзнинг улуғ айём кунларида ёхуд байрамларда одамлар ўша йил серсув, ҳосилдор бўлсин, деб бир-бирларига сув сепишган. Наврўз кунлари одамларнинг бир-бирларига сув сепиш одати форишликларга яқин кунларгача сақланиб қолган. Ўзбекистон ҳудудининг лалмикор жойларида ҳатто сув сепиш одати асосида қадимида махсус уюштирилладиган «Сув ҳати» маросими ҳам шаклланган. Ёмғир чақириш мақсадида улар бир-бирларига сув сепиш афсунгарлик усулини ҳам қўллаганлар. Бу урф Зарафшон водийсида «Сусхотин», Сурхандарё вилоятида «Бўзхотин» Қашқадарё вилоятининг айрим туманларида эса «Чайла қозоқ» деб аталади.

Маълумки, дўл деҳқончиликка жиддий офатлар олиб келган. Бундай ҳолларда сеҳргарлик амалидан фойдаланилган. Хусусан, бунда «дўлни қайтарадиган» тош қўлланган ва ташбақани чалқанча ҳолатда ахлат ичига кўмилган. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Қамаш туманларида бу одатга ҳозиргача амал қилинади. Қурғоқчилик вақтида деҳқонлар ташбақани ағдарилган ҳолатда девор ёки дарахт устига қўйиб кетар эдилар. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси, шубҳасиз магия (сеҳргарлик, афсунгарлик) кўринишлари бўлиб, одамларнинг сеҳр усуллари орқали, маълум нарсалар ёрдамида табиатга таъсир қилиш ва шу йўл билан кўзлаган мақсадларига эришишга қаратилган фаолият эди.

Марказий Осиё ҳудудида шомончилик ҳам халқнинг ҳаёт тарзи, турмуши билан узвий боғлиқдир. Бизнинг ота-боболаримиз ёрдамчи –руҳлар, яъни отахонлар, парилар мавжудлиги, дев ва жинлар, шайтонларнинг борлиғига қаттиқ ишонганлар. Фақат ишонибгина қолмай, балки амалда улар билан иш кўришган. Шомонлар руҳларни бемалол чақиришиб, маълум бир мақсад йўлида хизмат қилдирганлар ёки улар ёрдамида кишиларнинг мақсад – ниятларини, бошқа жойларда кечган ёки бўлғуси воқеаларни билиб олганлар. Аждодларимиз ҳаётида кенг тарқалган дастлабки диний эътиқодлардан яна бири – фетишизмдир. Фетишизмнинг кўринишларидан бири турли хил буюмлардан ясаладиган тумор тақиш одатидир. Туморларнинг шакли ва тузилишига қараб этник тафовутларни кўриш мумкин. Масалан, хивалик ўзбеклар узунчоқ туморлар тақишни афзал кўришган бўлса, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида тўғри бурчакли ва уч бурчакли туморларни тақишган.

Аждодларимиз маънавий ҳаётидаги дастлабки диний эътиқодлар заминиде аста-секин бутун Турон ҳудудидаги кенг тарқалган динлар пайдо бўлди. Шундай динлардан бири зардуштийлик (Зороастризм) динидир. Олимларнинг хулосаларига қараганда Зардуштийлик дини Марказий Осиё ҳудудида миллоддан олдинги биринчи минг йилликнинг ўрталарига келиб кенг тарқала бошлаган.

Хўш, зардуштийлик ўзи нима? Зардуштийлик дини катта минтақада шу жумладан Турон Заминда кўп асрлар давомида ҳукум сурган, будда, исовиён, ислом ва бошқа дунёвий динларга диний мазҳабларга ҳам ўз таъсирини ўтказган жаҳоншумул дин, диний таълимот, дунё қараш ҳисобланади. Бу диннинг пайдо бўлиши Зардушт деган пайғамбар номи билан боғлиқ. Олимларнинг

аниқлашича, Зардўшт тарихий шахс бўлиб, Слитома уруғидан, Порушасининг ўғлидир. Зардўшт мавжуд маъжусий дунё қарашларини тартибга солиб, яхлит бир диний таълимот яратган. Таълимот оғзаки яратилган ва оғзаки трғиб қилинган. Содда шеърий сатрларда, қадимги халқларнинг дунёқарашларига мос мифологик тимсоллар ва тасвирлар билан яратилгани сабабли тез ёд олинган.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, зардўштийлик Туронда (Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна, Фарғона каби ҳудудда) пайдо бўлиб, шакилланиб, кейинчалик Эронга ўтган. Зардўштийликнинг оғзаки таълимоти ёзилган «АВЕСТО» номли муқадас китоб ҳам дастлаб шу Турон ҳудудида тўғилган, деган фикрни билдирадilar. «Авесто» нинг ҳудуди шу Марказий Осиё ҳудудида вужудга келганлиги хусусида қатор ривоятлар бор. Шулардан бирида, зардўштийлик дининг биринчи «муқаддас олови» Хоразмда ёқилган дейилади. «Авесто» а тасвирланган «Айриана-Вайжо» деган мамлакат Зардўштга кўриниш берган. «Айриана-Вайжо» деган афсонавий мамлакатнинг «Авесто» да сақланиб қолган тасвири Хоразмнинг жўғрофий шароитларига жуда тўғри келади. «Авесто» даги Урва (Урганч), Ардвн (Амударё), Варуқаш (Орол денгизи) каби атамалари ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Бундан ташқари, Хоразм сўзининг ўзи ҳам «Куёшли ер» («хвар»-куёш, «зом»-ер) деган маънони билдириб, унинг куёшга сажда қилувчи мамлакат эканидан далолат беради.

Зардўштийлик Эронда аҳмонийлар салтанатини, кулдорлик жамиятини мустақкамлашда қўл келади. Ягона худо Ахурамаздага сиғиниш, шоҳликни, шоҳларни илохийлаштиришга эришадilar. Шу сабабдан ҳам аҳмоний, сосоний, самоний шоҳари зардўштийликни қадирлаб «Авесто» ни ёзиб олганлар, авайлаб асраганлар. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Доро ибн Доро хазинасида «Авесто» нинг ўн икки минг қаромол терисига тилла сув билан битилган асл нусхаси бўлиб, Искандар Зулқарнайн томонидан унинг бир қисми ёндириб юборилган, бир қисми олиб кетилган экан. Беруний маълумотида кура «Авесто» нинг бешдан икки қисми сақланиб қолган, холос. Сасонийлар даврида «Авесто» нинг сақланган қисмлари тартибга келтирилган, қўшимча ёзиб олинган ва тўлдирилган.

Маълумотларга қараганда «Авесто» 25 китоб (накс), 348 бобдан иборат бўлаган. «Авесто» икки таҳрирда бўлиб, биринчиси - «Дидавдат-Сада» авастий тилида, иккинчиси – «Занд Авесто» паҳлавий тилда битилган. Бизгача мана шу иккинчи таҳрирдан баъзи бир бўлакалари етиб келган холос. «Дидавдат», «Виспорад», «Ясна», «Яшт», «Кичик Авесто».

«Авесто» нинг биринчи қисми – «Вендидад» Зардўшт билан Азурамазда ўртасидаги савол-жавоблар (диолог) шаклида бўлиб, 22 бобни ўз ичига олган. Унда асосан покланиш, гуноҳдан фориғ бўлиш ҳақида сўз боради, шу билан бирга олов, сув, ер, мол, дарахт ва ўсмликлар, ҳамда руҳлар ҳақида ҳикоя қилинади.

24 бобни ўз ичига олган иккинчи «Висперед» қисми кўйланувчи дуолардан иборат.

«Занд Авесто» нинг учунчи «Ясно» қисми энг катта қисм ҳисобланади. Бу қисда 72 боб бўлиб, уқурбонлик маросимларида кўйланадигандуолар тангриларга муножат ва уларни мадҳ этишга қаратилган ҳикоялардан тузилан. «Ясно» сўзи ҳам маросим, ҳам томоша маъноларни ифодалашни бежиз эмас.

«Авесто» нинг энг қадимги қисмлари ҳисобланган «Гот» лар (улар 17 бобни ташкил қилади) ҳам «Ясно» таркибига киритилган.

Тўртинчи қисми «Яшт» бўлиб, бу ҳар қайсиси бир илоҳга бағишланган, ўз ичига кўпгина афсоналарни қамраб олган 22 та қасидадир.

Ниҳоят, бешинчи – «Кичик Авесто» қисми дуолар, фатволар, илоҳлар ва пирлар рўйхати ва бешта қасидадан (гоҳ) иборатдир.

Зардўштийлик таълимотининг асосий хусусияти дуализмдир. Шунга кўра, ёруғлик ва яхшилик келтирувчи марҳаматли олий худо Ахурамазад зулмат, ўлим, ёмонлик олиб келувчи Анҳра-Ману (юнонча Аҳриман) га қарши аёвсиз кўраш олиб бориб, табиатни, жамиятни, одамларни унинг ёвузликлари, зиён-захматлардан асрайди; ўзи яратган Митра, Ардвису Оша, Хуварно, Йима (Жамшид), Хумо, Вартранга каби маъбудалар ёрдамида дунёни идора қилади, ўзи кашф этган еттита мавжудот-инсон, ҳайвон, олов, ер, осмон, сув ва ўсимликларга раҳномалик кўрсатади.

Энг муҳим ва қимматлиси шуки, «Авесто» Ватанимиз тарихини ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланади. Унда қадимги аждодларимизнинг бошқарув тизми, ижтимоий турмуш ва маданий ҳаётга оид маълумотлар бор. Шулар жумласига қадимгаи географик тушунчалар-дарёлар, тоғлар, кўллар номлари, ҳудудий этник-қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ҳақида ижтимоий ва сиёсий тузум, диний насиҳатлар, зарўштийларнинг фалсафаси, дунё тарихи ривожланиши ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар киради.

Марказий Осиё халқлари қадимги маданиятнинг ёрқна гамунаси бўлиб, ўша ибтидоий даврдан бизгача етиб келган саънатнинг яна бир нодир тури тош қояларидаги расмлар хизмат қилади. Бу рангли суратлар инсоннинг табиат кучларига муносабатларини, дунёқарашларини ифода этганлар.

Археолог олимлар Сурхандарё вилоятидаги Зараутсой дарасида қояларга чекилган рангли суратларни топдилар. Бу раслар мезолит-неолит, яъни мил. авв. VIII-IV минг йилликка оиддир. Ов манзараси акс эттирилагн Зараутсой суратлари ибтидоий маънавий маданиятнинг нодир манбалари бўлиб, улар уш давр одамларнинг фикрлаш тарзини, илк магик тасаввурларини ўзида намаён этади.

Бу суратлар орасида «Ёввой ҳайвонларни ов қилиш» деб номланган манзара диққатга сазовордир. Унда ўқ-ёй тутган овчилар шиддат билан олға интилмоқдалар, қунғироқсимон либосларга бурканган яна алла қандай сирли мавжудод, югуриб кетаётган ҳўкизлар, уларга бир талай итлар ҳужум қилиб бормоқда.

Ибтидоий одамлар бу тасвир ва манзараларни турар жойларга зеб бериш учун атайлаб чизмаган бўлсалар керак. Балки улар чизган ҳайвонларнинг суратлари бундан кейинги овларнинг бароридан келишига ёрдам беради деган ишонч тимсолидир. Афтидан Зараутсой ибтидоий одамлар учун муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолган бўлса, ажаб эмас.

Бу ерда улар ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракатларига тақлид қилиб, маросим ўйинларини ижро этишган, камондан ўқ узиб, палохмон ва найзалар отиб, ов манзараларидан томошалар кўрсатган.

Шубҳасиз, тасвирий саънатнинг қадимги ёдгорликлари ибтидоий одамларнинг фикрлар жараёнини англаш, улар онгини нималар кўпроқ банд этгани ва ҳаяжонга солганини, теварак атроф ҳақидаги уларнинг тасаввурларини билиш, улар фойдаланадиган меҳнат қуролларини аниқлаш имконини берувчи жуда қимматли тарихий ҳўжжатлар ҳисобланади. Марказий Осиё худудида

қояларга ўйиб ёзилаган ва чекилган кўплаб суратлар топилган. Улар орасида, айниқса, Фарғонадаги Соймалитош ва Сурхондарёдаги Зараутсой ғоридаги қояга ўйиб ишланган манзаралар диққатга сазовардир. Қоятош суратларининг энг нодир намуналари шунингдек республикамиз ҳудудидаги Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, теракисой каби юзадан очиқ жойларда борлиги аниқланган.

Марказий Осиё халқларининг дунёдаги энг бой тарихга, ўзига хос тарихий маданиятга эга эканлигини биз шу ҳудудда қадимдан яшаб келган қабила, уруғ ва элатларнинг ига хос қадимий ёзув орқали ҳам билиб оламиз. Хусусан, маълумотларга қараганда, милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида Марказий Осиё, Эрон ва бошқа ҳудудларда ормий ёзуви кенг тармоқланган. Марказий осийни юнон-македон босқинчилари босиб олгач, бу ерга юнон ёзуви кириб келган. Оромий, юнон ва форсий миҳхат ёзувлари маълум даврларда маъмурий ҳужжатларни расмийлаштиришда қўлланилган. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви негизида Авесто, Хоразм, Суғд, Кушон, Бақтрия, Рун (Урхун-Энасой), Уйғур каби бир қатор маҳаллий ёзувлар вужудга келган.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган далил ва мисоллар заминида биз ҳақли равишда марказий Осиё ҳудуди ўзининг бой ва бебаҳо қадимий маданият билан инсоният цивилизациясининг қадимги учоқларидан биридир деган хулосани қиламиз.

Таянч тушинчалари:

Инсониятнинг дастлабки аجدодлари, уларнинг маконлари;
Ибтидоий жамият; тош асри, жез асри, темир асри;
палеолит, мезолит, неолит, энеолит;
матриархат, патриархат;
анимизм, тотемизм, магия; зардўштийлик, «Авесто». Неандерталь, антропогенез, кроманьон; ашель, мустье

Текширув саволлари:

1. Ўзбекистон ҳудудида топилган ва ўрнатилган ибтидоий аجدодларимиз яшаган қандай манзилгоҳларини биласиз?
2. Ўзбекистон ҳудудидаги ибтидоий жамоа тузуми тарихини қандай даврларга бўлиб ўрганмоқ маъқул?
3. Палеолит даврига оид Ўзбекистон ҳудудида топилаган ва ўрнатилган маъноларни топинг.
4. Уруғчилик жамоаси қайси даврда шакилланади ва унинг босқинчиларини аниқланг?
5. Ўқ-ёй қачон кашф этилди, унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти нимадан иборат?
6. Неолит даврида аجدодларимиз нималарни кашф этганлар?
7. Бронза даврда аجدодларимиз ижтимоий ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берди?
8. Зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» Ўзбекистон тарихини ўрганишда қандай аҳамиятга эга?

Адабиётлар:

1, 8, 12, 13, 16, 31, 32, 30.

3-Маъруза: Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари.

Режа:

1. Жаҳонда ва ватанамиз ҳудудида илк давлатлар вужудга келишининг асосий омиллари. Ўзбек давлатчилиги тарихининг даврлари.
2. Ватанамиз ҳудудида вужудга келган энг қадимги давлатлар.
3. Турон заминга ажнабий босқинчиларининг хуружи ва уларга қарши озодлик, мустақиллик учун кураш.
4. мил. Авв. I минг йиллик охири ва милоднинг дастлабки асрларида ўзбек давлатчилиги.

31. Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси Президент И.А. Каримов 1998 йилда ўтказган бир гуруҳ тарихчилар билан мулоқоти чоғида олимлар олдига ҳақли равишда: «Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? (Қандай? Тарихий босқичларни босиб ўтди?)» деган саволни қўйди. Бу саволга жавоб топиш учун, табиийки, жуда кўп илмий-изланиш ишларини бажаришга тўғри келади. Тарихчилар олдида турган муҳим ва катта вазифалардан бири-тўғридан-тўғри Ўзбекистон давлати тарихини, ўзбек давлатчилиги тарихини илмий ўрганишда иборатдир.

Ўзбек давлатчилиги тарихини босқичма-босқич кўришдан олдин, давлат ва давлатчилик тушунчалари, давлатларнинг пайдо бўлиш тарихини тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Давлатларнинг пайдо бўлиши инсоният тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки халқларнинг ўз цивилизация босқичига ўтган ёки ўтмаганлиги, у ёки бу халқнинг ўз давлатчилик тизимига эга ёки эга эмаслиги билан белгиланади.

Давлатинсоният тараққиётининг маълум босқичида, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига хусусий мулкчилик пайдо бўлгандан ва жамият бири-бирига қарама-қарши синфларга бўлингандан кейин, келиштириб бўлмайдиган синфий зиддиятлар маҳсули ва далили сифатида пайдо бўлган. Давлат жамиятга ташқаридан, зўрлаб киритилган куч бўлмай, балки ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши натижасида жамиятнинг ўзида вужудга келган.

Жамиятни бошқаришнинг бирламчи ва асосий шакли ўзаро қондош-қариндош одамларнинг шахсий иттифоқи – уруғ бўлган. Уруғлар ҳудуд ва тил жиҳатидан яқинлигига қараб бирлашиб, бир неча уруғдан иборат уюшмани, ўз навбатида бир неча уруғ уюшмалари бирлашиб қабилани ташкил этган. Уруғ тепасида уруғнинг умумий йиғилишида сайлаб қўйладиган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ва кўпчилик ҳурматида сазовор бўлган оқсоққоллар ёки

ҳарбий бошлиқлар турган. Уруғ уюшмалари ва қабилаларни айрим уруғ оқсоқоллари ва ҳарбий бошлиқлардан ташкил топган кенгашлар бошқарган. Оқсоқоллар ва ҳарбий бошлиқлар ҳеч қандай имтиёзлардан фойдаланмаганлар. Уларнинг ҳокимияти оқсоқол ва ҳарбий бошлиқларнинг обрўсига, уруғ аъзоларининг уларга бўлган ҳурматига ва қўллаб-қўвватлашга суянган.

Юқорида қайд этилганидек, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тараққиёти, хусусий мулкчиликка асосланган бир-бирига қарма-қарши (антогонистик) синфларнинг вужудга келиши жамиятни давлат йўли билан бошқариш шаклига олиб келди.

Давлат –тарихий ходиса, синфий жамият маҳсулидир. Синфий жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланишининг иқтисодий шароитлари, унинг мурасасиз синфий қарама-қаршиликлари иқтисодий ҳукмрон синфнинг кучларини давлат сифатида бирлаштиришни ва у ёрдамида ўз манфаатларига мос бўлган ишлаб чиқариши муносабатларини мустаҳкамлаб олишни объектив зарурат қилиб қўяди. Ҳукмрон синф давлат ҳокимиятидан фойдаланиб, ўз иродасини қонун даражасига кўтаради ва бутун жамият аъзоларини шунга риоя қилишга мажбур этади.

Давлатга эга бўлган жамият ибтидоий жаома тузумидан, аввало, ўз фуқароларининг ҳудудий принцип бўйича белгиланиши билан фарқ қилади. Маълумки, ибтидоий жамоа тузумида одамларнинг бирор уруғ ёки қабиллага мансублиги, ижтимоий мавқеъ уларнинг қондошлигига қараб белгиланган. Давлатли жамиятда эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари илгари улар қайси уруғ ёки қабиллага мансуб бўлганлигига қараб эмас, балки улар яшаётган ҳудуд ва шу ҳудуднинг қайси давлатга қарашига, қайси давлатнинг фуқаролигига ҳамда қайси синфга мансублигига қараб белгиланади.

Ҳар қандай давлатнинг моҳияти унинг функцияларида, яъни давлат фаолиятининг асосий йўналиши, унинг ички ва ташқи сиёсатининг мазмуни ва характери билан белгиланади.

Бошқача қилиб айтганда, давлат ва давлатчилик моҳиятини мавжуд жамият барча имкониятларини шу жамият аъзолари манфаати йўлида рўёбга чиқариш ишига бош бўлувчи, уларнинг ҳаўқ-ҳуқуқларини муҳофаза этувчи сиёсий бошқарув услуби ташкил этади. Шу билан бирга давлат белгилари ҳам мавжуд. Улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади: Давлат ҳудуди (яхлит мамлакат), фуқаролари, идоралари, пули, тили, қўшини, байроғи, тамғаси, мадҳияси, чегаралари ва ҳоказо. Албатта, турли давр ва шароитларда давлат-давлатчилик моҳияти ва белгилари турлича бўлиши мумкин.

Жаҳон тарихидаги энг қадимги давлатлар Месопотамия ва Миср ҳисобланади. Улар милоддан аввалги IV-III минг йилликларда илк қулдорлик давлатлари сифатида вужудга келди.

Марказий Осиё ҳудудида илк давлат уюшмалари милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларида пайдо бўла бошлади ва улар ўзбек давлатчилиги тарихини бошлаб бердилар.

Ўзбекистонда давлатчиликнинг келиб чиқишида милоддан аввалги III-II минг йилликларда шаклланган сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалиги, хунармандчилик ва маҳсулот алмашишнинг пайдо бўлиши асосий омил бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидламоқ керак.

Салкам уч минг йиллик тарихига эга бўлган ўзбек халқи давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши даврларга бўлиниб, у қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбек давлатчилигига ўтиш даври (милоддан аввал II минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярми);
2. Илк давлат уюшмалари (милоддан аввал I минг йилликнинг биринчи ярми);
3. Қадим давр давлатчилиги тарихи (мил. Ав. IV аср охири милодий IV аср);
4. Илк ўрта аср давлатчилиги тарихи (V-VIII аср ўрталаригача);
5. Ривожланган ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (IX-XIII аср бошлари);
6. Амир Темур ва темурийлар давлаи (XIV аср иккинчи ярми XVI аср бошлари);
7. XVI-XIX аср биринчи ярми давлатчилиги тарихи;
8. Ўзбек давлатчилиги XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср мустамлакачилиги даврида;
9. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги бир неча минг йиллик ўзбек давлатчилигининг давоми ва вориси сифатида.
10. Табиийки, ўзбек давлатчилиги тарихидаги бу даврлар бир қатор босқичларга бўлиб ўрганилади.

32. Ватанимиз ҳудудида ташкил топган энг қадимги давлатлар –бу милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида вужудга келган Хоразм ва Бақтрия давлатларидир.

Марказий Осиё ҳудудида ташкил топган энг қадимги давлатлар тарихини ўрганишга бизга археологик қазилмалар натижасида топилган ашёвий далиллар, махаллий ёзма манбалар, масалан «Авесто», Берунийнинг «Осорул-боқия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») каби асарлар, кўхна эроний ёзувлар. Юнон, Хитой муаррихларнинг ёзиб қолдирган маънавий мерослари ёрдам беради. Манбаларнинг гувоҳлик беришича ўтмиш аждодларимиз мил.ав. I. минг йиллик бошларида темирни кашф этдилар. Натижада ҳар қандай тараққиётнинг турткиси бўлиб келган меҳнат қуролининг такомиллашуви учун кенг имконият туғилди. Оқибатда инсон фаолияти кенгайди ва жадаллашди. Ўтказилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмидаёқ минтақада тоғ жинсларини, хусусан, темир олтин, қалай, қўрғошин ва ҳоказоларнинг қайта ишлаш, улардан жанг, меҳнат қуроли яшаш, кулолчилик, тўқувчилик, қурилиш, заргарлик каби соҳаларда кенг фойдаланилган.

Бундан ташқари, мил.авв. VIII-VI асрларда Хоразмда узунлиги бир неча ўн километр, эни бир неча ўн метрни ташкил этган ўлкан сунъий суғориш каналлари мавжуд бўлганлиги тарихдан маълум. Бу ҳол сунъий суғориш ишларининг аждодларимиз деҳқончилик ҳаётида катта ўрин тутганлигини кўрсатади. Бундай катта ҳажмдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик бўлган ишларни эътиборли ва нуфузли кучга эга бўлган давлат тузилмаси мавжуд бўлган тақдирдагина амалга ошириш мумкин эди. Демак ўз-ўзидан хулоса чиқариш мумкинки, мил.авв. I. минг йилликнинг биринчи ярмидаёқ, ватанимиз ҳудудида дастлаб давлат уюшмалари ташкил топган:

Тарихда «Катта Хоразм» деб юритиладиган бу қадим давлатнинг ҳудуди таркибига Аму ва Сирдарёларнинг қўйи оқимидаги ерлар, Орол денгизи атрофи, Каспий денгизига қадар бўлган ерлар кирган.

«Катта Хоразм» давлати тўғрисида бир қатор хоразмшунос олимлар, шу жумладан биринчи ўзбек археолог олими Я.Ф. Гуломов, қимматли маълумотлар берганлар. Уларнинг хулосаларига қараганда Зардушт шу заминдан бўлиб, ўз таълимотини бошқа вилоятларга тарқатган. «Авесто» да «Катта Хоразм» га қарашли вилоятлар бирма-бир санаб ўтилади. Бунга кўра, Марказий Осиёнинг катта қисми «Катта Хоразм» худудига қарашли бўлган. Бу фикрни юнон муаррихи Ҳеродот тасдиқлаб, «Катта Хоразм» давлатининг экин майдонларини суғориш учун Окс дарёсига туғон қурилганлиги тўғрисида маълумотни қолдирган.

Юнон муаррихи Ҳеродотнинг маълумотларида Хоразм ўлкасида яшаган аҳоли деҳқончиликда катта тажрибага эга бўлиб, улар донли дуккакли экинлар, хусусан, бўғдой, сўли арпа, мева-сабзавотчилик маҳсулотларини мўл-кўл етиштирганликлари қайд этилган Хоразм воҳасида хунармандчилик, тоғ-кон ишлари анча ривожланган. Бу ердан қазиб олинган қимматбаҳо зумрад тошлар ишлов берилиб, юксак сифат кўрсаткичга етганидан кейингина у муҳим тайёр маҳсулот сифатида фойдаланишга чиқарилган. Хоразмда аҳолининг бир қисми чорвачилик билан шуғулланган, уларнинг туя, от, кўй-эчкилардан иборат сурувлари бўлган.

Ахамонийлар босқинига қадар Марказий Осиё худудида ташкил топган иккинчи давлат – бу Қадимги Бақтрия подшолигидир. Баъзи маълумотларга қараганда унинг таркибига Сўғд ва Марғиёна ҳам кирган. Юнон муаррихи Ктессий Бақтрия ҳақида қимматли маълумотлар беради. У Бақтриядаги кўплаб шаҳарлар, мустаҳкам пойтахт шаҳар- Бақтрия (Балх), давлат Оксиарт ва унинг бойликлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бундан ташқари Ҳеродот асарларида ҳам Бақтрия давлати Миср ва Бобил каби йирик давлатлар қаторида тилга олинади. Бақтриянинг тибий бойликлари, айниқса, Бадахшон ложуварди (лазурити) Олд Осиё давлатларида машҳур бўлган. Бақтрия подшоҳлиги тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни археологияга оид қидирув топилмалари ҳам исботлайди.

Ватанимиз худудида вужудга келган энг қадимий давлатлардан яна бири бу Суғдиёнадир. Бу давлат қадимда Қашқадарё ва Зарафшон воҳалари худудида шаклланди. Бу давлат ҳам Хоразм ва Бақтрия давлатлари сингари мустақил фаолият кўрсатган. Унинг худудига ҳозирги Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятларининг ерлари кирган. Давлатнинг пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган. Бу шаҳар қадимда «Буюк Ипак йўли» да жойлашган бўлиб, савдо-иқтисодий жиҳатдан Шарқ ва Ғарбни боғлаган.

33. Милоддан аввалги VI аср ўрталарида Эрон худудида эроний сулола Аҳмон бошчилигида кучли давлат шаклланди ва қисқа давр ичида ўз атрофидаги бир қатор давлатларни, хусусан, Ассирия, Урарту, Мидия, Бобил ва бошқаларни ўз таркибига бирлаштириб йирик салтанатга асос солади. Бу қудратли давлат асосчиси Кир II Турон (Ўрта Осиё) ерларига юриш қилишга махсус тайёргарлик кўради. Кирнинг шарқий худудларга, жумладан, Турон заминга ҳарбий юришларини икки босқичга бўлиш мумкин. биринчи босқич мил. Авв. 545-539 йилларга тўғри келади. Бу босқичдаги даҳшатли жангларнинг бирида маҳаллий қабиланинг йўлбошчиси Спаретра исмли аёл 200 минг эркак ва 200 минг хотин-қизлардан ташкил топган қўшин билан Кир II қўшинини мағлубиятга учратади.

Кир II нинг Турон замин ҳудудларига иккинчи юриши мил. Авв. 539-530 йилларни ўз ичига олади. Ўрта Осиёнинг табиатан эрксевар, ртпарвар халқлари аҳмонийларга бўйсунмаслик учун ўз она замини, диёрини ҳимоя қилиб, мардонавор кураш олиб борганлар. Аҳмонийлар подшосининг юришига доир бир қатор ишончли маълумотлар юнон муаллифларидан Хиродот, Юстин, Страбонларнинг ёзувларида кўп учрайди. Кирнинг массагетлар юртига бостириб бориши, Эрон шоҳи билан массагетлар маликаси, мард ва жасур аёл Тумарис ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ўзаро уруши, унинг яқунларига оид эътиборга лойиқ маълумотлар юнон муарриҳи Хиродот асарларида берилган. Шу маълумотларга қараганда мил. Авв. 530 йилда массагетлар йўлбошчиси малика Тумарис Кир II устидан ёрқин ғалаба қозонади. Аҳмонийлар шоҳи Кир II нинг танадан жудо этилган бошини одамлар қони билан тўлдирилган меш-қопга солар экан, Тумарис шундай дейди: «Эй, Кир! Умр бўйи жанг қилиб, одам қонига тўймадинг, мана, энди тўйганингча ич!».

Мил. Авв. 522 йилда Аҳмонийларнинг янги подисоси Доро I бошчилигида Ўрта Осиёга янги босқинчилик юриши бошланди. Тарихий манбаларга қараганда, ўша йили Марғиёнада Доро I га қарши Фрада бошчилигида халқ кўзғолони кўтарилди. Аммо кўзғолон шафқатсизларча бостирилди. Шундай бўлса-да маҳаллий аҳоли ажнабий босқинчиларга қарши ўзларининг мардоновор курашларини давом этдирдилар. Босқинчиларга қарши жиддий қаршилик кўрсатилганлигини ва бунда сак қабиласига мансуб оддий чўпон Широқнинг мардлик-мангулик жасоратини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Юнон тарихчиси Полиэннинг «Харбий ҳийлалар» асаридаги Широқ тўғрисидаги афсонавий жасорат юзасидан берган маълумоти диққатга сазовордир. Манбада ҳикоя қилинишича, йилқибоқар Широқ ўз ватанига бостириб келган душманларни ҳийла ишлатиб, чалғитиб, Қизилқумнинг ҳалокати жазирама даштларига бошлаб боради ва ўз жонини қурбон қилиб, ватани ва халқини ёвуз душмандан асраб қолади, бу билан ўз элу-юрти, ватани, қабиладошлари олдидаги ҳақиқий фарзандлик бурчини адо этади. Шу боис ҳам унинг ёрқин сиймоси юртпарвар авлодлар хотирасида мангу муҳрланиб қолд.

Эрон аҳмонийлари босиб олган мамлакатларни, шу жумладан Ўрта Осиёни, итотали ҳолда ушлаб турмоқ учун сатрап (вилоят) ларга бўлган. Хусусан, Ўрта Осиё ҳудуди 4 та сатрапликка (вилоят бошқарувига) бўлинган. ўша даврдаги ўлка ҳудудида мавжуд бўлган Самарқанд (Афросиёб), Марв, Бақтра, Ерқўрғон, Қизилтепа, Кўзалиқир сингари шаҳарлари хунармандчилик ва савдо-сотик марказлари ҳисобланган. Бу даврда зарб этилиб, муомалага чиқарилган дастлабки танга пуллар ҳам шаҳарлар ҳаётининг ўсганлигини кўрсатади.

Ўрта Осиё халқларининг юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб борганкурашлари пировард оқибатда ўз самарасини бермай қолмади. Мил. Авв. IV асрга келиб Эрон аҳмонийлари ҳокимияти. Кучсизланди ва заифлашди. Бундай шароитда биринчи бўлиб Хоразм ўз мустақиллигини тиклади. Ўлканинг бошқа ҳудудларида ҳам маҳаллий халқларнинг Эрон аҳмонийларидан ўз юртини озод қилиш учун кураш тинмади. Бироқ, афсуски, ўлкамиз халқларини бу даврда тарихнинг яна бир оғир синвои кутмоқда эди. Бу македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга уюштирган мислсиз қонли истилосидир.

Мил.авв. 360 йилда Македония тахтига Филипп II ўтирди ва кучли, темир интизомни армия тузди. Юнонистоннинг барча ҳудудларини эгаллаб олган Филипп II ўзини 337 йилда Юнонистон подшоси деб эълон қилди. Бу даврда

Эрон аҳмонийлари билан Юнонистон ўртасида зиддиятларнинг кучайиши боис, Филипп II мил. Авв. 336 йилда аҳмонийларга қарши уруш бошлади. Бироқ ўша йили Филипп II нинг ўлдирилиши уруш ҳаракатларининг тўхтаб қолишига олиб келди. Юнонистон подшолиги тахтини Филипп II нинг 20 ёшли ўғли Искандар эгаллади.

Искандар отасининг йўлини давом эттириб, биринчи галда, мамлакат ички ҳаётини, мустақамлади, сўнг қўшни давлатларни босиб олабошлади. Мил. Ав. 334-331 йилларда ўзининг асосий рақиби, Эрон аҳмонийлар подшоси Доро III қўйинларга қақшатғич зарбалар бериб, бутун Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Финикия, Миср ерларини эгаллади ва аҳмонийлар давлати ҳудуди кириб борди. Мил.авв. 330-329 йилларда Искандар ўз қўшинлари билан ҳозирги Афғонистоннинг жанубини эгаллаб, Ҳинди қуш довони орқали Шимолга, Ўрта Осиёга қараб ҳаракат қилади. Тез орада Искандар қўшини Бақтрия пойтахти-Бақтра (ҳозирги Балх) шаҳри ва бир қатор мустақам қалъаларни эгаллайди. Окс (Аму дарёсидан ўтган юнон қўшинлари Мавтака (ҳозирги Қашқадарё ҳудуди) га келиб жойлашади ва шу ерда бир қишни ўтказди. Эндиги навбат Сўғдиёна маркази –Мароқанд (Самарқанд) эди. Рим тарихчиси Курций Руфнинг берган маълумотларга қараганда, Искандар қўшинлари мароқандни унча қийналмасдан ва кам талофат билан ишғол этган.

Шундай қилиб, македониялик Искандар Зулқарнайн олиб борган босқинчилик ва адолатсиз урушлар оқибатида Ўрта Осиёда аҳмонийлар зулми юнон-македон истилочилари зулми билан алмашди. Бироқ бу зулмга қарши ўлкамиз халқларининг ўз эрки ва озодлиги учун олиб борган кураши хал қилувчи роль ўйнади. Искандар бошчилик босқинчиларга қарши бутун Ўрта Осиё халқлари аёққа турганлиги тўғрисида тарихий манбалар хабар беради. Айниқса мард сўғд ўғлини Спитамен раҳбарлигида маҳаллий аҳоли қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатганлар. Масалан, Самарқандда Спитамен бошчилигидаги қўзғолонни Искандар икки йилдан сўнггина – мил. Авв. 328 йилда бостира олди, холос.

34. Искандар Зулқарнайн вафотидан сўнг (мил.авв. 323 йил) унинг салтанати учта мустақил давлатга бўлиниб кетди. Искандар лашкарбошиларидан бири Салавкка салтанатнинг бир бўлаги – Суриядан то Марказий Осиё – Ҳиндистонгача бўлган ерлар тегади. Шу тариқа Салавкийлар давлати вужудга келди. Салавк I ва унинг ўғли Ўрта Осиёга катта эътибор берган. Бу даврда қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотик анча ривожланган, олтин, кумуш ва мисдан танга пуллар зарб этилган.

Ўрта Осиё маҳаллий аҳолиси салавкийларга қарши тез-тез қўзғолонлар қилиб турганлар. Мил. Авв. 280 йилда Салавк I вафотидан сўнг бу қўзғолонлар янада кучаяди. Оқибат натижада Салавкийлар давлати парчаланиб кетган. Ва биринчи бўлиб бу давлат таркибидан Бақтрия ажралиб чиқади.

Қайтадан тикланган Бақтрия таркибига ҳозирги Қашқадарё, Сурхандарё, Тожикистон жануби, Сўғдиёна (Зарафшон воҳаси), ҳозирги Афғонистоннинг шимоли, Туркменистоннинг шарқий ерлари кирган. Бу давлатнинг тарихий манбаларда Юнон-Бақтрия деб аталишининг сабаби, унинг маркази Бақтрия ҳудудлари бўлиб, давлат асосан юнон аслзодалари томонидан бошқарилган.

Юнон-Бақтрия давлатининг энг кучайган даври мил. Авв. III асрнинг иккинчи ярми ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Юнон-Бақтрия давлатига Шарқий Турки стон орқали юэчжи ва сак қабилаларининг тез-тез ва

тўхтовсиз қилиб турган ҳужумлари сабабли мил. Авв. II асрнинг ўрталаридан бошлаб давлатнинг ҳарбий –сиёсий қудрати пасая бошлади. Натижада Юнон – Бактрия давлати батамом инқирозга юз тутди.

Таниқли археолог олим, академик А.Асқаровнинг хулосасига кўра, Фарғона водийсида мил. Авв. IV-III асрлардаёқ «Паркана» номи билан мустақил давлат шаклланган. Кейинчалик унга хитойлар Давань номини берганлар.

Тарихий маълумотларга қараганда, Фарғона подшолиги Эрон аҳмонийларига ҳам, македониялик Искандарга ҳам бўйсунмаган, Салавкийлар давлати таркибига ҳам кирмаган ҳолда ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Фарғонада деҳқончилик, ҳунармандчилик ва косибчилик ривожланган. Хитой сайёҳи ва элчиси Чжан Изяннинг берган маълумотларига қараганда, Давань айниқса ўзининг «афсонавий ва самовий» отлари билан машҳур бўлган. Фарғоналиклар от устида туриб камон отишга жуда моҳир ва жасур бўлганлар. Водийнинг аёллари ҳам мерганлик ва камондан ўқ узишда эркаклардан қолишмаганлар. Ўрта Осиё ҳудудлари эфталитлар қўли остида (милодий V аср ўрталари) бирлашгач Паркана давлати ўз мустақиллигини йўқотди ва Эфталийлар давлати таркибига кирди.

Мил.авв. III асрнинг бошларида Тошкент воҳаси, Талос водийси, қисман Чу дарёсининг қўйи оқимидаги ҳудудларни ўз таркибига қамраб олган Қанғ давлати вужудга келган. Мил. Авв. II-I асрларда қанғлилар Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларни ва Хоразмни ҳам, қўшиб олганлар. Таниқли тарихчи олим Карим Шониёзовнинг маълумотларига қараганда, мил.авв. I ва милодий I-II асрларда Қанғ давлатининг аҳолиси 600 минг кишидан иборат бўлганлиги қайд этилган.

Хитой манбаларида Қанғ давлати Қанха, Қангют деган номлар билан қайд қилинади. Бу давлат Хитойга нисбатан мустақил сиёсат юргизганлар. Улар ўз ерларини ҳимоя қилиб, бир неча бор Хитой қўшинларига қарши жанг олиб борганлар ва катта таловатлар етказганлар. Масалан, мил.авв. 102 йилда бўлган қанғлилар билан хитойлар ўртасидаги жангда Хитойнинг 60 минг қўшинидан фақат 10 мингтаси, 30 минг отидан атиги 1 мингтасигина ўз юртига қайтиб кетган, холос.

Қанғлилар ўтроқ ва ярим ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган бўлса, бир қисми чорвачилик билан банд бўлган. Қанғ аҳолиси орасида маданият ва санъат ксак даражада ривожланган. Милодий II-III асрларга оид хитой манбаларида қанғлиларнинг моҳир созанда, мақомчи ва бастакор бўлганликлари, уларнинг машҳур раққосалари тўғрисида маълумотлар бор.

Мил. Авв. IV аср охирларида қадимдан Ўрта Осиё ҳудудида яшаб келган массагет қабилаларининг катта бир қисми Шарқий Туркистондан то Мўғулистон чегараларигача қадар ерларга кўчиб ўтганлар. Шу қабилалар тарихи билан боғлиқ маълумотлар Хитой манбаларидан олинган бўлиб, ана шу манбаларда қабила, уруғ, шахслар, жой ва шаҳарлар номлари хитойча номлар билан аталган. Ўрта Осиёдан шарққа томон кўчиб ўтган туркий массагетларни хитойлилар «юэчжи» лар деб аташган. Юэчжилар яшаган катта ҳудудда хуннлар ҳам яшашган ва улар орасида қарама-қаршилик кучайган. Мана шу қарама-қаршилик натижасидаги мил. Авв. 176 йилда содир бўлган тўқнашувда хуннлар юэчжиларни ғарбга томон улоқтириб ташлаганлар.

Тарихий маълумотларга қараганда юэчжи қабилалари таркибида бешта – Гуйшуан, Хюми, Хисе, Шуанми ва Думи гуруҳлари мавжуд бўлган, улар ўртасида яккаҳоқимлик мақсадида келишмовчилик кучайган.

Давань подшолиги ҳудудларига кириб келган юэчжи қабилалари бу ерда жойлашиб олиб шаҳар ва қишлоқлар барпо қила бошлаганлар. Маълумотларга қараганда ҳозирги Наманган вилояти Тўрақўрғон ҳудудидаги Кушон қишлоғи ва Косонсойдаги Косон шаҳрини юэчжилар қурганлар.

Бешта хонадонга мансуб бўлган юэчжилар орасида Гуйшуан (Кушон) лар хонадони бошлиғи Кужула Кадфиз барча юэчжи қабиларини бирлаштириб, бутун Бактрия сиёсий ҳокимиятини қўлга олади ва қўшни ҳудудларга юриш қилиб Суғдиёна, Марғиёна, Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий қисмини босиб олади. Кўп ўтмай Амударё бўйлари, Қобул ва Қандаҳор ерларини ҳам эгаллайди. Шу тариқа Кушонлар сулоласи даврида ўзбек давлатчилиги салтанатлик босқичига кўтарилади. Бу даврда мамлакат пойтахти ҳозирги Сурхандарё вилоятининг Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепа шаҳри бўлган. Кушон ҳукмдорлари сулоласига Кужула Кадфиз асос солган бўлса, унинг ворислари – Вима Кадфиз (мил. I аср ўрталари), Канишка (78 –123 йй), Васишка, Хувишка, Канишка II, Висудева, Канишка III, Васудева II лар давом эттиришган. Кушон давлати мавқеининг энг юксалган ва кучайган палласи Канишка даврига тўғри келади. Бу пайтга келиб Ҳиндистоннинг Пешовар, Панжоб, Кашмир ва бошқа марказий ҳудудлари, шунингдек, Шарқий Туркистоннинг катта қисми салтанат таркибига киритилади ва мамлакат пойтахти Пешоварга кўчирилади.

Кушонлар сулоласи ҳукмронлиги даврининг кўҳна тарихимизда қолдирган катта изини унинг таркибига кирган элат ва халқлар ҳаёти мисолида кўриш мукин. Давлатнинг дастлабки пойтахти Далварзинтепа (Сурхандарё), унинг яқиндаги холчаён (Денов), Зартепа, Фаёзтепа, Қоратепа, Айритом (Термиз атрофлари) ва бошқалар Кушон давлатининг энг ривожланган савдо-сотик, хунармандчилик соҳалари ўсган гавжум шаҳарлари ҳисобланган. Ўлкада сунбий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти ниҳоятда тараққий этган, кўплаб суғориш иншоотлари барпо этилган. Буни Қашқадарё воҳасидаги Эски Анҳор, Сўғда Дарғом, Сурхандарёда қурилган Занг каналлари мисолида кўриш мумкин.

Кушон салтанатининг инқирози Хувишка подшолиги давридан бошланган. Бунга Эрон ҳудудида шаклланган Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги сабаб бўлган. Хусусан, соснийлар сулоласи ҳукмронлиги сабаб бўлган. Хусусан, сосоний ҳукмдорларидан Шопур II нинг (309-379) йй кушонларга берган зарбалари хал қилувчи роль ўйнаган.

Таянч тушунчалар:

Давлат, давлатчилик, бирлашмалар;
Энг қадимги давлатлар; ижтимоий табақаланиши;
Уруғ, уруғ уюшмалари, қабила, оқсоқоллар. Кенгаши;

Текширув саволлари:

1. Инсоният тарихида вужудга келган энг қадимги давлатлар.
2. Давлат нима ва у қандай юзага келади?
3. Салкам уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши даврлари тўғрисида нималарни биласиз?
4. Ватанамиз ҳудудида ташкил топган энг қадимги давлатлар тўғрисида маълумот беринг.
5. Ватанамиз ҳудудига босқириб келган ажнабий босқичлар кимлар?
6. Ажнабий босқинчиларга қарши мардонавор курашган аждодларимиз тўғрисида нималарни биласиз?
7. Мил. Авв. I минг иккинчи ярми ва милодий I-IV асрларда вужудга келган давлатлар тўғрисида маълумот беринг.

Адабиётлар:

1;7;8;9;30;31;32

4-Маъруза Ўзбек халқининг этник шаклланиши.

Режа:

1. Ҳозирги ўзбек халқининг асосини ташкил этган қадимги руф, қабила ва элатлар.
2. Ўзбек халқи этник шаклланишининг тарихий жараёни ва унинг босқичлари.
3. Ўзбек халқи ва ҳозирги замон.

41. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 1998 йилда бўлиб ўтган бир гуруҳ тарихчилар билан бўлган суҳбатида, ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг махсулидир» -деб таъкидлар экан, «Биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак» деган муҳим масалани ўртага қўйди.

Ҳар қандай халқнинг келиб чиқиши (этногенези) мураккаб ва долзарб муаммо бўлиб, умум тарих фанининг ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу кунларга қадар халқнинг келиб чиқиши ёки этногенези тўғрисидаги масала алоҳида фан сифатида шаклланиб етмаган, аммо яқин келажакда ўзида қатор ижтимоий ва табиий фанлар ютуқларини мужассамлаштирган этногенез фанининг юзага келишига шубҳа қилмас ҳам бўлади.

Тарих, археология, тилшунослик, топономия, этнография каби фанларнинг жаҳон миқёсида қўлга киритган ютуқларини, илмий жиҳатдан муҳим фикр мулоҳазалари ва хулосаларини менсимай, тор миллатчилик доирасидан чиқа олмай мулоҳаза юрити нафақат фанда, балки сиёсатда ҳам энг катта зарарли ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам ўзбек, тожик, туркман, киргиз ва бошқа Марказий Осиё элат ва халқларнинг этногенези, яъни келиб чиқиши муаммоларини фақат жаҳон фани ютуқларига таянган ҳолда тўғри, объектив ва ҳолисона халқ этиш мумкин.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези) нихоятда мураккаб ва жуда узоқ тарихга эга бўлган жараён дир. Бу соҳада фан ҳозирги кунга қадар маълум ютуқларга эришган. Хусусан, Фарғона водийсидаги Селунгур ва Сурхондарёдаги Тешиктошдан топилган қадимги аجدодларимиз қолдиқлари Ўзбекистонда, Африка ва Олд Осиё ҳудудлари билан бир қаторда, ҳозирги замон одамларининг пайдо бўлиши жараёни юз берган ҳудуд таркибига кириши фанда узил-кесил исботланган. Айрим олимлар томонидан билдирилган «Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон, қадимий даврлардаги монголоид ирқ шаклланган ҳудудга киради», деган фикрнинг илмий асоссизлигини антропологик маълумотлар тасдиқлади. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини ўрганиш қанча узоқ яъни энг қадимги даврлардан бошланса, шунчалик унинг таркибига ҳозирги кунга қадар сақланиб келинаётган ирқий ва этник унсурларнинг маҳаллий халқ таркибига кирган даври ва унинг нисбий миқдори тўғрисида кенгроқ фикрга эга бўламиз.

Кейинги даврда ўтказилган тадқиқотларда, Марказий Осиёда, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган ибтидоий аҳолининг антропологик жиҳатдан европеоид ирқининг жанубий ёки Ўрта Ер денгизи пуштига яқин эканлиги исботланган. Ўзбекларнинг жанубий европеоид ирқининг ўзига хос пушти эканлиги жанубий Ўзбекистонда кашф этилган. Марказий Осиёдаги энг қадимий мустъе даврига оид палеолит боланинг Тешиктошда топилган суяк қолдиқлари орқали исботлаш мумкин. Мазкур ирққа ўхшаш типларнинг Ўрта Ер денгизи, Олд ва Жанубий Осиёнинг айрим районларида топилганлиги диққатга сазовор дир.

Сурхондарё ва Фарғона водийсининг турли жойларидан топилган ҳар хил қурол ва буюмлар, маданий қатламлар бу ерда яшаган аҳоли, тешиктошликлар сингари, овчилик ва теримчилик билан шуғулланиб, оловдан кенг фойдаланганликлари тўғрисида хулоса қилишга имкон берди.

Демак, археологик ва полеантропологик тадқиқотларга қараганда, тарихий-маданий ва этник жиҳатдан Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон инсоният тараққиётининг энг илк даврларидан бошлаб Олд Осиё билан боғлиқ бўлган. Балки палеолит даврида Марказий Осиёга аҳоли Олд Осиёдан кучиб кела бошлаган ва кейинчалик овчи ва теримчи қабилаларнинг кўчиш жараёни давом қилиб тургандир. Бунга Мачой ғоридан топилган мезолит (эрамиздан аввалги VII-VI минг йилликлар) даврига оид одам суяги қолдиқлари ва жуда кўп моддий буюмлар далил бўлади.

Бу макондаги маданий қатламларга ўхшаш топилмалар Тошкент воҳасида, Туркистонда Жанубий Козоғистон ва Олд Осиё мамлакатларидаги мезолит обидаларидан топилган буюмларга ўхшайди. Палеонтропологик тадқиқотлар мазкур маконларда яшаган аҳоли европеоид ирқига мансуб эканлигини тасдиқлаган. Топилмалар Марказий Осиё аҳолисининг энг қадимий даврлардан қўшни элатлар, айниқса даврлардан жанубий ва ғарбий қабилалар билан алоқада бўлганлигини исботлайди.

Археологик тадқиқотларнинг натижаларига қараганда Марказий Осиёда яшаган халқларнинг пайдо бўлиши мазкур хўжалик-маданий типларнинг тарихи билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг этник хусусиятларини белгилаб берган. Марказий Осиёнинг жанубида, шу жумладан Фарғонада энеолит ва бронза (Мил. Авв. II минг йиллик бошларида (сунбий суғориш деҳқонлиги, тош қуроллар билан бирга илк металл қуролларининг ишлатилиши, ҳам эшитдан

қурилган уйларнинг, чархда ясалган безакли сопол идишларининг пайдо бўлиши маҳаллий қабилаларнинг жойлашиши ва уларнинг алоқалари қандай бўлганлигидан далолат беради. Археологларнинг фикрича, эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида Амударё қўйи оқимида пайдо бўлган Тозабоғёб маданияти Жанубий Урал бўйи давлатларида шаклланиб, Хоразмга Шимол-Шарқ Оролбўйи орқали келган, деб фараз қилинади. Тозабоғёб маданиятининг тарқалган даври Хоразмда энг қадимги иригациянинг пайдо бўлишига тўғри келган.

Эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида Хоразмга Тозабоғёб маданиятига оид қабилаларнинг келиши ҳинд-европа ва хинд –эронлик қабилаларнинг шимоли-ғарбдан катта кўчиши билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Кейинги вақтда ўтказилган қазилмалар ҳам Марказий Осиёнинг жанубий минтақаларида Тозабоғёб маданиятининг таъсири кучайганлигидан, дашт қабилаларининг Марказий Осиёга йирик кўчишлардан дарак беради. Бундай қабилаларнинг жануб, жануби-шарқ томон кучли ҳаракати эр. Аввал. II минг йиллик охири I –минг йиллик бошларида рўй берганлиги тарихдан маълум. Бу ҳаракатда суерғон маданиятига эга қабилалар ҳам иштирок қилган. Археологик материаллар мазкур чорва қабилаларининг (мил.авв. XI-IX асрларда) Ўзбой, Атрек, Тежен, Мурғоб, Амударё, Сирдарё каби дарёлар бўйлаб кўчиб ўтганлигини тасдиқлайди.

Палеонтопология маълумотларга қараганда, палеолит даврида Олд Осиёдан шимоли –ғарб томон, яъни Ўрта Осиёга очилган кўчиш йўли кейинги неолит ва жез (бронза) даврига келиб янада кучаяди. Янги даврда мазкур тарихий – маданий ва этник алоқалар янада кучайганлигини археологик қазилмалар ҳам тасдиқлайди. Айниқса жез (бронза) даврига оид топилган кўп сонли қабрлар ўша вақтда яшаган аҳолининг антропология тузилишини аниқлашга ёрдам беради. Антропология олим Т.К. Хўжайов таърифича, Ўзбекистонга шимолий-ғарбий томондан Европанинг юқори палеолит, мезолит ва неолит аҳолиси вакиллари кела бошлаган, жанубда эса, жанубий европеоид типлар келиб, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил қилган. Унинг тахминича, ўша даврдан бошлаб ўзбек халқининг шаклланишида ўзига хос европеоид компонентлар асос бўлган. Мазкур фикрни археологик кашфиётлар ҳам тасдиқлайди. (И.Жабборов. Ўзбек халқининг этнографияси. _Т., «Ўқитувчи», 1994,58-бет).

Эрамиздан аввалги I минг йилликда Марказий Осиёда ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, шаҳар-қалъаларнинг пайдо бўлиши, йирик суғориш ва мудофаа иншоотларининг қурилиши даставвал текин кўл меҳнатисиз мумкин эмас эди.

Милодийдан аввалги VIII-VII асрларда ташкил топган қадимги Бактрия ва Хоразмда яшаган ҳозирги ўзбек, тожик ва қисман туркманларнинг аجدодлари асосан эроний тилларнинг шарқий шахобчаси ва қисман туркийлашган сак ёки скиф тилларида гапиришганлар.

Ўзбек халқига хос Марказий Осиё икки дарё оралиғи ирқининг шаклланиш даври, макони ва тарихи масалаларида фанда яқин-яқингача ягона фикр йўқ эди. Бир гуруҳ олимлар бу ирқ бундан 6-8 минг йил илгари, иккинчи гуруҳ мутахассислар 3 минг йил илгари шаклланган деса, учинчи гуруҳ олимлари эса XVI асрларда шаклланди, деб ҳисоблар эдилар. Антропология изланишлар натижасида муаллифлар икки дарё оралиғидаги ирқнинг шаклланиши, жуда бой

антропологик маълумотлар асосида, бундан 2200-2300 йил илгари бошланганлигини исботладилар. Қатор илмий асарларда ўзбек халқининг шаклланишида бир қатор муҳим дарлар санаб ўтилган. Булар қаторида Аҳамонийлар, Искандар Зулқарнайн Араб халифалиги, муғуллар истилоси тилга олинади. Ҳақиқатан, бу босқинчиликлар Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари маданиятига тилига, турмуш тарзга, табиийки, ўз таъсирини ўтказган. Аммо бу юришларнинг маҳаллий халқларнинг брқий ва этник тарихига таъсири ўта кам бўлганлигини алоҳида таъкидлаш керак! Антропологик нуқтаи назардан қараганда, улар маҳаллий халқ қонини ёки гететикасини тубдан ўзгартираолмаганлар, ўзгартиришлари ҳам мумкин эмас эди. Чунки ҳеч қачон келгиндилар маҳаллий аҳолидан устун бўлиши мумкин бўлмай, балки кўпсонли маҳаллий аҳоли таркибига улар кетиб, маҳаллий аҳоли, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида барча тарихий даврларда (махсус антропологик тадқиқотларнинг кўрсатишича (маҳаллий халқ келгинди аҳолидан ҳаминша устун бўлган.

Бу масалага Президент И.Каримов тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда аниқ ва равшан ҳамда мутлақо инкор этиб бўлмайдиган ўз нуқтаи назарини билдириб, фикримизча, охириги нуқтани кўйди:

«.. Мовароуннаҳр сарҳадларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолар ҳукмронлик қилмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Аҳмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Мўғилистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолди-ку. Хўш, бунда қандай сир-синоат бор? Халқ қандай ички куч- қудратига ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми? ..» Ислом Каримов яна шуни таъкидлаб айтдиларки:

«.. Дунё халқлари ва хусусан, юртимиз тараққиёт йўлининг асосий қонуниятларини мантиқий таҳлил қилсак, шу нарса аён бўладики, Александр ҳам (уни Шарқда кўпроқ Искандар Зулқарнайн деган ном билан билишади), Қутайба ҳам, Чингизхон ҳам генерал Черняев ҳам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ун минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишғол қилган ва бу ердаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган. Яна такрорлайман: сиёсий ҳокимиятни. Тамом, тўғри ҳукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иқтисодий, савдо, илмий маданий имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бироқ, шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўқ қилолмаганлар, қилолмасдилар ҳам! «Тарих –халқ маънавиятининг асосидир»

4\2. Ўзбек халқининг этник шаклланиш тарихи асосан учта тарихий даврга бўлинади:

Биринчи давр: Милоддан аввалги биринчи минг йилликдан милодий VIII асрга бўлган даврни ўз ичига олади. Мил. Авв. III-II асрларда Марказий Осиё дашт минтақаларида ҳозирги ўзбек халқига хос антропологик қиёфа шакллана бошлаган. Бу эса фанда яқингача кенг тарқалган фикрлар, яъни ўзбекларга хос Марказий Осиё икки дарё оралиғи ирқи аввало Волга дарёси бўйларида ва Уралда сармот қабилалари таркибида шаклланиб тарқалди, деган ёки бир ирқ

Байкал кўли атрофида шаклланиб тайёр холда маҳаллий аҳолига ўз ирқини тарқатди, деган фикрлардан воз кечишни тақозо этади.

Тадқиқотларга кўра, Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Паркана, Тохаристон, Чоч худудларида ўтроқ ва кўчманчилик билан шуғулланиб келган аждодларимизнинг турмуш тарзи бир бирига чамбарчас боғлиқ бўлганлиги аниқланган. Шу худудларда асрлар давомида яшаб келган массагетлар сақлар, хоразмийлар, бахтрлар, суғдийлар, тохарлар, давонликлар ўзбек халқининг асосини (этногенези) ни ташкил этади. Олиб борилган тадқиқотлар ўзбекларга хос антропологик қиёфаси, даставвал, Сирдарёнинг ўрта хавзаси туманларида, яъни Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, қисман Хоразмда ва жанубий Қозоғистоннинг Чимкент вилояти, Еттисув минтақасида мил. Авв. I минг йиллик охирида шакллана бошлаганлиги аниқланади. Мил. Авв. III-II асрларда бу аҳоли бир неча йўналишда Марказий Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятларига кириб борган. Бу антропологик тадқиқот натижалари ёзма манбаларда маълум бўлган халқларнинг жанубга юриши ва Юнон –Бактрия давлатининг тор-мор этилиши ва Буюк Кушон салтанатининг барпо бўлиши даврига мос келади.

Ўзбекларнинг келиб чиқиши қадим тарихида сақлар, массагетлар, тохарлар номи билан машхур бўлган ва қадим замонларда Марказий Осиё ҳамда унинг теваарак атрофида кўчиб юрган халқларга Суғд, Хоразм, Бактрия, Паркана (Фарғона) ва Шошнинг қадимий халқларига бориб тақалади. Ўшанда улар яшаб турган воҳа номи билан суғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, парканаликлар, тошкентликлар деб аталиб тарихда қолган.

Ўзбек ва тожикнинг халқ бўлиб шаклланишида мил. Авв. Биринчи минг йилликнинг охирлари ва милодийнинг дастлабки асарларида Жайхун ва Сайхун оралиғига кўчиб ўтган бир қатор туркийзабон халқлар ва Жайхуннинг жанубидан кўчиб ўтган форс тилида сўзлашувчи қабилалар, шунингдек IV-V асрларда бу ерга шимол тарафдан кўчиб ўтган хионит кидарит ва эфталит деб аталувчи халқлар ва нихоят, VI-VII асрларда Марказий Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Фарбий Турк ҳоқонлигининг туркийзабон халқи катта роль ўйнайди.

Ўзбек халқининг этник шаклланишидаги иккинчи муҳим давр бу IX-XII асрлар ҳисобланади. Бу даврда Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистон ҳозирги ўзбекларга хос қиёфа маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил этган. Илгарилари бу жараёни фақат XI-XII аср этник жараёнлари билан боғлаб қурилган. Кейинги йиллардаги топилган шу давр материалларини икки тарихий даврга яъни IX-X ва XI-XII асрларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда. IX асрда Ўзбекистон худудида, тадқиқотлар натижасига қараганда, аҳолининг антропологик қиёфасида кескин ўзгаришлар юз берган. Бу ўзгаришлар археологик казишмалар натижасида ҳам кузатилган. Ўзбекларнинг элат сифатидаги шаклланиш даври фанда XI-XII асрлар билан изланиб келинар эди. Тадқиқот натижалари бу жараёни IX-X асрларга оид дейилишига асосдир.

Ўзбекларнинг этник таркиби IX-XII асрларда бойиди ва такомиллашди. X асир охири – XI аср бошларида қорахонийлар билан бирга Олтой, Еттисув ва Шарқий Туркистондан Мовароуннахрга кўчиб келган бир талай аҳолининг этник жиҳатдан такомиллашувига таъсир қилди. Қорахонийлар даврида ўзбек тилига асос бўлган қорлуқ-чиғил лаҳжаси ривожланди ва ёзма адабиёт даражасига кўтарилди ва ушбу лаҳжа ўзбек халқининг умумий тилига айланди.

Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билик», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғат ат –турк», Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлари» асарлари ўша даврнинг ажойиб маҳсулидир.

XIII аср бошларида юртимизга Чингизхон катта қўшин билан бостириб кирди. Бу қўшин таркибида мўғуллар билан бир қаторда кўплаб турклар ва турклашган мўғуллар билан бир қаторда кўплаб турклар ва турклашган мўғуллар ҳам бор эди. Бу қабилалар, шубҳасиз, ўзбек халқининг этник таркибини бойитди.

Афсуски, фанда мўғул истилоси Марказий Осиё аҳолисини кескин мўғуллаштириб, ўзгартириб юборди, деган фикр ҳам бор. Лекин олимларимизнинг олиб борган махсус тадқиқотлари бу масалага оидлик киритди. Мўғул истилоси Ўзбекистон аҳолисининг ташқи қиёфасига сезиларли изларини қолдирмаганлигини таъкидламоқ керак. Сабаби, Чингизхон XII аср охирида ташкил этган йирик Мўғул давлатида мўғуллар сони тахминан 0,7 миллион кишидан иборат бўлган. Агар ҳар 6 кишидан биттаси аскарликка олинган бўлса. Унда мўғул қўшинлари сони 100-110 минг кишидан иборат бўлган. Лекин ўша даврдаги 80 миллион аҳолиси бўлган Хитойга юриши даврида мўғуллар ўз қўшинларининг кўп қисмини йўқотганлар. Улар Мовароуннахрнинг бостириб келганида қўшинларнинг кўпчилиги туркий халқлардан ташкил опгани маълум. Бу даврда Мухаммад Хоразмшоҳ давлатида 20 миллион аҳоли яшаган. Табиийки мўғул қўшинлари кўп сонли маҳаллий аҳоли таркибига ўз асоратини ўтказа олмаган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳолида мўғул ирқи аломатлари деярли намоён бўлмаган.

Ўзбек халқининг этник шаклланишида учинчи давр XV аср охири – XVI аср хисобланади.

Бу даврда сиёсий ва иқтисодий жihatдан анча бўшашган Марказий Осиёда маҳаллий ҳоким ва подшолар орасидаги тахт талашишлар, халқ оммасининг оғир ахволга тушиб қолиши қўшни кучланчи ўзбекларга қўл келган эди. Темурийлар сулоласининг охирги ҳокимлари, жумладан Фарғона ҳокими Бобур ва Хирот ҳокими Хусайн Бойқаролар Дашти Қипчоқдан келган қудратли Шайбонийхон бошчилигидаги кўп сонли қўшинлар олдида ожизлик қиладилар. Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистоннинг Зарафшон, Сурхандарё ва Қашқадарё водийларида, Хоразм воҳаси ва бошқа районларда Шайбонийхон билан келган «ўзбек» номли туркий тилдаги қабилалар ҳам ўрнаша бошлайди, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетади. Улар янги заминдор (феодал) ларни барпо этиб, кўп ерларни зўрлаб мусодара қилиб олганлар, Амир Темур йиллар давомида тўплаган барча бойликларни ўз қўлларига киритганлар.

Ўша даврда адабий ва тарихий асарлар, хусусан, «Шайбонийнома», «Нусратнома», «Абдулланнома», «Алпомиш» каби асарлар ўзбек тилида кенг тарқалади.

«Ўзбек» атамаси илмий жihatдан ҳали тўлиқ аниқланмаган. Дастлаб бу сўзной араб муаллифи Усам ибн Мунқиз (XII аср охирлари) асарларида учратамиз. Кейин Рашидиддин солномаларида Жалолиддиннинг харбий навкарларидан бири ҳам «ўзбек» исми билан тилга олинади. Атоқли тарихчи Ҳамдуллоҳ Казвиний (XV аср) Олтин Ўрда Ўзбекхон бўлгани, тегишли ўлкани эса «Мамлақати ўзбек» деб атайти. Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийлар ўзбекларни Олтин Ўрда номи билан боғлиқ деган фикрни билдирадилар. Бошқа манбаларга қараганда, XV аср охири – XVI аср

бошларида Абдулхайрхон ва унинг набираси Шайбонийхон қармоғидаги барча қадила ва элатлар бирикмасига умуман «ўзбеклар» деб ном берилган. Абдулғозининг «Шажараи турк» асарида ёзилганидек, Оқ ўрда подшоси Туктагухон ўлганда сўнг ўн уч ёшли ўғли Ўзбекхон тахтга келган. У ота-бобосининг дастури билан элни забт этиб, ҳар кимни мартабасига лойиқ ҳурмат қилиб, инъомлар берган. «Барча халқ уч сохиби давлатнинг сабабиндин шарафи ислом мушарраф билдилар. Андин сўнг барча Жучи элин ўзбек эди дедилар» (Абулғрзи Шажараи турк»).

Президент И.Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар, зиёлилар билан бўлган суҳбатида ўзбек номининг қачон пайдо бўлганлиги тўғрисидаги масалани қўйди. «Совет тарихшуносларининг ёзишича – деди И.Каримов – гўё XVI асрда бизнинг заминимизни қипчоқ хонлари ишғол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннахр деб атайдиган икки дарё оралиғида унғача ҳам халқ яшаган-ку!»

Биз Совет замонидан қолган бу ақидани қабул қилсак, миллатимиз тарихи мана шу навбатдаги босқинчилар давридан бошланган деган нотўғри хулоса келиб чиқмайдими? Унда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз қаерда қолади? Самарқанд, Хива ҳам, Бухоро ҳам ўзбекларники экан, бу ерларда ўзбек давлати бўлган экан, неча энди ўз тарихимизни XVI асрдан, кимдир келиб-кетиб, номини қолдириб кетган даврдан бошлашимиз керак? Унғача ҳам бу ерда ўтроқ халқ яшаганку! Бу ерда ана шу ўтроқ халқнинг маданияти бўлган-ку! Ким келмасин, масалан, мўғуллар келган, XIII асрнинг 20 йилларида XIV асрнинг 70-йилларига қадар ҳукмронлик қилганлар ва уларнинг маданияти маҳаллий маданиятига сингиб кетган. Бунда маҳаллий халқнинг маданияти албатта, асос бўлган, устунлик қилган. Биз халқни номи билан эмас балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз. (И.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ» 17 бет)

XVI-XIX асрлар давомида ўзбекларнинг этник шаклланиши давом қилиб, ўзларининг уруғ-қабилавий номларини то бизнинг асримиз бошларигача сақлаб келганлар. Улар нафақат этник жихатдан балки турмуш тарзи ва ижтимоий тузуми билан ҳам ўзаро оз фарқ қилганлар. Айрим ўзбек қабилалари ўтроқ деҳқончиликка тўла ўтмаган кўчманчилик хўжалиги ва турмуш анъаналарини сақлаб ярим ўтроқ ҳолатда яшаганлар. Улар тилларидаги (шевасидаги) фарқ жихатдан ҳам анча ажралиб турганлар.

Аммо Турки стон ўлкаси ва ўзбек хонликлари рус мустамлакаси туфайли жаҳон капиталистик муносабатлари гирдобига тортила бошланади. Шу даврда аста-секин миллий уйғониш куртак отабошлайди. Миллий буржуазия пайдо бўлади. Улар ўзларининг мафкурачилари бўлмиш жадидлар орқали миллий гуруҳ ва хис-туйғулар, анъанавий турмуш тарзи ва маданият равнақи учун жиддий кураш бошлайдилар. Чор ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати мазкур жараёнга тўсиқ бўлиб, ўзбек элининг жаҳон миқёсидаги ижтимоий чиқишини чеклаб қўяди. Бутун Марказий Осиёнинг чоризм даврида сунъий равишда Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига бўлинганлиги ҳам маҳаллий элатларнинг, шу жумладан ўзбекларнинг миллий бирлигига жиддий тўсиқ бўлди.

43 XX аср бошларига келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 2,8 млн. га яқин ўзбеклар яшаган бўлиб, шулардан тахминан 82 фоизи қишлоқларда, 18 фоизи шаҳарларда жойлашган. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, ўзбекларнинг анча

қисми кўшни мамлакатларда яшаб, ўзларнинг этник хусусиятларини сақлаб қолганлар.

Ўзбекларнинг XIX аср иккинчи ярмидан то Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганда қадар тарихи, ҳаёти мустамлакачилик асорати остида кечди. Дастлаб ўзбеклар, Марказий Осиёлик бошқа халқлар билан бирга, XIX асрнинг 60-йилларида чор Россияси томонидан қурол билан бўйсиндирилди. Шу вақтдан бошлаб Турки стон ўлкани Россиянинг мустамлакасига айлантирилди. Деҳқончилик маданияти ривожланган бу бой ўлка Россиянинг учун ривожланиб келаётган саноати учун ҳом ашё манбаига, қулай ва мумай фоида келтирувчи бозорига айлантирилди. Ок подшонинг Туркистондаги маъмурияти ва рус саноатчилари миллатфуруш маҳаллий феодалларнинг кўмагига таяниб, ўлканинг захматқаш, муте халқини беармон таладилар. Туркистоннинг тақдири 1886 йили чор ҳукумати қабул қилган «Турки стон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом» деб аталган махсус қонун билан белгиланади. Ана шу қонун асосида чор Россия ҳукумати Туркистонда бир қатор мустамлакачилик тадбирларини амалга оширди.

Шулардан бири: Россия қишлоқларида вужудга келган тенгликни бартараф қилиш ва рус деҳқонларининг ғалаёнларини бостириш мақсадида уларнинг бир қисмини Россиянинг ички нихояларидан Туркистоннинг Еттисув, Сирдарё ва Фарғона вилоятларига жойлаштирилди. Маҳаллий деҳқонларнинг азалдан фойдаланиб келган ерлари тортиб олиниб, кўчиб келганларга тақсимлаб берилди. 90-йиллар бошларига келиб Сирдарё вилоятининг Авлиёота (ҳозирги Жамбул) ва Тошкент уездларида 20 га яқин, Хўжанд уездига 6-та рус қишлоқлари мавжуд эди. Шаҳарларни ҳам «руслаштириш» бошланди. Масалан, Тошкентнинг бир қисмига рус аҳолиси жойлаштирилиб, шаҳар иккига бўлиниб («янги шаҳар», «эски шаҳар») кетди. Марғилоннинг ёнида руслар учун алоҳида шаҳар бунёд этилиб, унга Скобелев номи (ҳозирги Фарғона) берилди.

Турки стон ўлкасининг шаҳарларида Русия саноат корхоналарининг асосан, тўқимачилик фирмаларининг ваколатхоналари, агентликлари, омборхоналари ташкил этилди. Ўлка Россия саноати учун зарур ҳом ашё (пахта, пилла, жун, тери ва х.к) лар ни йиғиш, Россия корхоналари ишлаб чиқарган газлама ва бошқа молларни қўллаш бозорига айлантирилди.

Туркистон ўлкасида Россия саноатининг эҳтиёжларини қондириш ва бошқа харбий-сиёсий мақсадларни кўзлаб темир йўллар қурилиши бошланди, Россия тўқимачилик корхоналари тараққиётининг муҳим ҳом ашё манбаи ҳисобланган пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Ерли халқ ўз эркини ҳимоя қилиб чиққанда чор ҳукумати уларни аёвсиз бостирди, чор ҳукумати уларни аёвсиз бостирди, чоптирди, «Сибирь» қилди.

Шўролар истибдоди даврида Ўрта Осиёда миллий – давлат чегаралаш ўтказилди. Бу жараёнда жиддий сиёсий хато-камчиликларга йўл қўйилди. Туркистон ўлкаси худудий ва этник жихатдан янада парчаланиб кетди.

Шундай қилиб, ўзбекларнинг XIX асрнинг иккинчи ярмидан то Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганда қадар тарихи, ҳаёти мустамлакачилик асорати остида кечди.

Шўролар ҳокимияти даврида бизнинг юртимиз авторитар марказга бўйсинувчи ҳом ашё етказиб берадиган қарам ўлкага айланади. Мамлакатимиз, халқимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жихатдан мутелик ҳолатига тушиб қолди.

Мустақиллигимизни қўлга киритганимизда бизга собиқ Иттифокдан, эски мустабид тузумдан қолақ бир ёқлама ривожланган, пахта яккахокимлиги ва бой минерал-хом ашё ресурсларидан назоратсиз аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолди.

«Бу оғир меросни яна бир хусусияти, -деди Президент И.Каримов Республика Олий Мажлисининг XIV сессиясида, - республикасининг ёқилғи ва галла масаласида марказга қарамлигида, ун, шакар, гўшт, сут махсулотлари каби энг мухим озик-овқат молларининг, бошқа халқ истеъмоли товарларнинг, таёр махсулотларнинг четдан олиб келинишида якқол кўринади». (И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон» 1999. 4 бет).

Ўзбек халқининг келажаги порлоқ келажаги буюк. Бундай хулоса қилинишича барча асос, шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрда интилмоқда: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида батафсил маълумотлар берган.

Ўзбекистон халқи ўзининг ер ости бойликлари билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Мамлакат худудида машхур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлар топилган. Хозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъданлар мавжуд истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал хом ашё турларини ўз ичига олади. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард америка долларини ташкил этади. Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик миқдорда фойдалиқ қазилмалар олинмоқда.

Ўзбекистон тупроқининг ноёб унумдорлиги унинг мухим хусусияти бўлиб, бу ҳол республика қудратли атросаноат салоҳиятига эга мамлакатга айлантириш имконини берди. Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи бозорда талаб катта бўлган махсулот-пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчисис ва етказиб берувчисис ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, сахий ва меҳмондўст халқидир.

Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ абадий қадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамланган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш, жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор, омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб берди.

Ўзбекистоннинг мухим хусусиятларидан бири шуки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. Кейинги йилларда аҳолининг табиий ўсиши бирмунча камайган бўлишига қарамай, у хали ҳам МДХ мамлакатлари орасида энг юқори даражададир.

Умуман олганда, Ўзбекистон халқи янги шароитда Республика Президенти И.Каримов ва ҳукуватимиз томонидан қўйилган муайян вазифаларни ўз муддатида бажариш учун хормай-толмай меҳнат қилмоқда. Бундай шароитда ҳар бир жамият аъзосининг ўз ватани ва унинг порлоқ истиқболига чинакам садоқатлиги, юксак сиёсий онги ва ўз вазифасини замонавий талаблар даражасида ниҳоясига етказилиши, маънавий етуклиги ва ахлоқий баркамоллиги гоят мухим ва хал қилувчи аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ўзбек халқи Ўзбекистоннинг маҳаллий туб аҳолиси қиёфасида Ўрта Осиё Фарғона антропологик типи белгилари етакчидир. Ўзбек халқининг тарихи Аму ва Сирдарё оралиғида яшаган барча қадимий уруғ, қабила, элатлар ва ўша даврларда кечган этник ва маданий жараёнлар билан узвий боғлиқдир.

Таянч тушунчалар:

Этник, этнос, этногенез, генезис. Уруғ, қабила, элат, халқ, миллат
 Массagetлар, саклар, хоразмийлар, бахтарлар, сўғдийлар, тохарлар, даванликлар;
 Туркий қавмлар, қорлуқ, салжук, қорлуқ-чиғил лаҳжаси; «Ўзбек» атамаси;
 Бағрикенглик, сабрдошлик, ҳамдардлик, заҳматкашлик, ҳамдўстлик,
 ҳамжиҳатлик

Текширув саволлари:

1. Уруғ, қабила, элат тушунчаларини изоҳлаб беринг.
2. Ҳозирги ўзбек халқининг асосини қандай уруғ ва қабилалар ташкил этади?
3. Ўзбек халқи этник шаклланиш тарихи нечта босқичга бўлинади?
4. Ўзбек халқи этник шаклланишининг биринчи босқичида аجدодларимиз ҳаётида қандай ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар содир бўлди?
5. Ўзбек халқи этник шаклланишининг иккинчи босқичи қайси даврни ўз ичига олади?
6. Ўзбек халқи этник шаклланишининг иккинчи босқичи қандай хусусиятларга эга?
7. Ўзбек халқи этник шаклланишининг учинчи босқичи қайси даврни ўз ичига олади?
8. «Ўзбек» атамаси бизнинг юртимизга қачон ва қандай қилиб келиб қолди?
9. Мустақил Ўзбекистон этник ҳолатини изоҳлаб беринг.

Адабиётлар:

1;3;5;6;14;15;18;28;30;32.

5-Маъруза: IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги, Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти.

Режа:

1. IX асрнинг бошларида Мовароуннахрдаги сиёсий аҳвол. Сиёсий ҳокимиятнинг сомонийлар томонидан эгалланиши.
2. Мовароуннахрда қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги.

3. Мовароунаҳрда Ғазнавийлар ва салжуқийлар хукмронлигининг ўрнатилиши.
4. Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида ўзбек давлатчилиги.

511. VIII асрнинг охирида IX асрнинг бошларида Араб халифалиги оғир сиёсий вазиятга тушиб қолди. Бунга асосий сабаб, Араб халифалигига бўйсунмишда бош тортиш ва мустақилликка эришиш учун бошланиб кетган кўзғолонлар бўлса, биринчи томондан, иккинчи томондан, халифалик тахти учун курашнинг авж олиши.

Натижада Ўрта Осиёда мустақил давлатларнинг ташкил топишига қулай шарт-шароитлар тўғилди. Дастлаб бундай давлатлар араблар истило қилиб улгурмаган Мовароуннаҳрнинг шимолий, шимолий-шарқий ҳудудларида шаклланди. Шундай давлатлардан бири Қорлуқлар давлати бўлса, иккинчи - Ўғузлар давлатидир.

Қадимда Олтойнинг ғарбида, сўнгра Иртиш дарёсининг ўрта оқимида яшаган қорлуқлар қадимий туркий қабилалар ҳисобланган. VI-VII асрларда улар Турк ҳқонлиги таркибига кирган. VII аср ўрталарида қорлуқлар Еттисув ўлкасига келиб жойлашган. Уларнинг катта гуруҳи Талос ва Чу дарёларининг адоқларида ва Иссиққўлгача бўлган ҳудудда яшаган. VIII аср охирида бу ҳудудда Қорлуқлар давлати ташкил топади. Подшолари «ябғу» ёки «жабғу» деб аталган. Ғарбий турк ҳқонлигининг бир қисмида вужудга бу давлат шимол ва шарқ томонларидан Иссиққўл соҳилларидан то Или дарёси водийсигача туркларнинг жиқил қабиласи жойлашган ҳудудлар, ғарбдан ўғузлар юрти ва Фарғона водийси, жанубдан эса Шарқий Туркистон билан чегарадош бўлган.

X аср араб географи Ибн Ҳавқалнинг маълумоти бўйича, қорлуқлар юрти Фарғона водийси чегараларидан шарққа томон 30 кунлик масофага чўзилган. Давлатнинг пойтахти Чу дарёсидан шимолроқда жойлашган Суёб шаҳри бўлган. Ундан ташқари Жўл, Навкат, Карманкат, Ер, Тун, Панжикент каби катта-кичик шаҳарлар ва обод қишлоқлар қад кўтарган Қорлуқларнинг хўжалик фаолиятида асосий ўринни чорвачилик, хусусан, қўйчилик эгаллаган. Шу билан бирга овчилик, дарё водийларида деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар.

Қорлуқлар давлати бир томондан Шарқий Туркистон билан, иккинчи томондан Мовароуннаҳр аҳолиси билан савдо-сотиқ алоқаларини олиб борган. Муттасил олиб борилган савдо алоқаларини олиб борган. Муттасил олиб борилган савдо алоқалари Еттисувда қадимда яшаб келаётган таркий аҳолининг нафақат ижтимоий – ва иқтисодий ҳаётида, балки унинг маънавий-маданий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатди. Ҳеч қандай куч ишлатилмасдан, тинчлик йўли билан бу ҳудудга аввал моний ва христиан динлари, сўнгра мусулмончилик кириб келган. Айрим маълумотларга қараганда, VIII аср охиридаёқ қорлуқлар жабғуси ислом динини қабул этган. X аср ўрталарига борганда қорлуқларнинг каттагина қисми мусулмон бўлган. Бу даврда Талосан шарқда жойлашган бир қанча қорлуқ шаҳарларида жоме масжидлари бино қилинган.

Бу даврда Қорлуқлар давлати икки томондан: жанубий кўшнилари яғмо қабилалари ҳамда Сирдаёр этакларида яшовчи Ғарбий кўшнилари ўғуз қабилаларининг кучли тазйиқига учрайдилар. Бу ҳар икки чорвадор аҳоли туркий қабилалар ичида энг кучлиси ва жанговори ҳисобланар эди. X аср ўрталарида яғмолар Еттисув вилоятини эгаллаб, бу ўлкада Қорахонийлар давлатига асос солганларида мазкур бу янги туркий давлатнинг сиёсий ҳаётида

қорлуқлар ҳам фаол қатнашадилар. Уларнинг айрим вакиллари ҳатто ҳукмронлик мавқеигача кўтариладилар. X аср охирида қорахонийлар Мовароуннаҳрни эгаллагач, қорлуқлар Шош воҳасига ҳамда Фарғона ва Зарафшон водийларига кўчиб келиб ўрнашадилар. Кейинчалик улар аста-секин Мовароуннаҳрнинг маҳаллий ўтроқ деҳқон ва чорвадор аҳолиси таркибига сингиб кетадилар.

VI асрнинг биринчи ярмида Хитойдан то Қора денгиз бўйларигача чўзилган жуда кенг майдонда кўчманчи чорвачилик билан кун кечирган туркий қабилаларнинг яна бир жанговор иттифоқи юзага келди. Тарих саҳифаларда уларни тўқузўғузлар номи билан тилга олинади. VI асрнинг иккинчи ярми ва VII асрда улар ҳам Турк ҳоқонлиги таркибида бўлиб, унинг ижтимоий вос иқтисодий ҳаётида, айниқса, ғарбга томон қилинган ҳарбий юришларида фаол қатнашадилар. Турк ҳоқонлиги емирилгач, Тўқузўғузларнинг каттагина қисми ғўз ёки ғуз номи билан Сирдарё ҳавзаси ҳамда Орол денгизи бўйида муҳим ўрнашиб, бу ҳудудда улар IX аср охири ва X аср бошларида туркий қабилаларнинг яна бир янги иттифоқи - Ўғузлар давлатига асос соладилар.

Ўғузларнинг асосий қисми Сирдарёнинг адоғи ва унинг ўрта оқими ҳамда Орол бўйидаги кенг яйловларда яшаган.

Ўғузлар давлати чегарасида Сирдарё бўйлаб Янгикент, Жанд ва Сифноқ каби бир нечта бой шаҳарлар бўлса-да, уларни Уғузлар қурмаганлар, чунки улар асосан кўчманчи чорвачилик билан шуғулланганлар.

Ўғуз ябғулари ўз давлатининг пойтахти қилиб Янгикент шаҳарни танлаганлар ва улар бу шаҳардан асосан қишлоқ учун қароргоҳ сифатида фойдаланганлар.

Бу шаҳарлар дарё бўйлаб йўналган карвон йўли орқали қадимги Яксарт этаклари, Оролбўйи ва ундан шимолга –Итил ва Ёйиқ бўйларига қатнаган хоразм, Мовароуннаҳр ва Шош савдогарларининг асрлар оша дашт аҳолиси билан олиб борган гавжум савдо алоқалари туфайли қад кўтарган эди.

X асрнинг биринчи ярмида Ўғузлар давлати шимоли-шарқдан қўзғалган қипчоқлар томонидан қақшатғич зарбага учраб, бўлиниб кетади. Ўғузларнинг бир қисми ўз юртини тарк этиб ғарбга томон силжиб, умумий турк номи билан Жанубий Русия даштларига бориб ўрнашади. Уларнинг иккинчи қисми эса аввал Мовароуннаҳрга кириб боради, кейин жануби-ғарбга силжиб, янги сулола –салжуклар бошчилигида Олд Осиё мамлакатларини истило қилишга киришади.

Шундай қилиб, VIII аср охири ва IX аср бошларида Мовароуннаҳрнинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларида ташкил топган ва бир ярим аср ҳукм сурган. Икки мустақил туркий давлат: Қорлуқлар ҳам Ўғузлар давлати фақат Мовароуннаҳргина эмас, балки бутун Ўрта Шарқ ҳамда Олд Осиё аҳолисининг сиёсий ҳаётига кучли таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга уларнинг жанговор аҳолиси ўз турмуш тарзи ва анъаналари билан бу ҳудудда яшовчи кўпгина халқларнинг этник тарихида сезиларли из қолдирди. Масалан, қорлуқлар қардош ўзбек ва тожикларнинг, ўғузлар эса туркман, озарбайжон, қорақалпоқ, турк, гагаузларнинг этногенезида муҳим роль ўйнадилар.

VIII аср охири – IX аср бошида халифаликни ларзага келтирган оғир сиёсий вазият аббосийларни Мовароуннаҳр ва Хуросонда олиб борилаётган сиёсатни ўзгартиришга мажбур этди. Эндиликда улар шарқий вилоятларни бошқаришда давлат ишларига маҳаллий задагонларни жалб этиш ва уларнинг қўли билан бу вилоятларни халифалик тасарруфида тутиб туришга ҳаракат қиладилар. Натижа

аббосийлар кўзгалгандек бўлиб чиқмади. Маҳаллий задагонлар Мовароуннаҳр ва хуросонни аста-секин ўз тасарруфларига олибгина қолмай, балки халифалик марказида ҳам ҳокимиятни бошқаришда тобора кўпроқ роль ўйнайдиган бўлиб қолдилар. Бунга айниқса халифа Хорун ар-Рашид (786-809) вафотидан сўнг тахт учун унинг ўғиллари Маъмун билан Амин ўртасида 809-813 йилларда бўлиб ўтган кураш катта йўл очиб борди.

Маъмун узоқ йиллар мобайнида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноибни бўлиб, маҳаллий задагонлар билан жуда яқинлашиб кетган эди. Гарчи уни маҳаллий зодагонлар қўллаб қувватсаларда, аммо халифаликнинг марказий қисмида араблар Аминни халифалик тахтига кўтардилар. Бундан норози бўлган Маъмун укаси Аминга қарши курашиш учун беш йил тайёргарлик кўради. Ҳирот вилоятининг зодагонларидан Тоҳир ибн Хусайн бошлиқ Хуросон ва Мовароуннаҳр мулкдорлари унга ёрдам берадилар. 813 йилда улар Бағдодга юриш қиладилар. Пойтахт қўлга киритилиб, Маъмун халифалик тахтига ўтказилади. Бунинг эвазига Тоҳир ибн Хусайн Месопотамиянинг ноибни, Бағдодда халифаликнинг аскар боши ва Ироқда ҳашар ишлар бўйича бош мироб лавозимларига муяссар бўлади.

821 йилда араб халифалиги асли Ҳиротлик бўлган Тоҳир ибн Хусайнни Хуросон ва Мовароуннаҳр ноибни этиб тайинлайди.

Тоҳир ибн Хусайн ўзининг ўлкан ноиблигини мустақил давлатга айлантиришни хоҳларди. У жума номози вақтида халифа номини хутбада чиқариб ташлашга буйруқ беради. Бу эса исён билан баробар эди. Бироқ кўп, Тоҳир ибн Хусайн тўсатдан вафот этади, шундан кейин уни халифа яширинча захарлаган, деган чп тарқалди.

Халифа Ал-Маъмун ноибликка Тоҳирнинг ўғли Абулаббос Абдуллоҳни тайинлаб, шу тарзда Тоҳирийларнинг насли сулоласига асос солади.

Абулаббос Абдуллоҳ ҳукмронлиги даврида (822-844 йиллар) Хуросон ноиблиги халифага вассал ўлкага, аммо деярли мустақил давлатга айланди.

IX асрнинг 60-йилларида Хуросонда халқ кўзғолони авж олади. Унга ака-ука Ёқуб ва Амр ибн Лайс мисгарлар бошчилик қиладилар. Улар аввал Сейистонда ҳокимиятни қўлга киритадилар. 873 йилда тоҳирийларнинг ҳарбий кўшинига қақшатгич зарба бериб, Хуросон пойтахти, Нишопурни эгаллайдилар.

Натижада Хуросонда тоҳирийлар ҳукмронлиги тугатилиб, саффорийлар давлати ташкил топади. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришлар Мовароуннаҳрнинг Хуросондан ажралиб, мустақил давлатлат бўлишига имкон туғилади.

Маъмун Мовароуннаҳр зодагонларининг ёрдамини ҳам унутмади. Сомонхудодиннинг набираларини айрим шаҳар ва вилоятларга ноиб қилиб тайинлайди: Нўхга – Самарқанд, Аҳмадга – Фарғона, Яҳёга- Шош ва Уструшоне, Илёсга эса Ҳирот тегади. Бунинг эвазига ака-ука сомонийлар Моварауннаҳрнинг ҳад йилги солиқ йиғинидан катта маблағни халифа ҳазинасига юбориб турганлар.

Тоҳирийлар давлати тугатилганда Моварауннаҳрнинг Самарқанд, Фарғона, Шош ва Уструшона вилоятларида ноиблик қилаётган сомонийлар хонадонининг сиёсий ҳаётида ҳам аста-секин ўзгаришлар юз беради. Юрта аввал Нух, Сўнгра Аҳмад бошчилик қилади. Улар ҳатто ўз номларидан мисдан чақалар зарб этадилар.

Аҳмад вафотидан (865) кейин унинг ўғли Наср Самарқандни марказга айлантиради. У Бухоро воҳаси, Нахшаб (Қашқадарё), Чағонруд (Сурхандарё) водийларидан ташқари Мовароуннаҳр барча вилоятларни бирлаштириш ва уни Хуросондан ажратиб олиш чораларини кўра бошлайди.

Тоҳирийлар давлатининг барҳам топиши, вазият тубдан ўзгариб, истиқлол учун қўлай шароит қайта бўлган эди.

Чунки саффорийлар Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилишнинг уддасидан чиқа олмайдилар. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган Бухоро аҳли ҳатто саффорийларга тобе бўлишни хоҳламайди.

Шаҳар зодагонлари самонийларга муродаат қилиб, Самарқандга Наср ибн Аҳмад ҳузурига элчилар юбордилар. Ундан Бухорони ўз қўл остига олишни ва сомонийлар хонадонидан бир кишини Бухорога ҳоким қилиб юборишни сўрайдилар. Наср бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, укаси Исмоилни (874) Бухорога ноиб қилиб юборди.

Шундай қилиб, IX асрнинг охири чорагида Мовароуннаҳрнинг деярли барча вилоятлари сомонийлар тасарруфига ўтиб, у ўз мустақиллигини тиклаб олади.

Худди шу вақтдан бошлаб Наср ибн Аҳмад ўзини бутун Мовароуннаҳрнинг бошлиғи деб ҳисоблай бошлайди.

Гарчи укалари Шош вилоятининг ноиби Ёқуб ва Фарғона ҳокими Асадлар ўз номлари билан чақа пул зарб этиб, ўзбошимчалик қилсалар ҳам, аммо Наср ибн Аҳмад сомонийлар ҳукмронлиги тарихида биринчи бўлиб кумуш дирҳам зарб этади.

Кумуш тангалар чиқариш давлат мустақиллигининг рамзи ҳисобланиб, то шу вақтгача халифалик вилоятларида фақат тоҳирийларгина бундай дирҳамни зарб этиш ҳуқуқига эга эдилар.

Шундай бўлса ҳам, Бухоро ноиби Исмоил акаси Насрга итоат қилишни истамайди. Ўзига берилган вилоятни мумкин қадар иқтисодий жиҳатдан мустақил идора қилишга интилади. Насрнинг хазинасига юбориладиган ҳар йилгисолиқларни турли баҳоналар билан тўхтаб қўяди.

Шундай қилиб, ака-ука ўртасида адоват пайдо бўлади, натижада бу адоват 888 йилда жангга олиб келади.

Жангда Наср қўшинлари тор-мор келтирилади. Шу йилдан бошлаб Исмоил бутун Мовароуннаҳрни бирлаштириб, унинг ягона ҳукмдори бўлиб олади.

Исмоил Сомоний ўрта асрларнинг қобилятли, серғайрат ва ниҳоятда зукко йирик давлат арбоби эди.

Исмоил 849 йили Фарғонада туғилган. 14 ёшида отаси Аҳмад вафот этиб, акаси наср қўлида қолади. Манбалар Исмоилнинг ақлли, адолатли, фикр ва тадбир гаси бўлганлигини қайд этади. Бутун Мовароуннаҳр ҳукмини 802 йилдан бошлаб ўз қўлига олишга эришган Исмоил ўзининг ҳақиқатан ҳам подшоҳликка лойиқ ва ҳақли эканини исботлайди.

Исмоил Сомоний давлатчилигимиз тарихидаги 1600 йилдан ортиқ тажриба ва анъаналарни уддабуронлик билан давом эттира билган давом эттира билган давлат арбоби ҳисобланади. У, энг аввало, мамлакатимиз сиёсий бирлигини таъминлаш ишига бел боғлаб, Фарғона, Исфижоб (Сайрам), Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чағониён, Хутталон, Кеш, Хуросон, Сейистон, Ғазна каби қатор вилоятларни ўз ҳукми остига бирлаштирди.

У тариха, Исмоил марказлашган давлатчилик асосларини қайтадан тиклашга муваффақ бўлди. Мустақилликни қайта тиклаган давлат учун қатъий тартиб доирасида фаолият кўрсатувчи идорачилик зарур эди.

Исмоил Самоний давлатида марказий бошқарув даргоҳ (сарой) ва девон (маҳкама) орқали амалга оширилган.

Сомонийлар саройида девонбошилар, мирзабошилар, мирохўрлар ва бошқа мансаблар мавжуд бўлган. Марказий бошқарма 10 та девондан иборат бўлган:

1. Бош вазир девони. Бутун ижроия ҳокимияти ҳамда қолган тўққиз девон устидан раҳбарлик ва назорат шу вазирлик томонидан амалга оширилган. Сомонийлар даврида ушбу лавозимга замонанинг атоқли хонадон намояндалари тайинланган.

2. Девони муставфий- давлат даромадлари ва харажатларини бошқариб турувчи олий молиявий амалдор (хазинадор).

3. Девони расоил ёки девони иншо ҳам катта нуфузга эга бўлиб, у баъзан девони умидулмулк деб ҳам аталган. Бу девон давлатнинг расмий, давлат аҳамиятига молик барча ҳужжатларни тайёрлаб берган.

4. Девонишурат – армияни бошқарган маҳкама. Бундан ташқари бу девон ҳарбий қисмлардаги тартиб – интизом, озиқ-овқат, умуман хўжалик таъминоти, маоши билан шуғулланиб келган.

5. Девонибарид- бу алоқа вазари, даргоҳ, ҳукумат, маҳаллий ҳокимият билан боғлиқ ҳабардорлик ишлари билан машғул бўлиб, пойтахтда қабул қилинган муҳим қарорлар, ҳужжатлар ва бошқа расмий кўрсатмаларни вилоятлар, шаҳарларга етказиш ҳамда жойлардаги шу қабилдаги маълумотларни марказга етказиб бериш каби тадбирлар билан банд бўлган.

6. Девони мушриф – сарой бошқарувчиси сифатида хазина маблағларининг қандай сарфланиши устидан назорат қилиб турган.

7. Девони мулк – ҳукмдор сулолага тегишли мол-мулк бошқаруви, назорати, ҳисоб-китоби билан шуғулланган.

8. Девони мухтасиб – савдогарларнинг тошу тарозисини, нарх-наво устидан назорат қилиш, шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва бозорларда тартибни сақлаш, диний маросимларни амалга оширишда чегарадан чиқмасликни таъминлаш.

9. Вақфлар девони, яъни турли йўллар билан диний муассаса (масжид ва мадрасалар) ихтиёрига ўтказилган мол-мулк, ер-сув ишлари билан шуғулланувчи вазирлик.

10. Қозилик ишлари девонига қозиларнинг фаолиятини назорат қилиш юклатилган.

Юқорида қайд этилган барча девонларнинг жойларда бўлимлари бўлган. Мамлакат вилоятлари маҳаллий ҳокимлар ва раислар томонидан бошқарилган. Ҳар бир шаҳарда раис-шаҳар бошлиғи ва мухтасиб –шариат ишлари, бозорлардаги тош тарози ва нархларни назорат қилувчи бўлган. Олий дин раҳномаси шайхулислом ҳисобланиб, у давлатда жуда катта мавқега эга бўлган.

52. X асрнинг ўрталарига келиб Еттисув ва Қошғар худудида яшовчи туркий тилли қорлуқ, чиғил ва яғмо уруғларининг ижтимоий –иқтисодий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Азалдан чорвачилик билан шуғулланиб келган бу қабилалар нафақат ўтроқ ҳаётга ўта бошладилар, балки улар бирлашиб янги сиёсий куч сифатида майдонга чиқдилар. Шу тариха қорахонийлар давлати

вужудга келди. Бу давлатга яғмо уруғидан чиққан, ўз қавми билан исломни қабул қилган Сотуқ Абдул-Карим Қорахон (Буғрохон) асос солган. «Қора» ибораси қадимги туркий тилларда «буюклик», «улуғлик» маъноларини англатган. Шу боис у буюк ҳукмдор сўзига тенгдир. Одатда, қорахонийлар ҳукмдорини «Тамғачхон», яъни хонлар хони деб аташган.

992 йилда қорахонийлар ҳукмдори Ҳасан Хорун Буғрохон барча туркий қавмлардан ташкил топган катта лашкар билан Мовароуннаҳр худудини босиб олабошлайди. Унга Шош, Фарғона ва бошқа ўлкаларнинг халқлари ҳам мадад кўрсатдилар. Шу йили қорахоний Буғрохон сомоний Нух ибн Мансур билан бўлган жангда ғолиб келиб Бухорони эгаллайди. Аммо бу ютуқ вақтинчалик бўлиб тез орада Буғрохон орқага қайтиб кетишга мажбур бўлади. Фақат 999 йилга келиб қорахонийлар иккинчи бор Бухорони забт этдилар ва бутун Мовароуннаҳр қорахонийлар тасаруфига ўтади. 1001 йилда ғазнавийлар ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий билан тузилган шартномага асосан, Амударёнинг шимолидаги барча худудлар қорахонийлар ихтиёрида қолади. Ана шу тариқа Сомонийлар давлати ўрнида 2 та турк давлати – Қорахонийлар ва Ғазнавийлар давлати ташкил топди.

Қорахонийлар давлатининг бошқарув шакли жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, талаб ва вазифаларидан келиб чиққан. Марказдаги бошқарув тизими икки идора: даргоҳ ва девонлардан иборат бўлган. Вилоят бошқаруви маъмуриятида сомонийлар давридагидек вазирлар, соҳиб баридлар, мустафийлар ва бошқа мансабдорлар фаолият кўрсатган

Ҳар қандай давлатчиликда бўлгани каби қорахонийлар даврида ҳам марказдаги (даргоҳдаги) бошқарув тизимига катта эътибор берилган. Бунда даргоҳ яъни олий ҳукмдор билан вилоятлар, фуқаролар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириб турувчи ҳожиблар фаолияти алоҳида ўрин тутган. Қорахонийлар даврида ҳожиблар олий ҳукмдор ҳамда вилоят ҳокимларининг давлат ва аҳоли ишлари бўйича энг яқин маслаҳатчилари ҳисобланганлар. Машҳур мутафаккир ва шоир Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғунийга қорахоний Тошғоч Қора Буғрохон хон эътиборини қозонгани учун хос ҳожиб унвонини берган. Бу тўғрида Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Кутадғу билиг» («Бахт-саодатга элтувчи билим») асарида ёзиб қолдирган Маҳмуд Қошғарий ҳам шундай унвонга мушарраф бўлган. Қорахонийлар ўртасидаги сулолавий курашлар оқибатида хонлик 1041 йилга келиб иккига: маркази Бухоро бўлган Ғарбий хонликка ва маркази Болосоғун бўлган Шарқий хонликка бўлиниб кетади. Ғарбий хонликка Мовароуннаҳр ва Фарғонанинг Ғарбий худудлари кирган. Шарқий хонлик таркибида Толос, Исфижоб, Шош, Фарғонанинг шарқий қисми, Етгисув ва Қошғар ерлари кирган.

Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бир қатор муҳим ўзгаришлар юз берди. Авваломбор, қорахонийлар ўлкани забт этишгач, бу ерда кўп асрлардан буён ҳукм суриб келган ерга эгалик қилишнинг муҳим шакли – деҳқон мулкчилигини тугатиб, бу мулкларни давлат тасарруфига оладилар. Бу мулклар Қорахонийларга тобе бўлган содиқ амалдорлар, ҳарбий лашкарбошилар, давлат хизматчилари, юқори руҳонийлар ва дин пешволарига мулк қилиб берилган.

Иккинчидан, қорахонийлар даврида ер-мулкка эгалик қилишнинг «иқтиоъ» ва иқтидорли муносабатлари ривожланди.

Учинчидан, Мовароуннахрнинг Қорахонийлар давлати таркибига киритилиши ерли аҳоли этник ҳолатига ҳам таъсир қилди. Хусусан, шарқий хонликдаги туркий қавмлар, уруғ-қабилаларнинг ғарбий ҳудудларга келиб, ўрнашиб, ўтроқлашуви ўзбек халқининг этник шаклланиши жараёнида катта аҳамиятга эга бўлди. Энг муҳими туркий тилнинг тарқалиш доираси кенгайди ва бу тилнинг адабий тил сифатидаги мавқеи ва мақоми оша борди.

53. X асрнинг иккинчи ярмига келиб Ғазна шаҳри Хуросоннинг сиёсий марказига айланади. Ғазнавийлар давлатининг асосчиси Собуқтегин бўлиб, бу давлат унинг ўғли Маҳмуд Ғазнавий даврида мусулмон оламининг энг кучли давлатига айланади. Ғоятда эпчил дипломат, моҳир сиёсат арбоби бўлган Маҳмуд қорахонийлар билан ўзаро келишувга асосан ўзининг шимолий, чегараларини аниқлаб, шимолий, шимолий-ғарбий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шимоли-шарқий Эрон ерларини ўз давлати таркибига киритади.

Султон Маҳмуд темир интизомли, яхши ҳарбий тайёргарлик кўрган кўп сонли кўшин тузиб, уни замонавий қурол-аслаҳа билан қуроллантиради, етарли маош билан таъминлаб, кўплаб ҳарбий юришларни амалга оширди. Фақат Ҳиндистонга 17 марта юриш қилиб сон-саноксиз бойликларни қўлга киритган. 1019 йилда Маҳмуд Кануаджа шаҳрини эгаллаб у ердан 20 млн. дирҳам, 57 минг қул ва 350 та филни ўлжа қилиб олиб келган. Шундан сўнг у Қорахонийлар билан тузилган шартномани бузиб, Амударё шимолидаги Чағаниён ва Хутталон вилоятларини эгаллайди. 1010 –1011 йилларда Маҳмуд катта кўшин билан Хуросоннинг Ғур вилоятини ҳам қўлга киритади. Маҳмуд Ғазнавийнинг навбатдаги нигоҳи жуғрофий жиҳатдан қулай нуқтада жойлашган, бой ҳудуд – Хоразмга қаратилади. У 1017 йилда Хоразм подшоси Маъмуннинг ўлиmidан фойдаланиб, хонлик билан Хоразмни ўзига бўйсундиради. Хоразмга ўзининг бош ҳожиби, асли келиб чиқиши турк бўлган, Олтинтошни хоразмшоҳ унвони билан ҳукмдор қилиб тайинлайди. Шу тариқа, Хоразм 1040 йилгача, яъни Ғазнавийлар давлати инқирозига қадар унинг тобелигида бўлди.

Маҳмуд Ғазнавий даврида шаҳарларда, айниқса, Ғазнада кўплаб олий иморатлар, масжиду мадрасалар, кўркм карвонсаройлар барпо этилган бўлса-да кўпчилик аҳолининг моддий-маиший аҳоли ночор кечган, турли хил солиқ ва мажбуриятлар одамларнинг тинқасини қуритган.

Султон Маҳмуд вафотидан сўнг, унинг ўғли Масъуд даврида Ғазнавий давлатида ички зиддиятлар кучайди. Унинг устига давлат эгаллаб турган ҳудудга салжуқий турклари тез-тез ҳужум қилиб турдилар. Шундай ҳужумлардан бири Ғазнавийлар давлатининг инқирозга юз тутушига олиб келди. 1040 йилда Марв билан Саракс оралиғида Данданакон ёнида бўлган жангда ғазнавийлар кўшини қақшатғич зарбага учради. Ва шу билан ғазнавийлар давлати ўз мустақиллигини бутунлай йўқотди.

IX аср охири X асрнинг ўрталарига келиб Оролбўйи ва Каспийбўйи ҳудудларида яшаган ўғуз қабилаларининг иттифоқи негизда Салжуқийлар давлати ташкил топди.

Ўғузларнинг катта қисми маълум сабабларга кўра ҳозирги Туркменистон ерларига ўтиб, исломни қабул қилган ва ўша ердаги маҳаллий аҳоли билан сингишиб кетган қисми туркманлар номини олган.

Салжуқий давлатига ўғузларнинг ёбғуси (етакчиси) Салжуқбек асос солган. Унинг авлодлари Тўғрулбек, Довудбек, Чағрибек ва Шакарбеклар даврида Салжуқийлар шуҳрати янада юксакликка кўтарилди.

Салжуқийлар давлати Султон Санжар (1118-1157) даврида ўз ҳудудларини кенгайтди. XI асрнинг 20-30 йилларига келиб Салжуқий уруғ-қабилалари ҳозирги турмен ерлари орқали Ғазнавийлар тасарруфидаги Хуросон ўлкасига кириб борди. 1038 йилда Сарахсада, 1040 йилда Данданоконда бўлиб ўтган ҳал этувчи жангларда Салжуқийлар Ғазнавийларни енгиб, бутун Хуросон ерларини эгаллайди, Нишопур шаҳри Салжуқийларнинг пойтахтига айлантдирилади.

XII асрнинг бошларида Қорахонийлар ҳукмдори бўлган ҳатто Арслонхон ҳам Султон Санжар билан ҳисоблашишга мажбур бўлган. 1130 йилга келиб Султон Санжар қорахонийлар пойтахти Самарқандни эгаллагач, амалда бутун Мовароуннаҳрга ҳукмрон бўлади. Аммо 1141 йилда Катвон чўлида қорахонийлар билан бўлган катта жангда салжуқийлар қақшатғич зарбага учради, бу билан уларнинг ҳукмронлиги ҳам инқирозга юз тутди. Султон Санжар вафотидан кейин эса буюк Салжуқийлар давлатининг Мовароуннаҳрдаги таъсири амалда барҳам топади.

54. Салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳ даврида Хоразм мулкини бошқариш ҳуқуқини турк ўғлони Ануштакин қўлга киритади. Унинг авлодлари Муҳаммад Қутбиддин, Жалолиддин Отсизлар даврида Хоразмнинг сиёсий мустақиллиги янада кенгайди. Ва ижтимоий-иқтисодий қудрати ўсди.

Хоразмнинг мустақил давлат сифатидаги ўрни ва мавқеи Қутбиддин Муҳаммаднинг ўғли Отсиз (1127-1156) ҳамда ануштакинларнинг кейинги авлодлари Эл Арслон (1156-1172), Такаш (1172-1200) ва Аловуддин Муҳаммад (1200-1220) давларида янги поғонага кўтарилди. Кейинги ҳукмдорлар Такаш ва Муҳаммад Хоразмшоҳлар даврига келиб Хоразм давлати ўрта асрлар давридаги энг қудратли салтанатга айланди. Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида ўзига хос марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви тизими вужудга келтирилиб, такомиллаштирилди. Ануштакинларнинг давлат бошқарувида икки тизим мавжуд бўлган: даргоҳ ва девонлар мажмуи.

Даргоҳда улуғ ҳожиб мансаби алоҳида ўринни эгаллаган. У махсус девон-девони хосни бошқарган, ҳукмдор сулолага тегишли ер-сув, мол-мулк устидан лозим бўлган ҳолларда вазирлар фаолиятини ҳам назорат қилган. Иншо ёки туғро девони расмий ҳужжатлар, ёзишмаларни тузиш билан шуғулланган. Молия ишлари билан истифо девони, давлат назорати тадбирлари билан ишроф девони, ҳарбий масалалар, хусусан, қўшинни қурол-аслаҳа билан таъминлаш, қўшин қисмлари шахсий таркибини назорат қилиш, ҳарбий кўриклар ўтказиш кабилар билан девони арз шуғулланган.

Хоразмшоҳлар давлат бошқаруви тизимида даргоҳда ҳожиб мансабидан ташқари яна бир қатор олий тоифадаги лавозимлар фаолият кўрсатишган. Шундайлардан бири соҳиби устоздор ҳисобланган. Хазина маблағларининг барчаси унинг ихтиёрида бўлган. Давлатдаги таштдор лавозими ҳам муҳим саналиб, у султоннинг энг сирдош кишиси ҳисобланган. Таштдор ҳукмдорнинг маҳфий сирларидан огоҳ бўлиб, доимо у билан баҳамжихат фаолият кўрсатган. Олий лавозимлардан яна бири – қиссадор бўлиб, у Султон номига келган арз, имкониятларни йиғиб, ўрганиб, уларни ҳукмдор номига ҳавола қилиб турган.

Хоразмшоҳлар даврида ҳарбий соҳага алоҳида эътибор берилган. Бир неча юз минглик қўйидан ташқари олий ҳукмдорнинг махсус шахсий гвардияси

(харос) бўлган. Хусусан Султон Муҳаммаднинг шахсий гвардияси 10 минг нафар кишидан ташкил топган. Ҳарбий қисмларда ҳарбий назоратчи, синоҳсадор, соҳиби жайш (вилоят қўшини бошлиғи), амир ул-умаро, малик (10 минг қўшин бошлиғи), човуш (чопар), аскар қозиси каби мансаблар мавжуд бўлган.

Хоразмнинг мустақил давлат сифатидаги равнақи, ҳудудларининг бениҳоя кенгайиб боришида Аловуддин Такашнинг ўрни ва роли катта бўлган бўлса, Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида ҳам мамлакат ҳудудлари кенгайишида давом этди. Бу вақтга келиб Эрон, Озарбайжон, Хуросондаги Ҳиндистонгача бўлган ерлар Хоразмшоҳларга бўйсунтирилган эди. Унинг таркибига 400 дан зиёд шаҳарлар кирарди. Оролдан Ҳинд океанигача, Шарқий Туркистондан Ироққача бўлган ҳудуддаги халқаро тақдири Хоразмда ҳал этиларди.

Бу ҳолат Муҳаммад Хоразмшоҳ, ўзига ортиқча бино қўйиб, ўзини «Искандари Соний», «Оллоҳнинг ердаги сояси» деб улуғлашига олиб келади. Хоразмшоҳ ўзини қанчалик кўкларга кўтармасин, мамлакатда ички зиддиятлар тобора кучайиб, таназзулик ҳолати содир бўлмоқда эди. Олий ҳокимият ичидаги кучли муҳолифат, хусусан Хоразмшоҳ билан унинг онаси Туркун Хотун тарафдорлари ўртасидаги очик-ошкор тарздаги сиёсий кураш ҳам Хоразм давлатининг беқарорлик ҳолатига олиб келди. Хоразмшоҳлар давлатида кечаётган бу хилдаги чуқур таназзулик жараёнидан тўла хабардор бўлган Шарқдаги бошқа қудратли мўғул давлати ҳукмдори Чингизхон эса катта ҳарбий тайёргарлик кўриб, тез орада Мовароуннаҳр сарҳадлари томон истилочилик урушини бошлашга чоғланаётган эди.

Таянч тушунчалар:

Давлат, давлатчилик; Халифалик, Тохирийлар давлати. Саффорийлар ҳокимияти;

Сомонийлар давлати; Давлатни бошқариш тизими; девон, даргоҳ;

Қорахонийлар ҳукмронлиги, илоқхонлар; Давлатни бошқарув тизимида удел тизими;

Ғазнавийлар давлати;

Салжуқийлар ҳукмронлиги;

Хоразмшоҳлар давлати, давлатни бошқарув тизими; даргоҳ, девон;

Текширув саволлари:

1. Араб халифалиги ҳукмронлигининг Мовароуннаҳрда пасайишига қандай омиллар сабаб бўлди?
2. IX асрда шаклланган дастлабки мустақил давлатлар ҳақида нималарни биласиз?
3. Сомонийлар сулоласи томонидан Мовароуннаҳр ҳудудлари қайси даврга келиб мустақил давлат сифатида таркиб топди?
4. Исмоил Сомоний томонидан ташкил эттирилган марказлашган давлатнинг бошқарув тизимини изоҳлаб беринг.
5. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида иқтоъ тизими кимлар манфаатини кўзлаб амалга оширилган?

6. Қорахонийлар давлати бошқаруви тизимига хос жиҳатлар ва хусусиятларни таҳлил этиб беринг.
7. Нима сабабдан ғазнавийлар сулоласи тез юксалиб ва тез инқирозга учради?
8. Салжукийлар сулоласи қачон, қай тариқа ва қайси худудлар бўйлаб вужудга келган?
9. Хоразмшоҳлар давлати бошқарув тизимини изоҳлаб беринг.
10. Хоразмшоҳлар давлатидаги ички зиддиятлар қандай оқибатларга олиб келди?

Адабиётлар:

1,4,7,9,21,24,31,32,33

6-маъруза: Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш Жалолидин Мангуберди.

Режа:

1. Чингизхон бошчилигида мўғулларнинг Мовароуннахрга босқинчилиги. Босқинчиларга қарши озодлик кураши.
2. Мовароуннахрда мўғиллар томонидан жорий этилган бошқарув тартиби ва унинг заифлашуви.
3. XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

6/1. XII асрда мўнғуллар ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатидан Марказий Осиёда энг қалоқ аҳоли ҳисобланар эди. Уларда ҳали уруғ-аймоғчилик муносабатлари ниҳоятда кучли бўлиб, улар асосан кўчманчи чорвачилик, овчилик ва ўзаро айрибошлаш савдоси билан шуғилланишган.

Бу даврга келиб Мўнғул уруғ ва қабилалари орасида феодал муносабатлари пайдо бўла бошлайди, улар ўртасида синфий кураш авж олади. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида мўнғул уруғ задагонлари орасидаги ички курашларида Темучен исми баходир ғолиб чиқди.

Темучен 1204-1205 йилларда Мўнғулистоннинг кўчманчи чорвадор уруғларини ўз қўл остида бирлаштириб, марказлашган ҳарбий деспатик Мўнғул давлатини ташкил этади. Ўзаро уруғлараро курашларда, турк хонлари билан бўлган урушларда ғолибона ҳаракати учун 1206 йилда Онан дарёси бўйида чақирилган мўнғул задогонлари қурултойида Темучинга «Чингиз» лақаби берилади ва шундан бошлаб у Чингизхон деб аталади. «Чингиз» исми-беғубор, тоза, мусаффо, бақувват, қувватли каби маъноларни билдиради.

Ўз давлатини кўчайтириб, унинг барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Чингизхон мўнғуллардан кўп сонли яхши қурулланган, интизомли ва уюшган қушин тузади.

Форс муаррихи (XIII аср) Жувайний мўнғил қўшиннинг тузилишини ёзиб қолдирган: Жангу-жадаллардан бўш пайтида бутун аҳоли чорвачилик билан

шуғулланар, ҳарбий ҳолатларда эса ўнлик санок тизми буйича ўнлик, юзлик, минглик ва туман (ўн минглик) лардан ташкил топган мунтазам қушинга бирлашар эди. Ёзилмаган қонунга мувофиқ ҳар бир жангчи ўзи учун керак бўлган жаъмики нарсани: қуроллар-камонлар, камон ўқлар, қамич ва қалқон, садок, найза; турли анжомлар-арқон, қозон, меш, игна, болта; миниладиган ва юк ортиладиган улов-от, туя, эшаклар каби транспорт воситаларини олдиндан тайёрлаб қўйишга мажбур бўлган.

Қўшинга юз боши, минг боши ва туман боши деб аталган саркардалар раҳбарлик қилишган. Улар мўнғул ҳарбий аслзодаларнинг вакиллари боҳодирлар, мерганлар, сечинлар ва нуёнлар эди. Туман бошилар одатда шахзодалардан бўлган.

Мўнғул қўшини нафақат ўзининг интизомлиги билан, балки ҳарбий юришларда ўта чаққонлиги ва жангларда ботирлиги билан ҳам ажралиб турар эди.

1206 йилда мўнғул давлатининг пойтахти Қорақуримда бўлиб ўтган умум мўғул қурилтойида қабул қилинган «Ясо» хужжати (мўғиллар давлатининг асосий қонунлари мажмуаси) Чингизхон ҳокимиятини янада мустахкамлади. «Ясо» мўғмул жамиятидаги мулкый тенгсизликни ёрқин ифодаси бўлиб, янги пайдо бўлган ҳукумрон табақ-тархонларга катта имтиёзлар берарди.

Чингизхон ихтиёрида, асосий қўшиндан ташқари, «кешик» деб аталган шахсий қўшин-гвардия ҳам бор эди. Бу гвардия ҳарбий задгонлардан иборат бўлиб, жанга кам сафарбар этиларди. У фақат фавқулотда содир бўладиган хатарга қарши ташлаш учун доимо жанговор ҳолатда тутиб турилар эди.

Чингизхон давлат маъмуриятини марказлаштириш мақсадида Қорақурим қаъласини ўз давлатининг пойтахтига айлантирди. Хат ва саводга мутлоқо эга бўлмаган, маданияти ниҳоятда паст даражада бўлган мўғуллар давлат бошқарув тизминини айниқса хат-савод ва муншийлик ишини уйғурлардан ҳамда Мўнғилистон билан алоқада бўлган мусилмон савдогарлардан ўрганди.

Чингизхоннинг маслахатчилари, мирзолари ва баъзи бир мулк маъмуриятлари асосан уйғурлардан бўлган. Масалан Шарқий уйғурлар хони Эдиқут (Саодатбек) мўғул хонининг яқин дўсти ва маслахатчиси бўлган.

Тошатун исимли уйғур эса давлат мулкдори лавозими ҳамда шахзодаларни хат-саводга ўргатувчи устоз вазифасини бажарган. Шундай қилиб мўнғулларнинг дастлабки муаллимлари ва маъмурилари уйғурлар бўлган.

Чингизхон тарқоқ жангари Мўнғул уруғларни бирлаштириб, Марказий Осиёда Мўнғуллар давлатини тузиш билан қаноатланмайди. Биринчи галда у тажовузлик сиёсатини юргизиб, қўшни мамлакатларни босиб олишга киришади. 1206 йилда наймонларни бўйсундиради. 1207-1208 йилларда Чингизхон Енисей ҳавзаси, сўнгра Еттисув вилоятининг шимолий қисмини забт этди, уйғурларни таслим эттирди. 1211-1214 йилларда мўнғул қўшинлари бир неча бор Хитойга хужим қилди. Хитой деворидан ўтгач Чингизхон қўшинлари Цинь қўшнига дуч келиб, уни тор-мор қилди. Бир неча шаҳарни босиб, аммо пекинга бормади, 1214 йилда улкан ўлжа билан орқага қайтди. 1215 йилда Чингизхон иккинчи марта Хитойга юриш бошлади. Бу сафар у Шимолий Хитой ва унинг маркази Чжунду (Пекин) шаҳрини ишғол қилиб, Цинь сулоласини ағдариб ташлади. Шимолий Хитой ерлари Мўнғуллар давлатига қўшиб олинди. Хитой устидан қозонилган ғалаба туфайли мўнғиллар турли хилдаги жуда катта ўлжани қўлга киритдилар, ўлжанинг бир қисмини мўнғуллар учун ҳарбий жиҳатдан айниқса

катта аҳамиятга эга эди. Чунки Хитой ўзининг қадимги юксак маданий анъаналаригагина эмас, балки замонасининг илғор ҳарбий техника санътига эга бўлган мамлакат эди.

Хитойдан Чингизхон фақат кўп миқдорда олтин, кумуш буюмлар, шойи ва атлас мотолар ҳамда чўриларгина эмас, балки турли хил қурол-яроғлар, ҳарбий техника мосламалари (манжаниқ, палахмон, нафтандоз ва ш.к) билан бир қаторда бундай жиҳоз ва аслаҳаларни ясайдиган ва уларни ишлата биладиган моҳир ҳунармандларни ҳам мўнғилистонга олиб кетади. Шу туфайли у ўз қўшинини замонасининг энг яхши ҳарбий қурол - аслаҳалари билан таъминлайди.

Хитой ғалабасидан сўнг Чингизхон ўз нигоҳини ғарбга, ўзининг маданияти, бойлиги, буюклиги билан шуҳрат қозонган мамлакат-Хоразмшоҳлар давлатига қаратади. Бу аснода Мўнғуллар давлати билан Хоразмшоҳлар салтанати ўртасида Хўтон, Ёркент, Қашғар, Еттисув ва Фарғона вилоятларидан ташкил топган Кучлук давлати Чингизхон учун хавfli куч ҳисобланмас эди. Ҳақиқатдан ҳам Чингизхон 1218-1219 йилларда Шарқий Туркистон ва Еттисув вилоятларини деярли талофатсиз қўлга киритиб, Хоразмшоҳнинг иттифокдоши Кучлук давлатига хотима берди.

Шундай қилиб, XIII асрнинг 20-йиллари бошида Губи саҳросининг шарқий чегарасидан то Тяншан тизмасининг ғарбий этакларигача бўлган вилоятлар Мўнғуллар давлати ҳукмронлиги остида бирлаштирилган эди. Мўнғуллар давлатининг ғарбий ҳудудлари шафқат ва қудрат бобида Чингизхонга тенг рақиб, кейинчалик унинг лаёқатли душманига айланган. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ салтанатининг чегарасига бевосита тутшиб кетган эди.

Чингизхоннинг Ўрта Осиёга ҳужуми катта тайёрганлик билан бошланди. Мўғулларнинг Мовароуннаҳрга биринчи ҳўжуми 1219 йилда Хоразмшоҳлар давлатининг Шарқий чегарасидаги қаъласи Ўттор шаҳрига қаратилди. Чингизхон ва унинг лашкарларининг ўтторликлардан алоҳида учи борлиги аввалдан маълум эди. Чунки, 1218 йилда Чингизхон Султон Муҳаммадга юборган савдо қарвони шу ердан таланган ва 450 кишидан иборат савдогарлар қириб ташланган эди.

Ватанимиз тупроғига бостириб кирган босқинчилар шаҳар ва қишлоқларни талон-тарож қилдилар, бойликларини талаб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликларни содир этдилар. Ўттор, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Гурганч каби гуллаб-яшнаган шаҳарлар харобазорга айлантирилади. Шу тариқа 1219-1221 йиллар оралиғида Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудлари мўғуллар асоратига тушиб қолди.

Мовароуннаҳрнинг асосий шаҳарларини босиб олган мўғуллар 1221 йилда ўз босқинчилик юришларини давом эттириб, бирин кетин Балх, Термиз, Марв, Нишопур, Хирот, Мозандарон сингари бой шаҳар ва қалъаларни босиб олдилар. Бироқ, мўғул босқинчилари Мовароуннаҳр ва Хуросонни осонликча қўлга киритмадилар. Улар маҳаллий аҳолининг кўрқув билмас, ботир фарзанларнинг мардлик жасоратига дуч келдилар, катта талофатлар бердилар. Хоразмшоҳнинг тўнғич ўғли, жасур лашкарбоши Жалолоддин Мангуберди мўғул босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда ҳақиқий ўз юртининг жасур фарзанди эканлигини кўрсатди.

Муаррихлар ўз асарларида Жалолиддин Мангубердини ҳамиша мард ва жасур саркарда сифатида таърифлашган эди. Жалолиддини шахсан билан мусулмон тарихчиси ан-Насафий унга шундай таърифлашган эди:

«у турк бўлиб, қора мағизюзли, бурни олдида қора холи бор ўрта бўйли йигит эди. Форс тилида ҳамбемалол сўзлаша олар эди. У довюракликда тенги йўқ, шеърлар ичида арслон, отлиқлар ичида энг жасури эди...» (Ўзбекистон тархи (Дарслик). –Т., 2003, 251-бет). Жалолиддин Мангуберди маҳаллий аҳолининг мўғул босқинчиларига қарши озодлик курашига бошчилик қилар экан, бир неча бор мўғул лашкарлари билан жанг қилиб, уларга қирон келтирди.

Шундай ҳаёт-мамот жанглардан бири 1221 йил феввалида Ҳиндистондаги Сино дарёси соҳилида бўлиб ўтган эди. Бу жангда Жалолиддин ўзининг кам сонли қўшини билан шундай жасорат ва мардлик намунасини кўрсатадики, ҳатто унинг қаҳрамонлигидан ҳайратда қолган Чингизхон ўз ўғилларига қараб: «Отадан дунёда ҳали бундай ўғил тўғилмаган. У саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарё эса маҳанг каби ботир,» деб хитоб қилди.

1999 йилда ватанимизда Жалолиддин Мангуберди тўғилганининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Унинг ватани Хоразмда унга муҳобатли ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкалнинг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган Президентимиз И.Каримов: «Ғаним олдида боши эгилмаган, тиз чўкмаган, Ватан дия ҳалок бўлган,» деб миллий қаҳраонимизга халқимизнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини билдиради.

Мўғул босқинчиларига қарши ўз халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган курашда Урганчлик шайх Нажмиддин Кубро, Хўжанд ҳокими Темур Малик ва шу қабилар ҳақиқий қаҳрамонлик намунасини кўрсатадилар.

Мўғуллар истилоси натижасида Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон ҳудудларига мисли кўрилмаган моддий ва маънавий зарар етказилди. Кечагина гуллаб-яшнаб турган водийлар, ям-яшил, обод шаҳар-қишлоқлар, маҳаллий халқ ҳаётининг асосий қон томири бўлган сув иншотлари, тўғонлар вайрон қилинди, экин майдонлари сувсизликдан қовжираб қолди. Халқнинг кўп асирлик маънавий бисоти, ноёб асари-атиқалари, қадирятлари оёқ ости қилинди.

Чингизхон тириклиги пайтидаёқ босиб олинган ерларни ўғилларига бўлиб берган эди. Хусусан, Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжиганга Жанубий Сибирь, Дашти қипчоқ, Итил (Волга) бўйи, Хоразим ва Дарбандгача бўлган ўлка топширилган эди. Жўжи вафотидан кейин бу ҳудуднинг бири ўнинг набираси Боту қўлига ўтди. Иккинчи ўғли Чиғатой Шарқий Туркистон, Еттисув ва Моврауннаҳрга эга эди.

Чингизхон ўзи туғилиб ўсган Мўғилистонни ва Хитойни учинчи ўғли ва вориси. Ўқтойга берди. Кенжа ўғли Тулига Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон тегди. Шундай қилиб, мўғиллар босиб олинган вилоятларни усулларга тақсимлаб, мулк асосида бошқаришга киришдилар.

Аммо мўғуллар катта ва маданият тамонидан улардан анча устун бўлган вилоятларни идора қилишда мутлоқо тажрибага эга эмас эдилар. Бўнинг устига бундай вилоятларни бошқара оладиган ўзларининг маъмурлари ҳам йўқ эди. Чингизхон ва хонзодалар, мўғул ҳарбий задагонлари истило қилинган мамлакатлардан асосан ўлпон ундириб муттасил даромад оли туришга қизиқар эдилар. Шунинг учун ҳам сертармоқ ва бой хўжаликка эга бўлган.

Мовароуннаҳр вилоятларини, хунармандчилик шаҳарларини бошқаришда давлатни идора қилиш анъаналарига эга бўлмаган мўғул хоқонлари, шу жумладан Чигатойнинг ўзи ҳам ўзларига буйсундирилаган маданийроқ халқларининг задагон табақа вакиллари хизматидан фойдаландилар.

Мовароуннаҳрни бевосита идора этиш ишлари Чингизхон хузурида хизмат қилган хоразмлик бой савдогар судхур Махмуд Ялавочка берилди. Махмуд Ялавоч Чигатойнинг ноибни ҳисобланиб, Мовароуннаҳрда катта ҳуқуққа эга эди. Унинг ихтиёрида солиқ йиғувчи босқоқлар бошчилигидаги мўғул ҳарбий гуруҳлари бўлиб, аҳолида солиқ йиғишни қаттиқ назорат остига олган эди.

Мўғулларнинг Мовароуннаҳр ҳудудини боси олиб, шиб-шидон этиб, талон-тарож қилиши, сунгра маҳаллий аҳолидан ҳаддан ташқари солиқ, улпон ва туловлар пули билан зулим асоратига дучор этиши табики маҳаллий аҳолининг кўтарилишига, азодлиги, мустақиллигининг кураши авж олишига сабаб бўлди. 1238 йил Бухоро яқинидаги Тороб қишлоғида бошланган ғалвасир ясовчи, оддий хунарманд Махмуд Таробий бошчилигидаги кузғалон мана шундай кузғалонлардан эди. Унинг атрофига минг-минглаб аламзада меҳнат кишилари бирлашади. Бухоро атрофидаги қишлоқлар аҳолиси билан кўпайиб борган кузғалончилар Бухорога келиб, мўғул амалдорларини, шунингдек маҳаллий задогонлар, садирларни енгиб, шаҳарни эгаллайдилар. Бухоро садрлари, Махмуд Таробий ҳокимияти тан олиб, уни ҳалифа деб эълон қилишга мажбур бўлдилар.

Аммо кўзғалоннинг боришида кўтилмаган ўзгаришлар рўй берди ва у муваффақиятчиликка учради. Кўзғалоннинг ташкилотчиси ва йўлбошчиси Махмуд Таробий мўғул кучлари билан Кармана остонасидаги жангда ҳалок бўлди. Кўзғалоннинг яна бир маҳир раҳбари, Таробийнингдўсти Шамсиддин Маҳбубий ҳам ўлдирилди. Бошлиқсиз қолган кўзғалон орадан бир неча кун ўтгач бостирилди. Бу кўзғалоннинг ўзига хос хусусияти ва аҳамиятли томони шуки, у нафақат босқинчилар ва уларнинг зулмига қарши, балки босқинчиларга таянч бўлган маҳаллий рўҳонийлар, савдогорлар, ер эгаларига ҳам қарши қаратилган эди. Бу кўзғалон босқинчилар ва улар билан бирлашиб кетган маҳаллий задогонларга қарши халқ озодлик кураши тарихини бойитди. Энг муҳими, мўғул ва маҳаллий ҳукмрон доиралар қаршисида жиддий халқ кучи ва унинг орасидан етишиб чиққан Махмуд Таробий ва Шамсиддин Маҳтубий сингари халқ қаҳрамонларининг борлигини кўрсатди. Айни чоғда Таробий кўзғалони мўғул ҳукмдорлари учун маҳаллий халқ билан муносабатларини қайта кўриб чиқиш, бошқача сиёсий ва тактик йўллари кўлланиш учун ҳам муҳим сабоқ берди. Маҳаллий халқ орасида анча обрўйсизланиб қолган Махмуд Ялавачнинг мўғул ҳукмдорлари томонидан Мовароуннаҳрдан олиниб, Пекингга ҳоким қилиб юбориши, унинг ўрни катта ўғли Маъсудбекка берилиши ҳам кўзғалоннинг муҳим сабоқларидандир. Маъсудбек ҳам Мовароуннаҳрда отаси бошлаган сиёсатни давом эттириб, улус даромадини ҳақон хазинасига аввалдан тўлаб, аҳолидан «барот» асосида солиқни кўпайтириб йиғиб оларди.

Мўғулларнинг Мовароуннаҳрга тайинланган янги ноиб Маъсудбек отасидан кескин фарқи ўлароқ ғоятда устакорлик, эҳтиёткорлик билан иш юритиб, сиёсий ва дипломатик соҳаларида эпчиллик билан сиёсат олиб борди. Хусусан, Маъсудбек бир томонидан, ҳукмрон мўғул хонлари, аслзодалари билан умумий тил топишга ҳаракат қилиб, уларнинг манфаатлари, қизиқишларига мос келадиган сиёсат юргизган бўлса, иккинчи томонидан эса, Мовароуннаҳр

худудларини иқтисодий юсалиши, савдо-сотиқни жонланиши, сиёсий барқарорликни таъминлаш бобида саъй-ҳаракатлар қилди.

6/3. XIII аср ўрталарида Мўғуллар давлатининг умумсиёсий аҳволи оғирлашди. Бу даврда мўғуллар истилоси бутун Шарқий Европага тарқалди. 1222-1241 йилларда Россия забт этилди, Олтин Ўрда давлати вужудга келди. 1256 йилда Эрон босиб олинди, Хулагулар давлати ташкил топди. Аммо сиёсий вазият шундан далолат берадики, мўғуллар бу даврда Осиё ва Европанинг катта қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатган бўлсаларда, улар ягона давлатга эга эмас эди. Бу даврда улуг ҳоконнинг ҳокимлиги деярлиномигагина бўлиб, Эронда Хулагу, Мовароуннаҳрда Олғу, Олтин Ўрдада Беркалларнинг давлатлари мустақил ҳуким суради. Ҳар бир усулнинг хони ўзини мутлақ ҳис этиб, пайт пойлаб, ўз ҳоконзодалариулусларига ҳужум қилар ва талаб қайтар эди.

Эрон ҳокими Хулагуханнинг қўшни 1272 йилда Мовароуннаҳрга бостириб киради ва Кеш, Нахшаб шаҳарларини талайди. Бир йилдан сўнг хулагулар Бухорога бостириб кириб, шаҳарда қирғин қилиб, уни талон-тарож қиладилар. Босқинчиларнинг тўс-тўполони пайитида шаҳардаги «Масъудия мадрасаси» ва катта кутубхона ёниб кетди. Мовароуннаҳрда ҳокимлик қилаётган мўғул хони Олғунинг Бухорога ёрдамга келган ўн минг Чигатой мўғуллари, кўмак ўрнига, толончилик Бухоро ва унинг атрофи вайронага айлаиб, хувиллаб қолди.

Мовароуннаҳрнинг ички ҳаётини яхшилаш мақсадида мўғулларнинг бу ердаги ноиб 1271 йилда пул ислоҳатини ўтказди. Бу тадбир Мовароуннаҳр ички ҳаётини яхшилашда бирмунча аҳамиятга эга бўлди. Самарқанд, Бухоро, Термиз, Ўтрор Нахшаб каби шаҳарларда бир хил вазн ва юқори қийматли соф кумуш тангаларининг зарб этилиб, бутун мамлакат бўйлаб муомаларда чиқарилди.

XIII асрнинг иккинчи яримида бошлаб кМовароуннаҳрдаб туркий қавмлар Мовароуннаҳрга келиб ўрнаша бошлади. Хусусан, барлослар Қашқадарёда, жалбирлар Оҳангарон водийсида, арлотларда Афғонистон шимолда, қавчинлар Тожикистон жанубида жойлашиб, маҳаллийлашди. XIV асрнинг бошида Чигатой улусда мўғул хонлари бошқарув соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу ўзгаришлар, аввалом бор, Чигатой хонларидан Дувохон, унинг ўғиллари Ксбекхон, Тармаширин, номлари билан боғлиқ.

XIV аср биринчи ярмига келиб Чигатой улусда мўғулларнинг ўтроқликка ўтиш жараёни кўчайди. Мовароуннаҳрдек маданий ўлка билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга ва ўтроқ ҳаёт кечирришга интилган Чигатой хонларидан бири Кебекхон эди. У ҳокимиятни бевосита ўз кўлида олиб, Қашқадарё воҳасида қадимги Насаф шаҳри ёнида ўзига сарой қурдиради. Сарой мўғултилида «Қарши » номи билан юритдиб, Кебекхон мамлақати пойтахтини шу ерга кўчради ва у шу саройда туриб мамлақатни идора қилади. Кийинчалик бу сарой атрофида янги шаҳар қад кўтаради ва у ҳам «Қарши» деб атала бошлади. Бора-бора Қарши гавжумлашиб, қадимги Насаф шаҳри хароб бўлди.

Кебекхон давлатни идора этиш, тузлиши ва унинг иқтисодий ҳаётини тартибга солиш мақсадида маъмурий ва пул соҳасида ислоҳат зади. Маъмурий ислоҳатга кўра, Мовароуннаҳр худудлари вилоятларга бўлиниб, улар мўғулга «туман» деб юритилган. Кебекхоннинг муҳим хизматлардан яна бир-бу унинг пул соҳасидаги ислоҳати эди. Бу ислоҳат ташқи ва ички савдонинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиб беришга хизмат қилди.

XIII асрнинг иккинчи ярми-XIV аср бошларида Мовароуннахр хўжалик ҳаёти жонланиши билан, мўғуллар истилоси ва босқини даврида кучли зарбага учраган фан, адабиёт, маърифат ва маданиятнинг айрим тармоқлари тиклана бошлади. Форс-тожик пафзиясининг номояндаларидан Жалолиддин Румий, Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Амин Хусров Дехлавий, Носириддин Рабғузий, Паҳловон Маҳмуд, Сайфи Саройи каби халқ орасидан чиққан мунтоз ижодкорлар кўплаб асарлар яратдилар.

Бу даврда Бухорода Баёқулихон, Сайфиддин Бухоразмий мақбаралари, Самарқандда машҳур Шохизинда меъморий ансамбли, кўҳна Урганчда Нажмиддин Кубро, Турабекхоним Муҳаммад Башар мақбаралари, Хўжандда Тубахон мақбараси каби обидалар бунёд этилдики, улар XIV асрнинг нодир меъморий ёдгорликлари сирасига киради. XIII-XIV асрлар давомида Мовароуннахр ҳудуди мўғуллар томонидан не чоғлик вайрон қилинмасин, унинг кўҳна маданияти, илм-фани, адабиёти ўз ривожланишини давом эттирди.

Таянч тушинчалари:

Муаррих, туман, камон, қалқон, юзбоши, мингбоши, кешик, манжаник, палахмон, чавондоз;

Жалолиддин Мангуберди, ботир, маҳанг, Темур Малик, ўлпон, судхўр, задгон, улус

Текширув саволлари

1. Чингизхон шахси тўғрисида гаприб беринг?
2. Мўғулларнинг босқачон бошланади?
3. Мўғуллар босқини арафасида Хоразимшоҳлар давлатининг сиёсий аҳволи қандай эди?
4. Мовароуннахр аҳолисининг мўғул босқинчиларига қарши олиб борган озодлик кўраши ҳақида гаприб беринг?
5. Жалолиддин Мангубердининг мардлиги ва қаҳрамонлиги ҳақида наималарни биласиз?
6. Чиғатой улусига. Мовароуннахрнинг қайси ҳудуди киради?
7. XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқининг маданий ҳаёти тўғрисида наималарни биласиз?

Адабиётлар:

1,18,30,31,32,33,38,39,40,41.

**7-маъруза: Амир Темур ва темурийлар
даврида ўзбек давлатчилиги. Бу даврда
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.**

Режа:

1. Амир Темур томонидан марказлашган давлатнинг барпо этиши. Давлатни бошқариш тизми.
2. Амир Темурнинг жаҳонгирлик юришлари ва ташқи сиёсати.
3. Амир Темур ва темурийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.
4. Темурийлар сулоласи ҳокимиятнинг инқирозга учраши, унинг сабаблари.

7/1. XIV асрнинг ўрталарига келиб Моварауннаҳрда сиёсий тарқоқлик нихоятда кўчайди ва синфий кўраш янада кескинлашди. Мамлакатда ягона уюшган давлат йўқлиги, натижада сиёсий натижадан майдаланиб кетгани ўрта аср муаррихларидан бири Ғиёсиддин Хондамир ўзининг «Ҳабиб ус-сияр» номли асарида яхши тасвирлаб берган. Хондамирнинг ёзишича, улус ўнга яқин мустақил бекликларга бўлиниб кетади. Хусусан, Самарқанд вилоятида Амир Баён Сулдуз, Кешда Амир Хожи Барлос, Хўжандда Амир Боязид Жалоир, Балхда Ужайду Сулдуз, Шибирғонда Муҳаммад Хожа Яздий, Кўхистонда Амир Сотилмиш, Хутталонда Кайхусрав, Ҳисори Шодмон чегарасида Амир Ҳусайин ва Амир Хизир Ясовурийлар ўзларини мутлоқ ҳоким деб эълон қилган эдилар.

Бунинг устига Чигатой улусининг шарқий қисмида, яъни Еттисув ва Шарқий Туркистонда мустаҳкам ўрнашиб олган мўғул хонлари Моварауннаҳрга тинимсиз хужумлар қилиб, юртни талар эдилар. Мана шундай ички низолар кўчайган, мўғуллар зулмига қарши халқ ҳаракатлари бошланган бир даврда қисқа вақт ичида йирик давлатни вужудга келтирган соҳибқурон Амир Темур сиёсатмайдонига кириб келмоқда эди.

Амир Темур 1336 йил 9 апрелда Кеш (Шаҳрисабз) яқинидаги Хўжа илғор қишлоғи (ҳозирги Яккабоғ) да барлос уруғи бекларидан бири Амир Тарағай ибн Амир Барқол оиласида таваллуд топди. Темурнинг болалиги ва ўсмирлик йиллари она юрти Кешда кечди. Етти ёшга тўлгач отаси уни ўқишга берган. У ёшлик чоғлариданоқ чавондозлик ва овга ишқибоз бўлиб, камондан ўқ узиш, от чоптириб турли машқ ва ҳарбий ўйинлар билан шуғулланарди. Шу тариқа Амир Темур моҳир чавондоз ва довюрак баҳодир сифатида вояга етди.

Амир Темурнинг Моварауннаҳрни бирлаштириш йўлидаги дастлабки ҳаракат XIV асрнинг 60-йиллари бошларидан бошланади. Бу пайтда мўғул хонлари Моварауннаҳрни қайтатдан ўзларига тобе қилиш мақсадида хужум бошлайдилар. Хусусан, мўғул хонларидан Туғлуқ Темур 1360-1361 йилларда Моварауннаҳрга бирин-кетин икки марта бостириб киради. Мўғул хонларининг истибдоди ва зулмига қарши халқ ҳаракати бошланади. Аммо, юрт амирлари халққа бош бўлиб, мўғул босқинчиларига қарши курашни ташкил этиш ўрнига

парокандаликка йўл қўядилар. Уларнинг бир қисми душман томонига ўтиб кетса, иккинчи қисми эл-юртни тарк этиб, бошқа мамлакатлардан бошпана излайди. Шулардан бири Кеш вилоятининг амири Амир Темурнинг амакиси Хожа Барлос ҳам Хуросон томон қочади. Темур амакисининг вилоятини қўлдан бермаслик мақсадида Туғлуқ Темур хизматига ўтиб, Кеш вилоятига амир бўлиб тайинланишига муваффақ бўлади. Бу билан Амир Темур мўғулларнинг навбатдаги талончилигидан ўз юрти ва халқини қутқариб қолишни мўлжаллади. Мўғул хони Туғлуқ Темур Моварауннаҳрга ҳукумдор этиб ўз ўғли Илёсхожани тайинлайди. Амир Темур Моварауннаҳрнинг бу янги ҳукумдори билан муроса қилолмайди ва унга хизмат қилишдан бош тортади. Шу сабабли у 1361 йилда Амир Қозоғоннинг набираси, Хуросан ҳокими Амир Хусайн билан яқинлашади ва у билан иттифоқ тузади. Амир Темур Хусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғага уйлангач, уларнинг иттифоқи қариндошлик алоқалари туфайли янада мустаҳкамланди. Соҳибқирон Темурнинг Амир Хусайн билан яқинлашган ва яхши муносабатда бўлган даврлар 1361-1365 йилларни ўз ичига олади. Амир Темур билан Амир Хусайн аввалбошиданок Моварауннаҳрнинг исёнкор амирларга, сўнгра эса, мўғулларга қарши кураш олиб борганлар. Мўғулларга қарши олиб борилган дастлабки жангларидан бири 1362 йилда Сейстонда бўлиб ўтган эди. Амир Темур шу жангда ўнг қўли ва ўнг оёғидан камон ўқи тегишидан каттиқ жароҳатланади. Бунинг оқибатида у бир умр оқсоқ бўлиб қолди. Шу боис уни «Темурланг» деб ҳам аташган.

1363-1364 йиллар давомида Амир Темур ва Хусайнлар умумий душман-мўғулларга қарши бир неча бор жанг қилиб зафар кучадилар. Натижада 1364 йил охирида улар мўғулларни Моварауннаҳрдан қувиб чиқарадилар.

Моварауннаҳрни қўлдан чиқаришни истамаган Илёсхўжа пухта тайёрганликдан сўнг 1365 йил баҳорида яна қўшин тортади. Темур ва Амир Хусайн бўлғуси тўқнашувга имкон борица ҳарбий кучларни йиғдилар. Тарихда «Жанг лой» номи билан кирган мазкур жанг 1365 йилнинг баҳорида Чиноз билан Тошкент ўртасида рўй берган. Жангда Амир Темур билан Хусайн келишиб ҳаракат қилганликлари оқибатида улар мағлубиятга учрайдилар. Бу ғалабадан сўнг Илёсхўжа ҳеч қандай қаршиликка учрамай, Хўжанд ва Жиззах шаҳарларини эгаллаб, Самарқанд томонга юради. Самарқанд эса, ўша пайитда катта ва яхши қуролланган қўшинга қаршилик кўрсата олмасди. Душманга қарши кўтарилган халқ ҳаракатига сарбадорлар раҳбарлик қиладилар.

Сарбадорлар ҳаракати даставвал XIV асрнинг 30-йилларида Эронда ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида пайдо бўлиб, 50-60 йилларда Моварауннаҳр ҳудудига ҳам тарқалган эди. XIV асрнинг 60- йилларида мўғул хонларининг ҳужуми муносабати билан Моварауннаҳрдаги сарбадорлар ҳаракати кучаяди. Самарқанд бу ҳаракатнинг маркази эди. Кўзғалонга мадраса мударриси Мавлонзода билан бирга жун титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бокр Калавий ва мерган Хўрдаки Бухорийлар бошчилик қиладилар. Сарбадорлар мўғулларга Самарқанд шаҳрида қақшатқич зарба берадилар. Илёсхўжа дастлаб Самарқандни, сўнгра эса бутун Моварауннаҳрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Шу тариқа Самарқандда сарбадорлар ҳокимияти ўрнатилади.

Сарбадорларнинг Илёсхўжа устидан ғалабаси тўғрисидаги хабар Кешда бўлган Амир Темурга, сўнгра Амир Хусайнга ҳам етиб боради. Амир Темур 1365 йилнинг қишини Каршида, Амир Хусайн Амударё бўйида ўтказди. 1366 йилнинг бошларида улар Самарқандга қараб йўл оладилар ва Самарқанд

яқинидаги Конирил мавзеида тўхтайдилар. Ҳар иккала амирлар сарбадорларнинг душман устидан қозонган ғалабасидан мамнун эканлиги ва улар билан учрашмоқчи эканликларини билдирадилар. Афсуски, сарбадорлар бошликлари амирларнинг ниятидан беҳабар эдилар. Учрашувда келишмовчилик юз беради ва улар қатил этилади. Фақат Мавлонозадани Амир Темурнинг илтимоси билан омон қолади. Бошлиқсиз қолган сарбадорлар ҳаракати бостирилади ва Моварауннаҳрда Амир Хусайин ҳуқумдорлиги ўрнатилади. Кеш ва Карши вилоятларининг ҳуқумдори бўлиб қолган ўзининг собиқ иттифоқи ҳамда қайноғаси Амир Хусайинга қарши ҳал қилувчи жангга тайёрганлик кўрабошлайди. 1366-1370 йиллар давомида улар ўртасида бир неча бор тўқнашувлар бўлиб ўтади ва, ниҳоят, 1370 йилда Хусайиннинг ўлдирилиши, Амир Темур Моварауннаҳр тахтига ўтиришга олиб келди. Чингизхон авлодга мансуб бўлган Суюрғатлиш қўлида Моварауннаҳр хони бўлсада, давлат бошқарув тизми Моварауннаҳр амири номини олган Амир Темур қўлида қолди. Амир Темур Кеш шаҳрида Самарқандга кўчиб, уни ўз давлатининг пойтахтига айлантирди. Шу пайитда Амир Темурнинг Моварауннаҳрни бирлаштириб, кучли марказлашган давлатини барпо этиш сиёсати бошланган эди.

Амир Темур томонидан кучли марказлашган давлатни барпо этиш учун олиб борилган сиёсати 1370-1385 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Амир Темур биринчи навбатда, мўғулларнинг 150 йиллик ҳукмронлик давомида вайрон бўлган шаҳар-қишлоқлани тиклашга эътиборни қаратди, бунёдкорлик ва ободанчилик ишларини амалга оширди. Иккинчидан, Соҳибқирон давлатининг сарҳадларини мустаҳкамлаш сиёсатини олиб бориб, Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳудудларни ўзига бўйсиндирди, Фарғона ва Шош вилоятларини ўз тасарруфига киритиши унча қийин бўлмаган бўлса-да, Хоразмни Моварауннаҳр таркибига киритиш енгил кўчмади. Шу сабабли ҳам Амир Темур Хоразмни бир давлат таркибига киритиш учун 1372-1388 йиллар орасида Хоразмга беш марта қўшин тортишга тўғри келади. Шундай қилиб, Амир Темур Моварауннаҳр ва Хоразмда сиёсий тарқоқлик ва ўзаро низоларга зарба бериб, Сирдарё воҳасидан то Орол денгизигача бўлган ерларда яшовчи халқлари ягона давлат тасарруфида бирлаштиради.

Давлатни тўғри ва адолатли бошқариш тизми «Темур тузуклари» да тўлиғича ифода этилган. Буюк Амир Темур нафақат давлатни бошқаришда маънавият ва қонунчилик соҳасида ҳам бебаҳо мерос қолдирган. Шу соҳага мансуб ноёб тарихий манба, ўз замонасининг асосий қонуни ҳисобланган «Темур тузуклари» нинг яратилиши Соҳибқиронни нақадар истеъдодли, кўпқиррали шахс эканлигини ёрқин ифодасидир. Амир Темурнинг «Тузуклари» салтанат ворисларига давлат ишларини бошқаришда қўлланма, асосий қонун сифатида фойдаланиш нуқтаи назаридан яратилган.

«Темур тузуклари» да ёзилишича, Соҳибқирон давлатининг марказий бошқаруви маҳкамалари сифатида етти вазирликни тuzган. Бу етти вазирликдан тўрттаси доимо Соҳибқирон ҳузурида бўлиб, қолган учтаси вилоятларни бошқариш билан шуғилланганлар. Амир Темур давлатида мамлакат ва раият вазири, ҳарбий вазир, мол-мулк, закот ва бож-хирож ишлари билан шуғилланувчи вазир, молия вазири, забт этилган мамлакатлар молиявий муаммолар ва келадиган даромадларни бошқариш учун уч вазирдан иборат давлат ҳайъати (хोलиса) тuzилган. Ана шу айтиб ўтилган етти вазир давлат раҳбарига ҳисоб бериб турувчи девонбегига бўйсундирилган.

Бундан ташқари Амир Темур адолатли давлат қуриш мақсадида марказий бошарув тизми таркибида бир неча мансбларни жорий этган. Шунда мансблардан бири арзбеги лавозими бўлиб, арзбеги сипоҳ, раият ва арз-дод қилиб келувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг ободлиги ёки хароблигини, мўҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлигини Соҳибқиронга маълум қилиб турган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур барпо этган давлатда чинакам шарқона демократик томоёиллар ҳукмронлик қилган.

7/2. Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳонгарлик салоҳиятини унинг 1386 йилдан бошланган учта ҳарбий юришларида ва давлат хавфсизлигини таъминлаш ва унинг сарҳадларини мустаҳкамлаш бобида олиб борилган жанг-жадалларида кўрамиз.

Соҳибқирон давлати учун энг кучли хавф Олтин Ўрда эди. Шу сабабли ҳам Амир Темур Олтин Ўрдага зарба бериб, уни кучсизлантиришга жиддий ҳаракат қилади. Бу борада Олтин Ўрда мавжуд ички зиддиятлардан усталик билан фойдаланилади. Бироқ у Жўжи улусни ўз давлатига қўшиб олиш нияти эмас эди. Фақат Олтин Ўрданинг Моварауннаҳрга туташган шарқий қисми ўз таъсири остидаги хонлар тасарруфиига олиб бориш ҳам Сарой Берка орқали ўтадиган қарвон йўлини Моварауннаҳр томон буриб юборишни кўзлайди. Шу мақсадида у Оқ Ўрда хонзодаларидан бири Тўхтамишга бир неча бор ҳарбий ёрдам беради. Аммо, Олтин Ўрда тахтини эгаллаган Тўхтамиш Амир Темурга берган ваъдаларини бузиб хиёнат қилади. Шу сабабли Соҳибқирон 1389-1395 йиллар орасида Тўхтамишга қарши уч марта катта ҳарбий юришлар қилишга мажбур бўлади.

80-йилларнинг иккинчи ярмида Тўхтамиш, яъни Оқ Ўрда хони Амир Темур давлати ўртасидаги муносабатлар ёмонлашади ва икки орада урушлар бошланди. Амир Темур ўз қароргоҳини Ўтрор яқинига кўчирди. Лекин Амир Темур билан Тўхтамишхон қўшинлари орасида жанг бўлмади ва Темур Оқ Ўрда тахтини Тўхтамишхонга инъом этиб, Самарқандга қайтди (1376 йил 21 май). Аммо шундан кейин ҳам Тўхтамиш ишончини оқламади. Олтин Ўрдани Оқ Ўрдага қўшиб олган кейин Темур давлатига нисбатан душманлик сиёсатини юргиза бошлади. Тўхтамиш Олтин Ўрда ерларини янада кенгайтиришга интилиб, Кавказортига бир қанча юришлар қилди. 1385 йилда Табризни эгаллаш учун катта қўшин юборди. Хоразм ҳокими Сўлаймон суфини ҳам ўзига қўшиб, Тўхтамиш Моварауннаҳрнинг туташ вилоятларини талон-тарож қилди.

Шуларнинг ҳаммаси жам бўлиб, Жўчи улус билан Темур давлати ўртасида катта уруш чиқишига олиб келди. Амир Темур Тўхтамишга қарши уч марта (1389, 1391, 1395 й) қўшин тортди. Бу билан унинг мақсади Жўчи улусда ўз ҳокимиятини ўрнатиш эмас, балки бу давлатнинг ҳарби-сиёсий қудратини синдириш ва Моварауннаҳр, Эрон ва Озорбойжондаги ерларини муҳофаза этиш эди. Чунки Темур қудратли Олтин Ўрда тимсолида ўзи барпо этган марказлашган давлатига доимий хавф-хатарни кўрарди.

Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши сўнги ва ҳал юриши 1395 йилнинг 28 феввалида бошланди. Дарбанд йўлида Темур ҳамма ишни тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Тўхтамиш хузурига Шамсиддин Олмалиқий бошчилигида элчиларни жўнатади. Аммо Тўхтамиш тилёғламалик билан сулҳ ҳақидаги музокарани орқага суриб, урушга тайёрланишда давом этади.

Шундан сўнг Амир Темурни бир ёқли қилиш мақсадида жанг бошлашга мажбур бўлади. Ҳал қилувчи жанглар ҳар иккала қўшин ўртасида 1395 йилнинг апрель ойида Шимолий Кавказда Терек дарёси бўйича бўлиб ўтди. Қўшинлар сафида ҳар икки томондан камида 400 минг киши бор эди. Жанг 30-35 километрлик катта масофада олиб борилди. Ҳар икки томон бор кучлари билан қаттиқ олишди. Ниҳоят Амир Темур зафар қозонди. Тўхтамиш қолган қўшни билан қочди ва Бўлғор ўрмонларида ғойиб бўлди. Темурнинг ғалабаси кўп жиҳатдан у қўллаган мисли кўрилмаган, янги жағарлик санъатидаги тактикаси туфайли эди. Жанг бошланиши олдида Амир Темур қўшинни етти ғул (Коргус) га бўлди ва йигирма етти қўшиндан иборат кучли заҳира бўлинмасини тузади. Мана шу етти ғул қанотдаги тўсиқлар билан кучли марказни ташкил этади. Заҳирадаги қўшинлар эса Темурга керакли вақтда жангнинг у ёки бу қисминини қувватлаш, кучайтириш учун имкон беради. Рус тарихчилари Б.Д. Греков ва А. Ю. Якубовскийларнинг таъкидлашича, Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, фақат Ўрта Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек Рус князликлари учун ҳам буюк аҳамият касб этган эди.

Амир Темур бу билан қаноатланиб қолмади. Кейинчалик у тарихда уч йиллик (1386-1388), беш йиллик (1392-1396) ва етти йиллик (1398-1404) ҳарбий юришлар номи билан шуҳрат топди. Уч йиллик ҳарбий юришлар оқибатида Жанубий Озорбойжон, Ироқнинг шимоли қисми, Гуржистон ва Арманистон (Ван қўли атрофи) даги ерларни эгаллади.

Шундан сўнг Амир Темур бутун эътиборини Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осиё ва Ҳиндистон ерларни фатҳ этишга киришади. Ў беш йиллик (1392-1396) уруш давомида Ғарбий Эрон, Ироқи Ажам ва Кавказни эгаллайди, у билан музаффарийлар ва жалойирийлар сулоласининг ҳукмронлиги барҳам топади.

Жаҳонгир Амир Темурнинг 1398-1404 йилларидаги олиб борган етти йиллик ҳарбий юриши энг шиддатли ва энг йирик маҳорабаларидан бўлиб, бунинг оқибатида даставвал Ҳиндистон, кейин Шомнинг Ҳолаб, Хумс, Дамашқ каби йирик шаҳарлари ва Ироқи Арабнинг Убулистон ўлкаси билан Боғдод, фатҳ этилади. Натижада икки буюк саркарда-Соҳибқирон билан Султон Боязид Йилдимларнинг тўқнашуви муқаррар бўлиб қолади.

Амир Темур билан Султон Боязид қўшинлари ўртасидаги сўнги ва ҳал қилувчи жанг 1402 йил 20 июлда Анқара Яқинида-Чубуқобод деган мавзеида бўлиб ўтади. Бу муҳорабаз тарихда «Анқара жанги» номи билан шуҳрат топди. Уч кун давом этган бу жангда ҳар икки томондан ҳаммаси бўлиб 360 минг нафар аскар қатнашди. Бу мисли кўрилмаган жангда Соҳибқирон қўшинлари Султон Боязид устидан ғалабани қўлга киритади.

Боязид устидан қозонилган буюк ғалаба билан Амир Темурни Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV ҳамда Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара табриклар, унга ўз муборакномаларини юборадилар. Чунки Соҳибқирон эндигина уйғонаётган Европага улкан хавф солиб турган Усмонли туруқлар давлатига зарба бериб, бутун Европанинг халоскорига айланган эди.

Кичик Осиёдан Самарқандга 1404 йил июль ойида тантанавор қайтиб келади ва шу заҳотиёқ Хитойга қарширушга ҳозирлик кўра бошлайди. Хитой ҳукимдорлари доимо Мовароуннаҳрга нисбатан даъвогар бўлиб келадилар. Уч ойлик тайёрганликдан сўнг 1404 йил 27 ноябрь куни Амир Темур икки юз минг кишилиқ қўшин билан Хитойга қарши ҳарбий юришга чиқади. Бироқ бу юриш

1405 йил 18 февралда Темурнинг Ўтрорда вафот этиши муносабати билан тўхтатилади.

Амир Темур ва унинг давлати халқаро майдонда шуҳрат қозонганлиги тўғрисида кўп маълумотлар бор. Темур давлати билан Шарқнинг Мўғулистон, Хитой, Миср ва Европа мамлакатларидан Италия, Испани, Франция, Англия ва бошқа давлатлар ўртасидаги ёзишмаларга қараганда, дипломатик, сиёсий ва савдо алоқалари ривожланган.

7/3. Амир Темур вафот этиши биланоқ салтанатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида салбий ўзгаришлар бошланиб кетди. Амир Темур давлатининг ташқи қиёфаси кўчли кўринсада, аммо сиёсий жиҳатдан у айтарлик мустаҳкам эмас эди. Давлатнинг барқарорлиги тадбиркор Амир Темурнинг иродаси ва қилич зарби билан сақланиб турилган эди. Мамлакат ҳаётида ҳукум сурган суюрғол тартиби Амир Темур асос солган бу ўлкан давлатнинг кўп ўтмай парчаланиб кетишига сабаб бўлди. Амир Темурнинг жасади Самарқандга олиб келиниб дафн этилиши ва марҳумнинг матом маросимлари тугамасдан, ворислар ўртасида тожу-тахт талашув бошланиб кетади. Ўша пайитларда Самарқанд саройи доирасида қарорсизлик ва парокандалик ҳукум сурар эди. Гарчи Амир Темурнинг ўртанча ўғли Мироншоҳ ҳамда Хуронсон ноиб-оқил ва тадбиркор кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзолар барҳаёт бўлсаларда, Соҳибқирон ҳаётлик чоғидаёқ ўзига валиҳад этиб оқил ва ботир набираси-ўша вақтлардаги Ҳиндистон ва Қобул вилоятларининг ҳукумдори Пирмуҳаммадни тайинлаган эди. Пирмуҳаммадни тахтга ўтказиш тарафдорлари кўчли бўлса-да, аммо Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон Мирзо 1405 йилнинг 16 март куни Самарқандни эгаллаб, ўзини Мовароуннаҳирнинг олий ҳукумдори деб эълон қилади.

Отасининг юртида бўлаётган ҳодисаларга лоқайд қараб тура олмаган Шоҳруҳ Мирзо 1409 йил 25 апрелда Амударёдан ўтиб, Самарқанд сари юриш қилади ва шаҳарни жангсиз эгаллашга муяссар бўлади. Шоҳруҳ Мирзонинг ўзоқ ҳукморлик даврида Темур давлатининг асосий қисми унинг қўли остида сақланиб қолса-да, аммо бу ўлкан мамлакат икки давлатга бўлинган эди. Улардан бира Амударёдан жанубда жойлашган Шоҳруҳ давлати бўлиб, унинг маркази Ҳирот шаҳри эди. Иккинчиси эса, Амударё шимолида-Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келган Улуғбек давлати бўлиб, Самарқанд унинг пойтахти эди.

Самарқанддан Ҳиротга қайтиш олдида Шоҳруҳ Мирзо 1409 йилда ўзининг катта ўғли Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳр билан Туркистонга ҳоким қилиб тайинлайди. Улуғбек Самарқанд тахтига ўтирган вақтида ўн беш ёшдаги ўспирин эди. Табиийки, мамлакатни ирода этиш унинг учун мушкул эди. Шахзода балоғатга етгунча давлатни бошқаришни Шоҳруҳ Мирзо ўзининг содиқ амалдорларидан бири Шоҳмаликнинг ихтиёрига топширади. 1411 йилга келиб Улуғбек билан оталиқ Шоҳмалик ўртасидаги муносабат бузилади. Чунки шуҳратпараст оталиқ Улуғбекни давлат ишларига яқин йўлатмай, ҳатто у билан ҳисоблашмай ҳам қўйган эди. Шу сабабли Шоҳруҳ Мирзо Шоҳмаликни Самарқанддан олиб кетади. Шундан бошлаб Улуғбек Мовароуннаҳрни мустақил идора қила бошлайди.

Мовароуннаҳрни идора этишда, айниқса, унинг ташқи сиёсатида Улуғбек айрим ҳоллардагина, мустақил ҳаракат қилган бўлса-да, аммо аслида у Шоҳруҳнинг Мовароуннаҳрдаги интизомли ва итоаткор ноиб бўлиб қолади.

Ташқи ва ички сиёсатга алоқадор ҳар қандай масалани у отаси билан маслаҳатлашиб ва келишиб, унинг розилиги билан ҳал этишга ҳаракат қилади.

Шоҳруҳ Мирзо ҳам отаси Соҳибқирон Амир Темур давлати ички сиёсатида мавжуд бўлган тартиботларга риоя қилди. У ҳам мамлакатни ўғиллари, қирндош-уруғларига суғрол тарзида тарқатган бўлиб, улар ёрдамида ҳокимиятни бошқарди. Маҳаллий ҳокимлар, жумладан Улуғбек ҳам гарчи уларнинг ўз саройлари, хазиналари, кўшини ва давлат идораси бўлса ҳам, марказий ҳукуматга қарам эдилар.

Темур давлатида суғрол ерлардан ташқари, ер эгалигининг кўйидаги турлари бор эди: мулки султоний (давлат ерлари) ва вақф ерлари. Вақфлар мсжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар ва мазорларга тегишли эди. Жамоа ерларига келсак, улар жамоанинг умумий мулки бўлиб, ундан биргаликда фойдаланилар эди.

Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши ва марказлашган давлатнинг барпо этилиши билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга интилиш кучайди. Мовароуннаҳрнинг асосий деҳқончилик райони доимо Зарафшон ва Қашқадарё водийлар бўлиб келган.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда суғорма деҳқончилик ва унинг асоси бўлган суғориш ва сув иншоотларини куриш ишларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, вилоят ҳокимлари томонидан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв воҳаларида, Тус водийсида ҳамда Хирот атрофида йирик суғориш иншоотлари барпо этилиб, баъзи деҳқончилик вилоятларида сув таъминоти тубдан яхшиланди. Темурийлар ҳукмронлик қилган даврида амалга оширилган энг йирик суғориш иншоотларидан бири Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан бош олган Дарғом анҳоридан чиқарилган қадимги Анҳор каналининг қата тикланиши бўлди. Замонасининг энг йирик суғориш тармоғи ҳисобланган бу канал орқали Зарафшон дарёси оқимининг бир қисми бу даврда кам сувли Қашқадарё воҳасига ташланиб, унинг адоғида жойлашган деҳқончилик ерлари сув билан таъминланди.

Бухоронинг қадимги суғориладиган ералари бўйлаб олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, мўғуллар босқини оқибатида бутунлай вайрон этилган воҳа сув хўжалиги XV асрга келиб тўла тикланади. Унинг деҳқончилик майдони бирмунча кенгайиб, воҳанинг ғарбий чегараси ҳатто Урганжий дашти томон ичкарига қарийб 5-6 километр кенгайиб боради. Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда (1409-1449) Бухоро воҳасининг жануби-шарқий чегарасига ёндошган Сомонжуқ даштига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилади.

Бутун XV аср давомида Мовароуннаҳрда аввалгидек ер ва мулкчиликнинг асосан тўрт шакли: мулки девоний» - давлат ерлари; «мулк» - хусусий ерлар; «Мулки вақф – мадраса ва ибодатхоналар тасарруфидаги ерлар ва ниҳоят «жамоа ерлари» бўлган. Деҳқончилик ерларининг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга аввалгидек мамлакат ҳукмдори султон ёки амирлар эгалик қилиб, улар давлат ерларини «суғрол» тарзида инъом қилиш усули кенг тарқалган.

Темурийлар даврида мамлакатда турли солиқ ва мажбуриятлар бўлган. Суғорма деҳқончилик ерларидан олинадиган асосий солиқ «хирож» бўлиб, бу солиқ «мол» деб аталган. Хирож асосан ҳосил етилиб, уни йиғиб олиш вақтларида маҳсулот ёки пул ҳолида тўланган.

Ер солиқлари хирож, мол, ушр ва «сардарахт» ҳамда чорва молларидан олинадиган «закот» билан бир қаторда фуқаро солиқ йиғиш ва унинг ҳисоб-китоби билан банд бўлган турли лавозимдаги маъмурларнинг хизмати учун ҳам бир қатор йиғимлар тўланган. Масалан, шундай йиғимлардан «соҳиб жамона» - ҳосил миқдорини белгиловчилар; «мухассилона» -солиқ йиғувчилар; «миробона» - сув тақсимловчи мироблар фойдасига олинган. Асосий солиқлардан ташқари меҳнаткаш аҳоли ҳукмдор ва унинг маъмурлари, суюрғол эгалари ва тархонлар, йирик мулкдорлар фойсига текин ишлаб бериш тартибига ҳам бўйсинган.

Темур ва темурийлар даврида Мовароуннахрнинг чет эл мамлакатлари билан савдо-сотик соҳасидаги алоқалари кенг ривожланди. Айниқса, Амир Темурнинг турли мамлакатларни боғловчи савдо қарвонлари йўлларининг беҳатарлиги ва осойишталигини таъминлаш соҳасидаги, Буюк ипак йўли шуҳратини тиклаш борасидаги қилган саъй –ҳаракатлари бу борада муҳим касб этади. Натижада Шарқу Ғарб, Жанубу Шимол ўртасидаги элчилик, дипломатик ва савдо-тижорат муносабатлари янада кучайди, бу эса Темур давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Испан элчиси Клавихо шаҳодат берганидек, мамлакатнинг Самарқанд ва бошқа шаҳарларида дунёнинг турли жойларидан келган савдо қарвонларини, сайёҳу дипломатларини кўплаб учратиш мумкин эди. Самарқанддан чиққан савдо қарвон йўли Кеш орқали ўтган. Бу ерда йўл Қашқадарёни кесиб ўтиб Қаршида Бухородан келган йўл билан қўшилиб кетар эди.

Ватанимиз тарихида темурийлар даврининг том маънода миллий ва маънавий уйғониш даври – «Ренессанс» даврининг иккинчи босқичи сифатида намоён бўлиши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан биргаликда маданий юксалишга эришиши Амир Темур номи билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, бу тенгсиз сиймо қудратли, яхлит салтанатни барпо этиш, унинг ҳар томонлама раванқини таъминлаш билан бирга маънавий –маданий ҳаётнинг ҳам гуркираб ривожланишига, илм-фан, адабиёт ва фан соҳаларининг ўсишига, шу жабҳа соҳибларининг истеъдоди ва ижодкорлигининг камолотига беназир раҳнамолик қилди. Амир Темур давлати даврида бунёд этилган бетакрор меъморий обидалар, осори-атиқалар, юксак санъат асарлари, илмий-маданий мерос намуналари бунга ёрқин далил бўла олади. Амир Темур салоҳиятининг ажойиб ифодаси бўлган «Тузукот» да соҳибқироннинг илм-фан, маърифат аҳлига ҳар доим алоҳида эътибор берганлиги ва ҳар бир муҳим ишни амалга оширишда уларга қатъиян суянганлиги қайта-қайта таъкидлаб ўтилган.

Темурийлар даврининг буюк номоёндаси Мирзо Улуғбекнинг тарихдаги алоҳида муҳим ўрни унинг давлат ҳукмдори сифатидаги кўп йиллик фаолиятидан кўра ҳам кўпроқ буюк олимлик, илмуурфон ҳомийси мақомидаги ўлкан хизматлари билан белгиланади. Чунки у ўзининг ақл-заковати, жўшқин ҳаётининг асосий қисмини илм-фан раванқига бағишлади, кашфиётларга бош бўлди.

Улуғбек Мовароуннахр шаҳарларини, хусусан, Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиришга интилади. Унинг фармони билан 1417 йилда Бухорода, 1417-1420 йилларда Самарқандда ва 1433 йилда Ғиждувонда мадрасалар бино қилинади. Мовароуннахрнинг бу учта қадимий шаҳарларида барпо этилган илмгоҳлар ўз замонасининг дорилфунунлари эди.

Мирзо Улуғбек 1424-1428 йилларда Самарқандда ўз атрофига тўплаган олимларнинг бевосита иштироки ва ёрдамида расадхона қурдиради. Ўрта

асрнинг машхур олимларидан бири –Ғиёсиддин Жамшид мутасадлигида расадхонанинг асосий ўлчов асбоб-ускунаси - ўлкан секстант ўрнатилди. Расадхонада Улуғбек билан бирга машхур математик ва астрономлардан, замондошлари ўртасида «Афлотуни замон» деб ном олган Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, «ўз даврининг Птоломейи» номи билан шуҳрат қозонган Алоуддин Али ибн Муҳаммад –Али Қушчи ва кўпгина бошқа олимлар илмий кузатишлар ва тадқиқотлар олиб бордилар. Хуллас, Улуғбек Самарқандда бутун бир астрономия мактабини яратади.

Самарқанд расадхонасида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларнинг самараси – бу улуғбекнинг шоҳ асари «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрогонийнинг янги астрономик жадвали»)номли китобидир. «Зижи жадиди Кўрогоний» дан ташқари, Улуғбек «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асар ҳамда мусиқа илмига бағишланган бешта рисола ҳам ёзди.

XV асрда Мовароуннаҳрда тарих фани ҳам кенг ривожланади. Бу даврда яшаб ижод қилган Ҳофизи Абрў, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ ва бошқа кўпгина тарихчиларнинг асарларида Темруийлар давлатининг тарихига доир жуда кўп қимматли маълумотларни топиш мумкин. Бу даврда тарихшунослик билан бир қаторда хаттотлик (китоб кўчирувчилик), тасвирий санъат, мусиқа маданияти, бадий адабиёт ҳам ривож топди. Улуғ, ўзбек шоири, мумтоз шеърятимиз султони Алишер Навоийнинг катта ижоди ҳам шу тарихий давр билан боғлиқдир.

74 Шоҳруҳ Мирзо отаси Мирзо Улуғбекнинг фожеали ҳолати (1449йил) дан 2 йил олдин, яъни 1447 йил 12 март куни невараси Султон Муҳаммад исёнини бостириш вақтида Рай вилоятида оламдан ўтади. Шоҳруҳ вафот эриши биланоқ Мовароуннаҳр ва Хуросонда темурий шаҳзодалар ўртасида тожу-тахт учун кураш авжига чиқади, мамлакатни беқарорлик чулғаб олади.

Улуғ подшолиги даврида Амир Темур вақтида ташкил топган барча ички давлат тартиб-қоидалари деярли тўла сақланиб қолган эди. 1428 йилда ўтказилган пул ислоҳоти мамлакатнинг молиявий аҳволини яхшилаш, пул муомаласини барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнади. Улуғбек ҳам бобоси Амир Темур Сангари мамлакат ободончилиги, маъмурчилигини кўзлаб кўплаб хайрли тадбирларни амалга оширди, кўркам маҳобатли масжиду мадрасалар, мақбаралар, илм-маърифат масканларини бунёд этди.

Мирзо Улуғбек подшолигининг охириги йилларига келиб мамлакат ижтимоий ҳаётида тўхтовсиз юз берган ички зиддиятлар, темурий шаҳзодалар ўртасида тожу тахт учун кучайган курашлар, уларни бартараф этишга Улуғбекнинг ожизлиги – оқибат натижада унинг фожеали ўлимига олиб келди. Бу ҳол Мовароуннаҳр инқирозининг кучайиши ҳамда темурийлар ҳукмронлигининг заифлашув жараёнини кучайтирди.

Шоҳруҳ Мирзо ва Улуғбек ўлиmidан кейин Мовароуннаҳрда темурийлар сулоласининг инқирози кучайди. Шундан сўнг Самарқанд тахтини темурий Иброҳим Султоннинг ўғли Абдулло эгаллади. Бунга жавобан, Бухоро аёнлари Мироншоҳ набираси Абу Саид Мирзони подшоҳ этиб кўтардилар. Бундай қарама-қаршилик натижасида Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият янада кескинлашди, ҳокимият учун кураш янги паллага кирди.

1469 йил баҳорида Ғарбий Эрондаги жангда Абу Саид ҳалок бўлади ва унинг ўғли Султон Ҳусайн Хуросон ҳокими сифатида Хуросонга қайтади.

Мовароуннаҳрда Абу Саиднинг ўғиллари Султон Аҳмад (1469-1493), Султон Маҳмуд (1493-1494) ундан кейин унинг ўғли Султон Али (1494-1501) лар ҳокимлик қиладилар. Бу вақтда Мовароуннаҳр ҳукмдори, хусусан, Султон Аҳмаднинг ўқувсизлиги, сусткашлиги ва бунинг устига саводсизлиги туфайли мамлакатда беқарорлик янада авж олди. Бундан фойдаланган Дашти қипчоқ ўзбеклари уюштирган юришлари Мовароённаҳрни янада танг аҳволга солиб қўйди.

XV асрнинг 90- йилларида Фарғонанинг ёш ҳукмдори, Умаршайх Мирзонинг ўғли Заҳриддин Муҳаммад Бобур темурийлар ҳукмронлигини қайтадан тиклаш учун бир неча бор қатъий уринишлар қилди, афсуски бу ҳаракатлар кутилган натижа бермади.

Таян тушунчалар:

Буронғор, кешик, муҳораба, туман, ясовул, гул. Мулки девоний, Соҳибқирон, суюрғол.

Текширув саволлари:

1. Амир Темур қандай тарихий шахс эди?
2. Амир Темур сиёсий кураш майдонига кириб келганда Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий вазият қандай эди?
3. Давлатни бошқарув тизимига бағишланган Амир Темурнинг қандай асари бор ва унинг аҳамияти нимада?
4. Амир Темурнинг ҳарбий саркардалиқ фаолиятига таъриф беринг.
5. Амир Темурнинг ташқи сиёсатига баҳо беринг.
6. Мирзо Улуғбек шахсни таърифлаб беринг.
7. Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрнинг қайси шаҳарларида ва нечанчи йилларда мадрасалар қурдирди?
8. Темурийлар даврида қандай солиқ турлари бўлган?
9. Улуғ академиясининг ташкил топиши ва фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
10. Темурийлар сулоласи ҳукмронлигининг инқирозга учраши сабабларини кўрсатинг.

Адабиётлар:

1,11,17,19,20,26,27,28,30,31,32,33,37,38.

8-Мавзу: ТУРКИСТОННИНГ ХОНЛИКЛАРГА БЎЛИНИБ КЕТИШИ, УНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ.**Режа:**

1. XV аср охири ва XVI аср бошларида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият, Шайбонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши.
2. Мовароуннаҳрнинг Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ҳудудий парчаланиб кетиши.
3. Хонликлардаги ижтимоий-сиёсий вазият ва давлат бошқарув тизими.
4. Ўзбек хонликларнинг илғор Европа мамлакатларидан иқтисодий ва техникавий жиҳатдан орқада қолиш сабаблари.

81. Темурий давлатининг заифлашганлиги, тарқоқликнинг кучайиши ва ҳокимликка даъвогарларнинг ўзаро тўхтовсиз урушлари Дашти Қипчоқ ўзбек кўчманчи уруғларнинг Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннаҳрга ҳужуми учун зарур шарт-шароитлар яратди. Шайбонийхон XV аср охирларида Туркистонга бир неча бор юришлар қилиб, қатор шаҳарларни босиб олган эди. Бу даврда Темурийлар давлатининг пойтахти ҳисобланган Самарқанд тахти учун Бухоро ҳукмдори Султон Али Мирзо ва Фарғона ҳукмдори ёш Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўртасида кураш борар эди.

Мовароуннаҳр аҳолиси Шайбонийхон кўшинлари ҳаракатига турлича қарашарди. Уларнинг бир қисми босқинчиларга зарба бериш учун кучларни сафарбар қилиб, ўз шаҳар ва қишлоқларнинг мардонавор ҳимоя қилишса, иккинчи қисми ҳукмдорнинг ўзгариши ва бақувватроқ ҳокимиятнинг ўрнатилиши шаҳар ва қишлоқларда низо ва тартибсизликларнинг тўхтатилишига ёрдам беради, деб умид қилишарди. Уларнинг купчиликлари Шайбонийхон Бухоро ва Самарқандда бўлган пайтида у билан яқиндан танишиб олган эдилар.

Тўғри, баъзи темурийлар босқинчиларнинг кўшинларига қатъий қаршилик кўрсатдилар, бир-бирлари билан душманлашиб кетганлар ҳатто бирлашдилар ҳам Баъзи шаҳарлар жиддий қаршилик кўрсатди. Мос, Урганч ўн ойлик қамалдан кейингина таслим бўлди.

Шайбонийхон кўшинларига жиддий қаршилик кўрсатган темурийлардан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобур бўлди. Унинг отаси Умаршайх Андижонда ҳоким эди. 1494 йилда Самарқанд ҳркими Султон Аҳмад Мирза билан Мўғулистон хини Султон Маҳмуд ўзоро иттифоқ тузиб, ўз кўшинларини Фарғонани босиб олиш учун юборан ўлка учун таҳликали пайтда Умаршайх фожеали ҳалок бўлди. ўша пайтда Бобур эндигина 11 ёшга қадам қўйган ва ҳукмроннинг катта ўғли сифатида Фарғонада отасининг тахтини эгаллаши керак эди. Андижоннинг кўпчилик амирлари Заҳриддин теварагида бирлашиб,

ҳокимият тепасига Умаршайхнинг башқа ўғлини чиқармоқчи бўлган кишиларга муносиб зарба бердилар. Бобур тарафдорлари ўз кучларига ишониб, темурий Байсунғур ҳокимиятнинг заифлигидан фойдаланишга ва Самарқандга қўлга олиб, темурийлар тахтига Заҳриддин Бобурни ўтгазишга аҳд қилдилар 1497 йилнинг ноябрида ёш бобур бошчилигидаги Андижон қўшинлари Самарқандни эгаллади. Аммо бунгача шаҳар етти ойлик қамал натижасида ҳувиллаб қолган ва Самарқандга талон-талаж бўлган ён-атрофдаги қишлоқлар озик-овқат маҳсулатларини етказиб бера олмас эди. Натижада 1498 йил илк баҳорида Бобур бошчилигидаги Фарғона амирлари темурийларнинг расмий пойтахти Самарқандни тарк этишга мажбур бўлдилар. Ўн беш яшар Заҳриддин Самарқандда жами юз кунгина ҳукмронлик қилди. Бу унинг Мовароуннаҳр пойтахтига биринчи бор қадам қўйиши эди.

Шундан кейин Бухорода турган темурий Султон Амир Мирзо Самарқандга кириб келди. У машҳур Хўжа Аҳрорнинг ўғли Хўжа Яҳёга тамомила қарам бўлиб, Хўжа Яҳё тарафдорлари бўлган амирлар қўлида кўғичоқ бўлиб қолган эди. Шайбонийхон Султон Амир Мирзони ўз томонига оғдириб, деярли жанг қилмасдан Самарқандни қўлга киритди. Темурийларнинг кўпгина тарафдорлари қиличдан ўтказилди; Султон Амир Мирзонинг ўзи, бир оз ўтгач, Хўжа Яҳё ва унинг фарзандлари билан қатл этилди.

Самарқанднинг шайбонийлар қўшинлари томонидан забт этилиши жафокаш халққа энгиллик келтирмади. Шайбонийхон шаҳарга кириб келгач, самарқандликлардан босқинчилар фойдасига бож олди. Илгари аҳолининг бир қисми бақувватроқ ҳокимиятнинг ўрнатилиши билан тинчлик ва энгиллик бўлади, барча халқлар ва қабилалар дўстлашадиган пайт келади, деб умид қилган эдилар. Шаҳарликлар янада оғир аҳволга тушиб қолган эдилар. Шу сабабли ҳам улар янги ҳоким гумашталарига қарши чиқишга аҳд қилишди.

1500 йилнинг кузида Заҳриддин Бобур аскарлари Самарқандни яна эгалладилар.

Шайбонийхоннинг ҳукмронлигига қарши мамлакатнинг қатор шаҳарларида – Бухоро, Кеш, Қорақўл ва бошқа шаҳарларда аҳоли қўзғолон кўтарди.

1501 йилнинг баҳорида Бобур билан Муҳаммад Шайбоний қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлди ва бу жангда ёш Бобур лашкарлари мағлубиятга учради.

Шайбонийхон ўзининг босқинчилик юришларини давом эттирди. 1503 аил баҳорида Тошкент ҳокими Маҳмудхон қўшинлари устидан қисқа шиддатли жангда Шайбоний ғалаба қозонди.

1505 йили Урганч (10 ой қамалдан кейин) шаҳри эгалланди. Шу тарзда илгари расман Хуросон ҳокимларига бўйсунувчи Хоразмнинг катта ерлари Шайбонийхон давлатига қўшиб олинди. 1506 йилга келиб Андижон, шимолда – Тошкент ва Шоҳруҳия, жанубда – Ҳисор, балх, ғарбда – Хоразмни ўз ичига олган бутун Турки стон Шайбонийхон ихтиёрига ўтди. Шайбонийхон бу билан тинчимасди. У темурийлар давлатининг иккинчи таянч маркази Хуросонни эгаллаш учун тайёргарлик кўра бошлади. Хуросон султони Ҳусайн Бойқаро атрофида бирлашган Ҳирот, Сейистон ва Журжондаги темурий ҳокимлар ўртасида бирлик йўқ эди.

Шайбонийхон қўшинлари 1507 йилда жанг билан Ҳиротни эгаллади. Босиб олинган янги ерларни бошқаришни Шайбонийхон ўз яқинларига бўлиб берди.

1508-1509 йилларда у шимолдаги қозоқларга Зарба берди ва ўз нигоҳини Эронга қаратди.

Асли насли сафвийлар сулоласига мансуб бўлган эрон шоҳи исмоил 1510 йилда Хуросон томон юриш бошлади. Шоҳ Исмоил билан Шайбонийхон ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1510 йилнинг декабрида Мурғоб дарёси воҳасида қадимий Марв шаҳри яқинида бўлиди. Шайбонийхон қўшинлари бу жангда тор-мор келтирилди ва унинг ўзи асир олиниб қатл этилди.

Шайбонийхон халок бўлганидан кейин Хоразмда Эрон шоҳи исмоил Сафвий ҳокимияти ўрнатилди, аммо Хоразм аҳолиси унга қарши фитна уюштирди. 1511 йилда Хоразм Шайбонийлар давлатидан ажралиб чиқиб, ўзига Берка султоннинг ўғли Элбарсни хон қилиб кўтарди. Шу тариқа, мустақил Хива хонлиги вужудга келди.

Эрон шоҳи Исмоил Қобулда яшаб турган Бобурни Самарқандга юришга даъват этди ва ёрдам беришга ваъда берди. 1511 йилда Бобур Ҳисор, Қундуз, Бадахшон, Қаршини сўнгра Бухоро ва Самарқандни эгаллади. Самарқанддаги Жоме масжидида шоҳ Исмоил номини хутбага қўйиб ўқитди. Бобурнинг бу иши суннийлардан иборат маҳаллий аҳолига ёқмади, халқ уни қўллаб-қувватламади. Шу сабабли Шайбонийхоннинг жияни Убайдулла Султон ўз қўшини билан Бухоро яқинида Бобур қўшинларини мағлубиятга учратди ва Бобур Ҳиротга чекинишга мажбур бўлди. Шайбонийларга қарши кураш бефойда эканлигини англаган. Бобур 1513 йилда Мовароуннахрни умрбод тарк этди. 1525 йилда Бобур ўз қўшинлари билан Панжоб водийсига қараб йўл олди. Дастлаб Лаҳорни, сўнг Дўхли султонини тор-мор қилиб Деҳли ва Аграни, кейин Ҳиндистоннинг бутун шимолий қисмини ишғол қилиб 1526 йилда Бобурийлар салтанатига асос солди.

82. Темурийларга тегишли ерларни забт этиш натижасида Шайбонийлар давлати вужудга келди ва бу давлат Мовароуннахрда бир асрга яқин ҳукмронлик қилди. Дастлабки пайтларда Шайбонийлар давлати анча кенг ҳудудни қамраб олган эди. Мовароуннахр унинг ўзагини ташкил қиларди. Шайбонийхон тарқоқ майда мулкларни ўз ҳокимияти остида бирлаштириб, нисбатан қисқа вақт ичида сиёсий ҳокимиятни марказлаштиришга эришди. Аммо бу ҳолат узоққа чўзилмади. Шайбонийхоннинг қариндошлари ва унга ёрдам берган қабилаларнинг бошлиқлари-султонлар ва бекларга удел шаклида (худудий бирлик бошқаруви) бўлиб берилган эди. Бу тизимнинг ҳукмронлиги натижасида давлат яна айрим бекликларга бўлиниб кетди.

Шайбонийхон вафотидан кейин Мовароуннахр ҳокимияти тепасига шайбонийлар сулоласидан бўлган Кучкунчихон (Улуғбекнинг қизи Робиябегим ўғли) келди, унинг вафотидан кейин унинг ўғли Абусаидга, Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахонга насиб этди.

Убайдуллахон вафотидан сўнг давлат мустақил бўлган Самарқанд ва Бухоро сулолаларига бўлиниб кетди, шу тариқа Туркистонда қўш ҳокимиятчилик вужудга келди. 1540 йилга келиб Бухорода Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1540-1550), Самарқандда эса Кўчкунчихоннинг учинчи ўғли Абдуллатиф (1540-1551) хонлик қила бошлади. Бошқа вилоятлар ва туманлар ҳам мустақиллик учун кураш бошладилар. Кармана ва Миён-қалъада – Искандар Баходир, Балхда – Пирмуҳаммад, Қаршида – Султон Қиличқора, Ҳисорда – Шайбонийхоннинг набираси Султон Бурхон, Самарқандда – Бароқхон ҳукмдор бўлди. 1550 йилда Бухоро ҳокими Абдулазизхон ўлиmidан кейин

Бухоро учун яна кураш авж олиб кетди. Бароқхон ва унга қўшилган султонлар Бухоро тахтини эгаллаш учун юриш бошладилар Миён – қалъада уларга қарши Искандархоннинг ўғли Абдуллахон II чиқди, аммо бу жангда Абдуллахон енгилди ва Бухорони эгаллади. Бароқхон ўлимидан кейин (1556) Абдуллахон Бароқхоннинг ўғли Бойсунга қарши жанг олиб боради ва 1557 йилда Бухорони эгаллайди. Абдуллахон Мовароуннаҳр пойтахтини Самарқанддан Бухорога кўчиради ва 1560 йилдан эътиборан маркази Бухоро бўлган давлат Бухоро хонлиги деб атала бошланди.

Абдуллахон (1557-1598) Ўрта Осиёда ижтимоий сиёсий тарқоқликлар туфайли бўлиниб кетган кўпгина вилоятларни ўз қўл остига бирлаштириб, марказлашган Шайбонийлар давлатини қайта тиклашга муваффақ бўлди.

Абдуллахон 1598 йилда вафот этгач, Бухоро хонлиги тахтига ворисликка шайбоний уруғларидан ҳеч ким қолмаган эди. Ана шундай қалтис бир пайтда Бухоро амирлари кенгашиб, 1554 йили русларнинг Хожитархон хонлигини истило қилиши натижасида Бухорога қочиб келган ва бу ерда бошпана топган Ёрмуҳаммадхоннинг ўғли Жонибек султонни (у Абдулахоннинг синглисига уйланганлиги туфайли шайбонийларга куёвдош эди) хон қилиб кўтармоқчи бўлдилар. Бухоро зодагонлари Жонибекни таклиф қилиб, 1601 йилда унинг номига хутба ўқидилар ва Жонибек Муҳаммад Султон Бухоро хони деб эълон қилинди. Шу йилдан бошлаб Бухоро хонлигида аштархонийлар номини олган янги сулола ҳукмронлиги бошланиб, у 1753 йилгача – ҳокимиятга манғитлар уруғи сулоласи чиққанга қадар давом этди.

Жонибек султон Бухоро хони деб эълон қилингач, ўғли Динмуҳаммад фойдасига тахтдан воз кечди, Бироқ ўша кезлари Обивардда ҳокимлик қилиб турган Динмуҳаммад Бухоро тахтига ўтира олмади, йўлда у халок бўлди. Шундан сўнг Жонибекнинг иккинчи ўғли –Боқимуҳаммад тахтга ўтирди ва учинчи Валимуҳаммад Бухоро хонлиги тахтига ворис (валиаҳд) деб эълон қилинди ва Балхга ноиб қилиб тайинланди.

Бухоро хонлиги тахтга Боқимуҳаммаддан кейин Валимуҳаммад, 1611 йилдан Динмуҳаммаднинг катта ўғли Имомқулихон келди. XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги тахтига аштархонийлар сулоласидан бўлган Убайдуллахоннинг укаси Абулфайзхон ўтиради. Бу даврда марказий ҳокимият ўз аҳамиятини тобора йўқота борди. Мамлакатни бошқариш аста-секин хон саройида оталиқ лавозимида бўлган манғит уруғлари томонидан қўллаб-қувватланган ва улар орасида катта обрўга эга бўлган Муҳаммад Ҳакимбий қўлига ўта бошлади. 1747 йилда Абулфайзхон бир гуруҳ фитначилар томонидан ўлдирилди. Мамлакатни бошқариш Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ қўлида бўлди. Аммо кўп ўтмай Муҳаммад Ҳакимбий ҳам вафот этди ва давлат ишларини бошқариш тўлиғича унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий қўлига ўтди.

Манғитлар уруғи сулоласи ҳукмронлигига асос солган Муҳаммад Раҳимбий 1753 йилда ўз номига хутба ўқиттириб, ўзини амир деб эълон қилди. Шу тариқа, Бухорода деб эълон қилди. Шу тариқа, Бухорода манғитлар сулоласи ҳукмронлиги қарор топди ва бу ҳукмронлик 1920 йилга қадар давом этиб, тарихда Бухоро амирлиги деб аталди.

Хива хонлигидаги тахт учун курашнинг авж олиши натижасида 1763 йилдан бошлаб ҳукмронлик қўнғирот уруғидан бўлган иноқлар қўлига ўтди, 1804 йилда эса, хонлик тахтини қўнғирот ўзбеклари сулоласи расмий равишда эгаллади ва бу ҳокимият ҳам 1920 йилга қадар давом этди. 1709 йилда Фарғона водийсида

Бухоро хонлигидан мустақил бўлган Қўқон хонлигига минглар уруғидан бўлган йирик зодагон Шоҳруҳбий асос солди. Дастлаб хонлик таркибига Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара ва улар атрофидаги ҳудудлар кирган. 1721 йилда Шоҳруҳбий вафот этади ва хонлик тахтига унинг катта ўғли Абдураҳимбий ўтирди. Бу даврда хонлик ҳудудига Андижон ва Хўжанд, кейинчалик Самарқанд қўшиб олинади, ҳатто кенгаш беклари қўлидаги Шаҳрисабзга ҳам таҳдид солина бошланди. 1769 йилда Қўқон хонлиги тахтига Абдукаримбийнинг невараси Норбўтабий ўтиради ва 1784 йили ўзини Мустақил давлат сифатида эълон қилган Тошкентни бўйсиндириш учун кўшин юборади, лекин кўшин мағлубиятга учрайди.

Норбўтабий вафотидан сўнг, 1801 йилда унинг катта ўғли Олимбек тахтга ўтиради. Бу даврда хонликнинг сиёсий мавқеи янада кучаяди. Олимбек ҳарбий ислоҳот ўтказди. Оҳангарон воҳаси, Тошкент, Чимкент ва сайрамни ўзига бўйсиндиради. Олимхоннинг кучли марказлашган давлатни барпо этиш борасидаги ҳаракатлари айрим мансабпараст гуруҳлар кайфиятида норозиликни кучайтиради ва у 1810 йилда ўлдирилади. Хонлик тахтига Олимхоннинг укаси Умархон ўтказилади. Умархон тоғаси Раҳмонқулибийнинг қизи Моҳларойим (Нодира) га уйлантириб қўйилган эди. Умархон ўз ҳукмронлиги (1810-1822) даврида хонлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудий кенгайтириш бўйича бир қатор чораларни амалга оширди.

8/3 Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида давлатнинг маъмурий тузилиши ўзига хос йўналишдан иборат эди. Ҳокимият тепасига хон турарди. Хон тахтга таклиф қилинган вақтда у оқ кигизга ўтирғизилиб, тўрт томондан энг мўътабар ва нуфузли тўртта зодагон кўтариб борарди. Анъанага кўра хон саройидаги бош ва улуғ лавозимини оталиқ унвонини олган шахс эгаллаган. Бу лавозимга катта ҳаётий тажрибага эга ва обрўли амирлардан тайинланган бўлиб улар вояга етмаган шахзодаларнинг тарбияси билан шуғулланган.

Ҳудудий жиҳатдан давлат бир неча вилоятларга бўлинган бўлиб, уларга султонлар бошчилик қилар эди. Саройдаги девонларга давлат маҳкамаси ва молия ишларининг бошлиғи девонбеги раҳбарлик қиларди. Шайбонийлар даврида қуйидаги энг олий мартабали давлат лавозимлари бўлган: Кўкалдош (бир онадан сут эмган маъносига) – муассасаларни бошқарган ва бутун мамлакатдаги хоннинг дўст-душманлари ҳақидаги маълумотларни тўплаган; мушриф – хоннинг маълум шахсларга инъом этган ашёларни руйхатга олиб борувчи ҳамда солиқлар йиғилишини бошқарувчи шахс; кушбеги – хонлар ва султонлар шикорга чиққан пайтда ов анжомларини назорат қилувчи шахс; мунши (мирза) – хоннинг фармонини ёзувчи шахс. Булардан ташқари шайбонийлар давлатида миршаб, додхоҳ (аҳоли имкониятларини тингловчи шахс), мроҳўр (отхона бошлиғи), парвоначи (ёрлиқ топширувчи шахс) лавозимлар ҳам бўлган.

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида давлат бошқарувчи тизимида амалдорлардан ташқари руҳонийлар катта роль ўйнаганлар. Улар орасида Жўйбар шайхлари давлат идора ишларида кенг кўламда ўзларининг сиёсий таъсирини ўтказганлар. Уламоларнинг бир қисми ўзларини Муҳаммад пайғамбар авлодлари деб ҳисоблаганлар ва саййидлар деб аташган. Бошқа бир қисми ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг чорёр – халифалари бўлмиш Абубакр, Умар Усмон ва Али авлодлар деб ҳисоблаганлар ва улар хўжалар деб аталган. Худди ана шу хўжаларнинг обрўи XVI аср ўрталарига келиб ниҳоятда ошиб кетган.

Шайбонийлар даврида деҳқончилик, хунармандчилик, умуман, шаҳарлар ҳаётининг ривожланишида ўзбек хонликларининг ташқи ва ички савдоси, халқоро алоқаларининг кенгайиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хонликларнинг Хиндистон, Эрон, Россия, Қашғар билан савдо ва дипломатик алоқалари кенгайди.

Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам давлат маъмурий бошқаруви тизими деярли шайбонийлар давридагидек бўлган. Хусусан, ҳокимият тепасида хон турган, давлат вилоят ва туманларга бўлинган. Аштархонийлар давлат тузуми юз йиллар давомида мавжуд бўлган ўтроқ аҳоли анъаналарини давом эттирибгина қолмай, ярими кўчманчи жамиятни ҳам ўзида акс эттирган. Хон чекланмаган ҳуқуқга эга бўлиб, мустақил сиёсат юргизарди. Шунга қарамай баъзи вилоятлар ҳокимларининг кучайиб кетиши хонларнинг уруғ амирлари сўзларига қулоқ солишга мажбур бўлган.

Давлатдаги энг мартабали лавозим, шайбонийлар давридагидек, оталиқ эди. Оталиқлар хонлар ҳузуридаги энг муҳим ишларни назорат қилардилар. Давлатдаги энг олий қароргоҳ девон деб аталарди ва уни бошқариш девонбеги зиммасига юклатилган. Давлат бошқаруви ишида кўчалдош вазифаси ҳам юқори аҳамиятга эга бўлган. Булардан ташқари аштархонийлар давлати маъмурий бошқарувида миршаббоши (тунги қоровуллар бошлиғи), додхоҳ (аҳолидан ариза ва шикоятларни қабул қилувчи шахс), иноқ (хонга амирлар чиқарган буйруқларни етказувчи шахс), марохўр (отхона бошлиғи), дастурхончи (ошхона бошлиғи), мунши (хон мирзаси), тўқсабо (овқат ва ичимликларни тарқатувчи шахс) каби лавозим ва мансаблар бўлган.

XVIII-XIX асрларда Бухоро амирлигида амир олий ҳукмдор ҳисобланиб, ижро этувчи ҳокимият қушбеги қўлида эди. Амирлик маъмурий жиҳатдан 24 бекликка бўлинган бўлиб, бекликлар ўз навбатида туманларга бўлинган. Шу бекликлар орасида Қашқадарё воҳаси ҳудудидан Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Ғузор, Қарши ва Чироқчи бекликлари бўлган.

Бошқа ўзбек хонликларидаги каби Қўқон хонлигида ҳам хоннинг ҳуқуқи мутлақо чегараланмаган. Хонлиkning давлат тизими фармон ва тадбирларни бажарувчи кўп сонли амалдорлардан ташкил топган эди.

Хулоса қилиб айтганда, XVI-XIX асрларда Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт ўзига хос хусусиятлардан иборат эди. Бир томондан адабиёт, санъат соҳаларда ижобий ютуқларга эришилган бўлса, иккинчи томондан бирликнинг йўқотилиши, ўзаро низоларнинг авж олиши, табиий ва техника фанларига эътиборнинг деярли йўқлиги Ўрта Осиё халқларини жаҳон тараққиётидан орқада қолишигасабаб бўлди.

8\4. Туркистон халқлари тарихида XVI асрдан бошланган давр ўта ачинарли ва оғир давр ҳисобланади. Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрни босиб олиши ва ўз ҳукмронлигининг ўрнатилиши натижасида Амир Темур ва Темурийлар давлати уч бўлакка бўлиниб кетди. Дастлаб Шайбонийларнинг бир асрлик ҳукмронлиги даврида Бухоро ва Хива хонликлари ўртасида ўзаро низолар бошланган бўлса, бир ярим асрдан кўпроқ (156 йил) давом этган аштархонийлар ҳукмронлиги даврида бу ўзаро урушлар давом этди. Бу даврда сиёсий тарқоқлик ва парокандалик авжига чикди. Бунинг асосий сабаблари – хонлар, амирлар султонлар ва бошқа ҳукмрон табақа вакиллари ўртасида бирлик ва аҳилликнинг йўқлиги, бойлик талашиб ўзаро олиб борилган

мантиксиз урушлар эди. Охир оқибатда, Ўрта Осиё халқлари жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан орқада қолиб кетди.

Маълумки, XVII-XIX асрлар жаҳон тарихига янги –иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий тараққиёт жиҳатдан инқилобий давр бўлиб кирди. Хусусан, Европадаги бир қатор мамлакатларда ишлаб чиқарувчи кучлар жадал ривожлана бошлади, завод ва фабрикалар қурилиб, замонавий техник воситалар билан жиҳозланди, темир йўллар қурилди, жаҳон денгиз йўллари очилди. Меҳнат унумдорлиги ўсиб, аҳолининг турмуш савияси кўтарилди борди. Аммо Ўрта Осиё хонликлари ана шу ижобий жараёндан четда қолди.

Ўзбек хонликларида ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, айниқса, техникавий қолоқликнинг, турғунлик ҳолатининг қуйидаги сабабларини қайд этиш зарур:

Биринчидан, ўзбек хонликларидаги мавжуд давлатни бошқарув тизими, тор доирадаги ҳукмдорлар манфаатларига мос келадиган идора қилиш усули янги, замонавий тараққиётга тўсиқлик қилаётган эди;

Иккинчидан, хонлар ва сарой амалдорлари, зодагонлар эшик қоқиб турган замон ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига ҳалақит берувчи ҳар қандай эски ишлаб чиқариш усулини жан-жаҳди билан ҳимоя қиларди. Асосий бойлик бўлган ерга мулкчиликнинг эски усули бир неча асрлардан бери ўзгармасдан келарди;

Учинчидан, хонлиқлардаги ҳукмдорлар ернинг бирдан-бир эгаси бўлиб, ер ишловчиларга, яъни барзикорларга хатлаб ижара тарзида бириктирилган эди. Деҳқон ер эгаси эмас, балки ердан олинган ҳосилнинг эгаси эди. Шу боисдан ҳам деҳқон ерни асраб авайлашга, унинг унумдорлигини оширишдан манфаатдор эмасди. Ирригация иншоотларига аҳамият пасайиб бориши натижасида суғориладиган экин майдонлари қисқариб борарди;

Тўртинчидан, аҳоли хон ва бекларнинг, турли лавозимдаги амалдорларнинг зўравонлигидан, ўзбошимчалигидан, кўплаб турдаги ва ғайриқонуний солиқ ва тўловларидан азоб чекарди. Турмуш даражаси паст бўлиб, аҳоли истеъмол учун энг зарур бўлган тор доирадаги оддий буюм ва маҳсулотлар билан қаноатланарди. Ишлаб чиқаришнинг фақат истеъмолга йўналтирилганлиги иқтисодиётнинг янги йўналишларининг ривожланишига тўсиқлик қиларди;

Бешинчидан, хонлиқларда саноат деярли ривожланмади. Олтингўгирт, рангли металллар, мрамор, тошқўмир, нефть каби табиий бойликларга тўла қонлар бўлса-да, уларни қазиб олиш, қон-тоғ ишларини йўлга қўйишга бефарқлик билан қаралди. Ўлкада етарли даражада йирик дарёлар бўлса-да, уларда болиқчиликни ривожлантириш, кемасозликни йўлга қўйиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди;

Олтинчидан, хонлиқларда пул-товар муносабатлари ривожлантирилмади. Иқтисодиётдаги даромад истеъмол ва қўшинга кетадиган харажатларни зўрға қоплар, капиталга айланмасди. Пул, олтин-кумуш хон ва амалдорларнинг хазина тўплаш манбаи бўлиб қолган эди. Савдо муносабатларида ҳамон айрибошлаш тарзи давом этарди. Ўрта Осиёнинг жаҳон бозорида ажралиб қолгани устига ягона ички бозор ҳам ташкил топмаган эди.

Шундай қилиб, ўзбек хонликларида содир бўлган ижтимоий-сиёсий беқарорлик, иқтисодий ва ҳарбий қолоқлик қўшни мамлакатларни ўз тасарруфига киритиб олиш сиёсатини тобора жадаллаштираётган чор Россиясига қўл келди. Хонлиқлардаги парокандалик, ўзаро низо ва урушлар

охир-оқибат уларнинг Россия империяси томонидан босиб олиниш ва мустамлакага айланишига олиб келадиган шарт-шароитларни келтириб чиқарди.

Таянч тушунчалар:

Гумашта, сафовийлар, муҳораба, Вақф, валиаҳд, иқтоъ, мулк, жоми масжид, амир, манғит, қўнғирот, минг, барзикор, зироаткор.

Дастурхонли, девон, девонбеги, додхоҳ, кўкалдош, мирохўр, миршаб, мушриф, мухтасиб, оталиқ, парвоначи, қўшбеги, мунши, тўқсабо.

Текширув саволлари:

1. Нима сабабдан Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳрни осонгина эгаллаб олди?
2. Мовароуннаҳрнинг XV аср охири XVI аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятини таърифлаб беринг.
3. Нима сабабдан 1497 йилда Самарқандни эгаллаган Бобур бу ерда узок тура олмади?
4. Нечанчи йилда Эрон шоҳи Исмоил Хоразмда ўз ҳокимиятини ўрнатди?
5. Шайбоний Абдуллахон II даврида Бухоро хонлигида рўй берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришларни таърифлаб беринг.
6. Аштархонийлар Бухоро хонлигида ҳокимиятни қачон қўлга киритдилар?
7. Туркистоннинг уч хонликка бўлиниб кетиш сабабларини кўрсатиб беринг.
8. Қачон ва нима учун Бухоро хонлиги амирлик деб атала бошланган?
9. Қўқон хонлигининг ташкил топиши ва ҳокимиятни қандай сулола бошқарганлигини айтиб беринг.
10. Ўзбек хонликларининг илғор Европа мамлакатларидан иқтисодий ва техникавий жиҳатдан орқада қолганлиги сабабларини кўрсатинг.

Адабиётлар:

1,4,9,14,19,24,26,30,31,32,33,34

ТАРИХИЙ АТАМАЛАР ЛУҒАТИ.

Амир – фармон берувчи, бошлиқ, ҳоким, қўшин бошлиғи, саркарда, ҳукумдор.

Амир ул-умаро – амирлар амири, бош саркарда.

Ахриман – зардуштийлик динининг зулмат, очлик, уруш, ўлим, гуноҳ ва қабихликлар тангриси.

Ахурамазда – зардуштийлик динининг олий тангриси, ёруғлик, фаровонлик, сихат-саломатлик, тинчлик ва барча эзуликлар худоси.

Анимизм – рух ва жанга ишониш, ота-боболар руҳига сифиниш.

Археология – қадимдан қолган, қадимий ёдгорликлар ҳақида тушунча; қадимги замонлар ҳақида фан.

Барзикор – қушчи, зироаткор, қишлоғининг меҳнаткаш аҳолиси.

Ботмон – оғирлик ўлчови, (XII-XIV асрларда у 20 кг.га тенг бўлган).

Буронғор – қўшиннинг ўнг қаноти.

Вазир – девонхона бошлиғи.

Вақф – мусулмон мамлакатларида мачит, мадраса ва бошқа диний муассасаларга қарашли бўлган ер-мулклар.

Девон – вазирлар маҳкамаси.

Деҳқон – «қишлоқ ҳокими», ер эгаси, феодал.

Динор – олтин, кумуш танга. (Бир мискол 4,8 гр.га тенг бўлган).

Жузья – ғайри динлардан олинадиган жон бош солиғи.

Закоат – мусулмон мамлакатларида аҳоли умумий бойлигининг қирқдан бир миқдорида ҳар йили олинадиган диний солиқ.

Ихжид – илк ўрта аср князи, вилоят ҳокими, хон ёки амир авлодлари.

Иқтоъ, иқтаъ – йирик мансабдога ҳадия этилган ер ва мулк.

Кадивар – йирик ердорарга муте қишлоқ аҳолиси, крепостной.

Кашоварз – қушчи; зироаткор.

Кешик – қўшин таркибидаги захира қисм.

Кўрагон – хон куёви.

Мадраса – олий илмгоҳ.

Мажус – оташпараст.

Мажусий – оташпарастлик диндори.

Миррих – уруш, жанг ва галаба тангриси.

Мулки амлок, мулки девоний – давлат ихтиёридаги ерлар.

Мухораба – жанг, уруш, ҳарбий тўқнашув.

Мухтасиб – тош-тарозу, нарх-наво ва мафкура назоратчиси.

Мушриф – сарой иш бошқарувчиси.

Нафтандоз – нефтли ва пилликли кўзачаларни ирғитадиган ҳарбий қурол.

Нахшаб – Қарши шаҳрининг қадимги номи.

Нохид (анахита) – ҳосилдорлик ва фаравонлик маъбудаси.

Остадон (ассуарий) – сопол, тобутча.

Палахмон – тошотар; ҳарбий қурол.

Рабод – шаҳар атрофи, карвонсарой, савдо жойи.

Сардоба – пишиқ ғиштдан қурилган гумбазли ҳовуз; сувхона.

Сохибқирон – қарн (қунчиқиш ва қунботиш) эгаси, жаҳон эгаси, жаҳонгир.

Сохиби турат – ҳарбий вазир.

Суюрғол – олий табақа задогонларга иноъм қилинадиган ер-мулк.

Таноб – ер ўлчови, 200-250 кв.м. ҳажмидаги ер майдони.

Туман – ўн минг кишидан ташкил топган қўшин.

Ушур – ҳосилдан 10 фоиз ҳисобида олинадиган деҳқончилик солиғи.

Хирож – ҳосилнинг 25-30 фоизи ҳисобида олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи.

Шайхул – ислом – дин ва ислом илми пешвози.

Шахристон – ички шаҳар.

Этногенез – халқ ва эллатларнинг келиб чиқиши.

Ясавул – соқчи.

Улпон – ер солиғи.

Қорахон – буюк ҳоқон.

Гул – мунтазам қўшин.

Хожиб – ҳарбий бошлиқ.

Хожиб ул-хужоб – бош қўмондон.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Тарих хотирасиз келажак йўқ. – Т., «Шарқ», 1998.
2. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т., «Ўзбекистон» 1992.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999.
4. Абу Тохирхўжа: Самария; Маршахий: Бухоро тарихи; Баёний: Шажара Хоразмшоҳий; Ибрат: Фарғона тарихи. – Т., «Мерос», 1991.
5. Абулғозий. Шажарий турк. –Т., «Чўлпон», 1992.
6. Абуний Ҳасан Ато. Туркий қавмлар тарихи. – Т., «Чўлпон», 1994.
7. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т., «Фан», 1993.
8. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд.-Т., «Фан», 1968.
8. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., «Шарқ», 2000.
9. Амир Темур Курогон. Зафар йўли. –Т., «Нур»1992.
10. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур (ҳаёт ва ижтимоий-сиёсий фаолияти). –Т., 1996.
11. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. –Т., 1991.
12. Бобоев Х., Ҳасанов С. «Авесто»-маънавиятимиз сарчашмаси. –Т., «Адолат», 2001.
13. Валлдий Заки. Ўзбек уруғлари. –Т., 1992.
14. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. –Т., «Ўқитувчи», 1994.
15. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. –Т., «Ўзбекистон», 1999.
16. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. (Арабчадан У. Уватов таржимаси). Икки жилдлик. –Т., «Мехнат», 1992.
17. Ибрахимов А. Биз ким ўзбеклар. – Т., «Шарқ», 1999.
18. Ипак йўли афсоналари. –Т., «Фан», 1993.
19. Муминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т., «Фан», 1968.
20. Низомиддин Шомий. Зафарнома. –Т., «Ўзбекистон», 1996.
21. Низом-ул Мулк. Сиёсатнома. –Т., «Адолат», 1997.
22. Раҳмонов М. Турк хоқонлиги. –Т., «Мерос», 1993.
23. Саъдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларида. –Т., «Ўқитувчи», 1996.
24. Саъдуллаев А. ва бошқа. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. –Т., «Академия», 2000.
25. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. –Т., Ўзбекистон, 1997.

26. Темур ва Улуғбек даври тарихи. –Т., КБТ,1996.
27. Темур тузуклари. –Т., «Ғафур Ғулом», 1991.
28. Шарофиддин Али Яздий Зафарнома. –Т., «Шарқ», 1997.
29. Шаниязов К. Ўзбек халқининг шакилланиши жараёни. –Т., 2001.
30. Ўзбекистон тарихи. I-қисм. Саъдуллаева А., Эшов Б. таҳрири остида. –Т., «Университет», 1997.
31. Ўзбекистон тарихи. (Қисқача маълумотнома). Бобобеков Х. Ва бошқа., -Т., «Шарқ», 2000.
32. Ўзбекистон тарихи (ўқув қўлланма). Усманов К ва бошқа., -Т., «Мерос», 2002.
33. Ўзбекистон тарихи (Дарслик). Муртазаева Р. таҳрири остида. –Т., «Янги аср авлоди», 2003.
34. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи агерклари. –Т., «Шарқ», 2001.
35. Ғуломов Я. Г. Қадимги маданиятимизнинг изларидан. –Т., «Фан», 1959.
36. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т., «Юлдузча», 1990.
37. Мирзо Улуғбек. Турт усул тарихи. –Т., «Чўлпон», 1994.
38. Хабибулла Зайниддин. Жалолиддин Мангуберди. –Т., «Фан», 1993.
39. Буриев О. Тошев М. Жалолиддин Мангуберди. –Т., «Фан», 1999.
40. Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилотлари. –Т., «Ёзувчи», 1999.

Кириш

1-маъруза: Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, илмий назарий ва методологик асослари, фанни ўрганишнинг манбалари ва аҳамияти.

- 1\1. Ўзбекистон тарихининг фан сифатидаги ўрни. Унинг предмети ва ўрганиш объекти.
- 1\2. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг илмий назарий ва методологик асослари ва тамойиллари.
- 1\3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш. Уни ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти.
- 1\4. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг ҳар томонлама етук инсонни тарбиялашдаги аҳамияти.

2-маъруза: Ўзбекистон инсоният тараққиётининг қадимги уюқларидан бири.

- 2\1. Инсониятнинг дастлабки аждодлари. Ибтидоий жамият ва унинг даврлари.
- 2\2. Уруғчилик жамоасининг вужудга келиши ва унинг инсоният тарихида тутган ўрни.
- 2\3. Аждодларимизнинг илк диний эътиқодлари. «Авесто» - зардуштийлик динининг муқаддас китоби.

3-Маъруза: Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари.

- 3\1. Жаҳонда ва ватанамиз ҳудудида илк давлатлар вужудга келишининг асосий омиллари. Ўзбек давлатчилиги тарихининг даврлари.
- 3\2. Ватанамиз ҳудудида вужудга келган энг қадимги давлатлар.
- 3\3. Турон заминга ажнабий босқинчиларининг хуружи ва уларга қарши озодлик, мустақиллик учун кураш.

3\4. мил. Авв. I минг йиллик охири ва милонинг дастлабки асрларида ўзбек давлатчилиги.

4-Маъруза Ўзбек халқининг этник шаклланиши

4\1. Ҳозирги ўзбек халқининг асосини ташкил этган қадимги руғ, қабила ва элатлар.

4\2. Ўзбек халқи этник шаклланишининг тарихий жараёни ва унинг босқичлари.

4\3. Ўзбек халқи ва ҳозирги замон.

5-Маъруза: IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги, Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти.

5\1. IX асрнинг бошларида Мовароуннахрдаги сиёсий аҳвол. Сиёсий ҳокимиятнинг сомонийлар томонидан эгалланиши.

5\2. Мовароуннахрда қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги.

5\3. Мовароуннахрда Ғазнавийлар ва салжуқийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши.

5\4. Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида ўзбек давлатчилиги.

6-маъруза: Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш Жалолиддин Мангуберди

6\1. Чингизхон бошчилигида мўғулларнинг Мовароуннахрга босқинчилиги. Босқинчиларга қарши озодлик кураши.

6\2. Мовароуннахрда мўғуллар томонидан жорий этилган бошқарув тартиби ва унинг заифлашуви.

6\3. XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

7-маъруза: Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилиги. Бу даврда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт

7\1. Амир Темур томонидан марказлашган давлатнинг барпо этиши. Давлатни бошқариш тизми.

7\2. Амир Темурнинг жаҳонгирлик юришлари ва ташқи сиёсати.

7\3. Амир Темур ва темурийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.

7\4. Темурийлар сулоласи ҳокимиятнинг инқирозга учраши, унинг сабаблари.

8-маъруза: Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари.

8\1. XV аср охири ва XVI аср бошларида Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий вазият, Шайбонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши.

8\2. Мовароуннахрнинг Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ҳудудий парчаланиб кетиши.

8\3. Хонликлардаги ижтимоий-сиёсий вазият ва давлат бошқарув тизими.

8\4. Ўзбек хонликларнинг илғор Европа мамлакатларидан иқтисодий ва техникавий жиҳатдан орқада қолиш сабаблари.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Ж. Хўжақулов

**ЎЗБЕКИСТОН
ТАРИХИ**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ҚАРШИ 2005 ЙИЛ

Масъул муҳаррир: т.ф. д , проф. Ю.Эргашева .
Тақризчилар: проф . М. Худойқулов , дац. Б. Узоқов .

Касб таълими факультети услубий камиссияси (-сон баённома, 2005 йил) ва институт Услубий Кенгаши томонидан маъқулланиб, чоп этиш ва фойдаланишга тавсия этилган (-сон баённома, 2005 йил).

Аннотация

Ўзбек тилида: Маърузалар матнида Ўзбекистон халқларининг энг қадимги замонлардан ҳозирги кунга қадар босиб ўтган тарихий йўли ёритилади. Шунингдек, «Ўзбекистон тарихи» фани намунавий ўқув дастури (Тошкент, 2004) асосида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётга оид муаммолар, тарихий воқеаларнинг моҳияти, сабаблари ва қонуниятлари таҳлил этилади.

Рус тилида: В тексте лекций освещается исторический путь Нарбуов Узбекистана с древнейших времен до наших дней, а также анализируется теоретические, методологические проблемы социально –политической, экономической и духовно-культурной жизни, сущность, причины и закономерности исторических событий на основе примерной учебной программы по курсу «История Узбекистана».

Инглиз тилида: In this of lectures historical way of people of Uzbekistan from ancient time till our days is illuminated as well as is analysed theoretical methodological problems of sociat political, economic and spiritual cultural life, essence of the reason and regularities history event on base of the approximate scholastic program on course history of Uzbekistan.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

И. Каримов.

Кириш.

Ўтган XX асрнинг 90-йиллар бошида Ватанимиз тарихида буюк воқеа содир бўлди: халқимизнинг асрлар мобайнидаги орзуси рўёбга чиқди, Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди. Дунё харитасида яна бир мустақил, озод, суверен давлат-Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон-тарихини ўрганиш ва ўқитишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Олий ўқув юртлирида «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон тарихини ўраганиш ва ўқитишнинг ягона концепцияси асосида янги ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратилди ва яратилмоқда.

Мамлакатимиз фуқоралари, энг аввало, ёшларимиз онгида миллий мафкура, миллий ғоя сингари буюк хислатларни сингдиришда, уларда маънавий дунёқарашларни шакллантиришда, уларни оташин ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда. «Ўзбекистон тарихи» фанининг катта ва беқиёс имкониятларга эга эканлиги алоҳида қайд этамиз. Шу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қўйидаги ғоятда қимматли ва чўқур мазмунли сўзларини яна бир бор таъкидлашимиз мақсадга мувофиқдир: «Юртига, ватанига мухаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир.

Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб, авайлаб ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавий соҳасидаги ишларимизнинг асосий юналишини ташкил этмоғи керак. Шунга кўра ватан тарихи ва маданиятини, жуғрофияси ва иқтисодиётини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Боғчалардан тортиб олий ўқув юртлиригача бўлган таълим-тарбия тизимларда мазкур фан ва билимларни ўқитишга муҳим сиёсий вазифа сифатида қароמוғи лозим.

«Ўзбекистон тарихи» фани олий таълимнинг биринчи босқичи бўлган бакалавриятнинг барча йўналишларида ўқитилади. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус мактаб муоммолари институтининг ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув кўрсатмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиликларни яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тавсия этилган.

«Ўзбекистон тарихи» фанидан намунали ўқув дастурига киритилган барча назарий ва концептуал-методологик мазмундаги мавзулар Президент И. Каримовнинг 1998 йил 26 июнь куни республиканинг бир гуруҳ тарихчи олимлари ва зиёлилар билан бўлган учрашувдаги суҳбат чоғида илгари сўрган тарихимизнинг долзарб муоммолари, ғоялари ва методологик кўрсатмалари руҳида ўрганилади. Мазкур маърузалар матини тузишда яна шу мақсаддан келиб чиқилди.

Хуллас, маърузалар матинида ватанимизнинг ва ўзбек халқининг қадим замонлардан ва ҳозирги кунга қадар бошидан кечирган ғоятда мураккаб ва машаққатли тарихий ҳаётини баён этишга ҳаракат қилинди. Унда ижтимоий-сиёсий воқеяларнинг ёритилиши жараёнида меҳнатсевар халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти, яратган юксак маданияти ва этиқоди ҳамда унга онаватанга бўлган чексиз мухаббати ва садоқатига бағишланган сатрларни ўқиш мумкин.

Эндиликда халқимизда жонланган ўзлигини англаш ва миллий ўйғониш ҳиссиётини ривожлантириш, ёшлар онгига ўтмиш тарихимиз ва унинг бой қадриятлари, ота-боболар руҳини, моддий-маънавий маданиятга бўлган меҳр, ҳурмат ва қадр-қиммат, миллий ғоя ва миллий тафаккурга асосланган мустақил мафкўраси ҳис-туйғуларни сингдириш тарих фанининг асосий ва нихоятда долзарб масаласи ҳисобланади, зеро юртбошимиз такидлагандек, «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас».

Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.
-Т., «Шарқ», 1998, 5, 29-бетлар.

«Ўзбекистон тарихи» фанидан дарс соатларининг тахминий тақсимланиши

Мавзу Рақам лари	Маъруза мавзулари	Соат
1.	«Ўзбекистон тарихи» фанининг педедмети, назарий ва методологик асослари. Фанни ўрганиш манбалари ва ахамияти	2
2.	Ўзбекистон инсоният тараққиётининг қадимги уочқларидан бири.	2
3.	Ўзбек давлатчилигининг шакилланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари. Буюк ипак йўли.	2
4.	Ўзбек халқининг этник шакилланиши.	2
5.	IX-XII асарларида ўзбек давлатчилиги: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданият ҳаёти.	2
6.	Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш. Жалолиддин Мангуберди.	2
7.	Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий	2

	ва маданий ҳаёт.	
8.	Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари.	2
9.	Чор Россиянинг Туркистонни босиб олиши. Чоризм истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий-озодлик кураши. Жаидчилик.	2
10.	Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Истиқлолчилик ҳаракати.	2
11.	Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги тадбирлар ва уларнинг муштамакамчилик моҳияти. Сиёсий қатоғонлик ва унинг оқибатлари.	2
12.	Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонган ғалабага қўшган ҳиссаси.	2
13.	Советлар империясининг таназулга юз тутиши ва Ўзбекистон.	2
14.	Ўзбекистонда давлат муштақиллигининг қулга киритилиши. Демакратик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши.	2
15.	Муштақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий-маданий тараққиёти.	2
16.	Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.	2
Жами:		32

Мавзу Рақам лари	Семинар мавзулари	Soat
1.	«Авесто» китоби - Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим манба	2
2.	Ўзбек давлатчилигининг шакилланиши ва илк тараққиёти босқичлари.	2
3.	Буюк ипак йўли ва ҳозирги замон.	2
4.	Ўзбек халқининг этник шакилланиши.	2
5.	IX-XIII асрларда ўзбек давлатчилиги: ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт.	2
6.	Ўрта Осиё халқларининг IX-XIII асрлар даври маданияти. Аждодларимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссаси.	2
7.	Амир Темур – марказлашган давлат асосчиси.	2

8.	Ўзбек хонликларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.	2
9.	Чор Россиянинг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати.	2
10.	Туркистонда жаидчилик ҳаракати.	2
11.	Совет ҳокимиятга қарши қуролли ҳаракат.	2
12.	Совет тузумининг Ўзбекистонда юритган қатоғонлик сиёсати ва унинг оқибатлари.	2
13.	Ўзбекистон мустақил давлат.	2
14.	Ўзбекистон ҳуқуқий демакрatik давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши.	2
15.	Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳатлар ва бозор муносабатларининг шаклланиши.	2
16.	Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви	2
Жами		32

1-маъруза: Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, илмий назарий ва методологик асослари, фанни ўрганишнинг манбалари ва аҳамияти.

Режа:

1. Ўзбекистон тарихининг фан сифатидаги ўрни. Унинг предмети ва ўрганиш объекти.
2. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг илмий назарий ва методологик асослари ва тамойиллари.
3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш. Уни ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти.
4. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг ҳар томонлама етук инсонни тарбиялашдаги аҳамияти.

III. XX асрнинг мамлакатимиз халқлари учун берган энг буюк ва олижаноб неъмат бу Ўзбекистон миллий давлат мустақиллигининг қўлга киритилганидир. Чунки мустамлакачилик мустамлакачилик зулми ва мутелигидан озод бўлиш, том маънодаги истиқлол – мустақилликка эришиш халқимизнинг узоқ йиллардан бери кутган эзгу армони ва орзуси эди. Бу мақсад йўлда миллатнинг минг-

минглаб фарзандлари ўз жонларини қурбон қилдилар. Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллиги, халқимизнинг хур, эркин, озод яшаб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишдек буюк бахт бугунги авлод вакилларига насиб этди.

Аммо қўлга киритилган миллий давлат мустақиллигимизни сақлаб қолиш, уни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш ва келажаги буюк давлатни барпо қилиш мислсиз даражада мураккаб ва шарафли вазифадир. Бу вазифанинг қай даражада бажарилиши мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий – сиёсий савияси, миллий истиқлол мафкурасининг нечоғлиқ улар онгида шаклланиб, ҳаётий-дунёқарашига айланиши билан муштаракдир. Бу улғвор вазифани ҳал этишда мамлакатимиздаги билим масканлари билан бир қаторда олий ўқув юртлари ҳам ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Мустақиллик шарофати билан таълимнинг барча босқичларида бўлганидек. Ўзбекистон тарихини ўрганиш, уни ўқитишга бўлган муносабат олий ўқув юртларида ҳам тубдан ўзгарди. Маълумки, мамлакатимиз олий ўқув юртларида, қайси йўналишдаги мутахассислар тайёрланишидан қатъий назар, бир туркум ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилади. Шу фанлар орасида Ўзбекистон тарихи фани ўзига хос, алоҳида ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон тарихи фани олий ўқув юртларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар орасида ўзининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеига кўра асосий ва етакчи фанлардан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бу фан Ватан тарихининг ибтидоси – ўлкашунослик эканлигини эътиборга олган ҳолда олий ўқув юртларининг барча но мутахассислик факультетларида, қайси касб-ҳунарни эгаллашидан қатъий назар, бир хил ҳажмдаги соатларда ўқитилмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон тарихи фани олдига қўйилган бир қатор муҳим вазифаларни бажариш билан боғлиқдир. Хусусан:

Биринчидан, Ўзбекистон тарихи фани ёшлар онгида сиёсий, назарий- илмий дунёқарашни шакллантириш, воқеа ва ходисаларга тарихий нуқтаи назардан ёндошадиган ҳар томонлама етук, баркамол инсонни тарбиялашдан муҳим восита бўлиб хизмат қилади;

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихи мустақил Ўзбекистон ёшлари онгида миллий виждонни уйғотиб, унинг шаклланишига кўмаклашади. Ёшлар аждодларимизнинг тараққиёт йўлини, тарихий тажрибаларни ўқиб – ўрганганларидагина уларнинг онгида истиқлол тафаккури, ҳозирги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий турмушни ўтмиш билан таққослаш ва келажакка назар солиш туйғуси шаклланади;

Учинчидан, Ўзбекистон тарихи фани ёшларни Она Ватанга меҳр-садоқат ҳамда харбий ватанпарварлик анъаналари руҳида тарбиялаш воситаси ҳисобланади;

Тўртинчидан, Ўзбекистон тарихи фани ёшларни байналмиллатчилик руҳида тарбиялаш қуроли ҳамдир. Ёшларимиз бу фанни ўқиш, ўрганиш ва мутолаа қилиш жараёнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас таркибий қисми ва бир бўлаги эканлигини тушуниб оладилар, ўзбек халқи ва буюк алломаларимизнинг, фан ва маданият арбобларимизнинг жаҳон тараққиёти ва цивилизациясига қўшган ва қўшаётган муносиб ҳиссаси билан қонуний равишда фахрланадилар.

Ва ниҳоят, бешинчидан, Ўзбекистон тарихи фани ёш авлодни ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва ахлоқий фазилатлари: халлолик, поклик, одиллик, адолатлилик, инсонпарварлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик ва

камтаринлик, иймон ва эътиқодлилик, сабр-тоқат ва чидамлилик руҳида тарбиялашда, Ватан ва халқ олдидаги бурчга садоқатлиликни қарор топтиришда олийжаноб вазифани бажарди.

«Ўзбекистон тарихи» фани дунёдаги энг қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг қарийб 3,5 минг йиллик тарихий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётини ўргатувчи санадир. Марказий Осиёда жумладан Ўзбекистонда яшаб келаётган халқлар жаҳон фани ва маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар Ўзбек халқи Марказий Осиёдаги барча халқлар қаторида доимо эркинлик, хурлик, озодлик ва мустақиллик учун мустамлакачилар ва ёт келгиндиларга қарши олиб борган ва шу жихатдан у ўзининг инқилобий анъаналарига эгадир.

Ўз халқимиз, ўз она юртимиз, ўз тупроғимиз тарихини, ўтмишимизни чуқур англашимиздан асосий мақсад нима? Булар қўйидагилар:

1. Бугунги Ўзбекистон жаҳон харитасида пайдо бўлган тасодифий мамлакат эмаслигини, унинг илдизлари ниҳоятда чуқур ва қадимий эканлигини дунёга кўрсатишдир;
2. Собиқ шўро сиёсати ва коммунистик мафкура тазйиқи билан сохталаштирилган тарихни ўз ўрнига қўйиш, тарих ҳақиқатини. Ҳаёт ҳақиқатини илмий ҳақиқат асосида қайта тиклаш;
3. Шу асосда халқимиз, айниқса ёш, навқирон авлодимиз қалбида миллий ғурур ифтихор, ўз аждодлари билан фахрланиш туйғуларини кучайтириш. Буюк ўтмишга муносиб бук миллат бўлиш. Эртанги кунга ишонч ва истиқлолга эътиқод билан яшашни турмуш тарзига айлантириш.

Тарих, донишмандлар айтгандай, улуғ мураббийдир. У юз берган ходисалар моҳиятидан келиб чиқиб беради. Ҳаётда саракни –саракка, пучакни –пучакка ажратишга даъват этади. Агар тарихга шунчаки воқеалар баёни, ходисалар тафсилоти сифатида қаралса, унинг мураббийлик аҳамияти йўқолади. Нурсиз, ҳарортсиз, жозибасиз, киши руҳиятига таъсир этмайдиган бир нарсага айланади.

Тарих –тафаккур маҳсулидир. Ўтмишимизда юз берган ҳар бир ҳодиса маълум маънавий-руҳий, ижтимоий- сиёсий муҳит таъсирида юз берган. Яхшими – ёмонми, эзгулик ёки ёвузликми, бу қатъий назар, ҳар қандай ҳодиса ўз даври кишиларининг қалби, онги, шуури, маънавий қудрати маҳсулидир. Демак, унга назар солганда, асрлар силсиласини варақланганда алоҳида ҳаяжон, алоҳида ва зуккоклик билан қараш керакки. Воқеалар замиридаги мантиқ, фалсафа руҳият сифат, қўйингки, ҳар даврнинг ўзига хос шукуҳи-ю ташвишлари, севинчу изтироблари, яхлитлиги кўзга яққол ташлансин. Онгимиз ва шўуримизга мустаҳкамроқ ўрнашсин. Ана шунда тарих кишини фикрлашга ўтмишни идрок қилиб, келажакни ақл йўриғи билан белгилашга ёрдам беради. Тарихнинг тафаккур маҳсули ва улуғ мураббийлиги, олий кадрият эканлиги ана шу билан белгиланади.

12. Ўзбекистон тарихини яратиш ва уни ўрганиш кўп жихатдан тўғри илмий-назарий ва методологик асосларнинг ишлаб чиқилишига, уларнинг амалий ҳаётга тадбиқ этилишига боғлиқ. Тарихий воқеаларни ўрганишда пухта ва чуқур ишлаб чиқилган илмий-назарий, методологик асосларга таянишнинг аҳамияти жуда катта.

Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг бир қатор илмий-назарий ва методологик асослар мавжуд бўлиб, улар чуқур илмийлик, холислик, тарихийлик, изчиллик, ростгўйлик, ҳаққонийлик ва бошқалардан иборат. Бу каби илмий назарий асослар тарихий тасаввурни, тушунча ва хулосаларнинг илмий-амалий ва услубий жиҳатдан тўғри ҳосил қилинишига пойдевор бўлиб хизмат қилади. Тарихини ўрганиш ва ўқитиш жараёнида миллий истиқлол, ватанпарварлик, инсонпарварлик, байналминаллик каби улуғ фазилатлар, халқимиз анъаналари, урф-одатлари, диний эътиқодлари каби миллий қадриятларни ёшлар онгига чуқур синдириш, уларни эъзозлаш устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу билан бирга мозийга ҳурмат билан қараш, миллий тикланиш тафаккури давр ва замон билан ҳамнафас бўлиш, турли ижтимоий табақаларга нисбатан цивилизацион ёндошув руҳини ёшлар дунёқарашида шакллантириш лозимдир.

Қишлоқ жамияти тарихини, тарихий воқеа ва ҳодисаларни ўрганишнинг муҳим назарий – методологик асосларидан бири – жамият тараққиёти қонунларини очиқ берувчи диалектик методдир.

Инсоният ҳаёти, жамият тараққиёти диалектик жараёндир. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади, деб таълим беради. Диалектика жуда узоқ тарихга эга, унинг билиш назарияси сифатида шаклланиши ва ривожланишида Гераклит, Аристотель, Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Декарт, Спиноза, Гегель, герцен ва бошқа олим ва маърифатпарварларнинг хизмати каттадир. Улар табиат, тарихий ва маънавий дунёни бир жараён шаклида, яъни уларни узлуксиз ҳаракат қилиб, ўзгариб ривожланиб борадиган ҳолда, тараққиётни ички боғланишда олиб ўрганиш методологиясини яратдилар. Ҳар қандай фанни ўрганишда қўлланиладиган ягона диалектик қонуниятга асосланган услуб, яъни диалектик метод «Ўзбекистон тарихи» ни ўқитиш ва ўрганишда ҳам асосий назарий методология ҳисобланади. Ўзбекистон тарихи фани, бошқа ижтимоий – гуманитар фанлар каби, доимо ҳаракатда бўлиб. Ўзгариб, ривожланиб, бойиб боради. Бу фаннинг яна шундай ўзига хос хусусияти борки. Тарихий фан бўлгани учун ҳам авваламбор, бошқа фанларга қараганда, у тез ва кўпроқ бойиб боради. Бир томондан тарихимизнинг очилмаган «кўрик» лари олимларимизнинг илмий-тадқиқот томонидан, мамлакатимизда, жамиятимиз ижтимоий, иқтисодий. Маънавий ва маданий соҳаларидаги қўлга киритилаётган ютуқлар тарихимиз саҳифаларини кун сайин бойитаверади. Диалектик методология ҳар қандай мамлакат тарихини жаҳон халқлари тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этади. Негаки ҳар бир халқ тарихида миллийлик, ўзига хос бетакрор хусусиятлари билан бирга жаҳон тарихи, бутун инсоният тараққиёт билан умумий боғланишдадир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон тарихи аввало Марказий Осиё мамлакатлари тарихи билан, қолаверса Башарият тарихи билан чамбарчас боғланган. Қадим замонлардан яқин йилларгача Ватанимиз Ўрта Осиё минтақасидаги кўпгина давлатлар билан – Афғонистон, Эрон, Шимолий Хиндистон каби мамлакатлар билан ягона иқтисодий ва маданий макона бўлиб келди. Бу катта худудда яшовчи уруғ, қабила, қавм, элатлар этник жиҳатдан доимо ўзаро таъсир ва алоқада бўлганлар, қўшилиш жараёнини бошдан кечирганлар, уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти бир-бирлари билан узвий боғлиқ ўтган. Шу сабабли Ўзбекистон тарихини қўшни мамлакатлар тарихи билан

боғлаб ўрганиш тақозо этилади. Қозоқ, қирғиз, хинд, қорақалпоқ, туркман, тожик, форс, афғон, араб ва бошқа халқлар тарихини қанчалик яхши билсак, Ўзбекистон халқлари тарихини шунчалик чуқур, ҳар томонлама ўрганишга имкон яратади, кўмаклашади.

Тарихий воқеа ва ходисаларни ўрганиш, уларни таҳлил этиш ва ёритишда холисона, ҳаққоний, адолатли ёндошув муҳим методологик қоидалар.

Холислик қоидасини тарихий воқеа, ходисаларни ўрганаётганда улар билан боғлиқ бўлган барча фактрларнинг ҳеч бир истисносиз, бутун мажмуини бирга олиб текширишни. Аниқ, ҳаққоний далилларга асосланишни талаб қилади.

Тарихни ўрганишда тарихийлик методологияси муҳим аҳамиятга эга. Тарихийлик қоидаси воқеа ва ходисаларни ўз даврининг аниқ тарихий шароитдан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо этади. Воқеа, ходисаларни ўрганишда тарихий боғланиш, тарихий узвийлик, тарихий ривожланиш жараёни қоидаларига риоя қилмоқ зарур. Ҳар бир воқеа ходисага умумий тарихий жараённинг бир қисми, бир бўлаги деб қарамоқ зарур. Ҳар бирходиса қандай тарихий шароитда, муҳитда пайдо бўлганлигини, бу ходиса ўз тараққиётида қандай асосий босқичларни ўтганлигини, кейинчалик у қандай бўлиб қолганлигини билиш тарихийлик қоидасининг асосий талабидир. Масалан, биронта давлат фаолиятига тарихийлик нуқтаи назаридан баҳо бермоқчи бўлсак, биринчидан, у қачон, қандай шароитда пайдо бўлди, иккинчидан, у ўз тараққиётида қандай босқичларни босиб ўтди, учинчидан, у ҳали ҳам мавжудми, ҳозир қай аҳволда, қандай бўлиб қолди, деган саволларга аниқ жавоб бериш зарур бўлади.

Тарихийлик методологиясининг таркибига узвийлик ва даврийлик киради. Тарихий фан бўлгани учун ҳам Ўзбекистон тарихи фанини ўргатиш ва ўқитиш жараёнида тарихий узвийлик ва даврийлик қоидасига риоя қилиши алоҳида аҳамият кашф этади.

Тарихини ўрганишда ижтимоий ёндошув қоидасига амал қилиш давлат арбобларининг, сиёсий кучлар, партиялар турли уюшмалар, улар йўлбошчиларининг тарихий тараққиёт даражасига кўрсатган ижобий ёки салбий таъсирини, жамиятни у ёки бу йўлдан ривожланишидаги ўрни ва ролини тўғри аниқлашга олиб келади ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиз тарихини ўрганишда миллий қадриятлар, халқ анъаналари ва урф-одатлари, дин ислом дини, адомларнинг диний эътиқодлари, диний таълимотлар ва уларнинг асосчилари фаолиятини таҳлил қилишга, ёритишга цивилизацион муносабатда бўлиб, уларни хурмат қилиш, эъзозлаш нуқтаи назаридан ёндошмоқ керак.

Тарихни ўрганишда юқорида қайд этилган методологик қоидалар билан бир қаторда фактрларни таққослаш, мантиқий – қиёсий хулосалар чиқариш, даврлаштириш, социологик тадқиқотлар ўтказиш статистик, математик ва бошқа усуллардан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

13. Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ёритишда унинг даврларини илмий асосда тўғри белгилаш катта аҳамиятга эгадир.

Марказий Осиё халқлари, жумладан Ўзбекистон халқлари, ер юзининг қатор худудларидаги халқлар каби ўз тарихида инсоният тараққиётида содир бўлган барча ижтимоий-иқтисодий босқич (формация) ларни босиб ўтган эмас. Бундан чиқадиган хулоса шуки, биз ўз тарихимизни шу ижтимоий –иқтисодий формациялар асосида дарлаштирсак, тарихий ҳақиқат сохталаштирилган бўлади.

Шу сабабдан биз ўз халқимиз, Ватанимиз тарихини ўзбек давлатчилиги тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда даврлаштирамиз ва ўрганамиз.

Ҳақиқий тарихий жараён нуқтаи назаридан қараб, ҳечқандай «изм-изм»ларсиз Ўзбекистон тарихига ёндошадиган бўлсак, уни қуйидаги даврларга бўламиз:

1. Қадимги давр – энг қадимги замонлардан милодий VI асрга қадар;
2. Ўрта асрлар даври – милодий V асрдан XIX асрнинг ўрталарига қадар;
3. Янги давр – XIX асрнинг ўрталаридан ҳозирги кунга қадар;

Табийки бу катта даврларнинг ҳар бири бир неча босқичларга бўлинади, хусусан:

Биринчи – қадимги давр - Марказий Осиё халқларининг ибтидоий жамоа тузуми, шу минтақада дастлабки давлат тузилмаларининг, қадимги (антик) давлатларининг ташкил топиши босқичларидан иборат;

Иккинчи – ўрта асрлар даври қуйидаги босқичларга бўлинади: 1. илк ўрта асрлар - марказий Осиё ҳудудида ерга эғалик муносабатларининг, Турк хоқонлигининг ҳукмронлиги, араблар босқини ва ислом динининг маҳаллий халқ маънавиятига кириб келиши босқичи бўлиб, V-VIII асрларни ўз ичига олади;

2. ривожланган ўрта асрлар – Марказий Осиёда мустақил марказлашган давлатларнинг вужудга келиши (IX-XII асрлар);

3. Амир Темур давлати ва темурийлар даври (XIV асрнинг иккинчи ярми –XV аср);

4. Ўзбек хонликлари даври (XIV-XIX асрнинг биринчи ярми);

Учинчи – янги давр икки босқичга бўлинади:

1. XIX асрнинг ўрталаридан 1991 йил сентябрга қадар бўлиб, чор Россиясининг ўлкамиздаги мустамлакачилиги ва советлар ҳокимиятининг истибдоди даври;

2. 1991 йил сентябрдан – Мустақил Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт босқичи; бу халқимиз, мамлакатимиз тарихида энг янги давр, бу миллий уйғониш, Миллий Англаш тушунчаларини ўзида мужассам этган Истиқлол даври.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик даври тарихи эндигина бошланди, давом этаверади!

Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишда манбаларини билиш, уларга суяниш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай манбалар нималардан иборат? Тарихий манба деганда авваламбор, биз нимани тушунамиз?

Тарихий манба деганда узоқ ўтмишдан қолган, табиат ва жамиятнинг маълум босқичдаги кечилишини ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликларни тушунамиз. Шу боисдан тарихий манбаларни биз иккига бўлиб ўрганамиз. Биринчиси моддий манбалар бўлиб, унга кўхна манзилгоҳ ва мозорлар, шаҳарлар ва қасрлар ҳамда қалъаларнинг харобалари, ўша жойлардан топилган ишлаб чиқариш қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, зеб-зийнат ашёлари, қадимги суғориш иншоатларининг қолдиқлари, олтин, кумуш ва мис парчалари, шунингдек ибтидоий одамлар ва хайвонларнинг қоя тошларга ўйиб ишланган суратлари, умуман тош ва бошқа қаттиқ предметлардаги ёзувлар киради.

Иккинчиси, маънавий туркумига узоқ ўтмишдан қолган қўлёзма асарлар ҳамда одамларнинг туриш – турмуши ва урф-одатларини ўзида акс эттирувчи материаллар, шунингдек кишилар онгида сақланиб қолган урф-одат ва анъаналар киради. Хуллас, табиат ва жамиятнинг кечмиши билан боғлиқ бўлган ҳар бир нарса тарихий манба бўлиши мумкин, табиат ва жамият эса бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий тури бу ёзма манбалар ҳисобланади. Тарих фанини чуқур ўрганиш учун бир қатор ёрдамчи соҳалар, хусусан, палеография, дипломатика, геральдика, элиграфика, нумизматика, метеорология каби соҳаларнинг қўлга киритган ютуқлари ҳам катта ёрдам беради.

Энди биз бевосита Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишдаги асосий тарихий манбаларга тўхтайдиган бўлсак, биринчидан, бу энг асосий ва муҳим тарихий манба - зардуштийлик динининг муқаддас китоби – «Авесто» ҳисобланади. «Авесто» да нафақат зардуштийлик (оташпарастлик) динининг тамойиллари, қонун –қоидалари асослаб берилган, балки унда қадимги аждодларимизнинг бошқарув тизими, ижтимоий турмуши маданий ва маънавий ҳаётига оид маълумотлар берилган.

Иккинчидан, ўтмиш ота-боболаримиз қолдириб кетган ва дунёдаги жуда кўп мамлакатлар, хусусан: Англия, Франция, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Россия ва Ўзбекистоннинг кутубхоналарида сақланаётган бой ва нодир қўлёзма асарлар.

Шундай қўлёзмалар орасида подшо, шоҳ, хон, амирлар саройида яшаган солномачи ва муаррихларнинг ёзиб қолдирган асрлари ғоят қимматлидир.

Учинчи - ва ғоятда, муҳим манбалардан бири – шоиру – ёзувчилар, олиму – фузалоларнинг қолдирган ноёб асарлари Ватанимиз тарихини ўрганишда ажойиб ва қимматли маълумотларни беради. Ал-Хоразмий, Аҳмат ал-Фарғоний, Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Али Қушчи, Имом ал-Бухорий ва бошқа кўплаб алломаларнинг ижодларида улар яшаган тарихий ва маданий муҳитга оид қимматли фикр хулосалар, тарихий маълумотлар мавжуд.

Бундан ташқари «Ўзбекистон тарихи» фанини ўрганишда ҳозирги кунда мавжуд бўлган илмий, бадий, тарихий асарлар, қўлланмалар, дарсликлар, монографиялар. Рисолалар, тўпламлар, ҳар хил музейларда, айниқса ўлкашунослик музейларида сақланаётган кўргазма заллари хужжатлари, археологик қазилма ёдгорликлари, музей –шаҳарлар, тарихий обидалар, кино, фото хужжатлар ва ҳақозолар муҳим ва қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

14. Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаш, улар онгида миллий истиқлол тафаккурини ва ватанпарварлик ғояларини шакллантиришда Ўзбекистон тарихи фанининг ўрни ва имкониятлари чексиздир. Чунки мазкур халқнинг башарият тарихидаги ўрни, Ватанимизнинг ўтмиши, авлодлар севиб, эъзозлаб, ўрганиб, ўрناق ва сабоқ оладиган ҳаёт мактабидир. Тарихий ўтмишсиз бирор бир халқнинг бугунги бўлмаган келажаги ҳам бўлмайди. Тарих адамларни уйлантиради. Бўлиб ўтган тарихий воқеа ва ходисаларни фарқлаш таҳлил қилиш ва улардан амалий, ҳаётий хулосалар чиқариш асосида дастурий ҳаракатлар йўланмасини белгилашга ёрдам беради.

Миллий ўзликни англашда, миллий бирликни шакллантиришда шажарамиз улуғлиги ва поклигини билиш ва кадрлашда, қадимий ва доно халқимизнинг жаҳон халқлари орасида тутган ўрнига баҳо беришда, унинг энг бой ҳаётий ва тарихий тажрибаларидан уринли ва кенгроқ фойдаланишда, халқимизнинг

олийжаноб, хурриятпарвар, эркпарвар ва истиқлолпарвар анъаналарини изчил ўрганиш ва уни янада бойитишда, хуллас, мустақил Ўзбекистон фуқаросига хос бўлган баркамол инсонни вояга етказиш Ўзбекистон тарихи фани нихоятда катта аҳамиятга эга. Ўз тарихини, ота-боболари ва аждодларининг ўтмишини яхши билган халқни қайта мустамлакачилик, асоратига солиш мумкин эмас.

Миллий ўзликни англаб етмаган халқ миллий мустақиллик кадрига етмайди, бундай халқ онгида миллий ғурур, Ватан равнақи йўлида фидойилик туйғулари ёнмайди, миллат бирлиги, ватанпарварлик ва байналмиллалик туйғулари уйғунлашмайди. Бундай халқ доимо бошқа халқлар асоратида тушади, хурланади, камситилади, унинг инсоний ҳақ ҳуқуқлари топталади. Бу ҳаётий аччиқ ҳақиқатни халқимиз ўз тарихида бир неча бор татиб куради. Халқимизнинг миллий бирлиги яхлит топган замоналар ҳам бўлдики (Амир Темури даври) табиатан байналминал халқимиз ўзлигини англай билиб, бошқалар томонидан она заминнинг топталишига чек қўйди, унинг гуллаб яшнашини таъминлади, миллат учун жонини фидо этадиган буюк фарзандларини вояга етказди.

Тарихимизда шундай даврлар ҳам бўлдики. Бу бу бирлик бузилди, гуллаб-яшнаётган Ватан ўзликни англашдан йироқ турган шахсий манфаатпараст «етакчилар» ўртасидаги ички зиддиятлар туфайли таназзулга юз тутди. (хонликлар даври) мамлакат парчalandи, парчаланган юрт эса осонгина бошқалар асоратига тушиб қолди. Бу тарихий аччиқ ҳақиқатни билмасдан, тарихий воқеа ва ходисаларни таҳлил этмасдан, у ҳақда ёш авлодга тарихий билим ва тарбия бермасдан халқ онгида миллий ўзлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мумкин эмас.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон тарихи фан сифатида ўз ўрнини топди ва уни ўқитиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу фан ёшларнинг, талабаларнинг ҳақиқий тарбиячисига айланди. Шу ўринда Президент И.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз баркамол киши бўлмагандек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», «Тарих халқ маънавиятининг асосидир», «Тарихий халқ маънавиятининг асосидир», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «Инсон учун тарихдан жуда бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир» каби ҳам назарий, ҳам методологик аҳамиятга эга бўлган сўзлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда (Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т., «Ўзбекистон», 1992, 71 –бет; Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., «Шарқ», 1998, 10-21 – бетлар) . Ҳақиқатдан ҳам тарихий хотира, аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни эгаллаш талаб – ёшларда ҳалоллик, одиллик, ростгўйлик, меҳр- оқибат, меҳнатсеварлик, илмга интилиш каби интилиш каби инсоний фазилатларни шакллантиришга ёрдамлашади. Ватан тарихи ёшларда жамиятда эртароқ мустақил фаолият юритиш, ўз қобилятини тўлароқ очиш ва ҳаётга тадбиқ эта олиш сифатларини шакллантиради.

Шу сабабли ҳам Ватанимиз тарихини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Бу вазифанинг давлат даражасигача кўтарилганлигини Президентимиз Ислам Каримов қўйидагича таърифлади: «Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда» (Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка

тахдид. Барқарорлик шартлари ва тара ққийёт кафолатлари – Т., «Ўзбекистон», 1997, 140 бет).

Таянч тушунчалар:

«Ложувард йўли», «Шоҳ йўли», «Буюк ипак йўли» - Мулоқат йўли, Юнеско томонидан «Буюк ипак йўли – мулоқот йўли» дастурининг тузилиши, Бу дастурнинг амалга ошишида Марказий Осиё давлатларининг, жумладан Ўзбекистоннинг фаол иштироки.

Текширув саволлари:

1. «Тарих» деганда сиз нимани тушунасиз?
2. «Ўзбекистон тарихи» фани ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?
3. «Ўзбекистон тарихи» фани нимани ўрганеди?
4. Ўз халқимиз тарихини ўрганишдан мақсад нима?
5. «Ўзбекистон тарихи» фанини ўрганишнинг асосий илмий-назарий асосларини таърифлаб беринг.
6. «Ўзбекистон тарихи» қандай методологик асосда ўрганилади?
7. Тарихийлик методология деганда сиз нимани тушунасиз?
8. Ўзбекистон тарихини ўрганиш қандай даврларга бўлинади?
9. Ўзбекистон тарихини ўрганиш қандай тарихий манбаларга асосланади?

Адабиётлар:

1;2;3;12;23;29;30;31;32

2-маъруза: Ўзбекистон инсоният тараққиётининг қадимги учоқларидан бири.

Режа:

1. Инсониятнинг дастлабки аждодлари. Ибтидоий жамият ва унинг даврлари.
2. Уруғчилик жамоасининг вужудга келиши ва унинг инсоният тарихида тутган ўрни.
3. аждодларимизнинг илк диний эътиқодлари. «Авесто» - зардуштийлик динининг муқаддас китоби.

211. Тарихи минг асрлар қаъридан садо берадиган, аждодларимиз эъзозлаб бизга мерос қолдирган бу қўхна юртни қадим замонларда боболаримиз Турон, юнонлар Трансаксония, араблар Мовароуннаҳр деб аташган. Бундан қарийб бир минг икки юз йил аввал-VIII асрдан бошлаб эса, Турки стон деб юритишган.

Кўхна Турон-ҳозирги Марказий Осиё, жўгрофий Фарбда Каспий денгизи, Шарқда Хитой чегараси, жанубда Эрон ва Афғонистон, шимолда Орол – Иртиш сув айиргичига бўлган майдонни эгаллайди.

Марказий Осиё шарқи ва шарқи-жануби баланд тоғлар билан ўралган, қолган томонлари дашт ва чўллардан иборат бир ўлкадир. Кўхна Турон инсон ҳаёти ва маданиятининг энг қадимги ўчоқларидан биридир.

Марказий Осиё ҳудуди минг-минг йиллар давомида аждодларимизнинг тинимсиз меҳнати туфайли обод бўла борган. Бу ҳудудда, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ерларида, қадимий даврлардан бошлаб одамлар истиқомат қилганлар.

Ибтидоий жамоа тузуми Ўзбекистон тарихининг энг муҳим даврларидан биридир. Бу давр жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган Авваломбор, ибтидоий жамоа даври тарихида одамнинг пайдо бўлиши, унинг дастлабки маконлари масалалари ўта-муаммо ҳисобланади. Жаҳон фани ютуқларига кўра одамзотнинг дастлабки аждодлари зинжантроп – Жанубий Африкада, питекантроп – Индонезия, Синантроп- Хитойда, неандертал – Германияда яшаган. Бу минтақалар одамзотпайдо бўлган илк ҳудудлар ҳисобланиб келган.

Археологик олимлар кўхна Турон тупроғида ҳам энг қадимги одамларнинг изларини аниқлаганлар. 1938 йилда Бойсун тоғидаги Тешиктош ғоридан 8-9 яшар неандертал боласининг суяк қолдиқлари топилди. 1980 йилларда Фарғона водийсининг Сўх тумани яқинидаги Селунғур ғоридан синантропга замондош одамнинг суяк қолдиқлари топилиб, уни олимлар «Фергантроп одами» номи билан фанга киритдилар. Фергантроп одамининг яшаган вақти қадимги тош – (палеолит) даврининг ашель босқичи деб белгиланди. Агар Тешиктош ғоридан топилган неандертал боласи бундан 100 –40 минг йиллар аввал яшаган бўлса, фергантроп одами эса бундан бир миллион йиллар аввал яшаган. Бу икки топилма тарих фани соҳасида одамзотнинг пайдо бўлиш муаммосининг илмий ечимида жаҳон аҳамиятга молик ихтиро ҳисобланади.

Марказий Осиё ҳудудида ибтидоий жамоа тузумини даврларга бўлиш катта муаммолардан бири бўлиб, бу ҳақда фанда ягона фикрлар бўлмасда, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра у бир неча 100 минг йилларни ўз ичига олади. Умумий кўринишда Марказий Осиё ҳудудидаги ибтидоий жамоа тузумини қуйидаги даврларга бўлиб ўрганмоқ маъқул деб ҳисоблаймиз:

- I. Тош асри;
- II. Бронза асри;
- III. Темир асри;

Инсоният тарихида энг узоқ давом этган давр-бу тош асри бўлиб, у қуйидаги босқичларга бўлинади:

1. Палеолит –қадимги тош даври;
2. Мезолит - ўрта тош даври;
3. Неолит- янги тош даври;
4. Энеолит –мис тош даври ;

Археология фанининг маълумотларига қараганда палеолит (қадимги тош даври) уч босқичга бўлинади:

1. – Илк палеолит. Ашел даври – милоддан 700-100 минг йилликларни ўз ичига олади. Марказий Осиёда топилган илк палеолит ёдгорликлари милоддан 500-100 минг йил аввалги даврларга оид бўлиб, «ашел» даври маданияти дейилади;

2 - Ўрта палеолит. Бу давр «Мустье» даври маданияти деб аталиб, милоддан аввалги 100-40 минг йилликларни ўз ичига олади;

3- Юқори (сўнги) палеолит – милоддан аввалги 40-12 минг йилликлар киради.

Ибтидоий жамоа тарихининг колган даврлари: мезолит-милоддан аввалги 12-7 минг йилликлари, неолит-милоддан аввалги 6-4 минг йилликлар, энеолит – 4-3 минг йилликлар, неолит – милоддан аввалги 6-4 минг йилликлар, энеолит 4-3 минг йилликлар, бронза даври –милоддан аввалги 3-2 минг йилликларни ўз ичига олиб, темир даври эса, милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларига тўғри келади.

Марказий Осиё худудида топилган ва ўрганилган Селумғур (Фарғона) Учтут (Бухоро), Унарча (Қирғизистон) Қоратоғ (Тожикистон) каби маконлар илк палеолит даврига оиддир.

Марказий Осиёда ўрта палеолит (мустье маданияти даврининг энг машхур ёдгорликларига Тешиктош, Обирахмат, Хўжакент, Кўлбулоқ, Қўтирбулоқ Учтут каби бир қатор маконлар киради. Бу даврда музланиш кенг тарқала бошлаган, иқлим шароити анча ёмонлашган. Бу ҳол одамларни табиат кучлари билан курашишга мажбур қилган. Улар аста-секин овчилик хўжалигини такомиллаштириб йирик ҳайвонларни овлашга ўта бошлаганлар, ўт чиқаришнинг турли йўллари иxtиро қилдилар, турли шароитида яшаш учун ўзларига, бошпаналар (ғорлар, қапа, чайлалар) изладилар ва қурдилар. Бу даврда меҳнат қуролларининг янги турлари: қирғич, пичоқ кабилар пайдо булди.

Инсоният тарихи шажарасида бу даврнинг одами неандертал одами номи билан юритилади. Неандертал одамлар яшаган маданият маконлари Марказий Осиё худудининг 50 дан ортиқ жойида топилган. Шулар орасида 1938 йилда Бойсун тоғининг (Сурхандарё) Тешиктош деб аталган ғоридан топилган ёдгорликлар алоҳида қимматга эгадир. Ғордан тош қуроллар, гулхан излари, кул қолдиқлари, ҳайвон суяклари билан бир қаторда 8-9 яшар боланинг бош суяклари топилган. Унинг ёнида бир неча жуфт тоғ эчкиси шоҳлари ҳам топилган Бундан шу нарса маълум бўладики, неандертал одамларнинг асосий машғулоти ҳайвон ови бўлган.

Қадимги тош асрининг охириги юқори (сўнги) палеолит бўлиб, бу даврда Марказий Осиё худудида иқлим қуруқ ва мўътадил бўлган. Шунинг учун ибтидоий одамлар ғорлардан чиқиб, енгил турар жойлар кура бошлаганлар. Натижада улар фақат тоғли худудларда яшаб қолмай, воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликларда, дарё ва кўллар соҳалларига келиб жойлаша бошладилар. Сўнги палеолитнинг энг катта ютуғи антропогенез жараёнининг тугалланиши ва ҳозирги давр одамларига хос ташқи қиёфасидаги одамларнинг (кроманьон) шаклланишининг бошланишидир.

2.2 Инсоният тарихий тараққиётида шундай давр юзага келдики, бу даврда ибтидоий тўда ўрнига уруғчилик жамоаси вужудга келди. Бу ҳолат сўнги палеолит даврига тўғри келади. «Ибтидоий тўда» ўрнини матриархат – она уруғи жамияти, яъни «уруғчилик жамоаси» эгаллайди. Уруғчилик ибтидоий жамиятнинг алоҳида босқичини ташкил этиб, бу ижтимоий ҳаётдаги қатор ўзгаришларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хусусан, аёллар жамиятда етакчи мавқеини эгаллаганлар, Жинслар ўртасида меҳнат тақсимооти келиб чиққан

Аёллар озиқ-овқатларни сақлаш, овқат тайёрлаш, оилада болани боқиш ва тарбиялаш ишлари билан банд бўлса, эркаклар асосан овчилик билан шуғулланганлар, меҳнат куроллари тайёрлаганлар. Бу даврда қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ таъқиқланган. яъни экзогамия пайдо бўлган. Бу эса инсоннинг биологик жиҳатдан такомиллашиб боришига замин яратган.

Уруғчилик жамоасининг вужудга келиши аждодларимиз ҳаётида иқтисодий силжишларига, ҳатто инқилобий ўзгаришларга олиб келди. Масалан, милоддан аввалги 12-7 минг йилликларни ўз ичига олган мезолит (ўрта тош) даврида аждодларимиз камон ва ўқни кашф этдилар. Бу эса инсон яратган биринчи механизмдир.

Милоддан аввалги 3-2 минг йилликларга келиб ишлаб чиқаришда мис, темир ва бошқа металлари қоришмасидан фойдаланиш жез даври (бронза) нинг бошланишига олиб келди. Бу даврда инсоният жамият тараққиётида, халқ хўжалиги, техника ва маданият соҳасида катта ютуқларга эришди. Буни Зарафшоннинг қўйи оқимидаги Замонбобо қўлида, Панжикент яқинидаги Саразм қишлоғида, Сурхандарёнинг Сополлитепа, Жарқўтон, Хоразмнинг Тозабоб, Тошкентнинг Аччиққўл, Андижоннинг Далварзинтепа, Қаршининг Ерқўрғон, Тўртқўлтёпа ва бошқа ҳудудларда топилган ашъвий топилмалар исботлайди. Бу даврга оид топилмалар ўлкамизда қадимги шаҳарларнинг вужудга кела бошлаганлиги, аҳоли ўртасида мулкӣ тенгсизлик қарор топиб, ижтимоий табақаланиши жараёни бошлаганлигини кўрсатади.

Жез (бронза) даврида Ўрта Осиёнинг ижтимоий тузумида ҳам ўзгаришлар бўлди. Уруғчилик тузуми бу даврда давом этган бўлса ҳам, она уруғининг мавқеи аста-секин йўқолиб борди. Металл эритиш ва хўжаликнинг ривожланиши натижасида жамиятда эркаклар меҳнати биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб борди. Бу ҳол матриархат уруғи ҳукмронлигининг емирилиши ва патриархат – ота уруғи тузумининг ҳукмронлигига олиб келди.

2\3. Инсоният тараққиётининг турли босқичларида қадимги аждодларимиз ҳаётида дастлабки цивилизациянинг маънавий асослари юзага келди.

Оловдан фойдаланиш, ўқ-ёй, сопол идишлар, жездан зеб-зийнатлар ва буюмлар яшаш, марҳумларни кўмиш қўхна Турон қадимги одамлари моддий ва маънавий маданиятининг асосий белгиларидир. Лекин, табиий олам тилсимий ҳодисалари олдида одам ожиз қолаверади. Одам табиат ҳодисаларига, ҳайвонларга сиғина бошлади. шу тариқа дастлабки диний эътиқодлар пайдо бўлди.

Ибтидоий одамлар ўзларида содир бўлаётган руҳий кечинмаларни, фаолиятларининг хусусиятларини табиатга хос бир ҳолат деб билишган.

Дастлабки диний эътиқодлар ва маросимлар аждодларимиз ҳаётида уруғчилик жамиятида пайдо бўлган.

Ибтидоий тузум кишилари табиатни жонли тарзда тасаввур қилишган. Улар ўзларида содир бўладиган руҳий кечинмаларни, фаолиятларнинг хусусиятларини табиатга хос бир ҳолат деб билишган. Табиатнинг жонлилиги тўғрисидаги тасаввурлар йиғиндиси фанда анимизм деб аталади.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли машҳур асарида Хоразм халқи орасида анимизм кенг тарқалганини кўрсатади. Хоразм халқи ўнинчи ойнинг ўн бешинчи кунида жинлар ва ёмон арвоҳлар келтирувчи зарарларни даф этиш учун ис чиқариб, овқатлар пиширишган. «Ис чиқариш» деб аталадиган бу маросимда, одатда, арафа

кунлари, тўй тантаналари олдида, баҳорги ва кузги ер ҳайдашдан олдин ва таъзия маросимларида бўғирсоқ, юпка қатлама пиширилиб тарқатилган. Уларнинг эътиқодига қараганда, қиздирилган ёғ ҳиди поклаш ва эҳтиёт қилиш хусусиятига эга бўлган.

Тарихий асарларда, илмий манбаларда сув билан боғлиқ одатлар, байрамлар ҳақида бир қатор қимматли маълумотлар берилган. Масалан, баҳор ёки ёзнинг улуғ айём кунларида ёхуд байрамларда одамлар ўша йил серсув, ҳосилдор бўлсин, деб бир-бирларига сув сепишган. Наврўз кунлари одамларнинг бир-бирларига сув сепиш одати форишликларга яқин кунларгача сақланиб қолган. Ўзбекистон ҳудудининг лалмикор жойларида ҳатто сув сепиш одати асосида қадимида махсус уюштирилладиган «Сув ҳати» маросими ҳам шаклланган. Ёмғир чақириш мақсадида улар бир-бирларига сув сепиш афсунгарлик усулини ҳам қўллаганлар. Бу урф Зарафшон водийсида «Сусхотин», Сурхандарё вилоятида «Бўзхотин» Қашқадарё вилоятининг айрим туманларида эса «Чайла қозоқ» деб аталади.

Маълумки, дўл деҳқончиликка жиддий офатлар олиб келган. Бундай ҳолларда сеҳргарлик амалидан фойдаланилган. Хусусан, бунда «дўлни қайтарадиган» тош қўлланган ва ташбақани чалқанча ҳолатда ахлат ичига кўмилган. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Қамаш туманларида бу одатга ҳозиргача амал қилинади. Қурғоқчилик вақтида деҳқонлар ташбақани ағдарилган ҳолатда девор ёки дарахт устига қўйиб кетар эдилар. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси, шубҳасиз магия (сеҳргарлик, афсунгарлик) кўринишлари бўлиб, одамларнинг сеҳр усуллари орқали, маълум нарсалар ёрдамида табиатга таъсир қилиш ва шу йўл билан кўзлаган мақсадларига эришишга қаратилган фаолият эди.

Марказий Осиё ҳудудида шомончилик ҳам халқнинг ҳаёт тарзи, турмуши билан узвий боғлиқдир. Бизнинг ота-боболаримиз ёрдамчи –руҳлар, яъни отахонлар, парилар мавжудлиги, дев ва жинлар, шайтонларнинг борлиғига қаттиқ ишонганлар. Фақат ишонибгина қолмай, балки амалда улар билан иш кўришган. Шомонлар руҳларни бемалол чақиришиб, маълум бир мақсад йўлида хизмат қилдирганлар ёки улар ёрдамида кишиларнинг мақсад – ниятларини, бошқа жойларда кечган ёки бўлғуси воқеаларни билиб олганлар. Аждодларимиз ҳаётида кенг тарқалган дастлабки диний эътиқодлардан яна бири – фетишизмдир. Фетишизмнинг кўринишларидан бири турли хил буюмлардан ясаладиган тумор тақиш одатидир. Туморларнинг шакли ва тузилишига қараб этник тафовутларни кўриш мумкин. Масалан, хивалик ўзбеклар узунчоқ туморлар тақишни афзал кўришган бўлса, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида тўғри бурчакли ва уч бурчакли туморларни тақишган.

Аждодларимиз маънавий ҳаётидаги дастлабки диний эътиқодлар заминидан аста-секин бутун Турон ҳудудидаги кенг тарқалган динлар пайдо бўлди. Шундай динлардан бири зардуштийлик (Зороастризм) динидир. Олимларнинг хулосаларига қараганда Зардуштийлик дини Марказий Осиё ҳудудида миллоддан олдинги биринчи минг йилликнинг ўрталарига келиб кенг тарқала бошлаган.

Хўш, зардуштийлик ўзи нима? Зардуштийлик дини катта минтақада шу жумладан Турон Заминда кўп асрлар давомида ҳукум сурган, будда, исовиён, ислом ва бошқа дунёвий динларга диний мазҳабларга ҳам ўз таъсирини ўтказган жаҳоншумул дин, диний таълимот, дунё қараш ҳисобланади. Бу диннинг пайдо бўлиши Зардушт деган пайғамбар номи билан боғлиқ. Олимларнинг

аниқлашича, Зардўшт тарихий шахс бўлиб, Слитома уруғидан, Порушасининг ўғлидир. Зардўшт мавжуд маъжусий дунё қарашларини тартибга солиб, яхлит бир диний таълимот яратган. Таълимот оғзаки яратилган ва оғзаки трғиб қилинган. Содда шеърий сатрларда, қадимги халқларнинг дунёқарашларига мос мифологик тимсоллар ва тасвирлар билан яратилгани сабабли тез ёд олинган.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, зардўштийлик Туронда (Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна, Фарғона каби ҳудудда) пайдо бўлиб, шакилланиб, кейинчалик Эронга ўтган. Зардўштийликнинг оғзаки таълимоти ёзилган «АВЕСТО» номли муқадас китоб ҳам дастлаб шу Турон ҳудудида тўғилган, деган фикрни билдирадilar. «Авесто» нинг ҳудуди шу Марказий Осиё ҳудудида вужудга келганлиги хусусида қатор ривоятлар бор. Шулардан бирида, зардўштийлик дининг биринчи «муқаддас олови» Хоразмда ёқилган дейилади. «Авесто» а тасвирланган «Айриана-Вайжо» деган мамлакат Зардўштга кўриниш берган. «Айриана-Вайжо» деган афсонавий мамлакатнинг «Авесто» да сақланиб қолган тасвири Хоразмнинг жўғрофий шароитларига жуда тўғри келади. «Авесто» даги Урва (Урганч), Ардвн (Амударё), Варуқаш (Орол денгизи) каби атамалари ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Бундан ташқари, Хоразм сўзининг ўзи ҳам «Куёшли ер» («хвар»-куёш, «зом»-ер) деган маънони билдириб, унинг куёшга сажда қилувчи мамлакат эканидан далолат беради.

Зардўштийлик Эронда аҳмонийлар салтанатини, кулдорлик жамиятини мустақкамлашда қўл келади. Ягона худо Ахурамаздага сиғиниш, шоҳликни, шоҳларни илохийлаштиришга эришадilar. Шу сабабдан ҳам аҳмоний, сосоний, самоний шоҳари зардўштийликни қадирлаб «Авесто» ни ёзиб олганлар, авайлаб асраганлар. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Доро ибн Доро хазинасида «Авесто» нинг ўн икки минг қаромол терисига тилла сув билан битилган асл нусхаси бўлиб, Искандар Зулқарнайн томонидан унинг бир қисми ёндириб юборилган, бир қисми олиб кетилган экан. Беруний маълумотида кура «Авесто» нинг бешдан икки қисми сақланиб қолган, холос. Сасонийлар даврида «Авесто» нинг сақланган қисмлари тартибга келтирилган, қўшимча ёзиб олинган ва тўлдирилган.

Маълумотларга қараганда «Авесто» 25 китоб (накс), 348 бобдан иборат бўлаган. «Авесто» икки тахрирда бўлиб, биринчиси - «Дидавдат-Сада» авастий тилида, иккинчиси – «Занд Авесто» паҳлавий тилда битилган. Бизгача мана шу иккинчи тахрирдан баъзи бир бўлакалари етиб келган холос. «Дидавдат», «Виспорад», «Ясна», «Яшт», «Кичик Авесто».

«Авесто» нинг биринчи қисми – «Вендидад» Зардўшт билан Азурамазда ўртасидаги савол-жавоблар (диолог) шаклида бўлиб, 22 бобни ўз ичига олган. Унда асосан покланиш, гуноҳдан фориғ бўлиш ҳақида сўз боради, шу билан бирга олов, сув, ер, мол, дарахт ва ўсмликлар, ҳамда руҳлар ҳақида ҳикоя қилинади.

24 бобни ўз ичига олган иккинчи «Висперед» қисми кўйланувчи дуолардан иборат.

«Занд Авесто» нинг учунчи «Ясно» қисми энг катта қисм ҳисобланади. Бу қисда 72 боб бўлиб, уқурбонлик маросимларида кўйланадигандуолар тангриларга муножат ва уларни мадҳ этишга қаратилган ҳикоялардан тузилан. «Ясно» сўзи ҳам маросим, ҳам томоша маъноларни ифодалашни бежиз эмас.

«Авесто» нинг энг қадимги қисмлари ҳисобланган «Гот» лар (улар 17 бобни ташкил қилади) ҳам «Ясно» таркибига киритилган.

Тўртинчи қисми «Яшт» бўлиб, бу ҳар қайсиси бир илоҳга бағишланган, ўз ичига кўпгина афсоналарни қамраб олган 22 та қасидадир.

Ниҳоят, бешинчи – «Кичик Авесто» қисми дуолар, фатволар, илоҳлар ва пирлар рўйхати ва бешта қасидадан (гоҳ) иборатдир.

Зардўштийлик таълимотининг асосий хусусияти дуализмдир. Шунга кўра, ёруғлик ва яхшилик келтирувчи марҳаматли олий худо Ахурамазад зулмат, ўлим, ёмонлик олиб келувчи Анҳра-Ману (юнонча Аҳриман) га қарши аёвсиз кўраш олиб бориб, табиатни, жамиятни, одамларни унинг ёвузликлари, зиён-захматлардан асрайди; ўзи яратган Митра, Ардвису Оша, Хуварно, Йима (Жамшид), Хумо, Вартранга каби маъбудалар ёрдамида дунёни идора қилади, ўзи кашф этган еттита мавжудот-инсон, ҳайвон, олов, ер, осмон, сув ва ўсимликларга раҳномалик кўрсатади.

Энг муҳим ва қимматлиси шуки, «Авесто» Ватанимиз тарихини ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланади. Унда қадимги аждодларимизнинг бошқарув тизми, ижтимоий турмуш ва маданий ҳаётга оид маълумотлар бор. Шулар жумласига қадимгаи географик тушунчалар-дарёлар, тоғлар, кўллар номлари, ҳудудий этник-қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ҳақида ижтимоий ва сиёсий тузум, диний насиҳатлар, зарўштийларнинг фалсафаси, дунё тарихи ривожланиши ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар киради.

Марказий Осиё халқлари қадимги маданиятнинг ёрқна гамунаси бўлиб, ўша ибтидоий даврдан бизгача етиб келган саънатнинг яна бир нодир тури тош қояларидаги расмлар хизмат қилади. Бу рангли суратлар инсоннинг табиат кучларига муносабатларини, дунёқарашларини ифода этганлар.

Археолог олимлар Сурхандарё вилоятидаги Зараутсой дарасида қояларга чекилган рангли суратларни топдилар. Бу раслар мезолит-неолит, яъни мил. авв. VIII-IV минг йилликка оиддир. Ов манзараси акс эттирилагн Зараутсой суратлари ибтидоий маънавий маданиятнинг нодир манбалари бўлиб, улар уш давр одамларнинг фикрлаш тарзини, илк магик тасаввурларини ўзида намаён этади.

Бу суратлар орасида «Ёввой ҳайвонларни ов қилиш» деб номланган манзара диққатга сазовордир. Унда ўқ-ёй тутган овчилар шиддат билан олға интилмоқдалар, қунғироқсимон либосларга бурканган яна алла қандай сирли мавжудод, югуриб кетаётган ҳўкизлар, уларга бир талай итлар ҳужум қилиб бормоқда.

Ибтидоий одамлар бу тасвир ва манзараларни турар жойларга зеб бериш учун атайлаб чизмаган бўлсалар керак. Балки улар чизган ҳайвонларнинг суратлари бундан кейинги овларнинг бароридан келишига ёрдам беради деган ишонч тимсолидир. Афтидан Зараутсой ибтидоий одамлар учун муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолган бўлса, ажаб эмас.

Бу ерда улар ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракатларига тақлид қилиб, маросим ўйинларини ижро этишган, камондан ўқ узиб, палохмон ва найзалар отиб, ов манзараларидан томошалар кўрсатган.

Шубҳасиз, тасвирий саънатнинг қадимги ёдгорликлари ибтидоий одамларнинг фикрлар жараёнини англаш, улар онгини нималар кўпроқ банд этгани ва ҳаяжонга солганини, теварак атроф ҳақидаги уларнинг тасаввурларини билиш, улар фойдаланадиган меҳнат қуролларини аниқлаш имконини берувчи жуда қимматли тарихий ҳўжжатлар ҳисобланади. Марказий Осиё худудида

қояларга ўйиб ёзилаган ва чекилган кўплаб суратлар топилган. Улар орасида, айниқса, Фарғонадаги Соймалитош ва Сурхондарёдаги Зараутсой ғоридаги қояга ўйиб ишланган манзаралар диққатга сазовардир. Қоятош суратларининг энг нодир намуналари шунингдек республикамиз ҳудудидаги Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, теракисой каби юзадан очиқ жойларда борлиги аниқланган.

Марказий Осиё халқларининг дунёдаги энг бой тарихга, ўзига хос тарихий маданиятга эга эканлигини биз шу ҳудудда қадимдан яшаб келган қабила, уруғ ва элатларнинг ига хос қадимий ёзув орқали ҳам билиб оламиз. Хусусан, маълумотларга қараганда, милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида Марказий Осиё, Эрон ва бошқа ҳудудларда ормий ёзуви кенг тармоқланган. Марказий осийни юнон-македон босқинчилари босиб олгач, бу ерга юнон ёзуви кириб келган. Оромий, юнон ва форсий миҳхат ёзувлари маълум даврларда маъмурий ҳужжатларни расмийлаштиришда қўлланилган. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви негизида Авесто, Хоразм, Суғд, Кушон, Бақтрия, Рун (Урхун-Энасой), Уйғур каби бир қатор маҳаллий ёзувлар вужудга келган.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган далил ва мисоллар заминида биз ҳақли равишда марказий Осиё ҳудуди ўзининг бой ва бебаҳо қадимий маданият билан инсоният цивилизациясининг қадимги учоқларидан биридир деган хулосани қиламиз.

Таянч тушинчалари:

Инсониятнинг дастлабки аждодлари, уларнинг маконлари;
Ибтидоий жамият; тош асри, жез асри, темир асри;
палеолит, мезолит, неолит, энеолит;
матриархат, патриархат;
анимизм, тотемизм, магия; зардўштийлик, «Авесто». Неандерталь, антропогенез, кроманьон; ашель, мустье

Текширув саволлари:

1. Ўзбекистон ҳудудида топилган ва ўрнатилган ибтидоий аждодларимиз яшаган қандай манзилгоҳларини биласиз?
2. Ўзбекистон ҳудудидаги ибтидоий жамоа тузуми тарихини қандай даврларга бўлиб ўрганмоқ маъқул?
3. Палеолит даврига оид Ўзбекистон ҳудудида топилаган ва ўрнатилган маъноларни топинг.
4. Уруғчилик жамоаси қайси даврда шакилланади ва унинг босқинчиларини аниқланг?
5. Ўқ-ёй қачон кашф этилди, унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти нимадан иборат?
6. Неолит даврида аждодларимиз нималарни кашф этганлар?
7. Бронза даврда аждодларимиз ижтимоий ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берди?
8. Зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» Ўзбекистон тарихини ўрганишда қандай аҳамиятга эга?

Адабиётлар:

1, 8, 12, 13, 16, 31, 32, 30.

3-Маъруза: Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари.

Режа:

1. Жахонда ва ватанамиз ҳудудида илк давлатлар вужудга келишининг асосий омиллари. Ўзбек давлатчилиги тарихининг даврлари.
2. Ватанамиз ҳудудида вужудга келган энг қадимги давлатлар.
3. Турон замига ажнабий босқинчиларининг хуружи ва уларга қарши озодлик, мустақиллик учун кураш.
4. мил. Авв. I минг йиллик охири ва милоднинг дастлабки асрларида ўзбек давлатчилиги.

31. Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси Президент И.А. Каримов 1998 йилда ўтказган бир гуруҳ тарихчилар билан мулоқоти чоғида олимлар олдида ҳақли равишда: «Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? (Қандай? Тарихий босқичларни босиб ўтди?)» деган саволни қўйди. Бу саволга жавоб топиш учун, табиийки, жуда кўп илмий-изланиш ишларини бажаришга тўғри келади. Тарихчилар олдида турган муҳим ва катта вазифалардан бири-тўғридан-тўғри Ўзбекистон давлати тарихини, ўзбек давлатчилиги тарихини илмий ўрганишда иборатдир.

Ўзбек давлатчилиги тарихини босқичма-босқич кўришдан олдин, давлат ва давлатчилик тушунчалари, давлатларнинг пайдо бўлиш тарихини тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Давлатларнинг пайдо бўлиши инсоният тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки халқларнинг ўз цивилизация босқичига ўтган ёки ўтмаганлиги, у ёки бу халқнинг ўз давлатчилик тизимига эга ёки эга эмаслиги билан белгиланади.

Давлатинсоният тараққиётининг маълум босқичида, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига хусусий мулкчилик пайдо бўлгандан ва жамият бири-бирига қарама-қарши синфларга бўлингандан кейин, келиштириб бўлмайдиган синфий зиддиятлар маҳсули ва далили сифатида пайдо бўлган. Давлат жамиятга ташқаридан, зўрлаб киритилган куч бўлмай, балки ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши натижасида жамиятнинг ўзида вужудга келган.

Жамиятни бошқаришнинг бирламчи ва асосий шакли ўзаро қондош-қариндош одамларнинг шахсий иттифоқи – уруғ бўлган. Уруғлар ҳудуд ва тил жиҳатидан яқинлигига қараб бирлашиб, бир неча уруғдан иборат уюшмани, ўз навбатида бир неча уруғ уюшмалари бирлашиб қабилани ташкил этган. Уруғ тепасида уруғнинг умумий йиғилишида сайлаб қўйладиган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ва кўпчилик ҳурматида сазовор бўлган оқсоққоллар ёки

ҳарбий бошлиқлар турган. Уруғ уюшмалари ва қабилаларни айрим уруғ оқсоқоллари ва ҳарбий бошлиқлардан ташкил топган кенгашлар бошқарган. Оқсоқоллар ва ҳарбий бошлиқлар ҳеч қандай имтиёзлардан фойдаланмаганлар. Уларнинг ҳокимияти оқсоқол ва ҳарбий бошлиқларнинг обрўсига, уруғ аъзоларининг уларга бўлган ҳурматига ва қўллаб-қўвватлашга суянган.

Юқорида қайд этилганидек, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тараққиёти, хусусий мулкчиликка асосланган бир-бирига қарма-қарши (антогонистик) синфларнинг вужудга келиши жамиятни давлат йўли билан бошқариш шаклига олиб келди.

Давлат –тарихий ходиса, синфий жамият маҳсулидир. Синфий жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланишининг иқтисодий шароитлари, унинг мурасасиз синфий қарама-қаршиликлари иқтисодий ҳукмрон синфнинг кучларини давлат сифатида бирлаштиришни ва у ёрдамида ўз манфаатларига мос бўлган ишлаб чиқариши муносабатларини мустаҳкамлаб олишни объектив зарурат қилиб қўяди. Ҳукмрон синф давлат ҳокимиятидан фойдаланиб, ўз иродасини қонун даражасига кўтаради ва бутун жамият аъзоларини шунга риоя қилишга мажбур этади.

Давлатга эга бўлган жамият ибтидоий жаома тузумидан, аввало, ўз фуқароларининг ҳудудий принцип бўйича белгиланиши билан фарқ қилади. Маълумки, ибтидоий жаома тузумида одамларнинг бирор уруғ ёки қабиллага мансублиги, ижтимоий мавқеъ уларнинг қондошлигига қараб белгиланган. Давлатли жамиятда эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари илгари улар қайси уруғ ёки қабиллага мансуб бўлганлигига қараб эмас, балки улар яшаётган ҳудуд ва шу ҳудуднинг қайси давлатга қарашига, қайси давлатнинг фуқаролигига ҳамда қайси синфга мансублигига қараб белгиланади.

Ҳар қандай давлатнинг моҳияти унинг функцияларида, яъни давлат фаолиятининг асосий йўналиши, унинг ички ва ташқи сиёсатининг мазмуни ва характери билан белгиланади.

Бошқача қилиб айтганда, давлат ва давлатчилик моҳиятини мавжуд жамият барча имкониятларини шу жамият аъзолари манфаати йўлида рўёбга чиқариш ишига бош бўлувчи, уларнинг ҳаўқ-ҳуқуқларини муҳофаза этувчи сиёсий бошқарув услуби ташкил этади. Шу билан бирга давлат белгилари ҳам мавжуд. Улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади: Давлат ҳудуди (яхлит мамлакат), фуқаролари, идоралари, пули, тили, қўшини, байроғи, тамғаси, мадҳияси, чегаралари ва ҳоказо. Албатта, турли давр ва шароитларда давлат-давлатчилик моҳияти ва белгилари турлича бўлиши мумкин.

Жаҳон тарихидаги энг қадимги давлатлар Месопотамия ва Миср ҳисобланади. Улар милоддан аввалги IV-III минг йилликларда илк қулдорлик давлатлари сифатида вужудга келди.

Марказий Осиё ҳудудида илк давлат уюшмалари милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларида пайдо бўла бошлади ва улар ўзбек давлатчилиги тарихини бошлаб бердилар.

Ўзбекистонда давлатчиликнинг келиб чиқишида милоддан аввалги III-II минг йилликларда шаклланган сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалиги, хунармандчилик ва маҳсулот алмашишнинг пайдо бўлиши асосий омил бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидламоқ керак.

Салкам уч минг йиллик тарихига эга бўлган ўзбек халқи давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши даврларга бўлиниб, у қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбек давлатчилигига ўтиш даври (милоддан аввал II минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярми);
2. Илк давлат уюшмалари (милоддан аввал I минг йилликнинг биринчи ярми);
3. Қадим давр давлатчилиги тарихи (мил. Ав. IV аср охири милодий IV аср);
4. Илк ўрта аср давлатчилиги тарихи (V-VIII аср ўрталаригача);
5. Ривожланган ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (IX-XIII аср бошлари);
6. Амир Темур ва темурийлар давлаи (XIV аср иккинчи ярми XVI аср бошлари);
7. XVI-XIX аср биринчи ярми давлатчилиги тарихи;
8. Ўзбек давлатчилиги XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср мустамлакачилиги даврида;
9. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги бир неча минг йиллик ўзбек давлатчилигининг давоми ва вориси сифатида.
10. Табиийки, ўзбек давлатчилиги тарихидаги бу даврлар бир қатор босқичларга бўлиб ўрганилади.

32. Ватанимиз ҳудудида ташкил топган энг қадимги давлатлар –бу милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида вужудга келган Хоразм ва Бақтрия давлатларидир.

Марказий Осиё ҳудудида ташкил топган энг қадимги давлатлар тарихини ўрганишга бизга археологик қазилмалар натижасида топилган ашёвий далиллар, махаллий ёзма манбалар, масалан «Авесто», Берунийнинг «Осорул-боқия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») каби асарлар, кўхна эроний ёзувлар. Юнон, Хитой муаррихларнинг ёзиб қолдирган маънавий мерослари ёрдам беради. Манбаларнинг гувоҳлик беришича ўтмиш аждодларимиз мил.ав. I. минг йиллик бошларида темирни кашф этдилар. Натижада ҳар қандай тараққиётнинг турткиси бўлиб келган меҳнат қуролининг такомиллашуви учун кенг имконият туғилди. Оқибатда инсон фаолияти кенгайди ва жадаллашди. Ўтказилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмидаёқ минтақада тоғ жинсларини, хусусан, темир олтин, қалай, қўрғошин ва ҳоказоларнинг қайта ишлаш, улардан жанг, меҳнат қуроли яшаш, кулолчилик, тўқувчилик, қурилиш, заргарлик каби соҳаларда кенг фойдаланилган.

Бундан ташқари, мил.авв. VIII-VI асрларда Хоразмда узунлиги бир неча ўн километр, эни бир неча ўн метрни ташкил этган ўлкан сунъий суғориш каналлари мавжуд бўлганлиги тарихдан маълум. Бу ҳол сунъий суғориш ишларининг аждодларимиз деҳқончилик ҳаётида катта ўрин тутганлигини кўрсатади. Бундай катта ҳажмдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик бўлган ишларни эътиборли ва нуфузли кучга эга бўлган давлат тузилмаси мавжуд бўлган тақдирдагина амалга ошириш мумкин эди. Демак ўз-ўзидан хулоса чиқариш мумкинки, мил.авв. I. минг йилликнинг биринчи ярмидаёқ, ватанимиз ҳудудида дастлаб давлат уюшмалари ташкил топган:

Тарихда «Катта Хоразм» деб юритиладиган бу қадим давлатнинг ҳудуди таркибига Аму ва Сирдарёларнинг қўйи оқимидаги ерлар, Орол денгизи атрофи, Каспий денгизига қадар бўлган ерлар кирган.

«Катта Хоразм» давлати тўғрисида бир қатор хоразмшунос олимлар, шу жумладан биринчи ўзбек археолог олими Я.Ф. Фуломов, қимматли маълумотлар берганлар. Уларнинг хулосаларига қараганда Зардушт шу заминдан бўлиб, ўз таълимотини бошқа вилоятларга тарқатган. «Авесто» да «Катта Хоразм» га қарашли вилоятлар бирма-бир санаб ўтилади. Бунга кўра, Марказий Осиёнинг катта қисми «Катта Хоразм» худудига қарашли бўлган. Бу фикрни юнон муаррихи Ҳеродот тасдиқлаб, «Катта Хоразм» давлатининг экин майдонларини суғориш учун Окс дарёсига туғон қурилганлиги тўғрисида маълумотни қолдирган.

Юнон муаррихи Ҳеродотнинг маълумотларида Хоразм ўлкасида яшаган аҳоли деҳқончиликда катта тажрибага эга бўлиб, улар донли дуккакли экинлар, хусусан, бўғдой, сўли арпа, мева-сабзавотчилик маҳсулотларини мўл-кўл етиштирганликлари қайд этилган Хоразм воҳасида хунармандчилик, тоғ-кон ишлари анча ривожланган. Бу ердан қазиб олинган қимматбаҳо зумрад тошлар ишлов берилиб, юксак сифат кўрсаткичга етганидан кейингина у муҳим тайёр маҳсулот сифатида фойдаланишга чиқарилган. Хоразмда аҳолининг бир қисми чорвачилик билан шуғулланган, уларнинг туя, от, кўй-эчкилардан иборат сурувлари бўлган.

Ахамонийлар босқинига қадар Марказий Осиё худудида ташкил топган иккинчи давлат – бу Қадимги Бақтрия подшолигидир. Баъзи маълумотларга қараганда унинг таркибига Сўғд ва Марғиёна ҳам кирган. Юнон муаррихи Ктессий Бақтрия ҳақида қимматли маълумотлар беради. У Бақтриядаги кўплаб шаҳарлар, мустақкам пойтахт шаҳар- Бақтрия (Балх), давлат Оксиарт ва унинг бойликлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бундан ташқари Ҳеродот асарларида ҳам Бақтрия давлати Миср ва Бобил каби йирик давлатлар қаторида тилга олинади. Бақтриянинг тибий бойликлари, айниқса, Бадахшон ложуварди (лазурити) Олд Осиё давлатларида машҳур бўлган. Бақтрия подшоҳлиги тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни археологияга оид қидирув топилмалари ҳам исботлайди.

Ватанимиз худудида вужудга келган энг қадимий давлатлардан яна бири бу Суғдиёнадир. Бу давлат қадимда Қашқадарё ва Зарафшон воҳалари худудида шаклланди. Бу давлат ҳам Хоразм ва Бақтрия давлатлари сингари мустақил фаолият кўрсатган. Унинг худудига ҳозирги Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятларининг ерлари кирган. Давлатнинг пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган. Бу шаҳар қадимда «Буюк Ипак йўли» да жойлашган бўлиб, савдо-иқтисодий жиҳатдан Шарқ ва Ғарбни боғлаган.

33. Милоддан аввалги VI аср ўрталарида Эрон худудида эроний сулола Аҳмон бошчилигида кучли давлат шаклланди ва қисқа давр ичида ўз атрофидаги бир қатор давлатларни, хусусан, Ассирия, Урарту, Мидия, Бобил ва бошқаларни ўз таркибига бирлаштириб йирик салтанатга асос солади. Бу қудратли давлат асосчиси Кир II Турон (Ўрта Осиё) ерларига юриш қилишга махсус тайёргарлик кўради. Кирнинг шарқий худудларга, жумладан, Турон заминга ҳарбий юришларини икки босқичга бўлиш мумкин. биринчи босқич мил. Авв. 545-539 йилларга тўғри келади. Бу босқичдаги даҳшатли жангларнинг бирида маҳаллий қабиланинг йўлбошчиси Спаретра исмли аёл 200 минг эркак ва 200 минг хотин-қизлардан ташкил топган қўшин билан Кир II қўшинини мағлубиятга учратади.

Кир II нинг Турон замин ҳудудларига иккинчи юриши мил. Авв. 539-530 йилларни ўз ичига олади. Ўрта Осиёнинг табиатан эрксевар, ртпарвар халқлари аҳмонийларга бўйсунмаслик учун ўз она замини, диёрини ҳимоя қилиб, мардонавор кураш олиб борганлар. Аҳмонийлар подшосининг юришига доир бир қатор ишончли маълумотлар юнон муаллифларидан Хиродот, Юстин, Страбонларнинг ёзувларида кўп учрайди. Кирнинг массагетлар юртига бостириб бориши, Эрон шоҳи билан массагетлар маликаси, мард ва жасур аёл Тумарис ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ўзаро уруши, унинг якунларига оид эътиборга лойиқ маълумотлар юнон муарриҳи Хиродот асарларида берилган. Шу маълумотларга қараганда мил. Авв. 530 йилда массагетлар йўлбошчиси малика Тумарис Кир II устидан ёрқин ғалаба қозонади. Аҳмонийлар шоҳи Кир II нинг танадан жудо этилган бошини одамлар қони билан тўлдирилган меш-қопга солар экан, Тумарис шундай дейди: «Эй, Кир! Умр бўйи жанг қилиб, одам қонига тўймадинг, мана, энди тўйганингча ич!».

Мил. Авв. 522 йилда Аҳмонийларнинг янги подисоси Доро I бошчилигида Ўрта Осиёга янги босқинчилик юриши бошланди. Тарихий манбаларга қараганда, ўша йили Марғиёнада Доро I га қарши Фрада бошчилигида халқ кўзғолони кўтарилди. Аммо кўзғолон шафқатсизларча бостирилди. Шундай бўлса-да маҳаллий аҳоли ажнабий босқинчиларга қарши ўзларининг мардоновор курашларини давом этдирдилар. Босқинчиларга қарши жиддий қаршилик кўрсатилганлигини ва бунда сак қабиласига мансуб оддий чўпон Широқнинг мардлик-мангулик жасоратини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Юнон тарихчиси Полиэннинг «Харбий ҳийлалар» асаридаги Широқ тўғрисидаги афсонавий жасорат юзасидан берган маълумоти диққатга сазовордир. Манбада ҳикоя қилинишича, йилқибоқар Широқ ўз ватанига бостириб келган душманларни ҳийла ишлатиб, чалғитиб, Қизилқумнинг ҳалокати жазирама даштларига бошлаб боради ва ўз жонини қурбон қилиб, ватани ва халқини ёвуз душмандан асраб қолади, бу билан ўз элу-юрти, ватани, қабиладошлари олдидаги ҳақиқий фарзандлик бурчини адо этади. Шу боис ҳам унинг ёрқин сиймоси юртпарвар авлодлар хотирасида мангу муҳрланиб қолд.

Эрон аҳмонийлари босиб олган мамлакатларни, шу жумладан Ўрта Осиёни, итотали ҳолда ушлаб турмоқ учун сатрап (вилоят) ларга бўлган. Хусусан, Ўрта Осиё ҳудуди 4 та сатрапликка (вилоят бошқарувига) бўлинган. ўша даврдаги ўлка ҳудудида мавжуд бўлган Самарқанд (Афросиёб), Марв, Бақтра, Ерқўрғон, Қизилтепа, Кўзалиқир сингари шаҳарлари хунармандчилик ва савдо-сотик марказлари ҳисобланган. Бу даврда зарб этилиб, муомалага чиқарилган дастлабки танга пуллар ҳам шаҳарлар ҳаётининг ўсганлигини кўрсатади.

Ўрта Осиё халқларининг юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб борганкурашлари пировард оқибатда ўз самарасини бермай қолмади. Мил. Авв. IV асрга келиб Эрон аҳмонийлари ҳокимияти. Кучсизланди ва заифлашди. Бундай шароитда биринчи бўлиб Хоразм ўз мустақиллигини тиклади. Ўлканинг бошқа ҳудудларида ҳам маҳаллий халқларнинг Эрон аҳмонийларидан ўз юртини озод қилиш учун кураш тинмади. Бироқ, афсуски, ўлкамиз халқларини бу даврда тарихнинг яна бир оғир синвои кутмоқда эди. Бу македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга уюштирган мислсиз қонли истилосидир.

Мил.авв. 360 йилда Македония тахтига Филипп II ўтирди ва кучли, темир интизомни армия тузди. Юнонистоннинг барча ҳудудларини эгаллаб олган Филипп II ўзини 337 йилда Юнонистон подшоси деб эълон қилди. Бу даврда

Эрон аҳмонийлари билан Юнонистон ўртасида зиддиятларнинг кучайиши боис, Филипп II мил. Авв. 336 йилда аҳмонийларга қарши уруш бошлади. Бироқ ўша йили Филипп II нинг ўлдирилиши уруш ҳаракатларининг тўхтаб қолишига олиб келди. Юнонистон подшолиги тахтини Филипп II нинг 20 ёшли ўғли Искандар эгаллади.

Искандар отасининг йўлини давом эттириб, биринчи галда, мамлакат ички ҳаётини, мустақамлади, сўнг қўшни давлатларни босиб олабошлади. Мил. Ав. 334-331 йилларда ўзининг асосий рақиби, Эрон аҳмонийлар подшоси Доро III қўйинларга қақшатғич зарбалар бериб, бутун Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Финикия, Миср ерларини эгаллади ва аҳмонийлар давлати ҳудуди кириб борди. Мил.авв. 330-329 йилларда Искандар ўз қўшинлари билан ҳозирги Афғонистоннинг жанубини эгаллаб, Ҳинди қуш довори орқали Шимолга, Ўрта Осиёга қараб ҳаракат қилади. Тез орада Искандар қўшини Бақтрия пойтахти-Бақтра (ҳозирги Балх) шаҳри ва бир қатор мустақам қалъаларни эгаллайди. Окс (Аму дарёсидан ўтган юнон қўшинлари Мавтака (ҳозирги Қашқадарё ҳудуди) га келиб жойлашади ва шу ерда бир қишни ўтказди. Эндиги навбат Сўғдиёна маркази –Мароқанд (Самарқанд) эди. Рим тарихчиси Курций Руфнинг берган маълумотларга қараганда, Искандар қўшинлари мароқандни унча қийналмасдан ва кам талофат билан ишғол этган.

Шундай қилиб, македониялик Искандар Зулқарнайн олиб борган босқинчилик ва адолатсиз урушлар оқибатида Ўрта Осиёда аҳмонийлар зулми юнон-македон истилочилари зулми билан алмашди. Бироқ бу зулмга қарши ўлкамиз халқларининг ўз эрки ва озодлиги учун олиб борган кураши ҳал қилувчи роль ўйнади. Искандар бошчилик босқинчиларга қарши бутун Ўрта Осиё халқлари аёққа турганлиги тўғрисида тарихий манбалар хабар беради. Айниқса мард сўғд ўғли Спитамен раҳбарлигида маҳаллий аҳоли қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатганлар. Масалан, Самарқандда Спитамен бошчилигидаги қўзғолонни Искандар икки йилдан сўнггина – мил. Авв. 328 йилда бостира олди, холос.

34. Искандар Зулқарнайн вафотидан сўнг (мил.авв. 323 йил) унинг салтанати учта мустақил давлатга бўлиниб кетди. Искандар лашкарбошиларидан бири Салавкка салтанатнинг бир бўлаги – Суриядан то Марказий Осиё – Ҳиндистонгача бўлган ерлар тегади. Шу тариқа Салавкийлар давлати вужудга келди. Салавк I ва унинг ўғли Ўрта Осиёга катта эътибор берган. Бу даврда қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ анча ривожланган, олтин, қумуш ва мисдан танга пуллар зарб этилган.

Ўрта Осиё маҳаллий аҳолиси салавкийларга қарши тез-тез қўзғолонлар қилиб турганлар. Мил. Авв. 280 йилда Салавк I вафотидан сўнг бу қўзғолонлар янада кучаяди. Оқибат натижада Салавкийлар давлати парчаланиб кетган. Ва биринчи бўлиб бу давлат таркибидан Бақтрия ажралиб чиқади.

Қайтадан тикланган Бақтрия таркибига ҳозирги Қашқадарё, Сурхандарё, Тожикистон жануби, Сўғдиёна (Зарафшон воҳаси), ҳозирги Афғонистоннинг шимоли, Туркменистоннинг шарқий ерлари кирган. Бу давлатнинг тарихий манбаларда Юнон-Бақтрия деб аталишининг сабаби, унинг маркази Бақтрия ҳудудлари бўлиб, давлат асосан юнон аслзодалари томонидан бошқарилган.

Юнон-Бақтрия давлатининг энг кучайган даври мил. Авв. III асрнинг иккинчи ярми ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Юнон-Бақтрия давлатига Шарқий Турки стон орқали юэчжи ва сак қабилаларининг тез-тез ва

тўхтовсиз қилиб турган ҳужумлари сабабли мил. Авв. II асрнинг ўрталаридан бошлаб давлатнинг ҳарбий –сиёсий қудрати пасая бошлади. Натижада Юнон – Бактрия давлати батамом инқирозга юз тутди.

Таниқли археолог олим, академик А.Асқаровнинг хулосасига кўра, Фарғона водийсида мил. Авв. IV-III асрлардаёқ «Паркана» номи билан мустақил давлат шаклланган. Кейинчалик унга хитойлар Давань номини берганлар.

Тарихий маълумотларга қараганда, Фарғона подшолиги Эрон аҳмонийларига ҳам, македониялик Искандарга ҳам бўйсунмаган, Салавкийлар давлати таркибига ҳам кирмаган ҳолда ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Фарғонада деҳқончилик, ҳунармандчилик ва косибчилик ривожланган. Хитой сайёҳи ва элчиси Чжан Изяннинг берган маълумотларига қараганда, Давань айниқса ўзининг «афсонавий ва самовий» отлари билан машҳур бўлган. Фарғоналиклар от устида туриб камон отишга жуда моҳир ва жасур бўлганлар. Водийнинг аёллари ҳам мерганлик ва камондан ўқ узишда эркаклардан қолишмаганлар. Ўрта Осиё ҳудудлари эфталитлар қўли остида (милодий V аср ўрталари) бирлашгач Паркана давлати ўз мустақиллигини йўқотди ва Эфталийлар давлати таркибига кирди.

Мил.авв. III асрнинг бошларида Тошкент воҳаси, Талос водийси, қисман Чу дарёсининг қўйи оқимидаги ҳудудларни ўз таркибига қамраб олган Қанғ давлати вужудга келган. Мил. Авв. II-I асрларда қанғлилар Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларни ва Хоразмни ҳам, қўшиб олганлар. Таниқли тарихчи олим Карим Шониёзовнинг маълумотларига қараганда, мил.авв. I ва милодий I-II асрларда Қанғ давлатининг аҳолиси 600 минг кишидан иборат бўлганлиги қайд этилган.

Хитой манбаларида Қанғ давлати Қанха, Қангют деган номлар билан қайд қилинади. Бу давлат Хитойга нисбатан мустақил сиёсат юргизганлар. Улар ўз ерларини ҳимоя қилиб, бир неча бор Хитой қўшинларига қарши жанг олиб борганлар ва катта таловатлар етказганлар. Масалан, мил.авв. 102 йилда бўлган қанғлилар билан хитойлар ўртасидаги жангда Хитойнинг 60 минг қўшинидан фақат 10 мингтаси, 30 минг отидан атиги 1 мингтасигина ўз юртига қайтиб кетган, холос.

Қанғлилар ўтроқ ва ярим ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган бўлса, бир қисми чорвачилик билан банд бўлган. Қанғ аҳолиси орасида маданият ва санъат ксак даражада ривожланган. Милодий II-III асрларга оид хитой манбаларида қанғлиларнинг моҳир созанда, мақомчи ва бастакор бўлганликлари, уларнинг машҳур раққосалари тўғрисида маълумотлар бор.

Мил. Авв. IV аср охирларида қадимдан Ўрта Осиё ҳудудида яшаб келган массагет қабилаларининг катта бир қисми Шарқий Туркистондан то Мўғулистон чегараларигача қадар ерларга кўчиб ўтганлар. Шу қабилалар тарихи билан боғлиқ маълумотлар Хитой манбаларидан олинган бўлиб, ана шу манбаларда қабила, уруғ, шахслар, жой ва шаҳарлар номлари хитойча номлар билан аталган. Ўрта Осиёдан шарққа томон кўчиб ўтган туркий массагетларни хитойлилар «юэчжи» лар деб аташган. Юэчжилар яшаган катта ҳудудда хуннлар ҳам яшашган ва улар орасида қарама-қаршилик кучайган. Мана шу қарама-қаршилик натижасидаги мил. Авв. 176 йилда содир бўлган тўқнашувда хуннлар юэчжиларни ғарбга томон улоқтириб ташлаганлар.

Тарихий маълумотларга қараганда юэчжи қабилалари таркибида бешта – Гуйшуан, Хюми, Хисе, Шуанми ва Думи гуруҳлари мавжуд бўлган, улар ўртасида яккаҳоқимлик мақсадида келишмовчилик кучайган.

Давань подшолиги ҳудудларига кириб келган юэчжи қабилалари бу ерда жойлашиб олиб шаҳар ва қишлоқлар барпо қила бошлаганлар. Маълумотларга қараганда ҳозирги Наманган вилояти Тўрақўрғон ҳудудидаги Кушон қишлоғи ва Косонсойдаги Косон шаҳрини юэчжилар қурганлар.

Бешта хонадонга мансуб бўлган юэчжилар орасида Гуйшуан (Кушон) лар хонадони бошлиғи Кужула Кадфиз барча юэчжи қабиларини бирлаштириб, бутун Бактрия сиёсий ҳокимиятини қўлга олади ва қўшни ҳудудларга юриш қилиб Суғдиёна, Марғиёна, Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий қисмини босиб олади. Кўп ўтмай Амударё бўйлари, Қобул ва Қандаҳор ерларини ҳам эгаллайди. Шу тариқа Кушонлар сулоласи даврида ўзбек давлатчилиги салтанатлик босқичига кўтарилади. Бу даврда мамлакат пойтахти ҳозирги Сурхандарё вилоятининг Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепа шаҳри бўлган. Кушон ҳукмдорлари сулоласига Кужула Кадфиз асос солган бўлса, унинг ворислари – Вима Кадфиз (мил. I аср ўрталари), Канишка (78 –123 йй), Васишка, Хувишка, Канишка II, Висудева, Канишка III, Васудева II лар давом эттиришган. Кушон давлати мавқеининг энг юксалган ва кучайган палласи Канишка даврига тўғри келади. Бу пайтга келиб Ҳиндистоннинг Пешовар, Панжоб, Кашмир ва бошқа марказий ҳудудлари, шунингдек, Шарқий Туркистоннинг катта қисми салтанат таркибига киритилади ва мамлакат пойтахти Пешоварга кўчирилади.

Кушонлар сулоласи ҳукмронлиги даврининг кўҳна тарихимизда қолдирган катта изини унинг таркибига кирган элат ва халқлар ҳаёти мисолида кўриш мумкин. Давлатнинг дастлабки пойтахти Далварзинтепа (Сурхандарё), унинг яқиндаги холчаён (Денов), Зартепа, Фаёзтепа, Қоратепа, Айритом (Термиз атрофлари) ва бошқалар Кушон давлатининг энг ривожланган савдо-сотик, хунармандчилик соҳалари ўсган гавжум шаҳарлари ҳисобланган. Ўлкада сунбий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти ниҳоятда тараққий этган, кўплаб суғориш иншоотлари барпо этилган. Буни Қашқадарё воҳасидаги Эски Анҳор, Сўғда Дарғом, Сурхандарёда қурилган Занг каналлари мисолида кўриш мумкин.

Кушон салтанатининг инқирози Хувишка подшолиги давридан бошланган. Бунга Эрон ҳудудида шаклланган Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги сабаб бўлган. Хусусан, соснийлар сулоласи ҳукмронлиги сабаб бўлган. Хусусан, сосоний ҳукмдорларидан Шопур II нинг (309-379) йй кушонларга берган зарбалари хал қилувчи роль ўйнаган.

Таянч тушунчалар:

Давлат, давлатчилик, бирлашмалар;
Энг қадимги давлатлар; ижтимоий табақаланиши;
Уруғ, уруғ уюшмалари, қабила, оқсоқоллар. Кенгаши;

Текширув саволлари:

1. Инсоният тарихида вужудга келган энг қадимги давлатлар.
2. Давлат нима ва у қандай юзага келади?
3. Салкам уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши даврлари тўғрисида нималарни биласиз?
4. Ватанимиз ҳудудида ташкил топган энг қадимги давлатлар тўғрисида маълумот беринг.
5. Ватанимиз ҳудудига босқириб келган ажнабий босқичлар кимлар?
6. Ажнабий босқинчиларга қарши мардонавор курашган аждодларимиз тўғрисида нималарни биласиз?
7. Мил. Авв. I минг иккинчи ярми ва милодий I-IV асрларда вужудга келган давлатлар тўғрисида маълумот беринг.

Адабиётлар:

1;7;8;9;30;31;32

4-Маъруза ўзбек халқининг этник шаклланиши.

Режа:

1. Ҳозирги ўзбек халқининг асосини ташкил этган қадимги руф, қабила ва элатлар.
2. Ўзбек халқи этник шаклланишининг тарихий жараёни ва унинг босқичлари.
3. Ўзбек халқи ва ҳозирги замон.

41. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 1998 йилда бўлиб ўтган бир гуруҳ тарихчилар билан бўлган суҳбатида, ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, эллатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг махсулидир» -деб таъкидлар экан, «Биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак» деган муҳим масалани ўртага қўйди.

Ҳар қандай халқнинг келиб чиқиши (этногенези) мураккаб ва долзарб муаммо бўлиб, умум тарих фанининг ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу кунларга қадар халқнинг келиб чиқиши ёки этногенези тўғрисидаги масала алоҳида фан сифатида шаклланиб етмаган, аммо яқин келажакда ўзида қатор ижтимоий ва табиий фанлар ютуқларини мужассамлаштирган этногенез фанининг юзага келишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Тарих, археология, тилшунослик, топономия, этнография каби фанларнинг жаҳон миқёсида қўлга киритган ютуқларини, илмий жиҳатдан муҳим фикр мулоҳазалари ва хулосаларини менсимай, тор миллатчилик доирасидан чиқа олмай мулоҳаза юрити нафақат фанда, балки сиёсатда ҳам энг катта зарарли ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам ўзбек, тожик, туркман, киргиз ва бошқа Марказий Осиё элат ва халқларнинг этногенези, яъни келиб чиқиши муаммоларини фақат жаҳон фани ютуқларига таянган ҳолда тўғри, объектив ва ҳолисона халқ этиш мумкин.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези) нихоятда мураккаб ва жуда узоқ тарихга эга бўлган жараён дир. Бу соҳада фан ҳозирги кунга қадар маълум ютуқларга эришган. Хусусан, Фарғона водийсидаги Селунгур ва Сурхондарёдаги Тешиктошдан топилган қадимги аجدодларимиз қолдиқлари Ўзбекистонда, Африка ва Олд Осиё ҳудудлари билан бир қаторда, ҳозирги замон одамларининг пайдо бўлиши жараёни юз берган ҳудуд таркибига кириши фанда узил-кесил исботланган. Айрим олимлар томонидан билдирилган «Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон, қадимий даврлардаги монголоид ирқ шаклланган ҳудудга киради», деган фикрнинг илмий асоссизлигини антропологик маълумотлар тасдиқлади. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини ўрганиш қанча узоқ яъни энг қадимги даврлардан бошланса, шунчалик унинг таркибига ҳозирги кунга қадар сақланиб келинаётган ирқий ва этник унсурларнинг маҳаллий халқ таркибига кирган даври ва унинг нисбий миқдори тўғрисида кенгроқ фикрга эга бўламиз.

Кейинги даврда ўтказилган тадқиқотларда, Марказий Осиёда, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган ибтидоий аҳолининг антропологик жиҳатдан европеоид ирқининг жанубий ёки Ўрта Ер денгизи пуштига яқин эканлиги исботланган. Ўзбекларнинг жанубий европеоид ирқининг ўзига хос пушти эканлиги жанубий Ўзбекистонда кашф этилган. Марказий Осиёдаги энг қадимий мустъе даврига оид палеолит боланинг Тешиктошда топилган суяк қолдиқлари орқали исботлаш мумкин. Мазкур ирққа ўхшаш типларнинг Ўрта Ер денгизи, Олд ва Жанубий Осиёнинг айрим районларида топилганлиги диққатга сазовор дир.

Сурхондарё ва Фарғона водийсининг турли жойларидан топилган ҳар хил қурол ва буюмлар, маданий қатламлар бу ерда яшаган аҳоли, тешиктошликлар сингари, овчилик ва теримчилик билан шуғулланиб, оловдан кенг фойдаланганликлари тўғрисида хулоса қилишга имкон берди.

Демак, археологик ва полеантропологик тадқиқотларга қараганда, тарихий-маданий ва этник жиҳатдан Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон инсоният тараққиётининг энг илк даврларидан бошлаб Олд Осиё билан боғлиқ бўлган. Балки палеолит даврида Марказий Осиёга аҳоли Олд Осиёдан кучиб кела бошлаган ва кейинчалик овчи ва теримчи қабилаларнинг кўчиш жараёни давом қилиб тургандир. Бунга Мачой ғоридан топилган мезолит (эрамиздан аввалги VII-VI минг йилликлар) даврига оид одам суяги қолдиқлари ва жуда кўп моддий буюмлар далил бўлади.

Бу макондаги маданий қатламларга ўхшаш топилмалар Тошкент воҳасида, Туркистонда Жанубий Козоғистон ва Олд Осиё мамлакатларидаги мезолит обидаларидан топилган буюмларга ўхшайди. Палеонтропологик тадқиқотлар мазкур маконларда яшаган аҳоли европеоид ирқига мансуб эканлигини тасдиқлаган. Топилмалар Марказий Осиё аҳолисининг энг қадимий даврлардан қўшни элатлар, айниқса даврлардан жанубий ва ғарбий қабилалар билан алоқада бўлганлигини исботлайди.

Археологик тадқиқотларнинг натижаларига қараганда Марказий Осиёда яшаган халқларнинг пайдо бўлиши мазкур хўжалик-маданий типларнинг тарихи билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг этник хусусиятларини белгилаб берган. Марказий Осиёнинг жанубида, шу жумладан Фарғонада энеолит ва бронза (Мил. Авв. II минг йиллик бошларида (сунбий суғориш деҳқонлиги, тош қуроллар билан бирга илк металл қуролларининг ишлатилиши, ҳам эшитдан

қурилган уйларнинг, чархда ясалган безакли сопол идишларининг пайдо бўлиши маҳаллий қабилаларнинг жойлашиши ва уларнинг алоқалари қандай бўлганлигидан далолат беради. Археологларнинг фикрича, эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида Амударё қўйи оқимида пайдо бўлган Тозабоғёб маданияти Жанубий Урал бўйи давлатларида шаклланиб, Хоразмга Шимол-Шарқ Оролбўйи орқали келган, деб фараз қилинади. Тозабоғёб маданиятининг тарқалган даври Хоразмда энг қадимги иригациянинг пайдо бўлишига тўғри келган.

Эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида Хоразмга Тозабоғёб маданиятига оид қабилаларнинг келиши ҳинд-европа ва хинд –эронлик қабилаларнинг шимоли-ғарбдан катта кўчиши билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Кейинги вақтда ўтказилган қазилмалар ҳам Марказий Осиёнинг жанубий минтақаларида Тозабоғёб маданиятининг таъсири кучайганлигидан, дашт қабилаларининг Марказий Осиёга йирик кўчишлардан дарак беради. Бундай қабилаларнинг жануб, жануби-шарқ томон кучли ҳаракати эр. Аввал. II минг йиллик охири I –минг йиллик бошларида рўй берганлиги тарихдан маълум. Бу ҳаракатда суерғон маданиятига эга қабилалар ҳам иштирок қилган. Археологик материаллар мазкур чорва қабилаларининг (мил.авв. XI-IX асрларда) Ўзбой, Атрек, Тежен, Мурғоб, Амударё, Сирдарё каби дарёлар бўйлаб кўчиб ўтганлигини тасдиқлайди.

Палеонтопология маълумотларга қараганда, палеолит даврида Олд Осиёдан шимоли –ғарб томон, яъни Ўрта Осиёга очилган кўчиш йўли кейинги неолит ва жез (бронза) даврига келиб янада кучаяди. Янги даврда мазкур тарихий – маданий ва этник алоқалар янада кучайганлигини археологик қазилмалар ҳам тасдиқлайди. Айниқса жез (бронза) даврига оид топилган кўп сонли қабрлар ўша вақтда яшаган аҳолининг антропология тузилишини аниқлашга ёрдам беради. Антропология олим Т.К. Хўжайов таърифича, Ўзбекистонга шимолий-ғарбий томондан Европанинг юқори палеолит, мезолит ва неолит аҳолиси вакиллари кела бошлаган, жанубда эса, жанубий европеоид типлар келиб, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил қилган. Унинг тахминича, ўша даврдан бошлаб ўзбек халқининг шаклланишида ўзига хос европеоид компонентлар асос бўлган. Мазкур фикрни археологик кашфиётлар ҳам тасдиқлайди. (И.Жабборов. Ўзбек халқининг этнографияси. _Т., «Ўқитувчи», 1994,58-бет).

Эрамиздан аввалги I минг йилликда Марказий Осиёда ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, шаҳар-қалъаларнинг пайдо бўлиши, йирик суғориш ва мудофаа иншоотларининг қурилиши даставвал текин кўл меҳнатисиз мумкин эмас эди.

Милодийдан аввалги VIII-VII асрларда ташкил топган қадимги Бактрия ва Хоразмда яшаган ҳозирги ўзбек, тожик ва қисман туркманларнинг аجدодлари асосан эроний тилларнинг шарқий шахобчаси ва қисман туркийлашган сак ёки скиф тилларида гапиришганлар.

Ўзбек халқига хос Марказий Осиё икки дарё оралиғи ирқининг шаклланиш даври, макони ва тарихи масалаларида фанда яқин-яқингача ягона фикр йўқ эди. Бир гуруҳ олимлар бу ирқ бундан 6-8 минг йил илгари, иккинчи гуруҳ мутахассислар 3 минг йил илгари шаклланган деса, учинчи гуруҳ олимлари эса XVI асрларда шаклланди, деб ҳисоблар эдилар. Антропология изланишлар натижасида муаллифлар икки дарё оралиғидаги ирқининг шаклланиши, жуда бой

антропологик маълумотлар асосида, бундан 2200-2300 йил илгари бошланганлигини исботладилар. Қатор илмий асарларда ўзбек халқининг шаклланишида бир қатор муҳим дарлар санаб ўтилган. Булар қаторида Аҳамонийлар, Искандар Зулқарнайн Араб халифалиги, муғуллар истилоси тилга олинади. Ҳақиқатан, бу босқинчиликлар Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари маданиятига тилига, турмуш тарзга, табиийки, ўз таъсирини ўтказган. Аммо бу юришларнинг маҳаллий халқларнинг брқий ва этник тарихига таъсири ўта кам бўлганлигини алоҳида таъкидлаш керак! Антропологик нуқтаи назардан қараганда, улар маҳаллий халқ қонини ёки гететикасини тубдан ўзгартираолмаганлар, ўзгартиришлари ҳам мумкин эмас эди. Чунки ҳеч қачон келгиндилар маҳаллий аҳолидан устун бўлиши мумкин бўлмай, балки кўпсонли маҳаллий аҳоли таркибига улар кетиб, маҳаллий аҳоли, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида барча тарихий даврларда (махсус антропологик тадқиқотларнинг кўрсатишича (маҳаллий халқ келгинди аҳолидан ҳамиша устун бўлган.

Бу масалага Президент И.Каримов тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда аниқ ва равшан ҳамда мутлақо инкор этиб бўлмайдиган ўз нуқтаи назарини билдириб, фикримизча, охириги нуқтани кўйди:

«.. Мовароуннаҳр сарҳадларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолар ҳукмронлик қилмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Аҳмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Мўғилистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолди-ку. Хўш, бунда қандай сир-синоат бор? Халқ қандай ички куч-қудратига ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми? ..» Ислом Каримов яна шуни таъкидлаб айтдиларки:

«.. Дунё халқлари ва хусусан, юртимиз тараққиёт йўлининг асосий қонуниятларини мантиқий таҳлил қилсак, шу нарса аён бўладики, Александр ҳам (уни Шарқда кўпроқ Искандар Зулқарнайн деган ном билан билишади), Қутайба ҳам, Чингизхон ҳам генерал Черняев ҳам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ун минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишғол қилган ва бу ердаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган. Яна такрорлайман: сиёсий ҳокимиятни. Тамом, тўғри ҳукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иқтисодий, савдо, илмий маданий имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бироқ, шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўқ қилолмаганлар, қилолмасдилар ҳам! «Тарих –халқ маънавиятининг асосидир»

4\2. Ўзбек халқининг этник шаклланиш тарихи асосан учта тарихий даврга бўлинади:

Биринчи давр: Милоддан аввалги биринчи минг йилликдан милодий VIII асрга бўлган даврни ўз ичига олади. Мил. Авв. III-II асрларда Марказий Осиё дашт минтақаларида ҳозирги ўзбек халқига хос антропологик қиёфа шакллана бошлаган. Бу эса фанда яқингача кенг тарқалган фикрлар, яъни ўзбекларга хос Марказий Осиё икки дарё оралиғи ирқи аввало Волга дарёси бўйларида ва Уралда сармот қабилалари таркибида шаклланиб тарқалди, деган ёки бир ирқ

Байкал кўли атрофида шаклланиб тайёр холда маҳаллий аҳолига ўз ирқини тарқатди, деган фикрлардан воз кечишни тақозо этади.

Тадқиқотларга кўра, Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Паркана, Тохаристон, Чоч худудларида ўтроқ ва кўчманчилик билан шуғулланиб келган аждодларимизнинг турмуш тарзи бир бирига чамбарчас боғлиқ бўлганлиги аниқланган. Шу худудларда асрлар давомида яшаб келган массагетлар сақлар, хоразмийлар, бахтрлар, суғдийлар, тохарлар, давонликлар ўзбек халқининг асосини (этногенези) ни ташкил этади. Олиб борилган тадқиқотлар ўзбекларга хос антропологик қиёфаси, даставвал, Сирдарёнинг ўрта хавзаси туманларида, яъни Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, қисман Хоразмда ва жанубий Қозоғистоннинг Чимкент вилояти, Еттисув минтақасида мил. Авв. I минг йиллик охирида шакллана бошлаганлиги аниқланади. Мил. Авв. III-II асрларда бу аҳоли бир неча йўналишда Марказий Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятларига кириб борган. Бу антропологик тадқиқот натижалари ёзма манбаларда маълум бўлган халқларнинг жанубга юриши ва Юнон –Бактрия давлатининг тор-мор этилиши ва Буюк Кушон салтанатининг барпо бўлиши даврига мос келади.

Ўзбекларнинг келиб чиқиши қадим тарихида сақлар, массагетлар, тохарлар номи билан машхур бўлган ва қадим замонларда Марказий Осиё ҳамда унинг теваарак атрофида кўчиб юрган халқларга Суғд, Хоразм, Бактрия, Паркана (Фарғона) ва Шошнинг қадимий халқларига бориб тақалади. Ўшанда улар яшаб турган воҳа номи билан суғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, парканаликлар, тошкентликлар деб аталиб тарихда қолган.

Ўзбек ва тожикнинг халқ бўлиб шаклланишида мил. Авв. Биринчи минг йилликнинг охири ва милодийнинг дастлабки асарларида Жайхун ва Сайхун оралиғига кўчиб ўтган бир қатор туркийзабон халқлар ва Жайхуннинг жанубидан кўчиб ўтган форс тилида сўзлашувчи қабилалар, шунингдек IV-V асрларда бу ерга шимол тарафдан кўчиб ўтган хионит кидарит ва эфталит деб аталувчи халқлар ва нихоят, VI-VII асрларда Марказий Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Фарбий Турк ҳоқонлигининг туркийзабон халқи катта роль ўйнайди.

Ўзбек халқининг этник шаклланишидаги иккинчи муҳим давр бу IX-XII асрлар ҳисобланади. Бу даврда Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистон ҳозирги ўзбекларга хос қиёфа маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил этган. Илгарилари бу жараёни фақат XI-XII аср этник жараёнлари билан боғлаб қурилган. Кейинги йиллардаги топилган шу давр материалларини икки тарихий даврга яъни IX-X ва XI-XII асрларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда. IX асрда Ўзбекистон худудида, тадқиқотлар натижасига қараганда, аҳолининг антропологик қиёфасида кескин ўзгаришлар юз берган. Бу ўзгаришлар археологик казишмалар натижасида ҳам кузатилган. Ўзбекларнинг элат сифатидаги шаклланиш даври фанда XI-XII асрлар билан изланиб келинар эди. Тадқиқот натижалари бу жараёни IX-X асрларга оид дейилишига асосдир.

Ўзбекларнинг этник таркиби IX-XII асрларда бойиди ва такомиллашди. X асир охири – XI аср бошларида қорахонийлар билан бирга Олтой, Еттисув ва Шарқий Туркистондан Мовароуннахрга кўчиб келган бир талай аҳолининг этник жиҳатдан такомиллашувига таъсир қилди. Қорахонийлар даврида ўзбек тилига асос бўлган қорлуқ-чиғил лаҳжаси ривожланди ва ёзма адабиёт даражасига кўтарилди ва ушбу лаҳжа ўзбек халқининг умумий тилига айланди.

Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билик», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғат ат –турк», Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Хикматлари» асарлари ўша даврнинг ажойиб маҳсулидир.

XIII аср бошларида юртимизга Чингизхон катта қўшин билан бостириб кирди. Бу қўшин таркибида мўғуллар билан бир қаторда кўплаб турклар ва турклашган мўғуллар билан бир қаторда кўплаб турклар ва турклашган мўғуллар ҳам бор эди. Бу қабилалар, шубҳасиз, ўзбек халқининг этник таркибини бойитди.

Афсуски, фанда мўғул истилоси Марказий Осиё аҳолисини кескин мўғуллаштириб, ўзгартириб юборди, деган фикр ҳам бор. Лекин олимларимизнинг олиб борган махсус тадқиқотлари бу масалага оидлик киритди. Мўғул истилоси Ўзбекистон аҳолисининг ташқи қиёфасига сезиларли изларини қолдирмаганлигини таъкидламоқ керак. Сабаби, Чингизхон XII аср охирида ташкил этган йирик Мўғул давлатида мўғуллар сони тахминан 0,7 миллион кишидан иборат бўлган. Агар ҳар 6 кишидан биттаси аскарликка олинган бўлса. Унда мўғул қўшинлари сони 100-110 минг кишидан иборат бўлган. Лекин ўша даврдаги 80 миллион аҳолиси бўлган Хитойга юриши даврида мўғуллар ўз қўшинларининг кўп қисмини йўқотганлар. Улар Мовароуннахрнинг бостириб келганида қўшинларнинг кўпчилиги туркий халқлардан ташкил опгани маълум. Бу даврда Мухаммад Хоразмшоҳ давлатида 20 миллион аҳоли яшаган. Табиийки мўғул қўшинлари кўп сонли маҳаллий аҳоли таркибига ўз асоратини ўтказа олмаган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳолида мўғул ирқи аломатлари деярли намоён бўлмаган.

Ўзбек халқининг этник шаклланишида учинчи давр XV аср охири – XVI аср хисобланади.

Бу даврда сиёсий ва иқтисодий жihatдан анча бўшашган Марказий Осиёда маҳаллий ҳоким ва подшолар орасидаги тахт талашишлар, халқ оммасининг оғир ахволга тушиб қолиши қўшни кучланчи ўзбекларга қўл келган эди. Темурийлар сулоласининг охирги ҳокимлари, жумладан Фарғона ҳокими Бобур ва Хирот ҳокими Хусайн Бойқаролар Дашти Қипчоқдан келган қудратли Шайбонийхон бошчилигидаги кўп сонли қўшинлар олдида ожизлик қиладилар. Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистоннинг Зарафшон, Сурхандарё ва Қашқадарё водийларида, Хоразм воҳаси ва бошқа районларда Шайбонийхон билан келган «ўзбек» номли туркий тилдаги қабилалар ҳам ўрнаша бошлайди, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетади. Улар янги заминдор (феодал) ларни барпо этиб, кўп ерларни зўрлаб мусодара қилиб олганлар, Амир Темур йиллар давомида тўплаган барча бойликларни ўз қўлларига киритганлар.

Ўша даврда адабий ва тарихий асарлар, хусусан, «Шайбонийнома», «Нусратнома», «Абдулланнома», «Алпомиш» каби асарлар ўзбек тилида кенг тарқалади.

«Ўзбек» атамаси илмий жihatдан ҳали тўлиқ аниқланмаган. Дастлаб бу сўзной араб муаллифи Усам ибн Мунқиз (XII аср охирлари) асарларида учратамиз. Кейин Рашидиддин солномаларида Жалолиддиннинг харбий навкарларидан бири ҳам «ўзбек» исми билан тилга олинади. Атоқли тарихчи Ҳамдуллоҳ Казвиний (XV аср) Олтин Ўрда Ўзбекхон бўлгани, тегишли ўлкани эса «Мамлақати ўзбек» деб атайти. Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийлар ўбекларни Олтин Ўрда номи билан боғлиқ деган фикрни билдирадилар. Бошқа манбаларга қараганда, XV аср охири – XVI аср

бошларида Абдулхайрхон ва унинг набираси Шайбонийхон қармоғидаги барча қадила ва элатлар бирикмасига умуман «ўзбеклар» деб ном берилган. Абдулғозининг «Шажараи турк» асарида ёзилганидек, Оқ ўрда подшоси Туктагухон ўлганда сўнг ўн уч ёшли ўғли Ўзбекхон тахтга келган. У ота-бобосининг дастури билан элни забт этиб, ҳар кимни мартабасига лойиқ ҳурмат қилиб, инъомлар берган. «Барча халқ уч сохиби давлатнинг сабабиндин шарафи ислом мушарраф билдилар. Андин сўнг барча Жучи элин ўзбек эди дедилар» (Абулғрзи Шажараи турк»).

Президент И.Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар, зиёлилар билан бўлган суҳбатида ўзбек номининг қачон пайдо бўлганлиги тўғрисидаги масалани қўйди. «Совет тарихшуносларининг ёзишича – деди И.Каримов – гўё XVI асрда бизнинг заминимизни қипчоқ хонлари ишғол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннахр деб атайдиган икки дарё оралиғида унғача ҳам халқ яшаган-ку!»

Биз Совет замонидан қолган бу ақидани қабул қилсак, миллатимиз тарихи мана шу навбатдаги босқинчилар давридан бошланган деган нотўғри хулоса келиб чиқмайдими? Унда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз қаерда қолади? Самарқанд, Хива ҳам, Бухоро ҳам ўзбекларники экан, бу ерларда ўзбек давлати бўлган экан, неча энди ўз тарихимизни XVI асрдан, кимдир келиб-кетиб, номини қолдириб кетган даврдан бошлашимиз керак? Унғача ҳам бу ерда ўтроқ халқ яшаганку! Бу ерда ана шу ўтроқ халқнинг маданияти бўлган-ку! Ким келмасин, масалан, мўғуллар келган, XIII асрнинг 20 йилларида XIV асрнинг 70-йилларига қадар ҳукмронлик қилганлар ва уларнинг маданияти маҳаллий маданиятига сингиб кетган. Бунда маҳаллий халқнинг маданияти албатта, асос бўлган, устунлик қилган. Биз халқни номи билан эмас балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз. (И.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ» 17 бет)

XVI-XIX асрлар давомида ўзбекларнинг этник шаклланиши давом қилиб, ўзларининг уруғ-қабилавий номларини то бизнинг асримиз бошларигача сақлаб келганлар. Улар нафақат этник жихатдан балки турмуш тарзи ва ижтимоий тузуми билан ҳам ўзаро оз фарқ қилганлар. Айрим ўзбек қабилалари ўтроқ деҳқончиликка тўла ўтмаган кўчманчилик хўжалиги ва турмуш анъаналарини сақлаб ярим ўтроқ ҳолатда яшаганлар. Улар тилларидаги (шевасидаги) фарқ жихатдан ҳам анча ажралиб турганлар.

Аммо Турки стон ўлкаси ва ўзбек хонликлари рус мустамлакаси туфайли жаҳон капиталистик муносабатлари гирдобига тортила бошланади. Шу даврда аста-секин миллий уйғониш куртак отабошлайди. Миллий буржуазия пайдо бўлади. Улар ўзларининг мафкурачилари бўлмиш жадидлар орқали миллий гуруҳ ва хис-туйғулар, анъанавий турмуш тарзи ва маданият равнақи учун жиддий кураш бошлайдилар. Чор ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати мазкур жараёнга тўсиқ бўлиб, ўзбек элининг жаҳон миқёсидаги ижтимоий чиқишини чеклаб қўяди. Бутун Марказий Осиёнинг чоризм даврида сунъий равишда Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига бўлинганлиги ҳам маҳаллий элатларнинг, шу жумладан ўзбекларнинг миллий бирлигига жиддий тўсиқ бўлди.

43 XX аср бошларига келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 2,8 млн. га яқин ўзбеклар яшаган бўлиб, шулардан тахминан 82 фоизи қишлоқларда, 18 фоизи шаҳарларда жойлашган. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, ўзбекларнинг анча

қисми кўшни мамлакатларда яшаб, ўзларнинг этник хусусиятларини сақлаб қолганлар.

Ўзбекларнинг XIX аср иккинчи ярмидан то Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганда қадар тарихи, ҳаёти мустамлакачилик асорати остида кечди. Дастлаб ўзбеклар, Марказий Осиёлик бошқа халқлар билан бирга, XIX асрнинг 60-йилларида чор Россияси томонидан қурол билан бўйсиндирилди. Шу вақтдан бошлаб Турки стон ўлкани Россиянинг мустамлакасига айлантирилди. Деҳқончилик маданияти ривожланган бу бой ўлка Россиянинг учун ривожланиб келаётган саноати учун ҳом ашё манбаига, қулай ва мумай фоида келтирувчи бозорига айлантирилди. Ок подшонинг Туркистондаги маъмурияти ва рус саноатчилари миллатфуруш маҳаллий феодалларнинг кўмагига таяниб, ўлканинг захматқаш, муте халқини беармон таладилар. Туркистоннинг тақдири 1886 йили чор ҳукумати қабул қилган «Турки стон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом» деб аталган махсус қонун билан белгиланади. Ана шу қонун асосида чор Россия ҳукумати Туркистонда бир қатор мустамлакачилик тадбирларини амалга оширди.

Шулардан бири: Россия қишлоқларида вужудга келган тенгликни бартараф қилиш ва рус деҳқонларининг ғалаёнларини бостириш мақсадида уларнинг бир қисмини Россиянинг ички нихояларидан Туркистоннинг Еттисув, Сирдарё ва Фарғона вилоятларига жойлаштирилди. Маҳаллий деҳқонларнинг азалдан фойдаланиб келган ерлари тортиб олиниб, кўчиб келганларга тақсимлаб берилди. 90-йиллар бошларига келиб Сирдарё вилоятининг Авлиёота (ҳозирги Жамбул) ва Тошкент уездларида 20 га яқин, Хўжанд уездига 6-та рус қишлоқлари мавжуд эди. Шаҳарларни ҳам «руслаштириш» бошланди. Масалан, Тошкентнинг бир қисмига рус аҳолиси жойлаштирилиб, шаҳар иккига бўлиниб («янги шаҳар», «эски шаҳар») кетди. Марғилоннинг ёнида руслар учун алоҳида шаҳар бунёд этилиб, унга Скобелев номи (ҳозирги Фарғона) берилди.

Турки стон ўлкасининг шаҳарларида Русия саноат корхоналарининг асосан, тўқимачилик фирмаларининг ваколатхоналари, агентликлари, омборхоналари ташкил этилди. Ўлка Россия саноати учун зарур ҳом ашё (пахта, пилла, жун, тери ва х.к) лар ни йиғиш, Россия корхоналари ишлаб чиқарган газлама ва бошқа молларни қўллаш бозорига айлантирилди.

Туркистон ўлкасида Россия саноатининг эҳтиёжларини қондириш ва бошқа харбий-сиёсий мақсадларни кўзлаб темир йўллар қурилиши бошланди, Россия тўқимачилик корхоналари тараққиётининг муҳим ҳом ашё манбаи ҳисобланган пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Ерли халқ ўз эркини ҳимоя қилиб чиққанда чор ҳукумати уларни аёвсиз бостирди, чор ҳукумати уларни аёвсиз бостирди, чоптирди, «Сибирь» қилди.

Шўролар истибдоди даврида Ўрта Осиёда миллий – давлат чегаралаш ўтказилди. Бу жараёнда жиддий сиёсий хато-камчиликларга йўл қўйилди. Туркистон ўлкаси худудий ва этник жихатдан янада парчаланиб кетди.

Шундай қилиб, ўзбекларнинг XIX асрнинг иккинчи ярмидан то Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганда қадар тарихи, ҳаёти мустамлакачилик асорати остида кечди.

Шўролар ҳокимияти даврида бизнинг юртимиз авторитар марказга бўйсинувчи ҳом ашё етказиб берадиган қарам ўлкага айланади. Мамлакатимиз, халқимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жихатдан мутелик ҳолатига тушиб қолди.

Мустақиллигимизни қўлга киритганимизда бизга собиқ Иттифокдан, эски мустабид тузумдан қолақ бир ёқлама ривожланган, пахта яккахокимлиги ва бой минерал-хом ашё ресурсларидан назоратсиз аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолди.

«Бу оғир меросни яна бир хусусияти, -деди Президент И.Каримов Республика Олий Мажлисининг XIV сессиясида, - республикасининг ёқилғи ва галла масаласида марказга қарамлигида, ун, шакар, гўшт, сут махсулотлари каби энг мухим озик-овқат молларининг, бошқа халқ истеъмоли товарларнинг, таёр махсулотларнинг четдан олиб келинишида якқол кўринади». (И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон» 1999. 4 бет).

Ўзбек халқининг келажаги порлоқ келажаги буюк. Бундай хулоса қилинишича барча асос, шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрда интилмоқда: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида батафсил маълумотлар берган.

Ўзбекистон халқи ўзининг ер ости бойликлари билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Мамлакат худудида машхур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлар топилган. Хозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъданлар мавжуд истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал хом ашё турларини ўз ичига олади. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард америка долларини ташкил этади. Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик миқдорда фойдалиқ қазилмалар олинмоқда.

Ўзбекистон тупроқининг ноёб унумдорлиги унинг мухим хусусияти бўлиб, бу ҳол республика қудратли атросаноат салоҳиятига эга мамлакатга айлантириш имконини берди. Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи бозорда талаб катта бўлган махсулот-пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчисис ва етказиб берувчисис ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, сахий ва меҳмондўст халқидир.

Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ абадий қадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамланган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш, жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор, омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб берди.

Ўзбекистоннинг мухим хусусиятларидан бири шуки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. Кейинги йилларда аҳолининг табиий ўсиши бирмунча камайган бўлишига қарамай, у хали ҳам МДХ мамлакатлари орасида энг юқори даражададир.

Умуман олганда, Ўзбекистон халқи янги шароитда Республика Президенти И.Каримов ва ҳукуватимиз томонидан қўйилган муайян вазифаларни ўз муддатида бажариш учун хормай-толмай меҳнат қилмоқда. Бундай шароитда ҳар бир жамият аъзосининг ўз ватани ва унинг порлоқ истиқболига чинакам садоқатлиги, юксак сиёсий онги ва ўз вазифасини замонавий талаблар даражасида ниҳоясига етказилиши, маънавий етуклиги ва ахлоқий баркамоллиги гоят мухим ва хал қилувчи аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ўзбек халқи Ўзбекистоннинг маҳаллий туб аҳолиси қиёфасида Ўрта Осиё Фарғона антропологик типи белгилари етакчидир. Ўзбек халқининг тарихи Аму ва Сирдарё оралиғида яшаган барча қадимий уруғ, қабила, элатлар ва ўша даврларда кечган этник ва маданий жараёнлар билан узвий боғлиқдир.

Таянч тушунчалар:

Этник, этнос, этногенез, генезис. Уруғ, қабила, элат, халқ, миллат
 Массagetлар, саклар, хоразмийлар, бахтарлар, сўғдийлар, тохарлар, даванликлар;
 Туркий қавмлар, қорлуқ, салжук, қорлуқ-чиғил лаҳжаси; «Ўзбек» атамаси;
 Бағрикенглик, сабрдошлик, ҳамдардлик, заҳматкашлик, ҳамдўстлик,
 ҳамжиҳатлик

Текширув саволлари:

1. Уруғ, қабила, элат тушунчаларини изоҳлаб беринг.
2. Ҳозирги ўзбек халқининг асосини қандай уруғ ва қабилалар ташкил этади?
3. Ўзбек халқи этник шаклланиш тарихи нечта босқичга бўлинади?
4. Ўзбек халқи этник шаклланишининг биринчи босқичида аجدодларимиз ҳаётида қандай ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар содир бўлди?
5. Ўзбек халқи этник шаклланишининг иккинчи босқичи қайси даврни ўз ичига олади?
6. Ўзбек халқи этник шаклланишининг иккинчи босқичи қандай хусусиятларга эга?
7. Ўзбек халқи этник шаклланишининг учинчи босқичи қайси даврни ўз ичига олади?
8. «Ўзбек» атамаси бизнинг юртимизга қачон ва қандай қилиб келиб қолди?
9. Мустақил Ўзбекистон этник ҳолатини изоҳлаб беринг.

Адабиётлар:

1;3;5;6;14;15;18;28;30;32.

5-Маъруза: IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги, Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти.

Режа:

1. IX асрнинг бошларида Мовароуннахрдаги сиёсий аҳвол. Сиёсий ҳокимиятнинг сомонийлар томонидан эгалланиши.

2. Мовароунаҳрда қораҳонийлар сулоласи ҳукмронлиги.
3. Мовароунаҳрда Ғазнавийлар ва салжукийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши.
4. Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида ўзбек давлатчилиги.

51. VIII асрнинг охирлари IX асрнинг бошларида Араб халифалиги оғир сиёсий вазиятга тушиб қолди. Бунга асосий сабаб, Араб халифалигига бўйсунишда бош тортиш ва мустақлликка эришиш учун бошланиб кетган кўзғолонлар бўлса, биринчи томондан, иккинчи томондан, халифалик тахти учун курашнинг авж олиши.

Натижада Ўрта Осиёда мустақил давлатларнинг ташкил топишига қулай шарт-шароитлар тўғилди. Дастлаб бундай давлатлар араблар истило қилиб улгурмаган Мовароуннаҳрнинг шимолий, шимолий-шарқий ҳудудларида шаклланди. Шундай давлатлардан бири Қорлуқлар давлати бўлса, иккинчи - Ўғузлар давлатидир.

Қадимда Олтойнинг ғарбида, сўнгра Иртиш дарёсининг ўрта оқимида яшаган қорлуқлар қадимий туркий қабилалар ҳисобланган. VI-VII асрларда улар Турк ҳқонлиги таркибига кирган. VII аср ўрталарида қорлуқлар Еттисув ўлкасига келиб жойлашган. Уларнинг катта гуруҳи Талос ва Чу дарёларининг адоқларида ва Иссыкқўлгача бўлган ҳудудда яшаган. VIII аср охирида бу ҳудудда Қорлуқлар давлати ташкил топади. Подшолари «ябғу» ёки «жабғу» деб аталган. Ғарбий турк ҳқонлигининг бир қисмида вужудга бу давлат шимол ва шарқ томонларидан Иссыкқўл соҳилларидан то Или дарёси водийсигача туркларнинг жиқил қабиласи жойлашган ҳудудлар, ғарбдан ўғузлар юрти ва Фарғона водийси, жанубдан эса Шарқий Туркистон билан чегарадош бўлган.

X аср араб географи Ибн Ҳавқалнинг маълумоти бўйича, қорлуқлар юрти Фарғона водийси чегараларидан шарққа томон 30 кунлик масофага чўзилган. Давлатнинг пойтахти Чу дарёсидан шимолроқда жойлашган Суёб шаҳри бўлган. Ундан ташқари Жўл, Навкат, Карманкат, Ер, Тун, Панжикент каби катта-кичик шаҳарлар ва обод қишлоқлар қад кўтарган Қорлуқларнинг хўжалик фаолиятида асосий ўринни чорвачилик, хусусан, қўйчилик эгаллаган. Шу билан бирга овчилик, дарё водийларида деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар.

Қорлуқлар давлати бир томондан Шарқий Туркистон билан, иккинчи томондан Мовароуннаҳр аҳолиси билан савдо-сотиқ алоқаларини олиб борган. Муттасил олиб борилган савдо алоқаларини олиб борган. Муттасил олиб борилган савдо алоқалари Еттисувда қадимда яшаб келаётган таркий аҳолининг нафақат ижтимоий – ва иқтисодий ҳаётида, балки унинг маънавий-маданий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатди. Ҳеч қандай куч ишлатилмасдан, тинчлик йўли билан бу ҳудудга аввал моний ва христиан динлари, сўнгра мусулмончилик кириб келган. Айрим маълумотларга қараганда, VIII аср охирларидаёқ қорлуқлар жабғуси ислом динини қабул этган. X аср ўрталарига борганда қорлуқларнинг каттагина қисми мусулмон бўлган. Бу даврда Талосан шарқда жойлашган бир қанча қорлуқ шаҳарларида жоме масжидлари бино қилинган.

Бу даврда Қорлуқлар давлати икки томондан: жанубий кўшнилари яғмо қабилалари ҳамда Сирдаёр этакларида яшовчи Ғарбий кўшнилари ўғуз қабилаларининг кучли тазйиқига учрайдилар. Бу ҳар икки чорвадор аҳоли туркий қабилалар ичида энг кучлиси ва жанговори ҳисобланар эди. X аср ўрталарида яғмолар Еттисув вилоятини эгаллаб, бу ўлкада Қорахонийлар

давлатига асос солганларида мазкур бу янги туркий давлатнинг сиёсий ҳаётида қорлуқлар ҳам фаол қатнашадилар. Уларнинг айрим вакиллари ҳатто ҳукмронлик мавқеигача кўтариладилар. X аср охирида қорахонийлар Мовароуннаҳрни эгаллагач, қорлуқлар Шош воҳасига ҳамда Фарғона ва Зарафшон водийларига кўчиб келиб ўрнашадилар. Кейинчалик улар аста-секин Мовароуннаҳрнинг маҳаллий ўтроқ деҳқон ва чорвадор аҳолиси таркибига сингиб кетадилар.

VI асрнинг биринчи ярмида Хитойдан то Қора денгиз бўйларигача чўзилган жуда кенг майдонда кўчманчи чорвачилик билан кун кечирган туркий қабилаларнинг яна бир жанговор иттифоқи юзага келди. Тарих саҳифаларда уларни тўқузўғузлар номи билан тилга олинади. VI асрнинг иккинчи ярми ва VII асрда улар ҳам Турк ҳоқонлиги таркибида бўлиб, унинг ижтимоий вос иқтисодий ҳаётида, айниқса, ғарбга томон қилинган ҳарбий юришларида фаол қатнашадилар. Турк ҳоқонлиги емирилгач, Тўқузўғузларнинг каттагина қисми ғўз ёки ғуз номи билан Сирдарё ҳавзаси ҳамда Орол денгизи бўйида муҳим ўрнашиб, бу ҳудудда улар IX аср охири ва X аср бошларида туркий қабилаларнинг яна бир янги иттифоқи - Ўғузлар давлатига асос соладилар.

Ўғузларнинг асосий қисми Сирдарёнинг адоғи ва унинг ўрта оқими ҳамда Орол бўйидаги кенг яйловларда яшаган.

Ўғузлар давлати чегарасида Сирдарё бўйлаб Янгикент, Жанд ва Сифноқ каби бир нечта бой шаҳарлар бўлса-да, уларни Уғузлар қурмаганлар, чунки улар асосан кўчманчи чорвачилик билан шуғулланганлар.

Ўғуз ябғулари ўз давлатининг пойтахти қилиб Янгикент шаҳарни танлаганлар ва улар бу шаҳардан асосан қишлоқ учун қароргоҳ сифатида фойдаланганлар.

Бу шаҳарлар дарё бўйлаб йўналган карвон йўли орқали қадимги Яксарт этаклари, Оролбўйи ва ундан шимолга –Итил ва Ёйиқ бўйларига қатнаган хоразм, Мовароуннаҳр ва Шош савдогарларининг асрлар оша дашт аҳолиси билан олиб борган гавжум савдо алоқалари туфайли қад кўтарган эди.

X асрнинг биринчи ярмида Ўғузлар давлати шимоли-шарқдан қўзғалган қипчоқлар томонидан қақшатғич зарбага учраб, бўлиниб кетади. Ўғузларнинг бир қисми ўз юртини тарк этиб ғарбга томон силжиб, умумий турк номи билан Жанубий Русия даштларига бориб ўрнашади. Уларнинг иккинчи қисми эса аввал Мовароуннаҳрга кириб боради, кейин жануби-ғарбга силжиб, янги сулола –салжуклар бошчилигида Олд Осиё мамлакатларини истило қилишга киришади.

Шундай қилиб, VIII аср охири ва IX аср бошларида Мовароуннаҳрнинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларида ташкил топган ва бир ярим аср ҳукм сурган. Икки мустақил туркий давлат: Қорлуқлар ҳам Ўғузлар давлати фақат Мовароуннаҳргина эмас, балки бутун Ўрта Шарқ ҳамда Олд Осиё аҳолисининг сиёсий ҳаётига кучли таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга уларнинг жанговор аҳолиси ўз турмуш тарзи ва анъаналари билан бу ҳудудда яшовчи кўпгина халқларнинг этник тарихида сезиларли из қолдирди. Масалан, қорлуқлар қардош ўзбек ва тожикларнинг, ўғузлар эса туркман, озарбайжон, қорақалпоқ, турк, гагаузларнинг этногенезида муҳим роль ўйнадилар.

VIII аср охири – IX аср бошида халифаликни ларзага келтирган оғир сиёсий вазият аббосийларни Мовароуннаҳр ва Хуросонда олиб борилаётган сиёсатни ўзгартиришга мажбур этди. Эндиликда улар шарқий вилоятларни бошқаришда давлат ишларига маҳаллий задагонларни жалб этиш ва уларнинг қўли билан бу

вилоятларни халифалик тасарруфида тутиб туришга ҳаракат қиладилар. Натижа аббосийлар кўзгалгандек бўлиб чиқмади. Маҳаллий задагонлар Мовароуннаҳр ва хуросонни аста-секин ўз тасарруфларига олибгина қолмай, балки халифалик марказида ҳам ҳокимиятни бошқаришда тобора кўпроқ роль ўйнайдиган бўлиб қолдилар. Бунга айниқса халифа Хорун ар-Рашид (786-809) вафотидан сўнг тахт учун унинг ўғиллари Маъмун билан Амин ўртасида 809-813 йилларда бўлиб ўтган кураш катта йўл очиб борди.

Маъмун узоқ йиллар мобайнида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноибни бўлиб, маҳаллий задагонлар билан жуда яқинлашиб кетган эди. Гарчи уни маҳаллий зодагонлар қўллаб қувватсаларда, аммо халифаликнинг марказий қисмида араблар Аминни халифалик тахтига кўтарадилар. Бундан норози бўлган Маъмун укаси Аминга қарши курашиш учун беш йил тайёргарлик кўради. Хирот вилоятининг зодагонларидан Тоҳир ибн Хусайн бошлиқ Хуросон ва Мовароуннаҳр мулкдорлари унга ёрдам берадилар. 813 йилда улар Бағдодга юриш қиладилар. Пойтахт кўлга киритилиб, Маъмун халифалик тахтига ўтказилади. Бунинг эвазига Тоҳир ибн Хусайн Месопотамиянинг ноибни, Бағдодда халифаликнинг аскар боши ва Ироқда ҳашар ишлар бўйича бош мироб лавозимларига муяссар бўлади.

821 йилда араб халифалиги асли Хиротлик бўлган Тоҳир ибн Хусайнни Хуросон ва Мовароуннаҳр ноибни этиб тайинлайди.

Тоҳир ибн Хусайн ўзининг ўлкан ноиблигини мустақил давлатга айлантиришни хоҳларди. У жума номози вақтида халифа номини хутбада чиқариб ташлашга буйруқ беради. Бу эса исён билан баробар эди. Бироқ кўп, Тоҳир ибн Хусайн тўсатдан вафот этади, шундан кейин уни халифа яширинча заҳарлаган, деган чп тарқалди.

Халифа Ал-Маъмун ноибликка Тоҳирнинг ўғли Абулаббос Абдуллоҳни тайинлаб, шу тарзда Тоҳирийларнинг насли сулоласига асос солади.

Абулаббос Абдуллоҳ ҳукмронлиги даврида (822-844 йиллар) Хуросон ноиблиги халифага вассал ўлкага, аммо деярли мустақил давлатга айланди.

IX асрнинг 60-йилларида Хуросонда халқ кўзғолони авж олади. Унга ака-ука Ёқуб ва Амр ибн Лайс мисгарлар бошчилик қиладилар. Улар аввал Сейстонда ҳокимиятни кўлга киритадилар. 873 йилда тоҳирийларнинг ҳарбий кўшинига қақшатгич зарба бериб, Хуросон пойтахти, Нишопурни эгаллайдилар.

Натижада Хуросонда тоҳирийлар ҳукмронлиги тугатилиб, саффорийлар давлати ташкил топади. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришлар Мовароуннаҳрнинг Хуросондан ажралиб, мустақил давлатлат бўлишига имкон туғилади.

Маъмун Мовароуннаҳр зодагонларининг ёрдамини ҳам унутмади. Сомонхудоқнинг набираларини айрим шаҳар ва вилоятларга ноиб қилиб тайинлайди: Нўҳга – Самарқанд, Аҳмадга – Фарғона, Яҳёга- Шош ва Уструшоне, Илёсга эса Хирот тегали. Бунинг эвазига ака-ука сомонийлар Мовароуннаҳрнинг ҳад йилги солиқ йиғинидан катта маблағни халифа ҳазинасига юбориб турганлар.

Тоҳирийлар давлати тугатилганда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Фарғона, Шош ва Уструшона вилоятларида ноиблик қилаётган сомонийлар хонадонининг сиёсий ҳаётида ҳам аста-секин ўзгаришлар юз беради. Юрта аввал Нух, Сўнгра Аҳмад бошчилик қилади. Улар ҳатто ўз номларидан мисдан чақалар зарб этадилар.

Аҳмад вафотидан (865) кейин унинг ўғли Наср Самарқандни марказга айлантиради. У Бухоро воҳаси, Нахшаб (Қашқадарё), Чағонруд (Сурхандарё) водийларидан ташқари Мовароуннаҳр барча вилоятларни бирлаштириш ва уни Хуросондан ажратиб олиш чораларини кўра бошлайди.

Тоҳирийлар давлатининг барҳам топиши, вазият тубдан ўзгариб, истиқлол учун қўлай шароит қайта бўлган эди.

Чунки саффорийлар Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилишнинг уддасидан чиқа олмайдилар. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган Бухоро аҳли ҳатто саффорийларга тобе бўлишни хоҳламайди.

Шаҳар зодагонлари самонийларга муродаат қилиб, Самарқандга Наср ибн Аҳмад ҳузурига элчилар юборадилар. Ундан Бухорони ўз қўл остига олишни ва сомонийлар хонадонидан бир кишини Бухорога ҳоким қилиб юборишни сўрайдилар. Наср бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, укаси Исмоилни (874) Бухорога ноиб қилиб юборди.

Шундай қилиб, IX асрнинг охири чорагида Мовароуннаҳрнинг деярли барча вилоятлари сомонийлар тасарруфига ўтиб, у ўз мустақиллигини тиклаб олади.

Худди шу вақтдан бошлаб Наср ибн Аҳмад ўзини бутун Мовароуннаҳрнинг бошлиғи деб ҳисоблай бошлайди.

Гарчи укалари Шош вилоятининг ноиби Ёқуб ва Фарғона ҳокими Асадлар ўз номлари билан чақа пул зарб этиб, ўзбошимчалик қилсалар ҳам, аммо Наср ибн Аҳмад сомонийлар ҳукмронлиги тарихида биринчи бўлиб кумуш дирҳам зарб этади.

Кумуш тангалар чиқариш давлат мустақиллигининг рамзи ҳисобланиб, то шу вақтгача халифалик вилоятларида фақат тоҳирийларгина бундай дирҳамни зарб этиш ҳуқуқига эга эдилар.

Шундай бўлса ҳам, Бухоро ноиби Исмоил акаси Насрга итоат қилишни истамайди. Ўзига берилган вилоятни мумкин қадар иқтисодий жиҳатдан мустақил идора қилишга интилади. Насрнинг хазинасига юбориладиган ҳар йилгисолиқларни турли баҳоналар билан тўхтаб қўяди.

Шундай қилиб, ака-ука ўртасида адоват пайдо бўлади, натижада бу адоват 888 йилда жангга олиб келади.

Жангда Наср қўшинлари тор-мор келтирилади. Шу йилдан бошлаб Исмоил бутун Мовароуннаҳрни бирлаштириб, унинг ягона ҳукмдори бўлиб олади.

Исмоил Сомоний ўрта асрларнинг қобилиятли, серғайрат ва ниҳоятда зукко йирик давлат арбоби эди.

Исмоил 849 йили Фарғонада туғилган. 14 ёшида отаси Аҳмад вафот этиб, акаси наср қўлида қолади. Манбалар Исмоилнинг ақлли, адолатли, фикр ва тадбир гаси бўлганлигини қайд этади. Бутун Мовароуннаҳр ҳукмини 802 йилдан бошлаб ўз қўлига олишга эришган Исмоил ўзининг ҳақиқатан ҳам подшоҳликка лойиқ ва ҳақли эканини исботлайди.

Исмоил Сомоний давлатчилигимиз тарихидаги 1600 йилдан ортиқ тажриба ва анъаналарни уддабуронлик билан давом эттира билган давом эттира билган давлат арбоби ҳисобланади. У, энг аввало, мамлакатимиз сиёсий бирлигини таъминлаш ишига бел боғлаб, Фарғона, Исфижоб (Сайрам), Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чағониён, Хутталон, Кеш, Хуросон, Сейистон, Ғазна каби қатор вилоятларни ўз ҳукми остига бирлаштирди.

У тариха, Исмоил марказлашган давлатчилик асосларини қайтадан тиклашга муваффақ бўлди. Мустақилликни қайта тиклаган давлат учун қатъий тартиб доирасида фаолият кўрсатувчи идорачилик зарур эди.

Исмоил Самоний давлатида марказий бошқарув даргоҳ (сарой) ва девон (маҳкама) орқали амалга оширилган.

Сомонийлар саройида девонбошилар, мирзабошилар, мирохўрлар ва бошқа мансаблар мавжуд бўлган. Марказий бошқарма 10 та девондан иборат бўлган:

1. Бош вазир девони. Бутун ижроия ҳокимияти ҳамда қолган тўққиз девон устидан раҳбарлик ва назорат шу вазирлик томонидан амалга оширилган. Сомонийлар даврида ушбу лавозимга замонанинг атоқли хонадон намояндалари тайинланган.

2. Девони муставфий- давлат даромадлари ва харажатларини бошқариб турувчи олий молиявий амалдор (хазинадор).

3. Девони расоил ёки девони иншо ҳам катта нуфузга эга бўлиб, у баъзан девони умидулмулк деб ҳам аталган. Бу девон давлатнинг расмий, давлат аҳамиятига молик барча ҳужжатларни тайёрлаб берган.

4. Девонишурат – армияни бошқарган маҳкама. Бундан ташқари бу девон ҳарбий қисмлардаги тартиб – интизом, озиқ-овқат, умуман хўжалик таъминоти, маоши билан шуғулланиб келган.

5. Девонибарид- бу алоқа вазари, даргоҳ, ҳукумат, маҳаллий ҳокимият билан боғлиқ ҳабардорлик ишлари билан машғул бўлиб, пойтахтда қабул қилинган муҳим қарорлар, ҳужжатлар ва бошқа расмий кўрсатмаларни вилоятлар, шаҳарларга етказиш ҳамда жойлардаги шу қабилдаги маълумотларни марказга етказиб бериш каби тадбирлар билан банд бўлган.

6. Девони мушриф – сарой бошқарувчиси сифатида хазина маблағларининг қандай сарфланиши устидан назорат қилиб турган.

7. Девони мулк – ҳукмдор сулолага тегишли мол-мулк бошқаруви, назорати, ҳисоб-китоби билан шуғулланган.

8. Девони мухтасиб – савдогарларнинг тошу тарозисини, нарх-наво устидан назорат қилиш, шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва бозорларда тартибни сақлаш, диний маросимларни амалга оширишда чегарадан чиқмасликни таъминлаш.

9. Вақфлар девони, яъни турли йўллар билан диний муассаса (масжид ва мадрасалар) ихтиёрига ўтказилган мол-мулк, ер-сув ишлари билан шуғулланувчи вазирлик.

10. Қозилик ишлари девонига қозиларнинг фаолиятини назорат қилиш юклатилган.

Юқорида қайд этилган барча девонларнинг жойларда бўлимлари бўлган. Мамлакат вилоятлари маҳаллий ҳокимлар ва раислар томонидан бошқарилган. Ҳар бир шаҳарда раис-шаҳар бошлиғи ва мухтасиб –шариат ишлари, бозорлардаги тош тарози ва нархларни назорат қилувчи бўлган. Олий дин раҳномаси шайхулислом ҳисобланиб, у давлатда жуда катта мавқега эга бўлган.

52. X асрнинг ўрталарига келиб Еттисув ва Қошғар худудида яшовчи туркий тилли қорлуқ, чиғил ва яғмо уруғларининг ижтимоий –иқтисодий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Азалдан чорвачилик билан шуғулланиб келган бу қабилалар нафақат ўтроқ ҳаётга ўта бошладилар, балки улар бирлашиб янги сиёсий куч сифатида майдонга чиқдилар. Шу тариха қорахонийлар давлати

вужудга келди. Бу давлатга яғмо уруғидан чиққан, ўз қавми билан исломни қабул қилган Сотуқ Абдул-Карим Қорахон (Буғрохон) асос солган. «Қора» ибораси қадимги туркий тилларда «буюклик», «улуғлик» маъноларини англатган. Шу боис у буюк ҳукмдор сўзига тенгдир. Одатда, қорахонийлар ҳукмдорини «Тамғачхон», яъни хонлар хони деб аташган.

992 йилда қорахонийлар ҳукмдори Ҳасан Хорун Буғрохон барча туркий қавмлардан ташкил топган катта лашкар билан Мовароуннаҳр худудини босиб олабошлайди. Унга Шош, Фарғона ва бошқа ўлкаларнинг халқлари ҳам мадад кўрсатдилар. Шу йили қорахоний Буғрохон сомоний Нух ибн Мансур билан бўлган жангда ғолиб келиб Бухорони эгаллайди. Аммо бу ютуқ вақтинчалик бўлиб тез орада Буғрохон орқага қайтиб кетишга мажбур бўлади. Фақат 999 йилга келиб қорахонийлар иккинчи бор Бухорони забт этдилар ва бутун Мовароуннаҳр қорахонийлар тасаруфига ўтади. 1001 йилда ғазнавийлар ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий билан тузилган шартномага асосан, Амударёнинг шимолидаги барча худудлар қорахонийлар ихтиёрида қолади. Ана шу тариқа Сомонийлар давлати ўрнида 2 та турк давлати – Қорахонийлар ва Ғазнавийлар давлати ташкил топди.

Қорахонийлар давлатининг бошқарув шакли жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, талаб ва вазифаларидан келиб чиққан. Марказдаги бошқарув тизими икки идора: даргоҳ ва девонлардан иборат бўлган. Вилоят бошқаруви маъмуриятида сомонийлар давридагидек вазирлар, соҳиб баридлар, мустафийлар ва бошқа мансабдорлар фаолият кўрсатган

Ҳар қандай давлатчиликда бўлгани каби қорахонийлар даврида ҳам марказдаги (даргоҳдаги) бошқарув тизимига катта эътибор берилган. Бунда даргоҳ яъни олий ҳукмдор билан вилоятлар, фуқаролар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириб турувчи ҳожиблар фаолияти алоҳида ўрин тутган. Қорахонийлар даврида ҳожиблар олий ҳукмдор ҳамда вилоят ҳокимларининг давлат ва аҳоли ишлари бўйича энг яқин маслаҳатчилари ҳисобланганлар. Машҳур мутафаккир ва шоир Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғунийга қорахоний Тошғоч Қора Буғрохон хон эътиборини қозонгани учун хос ҳожиб унвонини берган. Бу тўғрида Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Кутадғу билиг» («Бахт-саодатга элтувчи билим») асарида ёзиб қолдирган Маҳмуд Қошғарий ҳам шундай унвонга мушарраф бўлган. Қорахонийлар ўртасидаги сулолавий курашлар оқибатида хонлик 1041 йилга келиб иккига: маркази Бухоро бўлган Ғарбий хонликка ва маркази Болосоғун бўлган Шарқий хонликка бўлиниб кетади. Ғарбий хонликка Мовароуннаҳр ва Фарғонанинг Ғарбий худудлари кирган. Шарқий хонлик таркибида Толос, Исфижоб, Шош, Фарғонанинг шарқий қисми, Етгисув ва Қошғар ерлари кирган.

Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бир қатор муҳим ўзгаришлар юз берди. Авваломбор, қорахонийлар ўлкани забт этишгач, бу ерда кўп асрлардан буён ҳукм суриб келган ерга эгалик қилишнинг муҳим шакли – деҳқон мулкчилигини тугатиб, бу мулкларни давлат тасарруфига оладилар. Бу мулклар Қорахонийларга тобе бўлган содиқ амалдорлар, ҳарбий лашкарбошилар, давлат хизматчилари, юқори руҳонийлар ва дин пешволарига мулк қилиб берилган.

Иккинчидан, қорахонийлар даврида ер-мулкка эгалик қилишнинг «иқтиоъ» ва иқтидорли муносабатлари ривожланди.

Учинчидан, Мовароуннахрнинг Қорахонийлар давлати таркибига киритилиши ерли аҳоли этник ҳолатига ҳам таъсир қилди. Хусусан, шарқий хонликдаги туркий қавмлар, уруғ-қабилаларнинг ғарбий ҳудудларга келиб, ўрнашиб, ўтроқлашуви ўзбек халқининг этник шаклланиши жараёнида катта аҳамиятга эга бўлди. Энг муҳими туркий тилнинг тарқалиш доираси кенгайди ва бу тилнинг адабий тил сифатидаги мавқеи ва мақоми оша борди.

53. X асрнинг иккинчи ярмига келиб Ғазна шаҳри Хуросоннинг сиёсий марказига айланади. Ғазнавийлар давлатининг асосчиси Собуқтегин бўлиб, бу давлат унинг ўғли Маҳмуд Ғазнавий даврида мусулмон оламининг энг кучли давлатига айланади. Ғоятда эпчил дипломат, моҳир сиёсат арбоби бўлган Маҳмуд қорахонийлар билан ўзаро келишувга асосан ўзининг шимолий, чегараларини аниқлаб, шимолий, шимолий-ғарбий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шимоли-шарқий Эрон ерларини ўз давлати таркибига киритади.

Султон Маҳмуд темир интизомли, яхши ҳарбий тайёргарлик кўрган кўп сонли кўшин тузиб, уни замонавий қурол-аслаҳа билан қуроллантиради, етарли маош билан таъминлаб, кўплаб ҳарбий юришларни амалга оширди. Фақат Ҳиндистонга 17 марта юриш қилиб сон-саноксиз бойликларни қўлга киритган. 1019 йилда Маҳмуд Кануаджа шаҳрини эгаллаб у ердан 20 млн. дирҳам, 57 минг қул ва 350 та филни ўлжа қилиб олиб келган. Шундан сўнг у Қорахонийлар билан тузилган шартномани бузиб, Амударё шимолидаги Чағаниён ва Хутталон вилоятларини эгаллайди. 1010 –1011 йилларда Маҳмуд катта кўшин билан Хуросоннинг Ғур вилоятини ҳам қўлга киритади. Маҳмуд Ғазнавийнинг навбатдаги нигоҳи жуғрофий жиҳатдан қулай нуқтада жойлашган, бой ҳудуд – Хоразмга қаратилади. У 1017 йилда Хоразм подшоси Маъмуннинг ўлиmidан фойдаланиб, хонлик билан Хоразмни ўзига бўйсундиради. Хоразмга ўзининг бош ҳожиби, асли келиб чиқиши турк бўлган, Олтинтошни хоразмшоҳ унвони билан ҳукмдор қилиб тайинлайди. Шу тариқа, Хоразм 1040 йилгача, яъни Ғазнавийлар давлати инқирозига қадар унинг тобелигида бўлди.

Маҳмуд Ғазнавий даврида шаҳарларда, айниқса, Ғазнада кўплаб олий иморатлар, масжиду мадрасалар, кўркм карвонсаройлар барпо этилган бўлса-да кўпчилик аҳолининг моддий-маиший аҳоли ночор кечган, турли хил солиқ ва мажбуриятлар одамларнинг тинкасини қуритган.

Султон Маҳмуд вафотидан сўнг, унинг ўғли Масъуд даврида Ғазнавий давлатида ички зиддиятлар кучайди. Унинг устига давлат эгаллаб турган ҳудудга салжуқий турклари тез-тез ҳужум қилиб турдилар. Шундай ҳужумлардан бири Ғазнавийлар давлатининг инқирозга юз тутушига олиб келди. 1040 йилда Марв билан Саракс оралиғида Данданакон ёнида бўлган жангда ғазнавийлар кўшини қақшатғич зарбага учради. Ва шу билан ғазнавийлар давлати ўз мустақиллигини бутунлай йўқотди.

IX аср охири X асрнинг ўрталарига келиб Оролбўйи ва Каспийбўйи ҳудудларида яшаган ўғуз қабилаларининг иттифоқи негизида Салжуқийлар давлати ташкил топди.

Ўғузларнинг катта қисми маълум сабабларга кўра ҳозирги Туркменистон ерларига ўтиб, исломни қабул қилган ва ўша ердаги маҳаллий аҳоли билан сингишиб кетган қисми туркманлар номини олган.

Салжуқий давлатига ўғузларнинг ёбғуси (етакчиси) Салжуқбек асос солган. Унинг авлодлари Тўғрулбек, Довудбек, Чағрибек ва Шакарбеклар даврида Салжуқийлар шуҳрати янада юксакликка кўтарилди.

Салжуқийлар давлати Султон Санжар (1118-1157) даврида ўз ҳудудларини кенгайтди. XI асрнинг 20-30 йилларига келиб Салжуқий уруғ-қабилалари ҳозирги турмен ерлари орқали Ғазнавийлар тасарруфидаги Хуросон ўлкасига кириб борди. 1038 йилда Сарахсада, 1040 йилда Данданоконда бўлиб ўтган ҳал этувчи жангларда Салжуқийлар Ғазнавийларни енгиб, бутун Хуросон ерларини эгаллайди, Нишопур шаҳри Салжуқийларнинг пойтахтига айлантдирилади.

XII асрнинг бошларида Қорахонийлар ҳукмдори бўлган ҳатто Арслонхон ҳам Султон Санжар билан ҳисоблашишга мажбур бўлган. 1130 йилга келиб Султон Санжар қорахонийлар пойтахти Самарқандни эгаллагач, амалда бутун Мовароуннаҳрга ҳукмрон бўлади. Аммо 1141 йилда Катвон чўлида қорахонийлар билан бўлган катта жангда салжуқийлар қақшатғич зарбага учради, бу билан уларнинг ҳукмронлиги ҳам инқирозга юз тутди. Султон Санжар вафотидан кейин эса буюк Салжуқийлар давлатининг Мовароуннаҳрдаги таъсири амалда барҳам топади.

54. Салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳ даврида Хоразм мулкини бошқариш ҳуқуқини турк ўғлони Ануштакин қўлга киритади. Унинг авлодлари Муҳаммад Қутбиддин, Жалолиддин Отсизлар даврида Хоразмнинг сиёсий мустақиллиги янада кенгайди. Ва ижтимоий-иқтисодий қудрати ўси.

Хоразмнинг мустақил давлат сифатидаги ўрни ва мавқеи Қутбиддин Муҳаммаднинг ўғли Отсиз (1127-1156) ҳамда ануштакинларнинг кейинги авлодлари Эл Арслон (1156-1172), Такаш (1172-1200) ва Аловуддин Муҳаммад (1200-1220) давларида янги поғонага кўтарилди. Кейинги ҳукмдорлар Такаш ва Муҳаммад Хоразмшоҳлар даврига келиб Хоразм давлати ўрта асрлар давридаги энг қудратли салтанатга айланди. Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида ўзига хос марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви тизими вужудга келтирилиб, такомиллаштирилди. Ануштакинларнинг давлат бошқарувида икки тизим мавжуд бўлган: даргоҳ ва девонлар мажмуи.

Даргоҳда улуғ ҳожиб мансаби алоҳида ўринни эгаллаган. У махсус девон-девони хосни бошқарган, ҳукмдор сулолага тегишли ер-сув, мол-мулк устидан лозим бўлган ҳолларда вазирлар фаолиятини ҳам назорат қилган. Иншо ёки туғро девони расмий ҳужжатлар, ёзишмаларни тузиш билан шуғулланган. Молия ишлари билан истифо девони, давлат назорати тадбирлари билан ишроф девони, ҳарбий масалалар, хусусан, қўшинни қурол-аслаҳа билан таъминлаш, қўшин қисмлари шахсий таркибини назорат қилиш, ҳарбий кўриклар ўтказиш кабилар билан девони арз шуғулланган.

Хоразмшоҳлар давлат бошқаруви тизимида даргоҳда ҳожиб мансабидан ташқари яна бир қатор олий тоифадаги лавозимлар фаолият кўрсатишган. Шундайлардан бири соҳиби устоздор ҳисобланган. Хазина маблағларининг барчаси унинг ихтиёрида бўлган. Давлатдаги таштдор лавозими ҳам муҳим саналиб, у султоннинг энг сирдош кишиси ҳисобланган. Таштдор ҳукмдорнинг маҳфий сирларидан огоҳ бўлиб, доимо у билан баҳамжиҳат фаолият кўрсатган. Олий лавозимлардан яна бири – қиссадор бўлиб, у Султон номига келган арз, имкониятларни йиғиб, ўрганиб, уларни ҳукмдор номига ҳавола қилиб турган.

Хоразмшоҳлар даврида ҳарбий соҳага алоҳида эътибор берилган. Бир неча юз минглик қўйидан ташқари олий ҳукмдорнинг махсус шахсий гвардияси

(харос) бўлган. Хусусан Султон Муҳаммаднинг шахсий гвардияси 10 минг нафар кишидан ташкил топган. Ҳарбий қисмларда ҳарбий назоратчи, синоҳсадор, соҳиби жайш (вилоят кўшини бошлиғи), амир ул-умаро, малик (10 минг кўшин бошлиғи), човуш (чопар), аскар қозиси каби мансаблар мавжуд бўлган.

Хоразмнинг мустақил давлат сифатидаги равнақи, ҳудудларининг бениҳоя кенгайиб боришида Аловуддин Такашнинг ўрни ва роли катта бўлган бўлса, Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида ҳам мамлакат ҳудудлари кенгайишида давом этди. Бу вақтга келиб Эрон, Озарбайжон, Хуросондаги Ҳиндистонгача бўлган ерлар Хоразмшоҳларга бўйсунтирилган эди. Унинг таркибига 400 дан зиёд шаҳарлар кирарди. Оролдан Ҳинд океанигача, Шарқий Туркистондан Ироққача бўлган ҳудуддаги халқаро тақдири Хоразмда ҳал этиларди.

Бу ҳолат Муҳаммад Хоразмшоҳ, ўзига ортиқча бино кўйиб, ўзини «Искандари Соний», «Оллоҳнинг ердаги сояси» деб улуғлашига олиб келади. Хоразмшоҳ ўзини қанчалик кўкларга кўтармасин, мамлакатда ички зиддиятлар тобора кучайиб, таназзулик ҳолати содир бўлмоқда эди. Олий ҳокимият ичидаги кучли муҳолифат, хусусан Хоразмшоҳ билан унинг онаси Туркун Хотун тарафдорлари ўртасидаги очик-ошкор тарздаги сиёсий кураш ҳам Хоразм давлатининг беқарорлик ҳолатига олиб келди. Хоразмшоҳлар давлатида кечаётган бу хилдаги чуқур таназзулик жараёнидан тўла хабардор бўлган Шарқдаги бошқа қудратли мўғул давлати ҳукмдори Чингизхон эса катта ҳарбий тайёргарлик кўриб, тез орада Мовароуннаҳр сарҳадлари томон истилочилик урушини бошлашга чоғланаётган эди.

Таянч тушунчалар:

Давлат, давлатчилик; Халифалик, Тохирийлар давлати. Саффорийлар ҳокимияти;

Сомонийлар давлати; Давлатни бошқариш тизими; девон, даргоҳ;

Қорахонийлар ҳукмронлиги, илоқхонлар; Давлатни бошқарув тизимида удел тизими;

Ғазнавийлар давлати;

Салжуқийлар ҳукмронлиги;

Хоразмшоҳлар давлати, давлатни бошқарув тизими; даргоҳ, девон;

Текширув саволлари:

1. Араб халифалиги ҳукмронлигининг Мовароуннаҳрда пасайишига қандай омиллар сабаб бўлди?
2. IX асрда шаклланган дастлабки мустақил давлатлар ҳақида нималарни биласиз?
3. Сомонийлар сулоласи томонидан Мовароуннаҳр ҳудудлари қайси даврга келиб мустақил давлат сифатида таркиб топди?
4. Исмоил Сомоний томонидан ташкил эттирилган марказлашган давлатнинг бошқарув тизимини изоҳлаб беринг.
5. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида иқтоъ тизими кимлар манфаатини кўзлаб амалга оширилган?

6. Қорахонийлар давлати бошқаруви тизимига хос жиҳатлар ва хусусиятларни таҳлил этиб беринг.
7. Нима сабабдан ғазнавийлар сулоласи тез юксалиб ва тез инқирозга учради?
8. Салжукийлар сулоласи қачон, қай тариқа ва қайси хуудлар бўйлаб вужудга келган?
9. Хоразмшоҳлар давлати бошқарув тизимини изоҳлаб беринг.
10. Хоразмшоҳлар давлатидаги ички зиддиятлар қандай оқибатларга олиб келди?

Адабиётлар:

1,4,7,9,21,24,31,32,33

6-майруза: Муғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш Жалолиддин Мангуберди.

Режа:

1. Чингизхон бошчилигида мўғулларнинг Мовароуннахрга босқинчилиги. Босқинчиларга қарши озодлик кураши.
2. Мовароуннахрда мўғиллар томонидан жорий этилган бошқарув тартиби ва унинг заифлашуви.
3. XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

6/1. XII асрда мўғуллар ижтимоий-иқтисодий ва маданий жихатидан Марказий Осиёда энг қалоқ аҳоли ҳисобланар эди. Уларда ҳали уруғ-аймоғчилик муносабатлари ниҳоятда кучли бўлиб, улар асосан кўчманчи чорвачилик, овчилик ва ўзаро айрибошлаш савдоси билан шуғилланишган.

Бу даврга келиб Мўнғул уруғ ва қабилалари орасида феодал муносабатлари пайдо бўла бошлайди, улар ўртасида синфий кураш авж олади. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида мўнғул уруғ задогонлари орасидаги ички курашларида Темучен исми баходир ғолиб чиқди.

Темучен 1204-1205 йилларда Мўнғулистоннинг кўчманчи чорвадор уруғларини ўз қўл остида бирлаштириб, марказлашган ҳарбий деспатик Мўнғул давлатини ташкил этади. Ўзаро уруғлараро курашларда, турк хонлари билан бўлган урушларда ғолибона ҳаракати учун 1206 йилда Онан дарёси бўйида чақирилган мўнғул задогонлари қурултойида Темучинга «Чингиз» лақаби берилди ва шундан бошлаб у Чингизхон деб аталади. «Чингиз» исми-беғубор, тоза, мусаффо, бақувват, қувватли каби маъноларни билдиради.

Ўз давлатини кўчайтириб, унинг барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Чингизхон мўнғуллардан кўп сонли яхши қурулланган, интизомли ва уюшган қушин тузади.

Форс муаррихи (XIII аср) Жувайний мўнғил қўшиннинг тузилишини ёзиб қолдирган: Жангу-жадаллардан бўш пайтида бутун аҳоли чорвачилик билан

шуғулланар, ҳарбий ҳолатларда эса ўнлик санок тизми буйича ўнлик, юзлик, минглик ва туман (ўн минглик) лардан ташкил топган мунтазам қушинга бирлашар эди. Ёзилмаган қонунга мувофиқ ҳар бир жангчи ўзи учун керак бўлган жаъмики нарсани: қуроллар-камонлар, камон ўқлар, қамич ва қалқон, садок, найза; турли анжомлар-арқон, қозон, меш, игна, болта; миниладиган ва юк ортиладиган улов-от, туя, эшаклар каби транспорт воситаларини олдиндан тайёрлаб қўйишга мажбур бўлган.

Қўшинга юз боши, минг боши ва туман боши деб аталган саркардалар раҳбарлик қилишган. Улар мўнғул ҳарбий аслзодаларнинг вакиллари боҳодирлар, мерганлар, сечинлар ва нуёнлар эди. Туман бошилар одатда шахзодалардан бўлган.

Мўнғул қўшини нафақат ўзининг интизомлиги билан, балки ҳарбий юришларда ўта чаққонлиги ва жангларда ботирлиги билан ҳам ажралиб турар эди.

1206 йилда мўнғул давлатининг пойтахти Қорақуримда бўлиб ўтган умум мўғул қурилтойида қабул қилинган «Ясо» хужжати (мўғиллар давлатининг асосий қонунлари мажмуаси) Чингизхон ҳокимиятини янада мустахкамлади. «Ясо» мўғмул жамиятидаги мулкый тенгсизликни ёрқин ифодаси бўлиб, янги пайдо бўлган ҳукумрон табақ-тархонларга катта имтиёзлар берарди.

Чингизхон ихтиёрида, асосий қўшиндан ташқари, «кешик» деб аталган шахсий қўшин-гвардия ҳам бор эди. Бу гвардия ҳарбий задгонлардан иборат бўлиб, жанга кам сафарбар этиларди. У фақат фавқулотда содир бўладиган хатарга қарши ташлаш учун доимо жанговор ҳолатда тутиб турилар эди.

Чингизхон давлат маъмуриятини марказлаштириш мақсадида Қорақурим қаъласини ўз давлатининг пойтахтига айлантирди. Хат ва саводга мутлоқо эга бўлмаган, маданияти ниҳоятда паст даражада бўлган мўғуллар давлат бошқарув тизмини айниқса хат-савод ва муншийлик ишини уйғурлардан ҳамда Мўнғилистон билан алоқада бўлган мусилмон савдогарлардан ўрганди.

Чингизхоннинг маслахатчилари, мирзолари ва баъзи бир мулк маъмуриятлари асосан уйғурлардан бўлган. Масалан Шарқий уйғурлар хони Эдиқут (Саодатбек) мўғул хонининг яқин дўсти ва маслахатчиси бўлган.

Тошатун исимли уйғур эса давлат мулкдори лавозими ҳамда шахзодаларни хат-саводга ўргатувчи устоз вазифасини бажарган. Шундай қилиб мўнғулларнинг дастлабки муаллимлари ва маъмурлари уйғурлар бўлган.

Чингизхон тарқоқ жангари Мўнғул уруғларни бирлаштириб, Марказий Осиёда Мўнғуллар давлатини тузиш билан қаноатланмайди. Биринчи галда у тажовузлик сиёсатини юргизиб, қўшни мамлакатларни босиб олишга киришади. 1206 йилда наймонларни бўйсундиради. 1207-1208 йилларда Чингизхон Енисей ҳавзаси, сўнгра Еттисув вилоятининг шимолий қисмини забт этди, уйғурларни таслим эттирди. 1211-1214 йилларда мўнғул қўшинлари бир неча бор Хитойга хужим қилди. Хитой деворидан ўтгач Чингизхон қўшинлари Цинь қўшнига дуч келиб, уни тор-мор қилди. Бир неча шаҳарни босиб, аммо пекинга бормади, 1214 йилда улкан ўлжа билан орқага қайтди. 1215 йилда Чингизхон иккинчи марта Хитойга юриш бошлади. Бу сафар у Шимолий Хитой ва унинг маркази Чжунду (Пекин) шаҳрини ишғол қилиб, Цинь сулоласини ағдариб ташлади. Шимолий Хитой ерлари Мўнғуллар давлатига қўшиб олинди. Хитой устидан қозонилган ғалаба туфайли мўнғиллар турли хилдаги жуда катта ўлжани қўлга киритдилар, ўлжанинг бир қисмини мўнғуллар учун ҳарбий жиҳатдан айниқса

катта аҳамиятга эга эди. Чунки Хитой ўзининг қадимги юксак маданий анъаналаригагина эмас, балки замонасининг илғор ҳарбий техника санътига эга бўлган мамлакат эди.

Хитойдан Чингизхон фақат кўп миқдорда олтин, кумуш буюмлар, шойи ва атлас мотолар ҳамда чўриларгина эмас, балки турли хил қурол-яроғлар, ҳарбий техника мосламалари (манжаниқ, палахмон, нафтандоз ва ш.к) билан бир қаторда бундай жиҳоз ва аслаҳаларни ясайдиган ва уларни ишлата биладиган моҳир ҳунармандларни ҳам мўнғилистонга олиб кетади. Шу туфайли у ўз қўшинини замонасининг энг яхши ҳарбий қурол - аслаҳалари билан таъминлайди.

Хитой ғалабасидан сўнг Чингизхон ўз нигоҳини ғарбга, ўзининг маданияти, бойлиги, буюклиги билан шуҳрат қозонган мамлакат-Хоразмшоҳлар давлатига қаратади. Бу аснода Мўнғуллар давлати билан Хоразмшоҳлар салтанати ўртасида Хўтон, Ёркент, Қашғар, Еттисув ва Фарғона вилоятларидан ташкил топган Кучлук давлати Чингизхон учун хавfli куч ҳисобланмас эди. Ҳақиқатдан ҳам Чингизхон 1218-1219 йилларда Шарқий Туркистон ва Еттисув вилоятларини деярли талофатсиз қўлга киритиб, Хоразмшоҳнинг иттифокдоши Кучлук давлатига хотима берди.

Шундай қилиб, XIII асрнинг 20-йиллари бошида Губи саҳросининг шарқий чегарасидан то Тяншан тизмасининг ғарбий этакларигача бўлган вилоятлар Мўнғуллар давлати ҳукмронлиги остида бирлаштирилган эди. Мўнғуллар давлатининг ғарбий ҳудудлари шафқат ва қудрат бобида Чингизхонга тенг рақиб, кейинчалик унинг лаёқатли душманига айланган. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ салтанатининг чегарасига бевосита тутшиб кетган эди.

Чингизхоннинг Ўрта Осиёга ҳужуми катта тайёрганлик билан бошланди. Мўғулларнинг Мовароуннаҳрга биринчи ҳўжуми 1219 йилда Хоразмшоҳлар давлатининг Шарқий чегарасидаги қаъласи Ўттор шаҳрига қаратилди. Чингизхон ва унинг лашкарларининг ўтторликлардан алоҳида учи борлиги аввалдан маълум эди. Чунки, 1218 йилда Чингизхон Султон Муҳаммадга юборган савдо қарвони шу ердан таланган ва 450 кишидан иборат савдогарлар қириб ташланган эди.

Ватанимиз тупроғига бостириб кирган босқинчилар шаҳар ва қишлоқларни талон-тарож қилдилар, бойликларини талаб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликларни содир этдилар. Ўттор, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Гурганч каби гуллаб-яшнаган шаҳарлар харобазорга айлантирилади. Шу тариқа 1219-1221 йиллар оралиғида Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудлари мўғуллар асоратига тушиб қолди.

Мовароуннаҳрнинг асосий шаҳарларини босиб олган мўғуллар 1221 йилда ўз босқинчилик юришларини давом эттириб, бирин кетин Балх, Термиз, Марв, Нишопур, Хирот, Мозандарон сингари бой шаҳар ва қалъаларни босиб олдилар. Бироқ, мўғул босқинчилари Мовароуннаҳр ва Хуросонни осонликча қўлга киритмадилар. Улар маҳаллий аҳолининг кўрқув билмас, ботир фарзанларнинг мардлик жасоратига дуч келдилар, катта талофатлар бердилар. Хоразмшоҳнинг тўнғич ўғли, жасур лашкарбоши Жалолоддин Мангуберди мўғул босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда ҳақиқий ўз юртининг жасур фарзанди эканлигини кўрсатди.

Муаррихлар ўз асарларида Жалолиддин Мангубердини ҳамиша мард ва жасур саркарда сифатида таърифлашган эди. Жалолиддини шахсан билан мусулмон тарихчиси ан-Насафий унга шундай таърифлашган эди:

«у турк бўлиб, қора мағизюзли, бурни олдида қора холи бор ўрта бўйли йигит эди. Форс тилида ҳамбемалол сўзлаша олар эди. У довюракликда тенги йўқ, шеърлар ичида арслон, отлиқлар ичида энг жасури эди...» (Ўзбекистон тархи (Дарслик). –Т., 2003, 251-бет). Жалолиддин Мангуберди маҳаллий аҳолининг мўғул босқинчиларига қарши озодлик курашига бошчилик қилар экан, бир неча бор мўғул лашкарлари билан жанг қилиб, уларга қирон келтирди.

Шундай ҳаёт-мамот жанглардан бири 1221 йил февралда Ҳиндистондаги Сино дарёси соҳилида бўлиб ўтган эди. Бу жангда Жалолиддин ўзининг кам сонли қўшини билан шундай жасорат ва мардлик намунасини кўрсатадики, ҳатто унинг қаҳрамонлигидан ҳайратда қолган Чингизхон ўз ўғилларига қараб: «Отадан дунёда ҳали бундай ўғил тўғилмаган. У саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарё эса маҳанг каби ботир,» деб хитоб қилди.

1999 йилда ватанимизда Жалолиддин Мангуберди тўғилганининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Унинг ватани Хоразмда унга муҳобатли ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкалнинг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган Президентимиз И.Каримов: «Ғаним олдида боши эгилмаган, тиз чўкмаган, Ватан дия ҳалок бўлган,» деб миллий қаҳраонимизга халқимизнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини билдиради.

Мўғул босқинчиларига қарши ўз халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган курашда Урганчлик шайх Нажмиддин Кубро, Хўжанд ҳокими Темур Малик ва шу қабилар ҳақиқий қаҳрамонлик намунасини кўрсатадилар.

Мўғуллар истилоси натижасида Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон ҳудудларига мисли кўрилмаган моддий ва маънавий зарар етказилди. Кечагина гуллаб-яшнаб турган водийлар, ям-яшил, обод шаҳар-қишлоқлар, маҳаллий халқ ҳаётининг асосий қон томири бўлган сув иншотлари, тўғонлар вайрон қилинди, экин майдонлари сувсизликдан қовжираб қолди. Халқнинг кўп асирлик маънавий бисоти, ноёб асари-атиқалари, қадирятлари оёқ ости қилинди.

Чингизхон тириклиги пайтидаёқ босиб олинган ерларни ўғилларига бўлиб берган эди. Хусусан, Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжиганга Жанубий Сибирь, Дашти қипчоқ, Итил (Волга) бўйи, Хоразим ва Дарбандгача бўлган ўлка топширилган эди. Жўжи вафотидан кейин бу ҳудуднинг бири ўнинг набираси Боту қўлига ўтди. Иккинчи ўғли Чиғатой Шарқий Туркистон, Еттисув ва Моврауннаҳрга эга эди.

Чингизхон ўзи туғилиб ўсган Мўғилистонни ва Хитойни учинчи ўғли ва вориси. Ўқтойга берди. Кенжа ўғли Тулига Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон тегди. Шундай қилиб, мўғиллар босиб олинган вилоятларни усулларга тақсимлаб, мулк асосида бошқаришга киришдилар.

Аммо мўғуллар катта ва маданият тамонидан улардан анча устун бўлган вилоятларни идора қилишда мутлоқо тажрибага эга эмас эдилар. Бўнинг устига бундай вилоятларни бошқара оладиган ўзларининг маъмурлари ҳам йўқ эди. Чингизхон ва хонзодалар, мўғул ҳарбий задагонлари истило қилинган мамлакатлардан асосан ўлпон ундириб муттасил даромад оли туришга қизиқар эдилар. Шунинг учун ҳам сертармоқ ва бой хўжаликка эга бўлган.

Мовароуннаҳр вилоятларини, хунармандчилик шаҳарларини бошқаришда давлатни идора қилиш анъаналарига эга бўлмаган мўғул хоқонлари, шу жумладан Чигатойнинг ўзи ҳам ўзларига буйсундирилаган маданийроқ халқларининг задагон табақа вакиллари хизматидан фойдаландилар.

Мовароуннаҳрни бевосита идора этиш ишлари Чингизхон хузурида хизмат қилган хоразмлик бой савдогар судхур Махмуд Ялавочка берилди. Махмуд Ялавоч Чигатойнинг ноибни ҳисобланиб, Мовароуннаҳрда катта ҳуқуққа эга эди. Унинг ихтиёрида солиқ йиғувчи босқоқлар бошчилигидаги мўғул ҳарбий гуруҳлари бўлиб, аҳолида солиқ йиғишни қаттиқ назорат остига олган эди.

Мўғулларнинг Мовароуннаҳр ҳудудини боси олиб, шиб-шидон этиб, талон-тарож қилиши, сунгра маҳаллий аҳолидан ҳаддан ташқари солиқ, улпон ва туловлар пули билан зулим асоратига дучор этиши табики маҳаллий аҳолининг кўтарилишига, азодлиги, мустақиллигининг кураши авж олишига сабаб бўлди. 1238 йил Бухоро яқинидаги Тороб қишлоғида бошланган ғалвасир ясовчи, оддий хунарманд Махмуд Таробий бошчилигидаги кузғалон мана шундай кузғалонлардан эди. Унинг атрофига минг-минглаб аламзада меҳнат кишилари бирлашади. Бухоро атрофидаги қишлоқлар аҳолиси билан кўпайиб борган кузғалончилар Бухорога келиб, мўғул амалдорларини, шунингдек маҳаллий задогонлар, садирларни енгиб, шаҳарни эгаллайдилар. Бухоро садрлари, Махмуд Таробий ҳокимияти тан олиб, уни ҳалифа деб эълон қилишга мажбур бўлдилар.

Аммо кўзғалоннинг боришида кўтилмаган ўзгаришлар рўй берди ва у муваффақиятчиликка учради. Кўзғалоннинг ташкилотчиси ва йўлбошчиси Махмуд Таробий мўғул кучлари билан Кармана остонасидаги жангда ҳалок бўлди. Кўзғалоннинг яна бир маҳир раҳбари, Таробийнингдўсти Шамсиддин Махбубий ҳам ўлдирилди. Бошлиқсиз қолган кўзғалон орадан бир неча кун ўтгач бостирилди. Бу кўзғалоннинг ўзига хос хусусияти ва аҳамиятли томони шуки, у нафақат босқинчилар ва уларнинг зулмига қарши, балки босқинчиларга таянч бўлган маҳаллий рўҳонийлар, савдогорлар, ер эгаларига ҳам қарши қаратилган эди. Бу кўзғалон босқинчилар ва улар билан бирлашиб кетган маҳаллий задогонларга қарши халқ озодлик кураши тарихини бойитди. Энг муҳими, мўғул ва маҳаллий ҳукмрон доиралар қаршисида жиддий халқ кучи ва унинг орасидан етишиб чиққан Махмуд Таробий ва Шамсиддин Махтубий сингари халқ қаҳрамонларининг борлигини кўрсатди. Айни чоғда Таробий кўзғалони мўғул ҳукмдорлари учун маҳаллий халқ билан муносабатларини қайта кўриб чиқиш, бошқача сиёсий ва тактик йўллари кўлланиш учун ҳам муҳим сабоқ берди. Маҳаллий халқ орасида анча обрўйсизланиб қолган Махмуд Ялавачнинг мўғул ҳукмдорлари томонидан Мовароуннаҳрдан олиниб, Пекингга ҳоким қилиб юбориши, унинг ўрни катта ўғли Маъсудбекка берилиши ҳам кўзғалоннинг муҳим сабоқларидандир. Маъсудбек ҳам Мовароуннаҳрда отаси бошлаган сиёсатни давом эттириб, улус даромадини ҳақон хазинасига аввалдан тўлаб, аҳолидан «барот» асосида солиқни кўпайтириб йиғиб оларди.

Мўғулларнинг Мовароуннаҳрга тайинланган янги ноиб Маъсудбек отасидан кескин фарқи ўлароқ ғоятда устакорлик, эҳтиёткорлик билан иш юритиб, сиёсий ва дипломатик соҳаларида эпчиллик билан сиёсат олиб борди. Хусусан, Маъсудбек бир томонидан, ҳукмрон мўғул хонлари, аслзодалари билан умумий тил топишга ҳаракат қилиб, уларнинг манфаатлари, қизиқишларига мос келадиган сиёсат юргизган бўлса, иккинчи томонидан эса, Мовароуннаҳр

худудларини иқтисодий юсалиши, савдо-сотиқни жонланиши, сиёсий барқарорликни таъминлаш бобида саъй-ҳаракатлар қилди.

6/3. XIII аср ўрталарида Мўғуллар давлатининг умумсиёсий аҳволи оғирлашди. Бу даврда мўғуллар истилоси бутун Шарқий Европага тарқалди. 1222-1241 йилларда Россия забт этилди, Олтин Ўрда давлати вужудга келди. 1256 йилда Эрон босиб олинди, Хулагулар давлати ташкил топди. Аммо сиёсий вазият шундан далолат берадики, мўғуллар бу даврда Осиё ва Европанинг катта қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатган бўлсаларда, улар ягона давлатга эга эмас эди. Бу даврда улуг ҳоконнинг ҳокимлиги деярлиномигагина бўлиб, Эронда Хулагу, Мовароуннаҳрда Олғу, Олтин Ўрдада Беркалларнинг давлатлари мустақил ҳуким суради. Ҳар бир усулнинг хони ўзини мутлақ ҳис этиб, пайт пойлаб, ўз ҳоконзодалариулусларига ҳужум қилар ва талаб қайтар эди.

Эрон ҳокими Хулагуханнинг қўшни 1272 йилда Мовароуннаҳрга бостириб киради ва Кеш, Нахшаб шаҳарларини талайди. Бир йилдан сўнг хулагулар Бухорога бостириб кириб, шаҳарда қирғин қилиб, уни талон-тарож қиладилар. Босқинчиларнинг тўс-тўполони пайитида шаҳардаги «Масъудия мадрасаси» ва катта кутубхона ёниб кетди. Мовароуннаҳрда ҳокимлик қилаётган мўғул хони Олғунинг Бухорога ёрдамга келган ўн минг Чигатой мўғуллари, кўмак ўрнига, толончилик Бухоро ва унинг атрофи вайронага айлаиб, хувиллаб қолди.

Мовароуннаҳрнинг ички ҳаётини яхшилаш мақсадида мўғулларнинг бу ердаги ноиб 1271 йилда пул ислоҳатини ўтказди. Бу тадбир Мовароуннаҳр ички ҳаётини яхшилашда бирмунча аҳамиятга эга бўлди. Самарқанд, Бухоро, Термиз, Ўтрор Нахшаб каби шаҳарларда бир хил вазн ва юқори қийматли соф кумуш тангаларининг зарб этилиб, бутун мамлакат бўйлаб муомаларда чиқарилди.

XIII асрнинг иккинчи яримида бошлаб кМовароуннаҳрдаб туркий қавмлар Мовароуннаҳрга келиб ўрнаша бошлади. Хусусан, барлослар Қашқадарёда, жалбирлар Оҳангарон водийсида, арлотларда Афғонистон шимолда, қавчинлар Тожикистон жанубида жойлашиб, маҳаллийлашди. XIV асрнинг бошида Чигатой улусда мўғул хонлари бошқарув соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу ўзгаришлар, аввалом бор, Чигатой хонларидан Дувохон, унинг ўғиллари Ксбекхон, Тармаширин, номлари билан боғлиқ.

XIV аср биринчи ярмига келиб Чигатой улусда мўғулларнинг ўтроқликка ўтиш жараёни кўчайди. Мовароуннаҳрдек маданий ўлка билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга ва ўтроқ ҳаёт кечирришга интилган Чигатой хонларидан бири Кебекхон эди. У ҳокимиятни бевосита ўз қўлида олиб, Қашқадарё воҳасида қадимги Насаф шаҳри ёнида ўзига сарой қурдиради. Сарой мўғултилида «Қарши » номи билан юритдиб, Кебекхон мамлақати пойтахтини шу ерга кўчради ва у шу саройда туриб мамлақатни идора қилади. Кийинчалик бу сарой атрофида янги шаҳар қад кўтаради ва у ҳам «Қарши» деб атала бошлади. Бора-бора Қарши гавжумлашиб, қадимги Насаф шаҳри хароб бўлди.

Кебекхон давлатни идора этиш, тузлиши ва унинг иқтисодий ҳаётини тартибга солиш мақсадида маъмурий ва пул соҳасида ислоҳат зади. Маъмурий ислоҳатга кўра, Мовароуннаҳр худудлари вилоятларга бўлиниб, улар мўғулга «туман» деб юритилган. Кебекхоннинг муҳим хизматлардан яна бир-бу унинг пул соҳасидаги ислоҳати эди. Бу ислоҳат ташқи ва ички савдонинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиб беришга хизмат қилди.

XIII асрнинг иккинчи ярми-XIV аср бошларида Мовароуннахр хўжалик ҳаёти жонланиши билан, мўғуллар истилоси ва босқини даврида кучли зарбага учраган фан, адабиёт, маърифат ва маданиятнинг айрим тармоқлари тиклана бошлади. Форс-тожик пафзиясининг номояндаларидан Жалолиддин Румий, Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Амин Хусров Дехлавий, Носириддин Рабғузий, Паҳловон Маҳмуд, Сайфи Саройи каби халқ орасидан чиққан мунтоз ижодкорлар кўплаб асарлар яратдилар.

Бу даврда Бухорода Баёқулихон, Сайфиддин Бухоразмий мақбаралари, Самарқандда машҳур Шохизинда меъморий ансамбли, куҳна Урганчда Нажмиддин Кубро, Турабекхоним Муҳаммад Башар мақбаралари, Хўжандда Тубахон мақбараси каби обидалар бунёд этилдики, улар XIV асрнинг нодир меъморий ёдгорликлари сирасига киради. XIII-XIV асрлар давомида Мовароуннахр ҳудуди мўғуллар томонидан не чоғлик вайрон қилинмасин, унинг кўҳна маданияти, илм-фани, адабиёти ўз ривожланишини давом эттирди.

Таянч тушинчалари:

Муаррих, туман, камон, қалқон, юзбоши, мингбоши, кешик, манжаник, палахмон, чавондоз;

Жалолиддин Мангуберди, ботир, маҳанг, Темур Малик, ўлпон, судхўр, задогон, улус

Текширув саволлари

1. Чингизхон шахси тўғрисида гаприб беринг?
2. Мўғулларнинг босқачон бошланади?
3. Мўғуллар босқини арафасида Хоразимшоҳлар давлатининг сиёсий аҳволи қандай эди?
4. Мовароуннахр аҳолисининг мўғул босқинчиларига қарши олиб борган озодлик кўраши ҳақида гаприб беринг?
5. Жалолиддин Мангубердининг мардлиги ва қаҳрамонлиги ҳақида наималарни биласиз?
6. Чиғатой улусига. Мовароуннахрнинг қайси ҳудуди киради?
7. XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқининг маданий ҳаёти тўғрисида наималарни биласиз?

Адабиётлар:

1,18,30,31,32,33,38,39,40,41.

**7-майруза: Амир Темур ва темурийлар
даврида ўзбек давлатчилиги. Бу даврда
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.**

Режа:

1. Амир Темур томонидан марказлашган давлатнинг барпо этиши. Давлатни бошқариш тизми.
2. Амир Темурнинг жаҳонгирлик юришлари ва ташқи сиёсати.
3. Амир Темур ва темурийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.
4. Темурийлар сулоласи ҳокимиятнинг инқирозга учраши, унинг сабаблари.

7/1. XIV асрнинг ўрталарига келиб Моварауннаҳрда сиёсий тарқоқлик ниҳоятда кўчайди ва синфий кўраш янада кескинлашди. Мамлакатда ягона уюшган давлат йўқлиги, натижада сиёсий натижадан майдаланиб кетгани ўрта аср муаррихларидан бири Ғиёсиддин Хондамир ўзининг «Ҳабиб ус-сияр» номли асарида яхши тасвирлаб берган. Хондамирнинг ёзишича, улус ўнга яқин мустақил бекликларга бўлиниб кетади. Хусусан, Самарқанд вилоятида Амир Баён Сулдуз, Кешда Амир Хожи Барлос, Хўжандда Амир Боязид Жалоир, Балхда Ужайду Сулдуз, Шибирғонда Муҳаммад Хожа Яздий, Кўхистонда Амир Сотилмиш, Хутталонда Кайхусрав, Ҳисори Шодмон чегарасида Амир Ҳусайин ва Амир Хизир Ясовурийлар ўзларини мутлоқ ҳоким деб эълон қилган эдилар.

Бунинг устига Чигатой улусининг шарқий қисмида, яъни Еттисув ва Шарқий Туркистонда мустаҳкам ўрнашиб олган мўғул хонлари Моварауннаҳрга тинимсиз ҳужумлар қилиб, юртни талар эдилар. Мана шундай ички низолар кўчайган, мўғуллар зулмига қарши халқ ҳаракатлари бошланган бир даврда қисқа вақт ичида йирик давлатни вужудга келтирган соҳибқурон Амир Темур сиёсатмайдонида кириб келмоқда эди.

Амир Темур 1336 йил 9 апрелда Кеш (Шаҳрисабз) яқинидаги Хўжа илғор қишлоғи (ҳозирги Яккабоғ) да барлос уруғи бекларидан бири Амир Тарағай ибн Амир Барқол оиласида таваллуд топди. Темурнинг болалиги ва ўсмирлик йиллари она юрти Кешда кечади. Етти ёшга тўлгач отаси уни ўқишга берган. У ёшлик чоғлариданоқ чавондозлик ва овга ишқибоз бўлиб, камондан ўқ узиш, от чоптириб турли машқ ва ҳарбий ўйинлар билан шуғулланарди. Шу тариқа Амир Темур моҳир чавондоз ва довурак баҳодир сифатида вояга етди.

Амир Темурнинг Моварауннаҳрни бирлаштириш йўлидаги дастлабки ҳаракат XIV асрнинг 60-йиллари бошларидан бошланади. Бу пайитда мўғул хонлари Моварауннаҳрни қайтатдан ўзларига тобе қилиш мақсадида ҳужум бошлайдилар. Хусусан, мўғул хонларидан Туғлуқ Темур 1360-1361 йилларда Моварауннаҳрга бирин-кетин икки марта бостириб киради. Мўғул хонларининг истибдоди ва зулмига қарши халқ ҳаракати бошланади. Аммо, юрт амирлари

халққа бош бўлиб, мўғул босқинчиларига қарши курашни ташкил этиш ўрнига парокандаликка йўл қўядилар. Уларнинг бир қисми душман томонига ўтиб кетса, иккинчи қисми эл-юртни тарк этиб, бошқа мамлакатлардан бошпана излайди. Шулардан бири Кеш вилоятининг амири Амир Темурнинг амакиси Хожа Барлос ҳам Хуросон томон қочади. Темур амакисининг вилоятини қўлдан бермаслик мақсадида Туғлуқ Темур хизматига ўтиб, Кеш вилоятига амир бўлиб тайинланишига муваффақ бўлади. Бу билан Амир Темур мўғулларнинг навбатдаги талончилигидан ўз юрти ва халқини қутқариб қолишни мўлжаллади. Мўғул хони Туғлуқ Темур Моварауннаҳрга ҳукумдор этиб ўз ўғли Илёсхожани тайинлайди. Амир Темур Моварауннаҳрнинг бу янги ҳукумдори билан мураса қилолмайди ва унга хизмат қилишдан бош тортади. Шу сабабли у 1361 йилда Амир Қозоғоннинг набираси, Хуросан ҳокими Амир Хусайн билан яқинлашади ва у билан иттифоқ тузади. Амир Темур Хусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғага уйлангач, уларнинг иттифоқи қариндошлик алоқалари туфайли янада мустақамланди. Соҳибқирон Темурнинг Амир Хусайн билан яқинлашган ва яхши муносабатда бўлган даврлар 1361-1365 йилларни ўз ичига олади. Амир Темур билан Амир Хусайн аввалбошиданок Моварауннаҳрнинг исёнкор амирларга, сўнгра эса, мўғулларга қарши кураш олиб борганлар. Мўғулларга қарши олиб борилган дастлабки жангларидан бири 1362 йилда Сейстонда бўлиб ўтган эди. Амир Темур шу жангда ўнг қўли ва ўнг оёғидан камон ўқи тегишидан қаттиқ жароҳатланади. Бунинг оқибатида у бир умр оқсоқ бўлиб қолди. Шу боис уни «Темурланг» деб ҳам аташган.

1363-1364 йиллар давомида Амир Темур ва Хусайнлар умумий душман-мўғулларга қарши бир неча бор жанг қилиб зафар кучадилар. Натижада 1364 йил охирида улар мўғулларни Моварауннаҳрдан қувиб чиқарадилар.

Моварауннаҳрни қўлдан чиқаришни истамаган Илёсхўжа пухта тайёрганликдан сўнг 1365 йил баҳорида яна қўшин тортади. Темур ва Амир Хусайн бўлгуси тўқнашувга имкон борича ҳарбий кучларни йиғдилар. Тарихда «Жанг лой» номи билан кирган мазкур жанг 1365 йилнинг баҳорида Чиноз билан Тошкент ўртасида рўй берган. Жангда Амир Темур билан Хусайн келишиб ҳаракат қилганликлари оқибатида улар мағлубиятга учрайдилар. Бу ғалабадан сўнг Илёсхўжа ҳеч қандай қаршилиқка учрамай, Хўжанд ва Жиззах шаҳарларини эгаллаб, Самарқанд томонга юради. Самарқанд эса, ўша пайитда катта ва яхши қуролланган қўшинга қаршилиқ кўрсата олмасди. Душманга қарши кўтарилган халқ ҳаракатига сарбадорлар раҳбарлик қиладилар.

Сарбадорлар ҳаракати даставвал XIV асрнинг 30-йилларида Эронда ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида пайдо бўлиб, 50-60 йилларда Моварауннаҳр ҳудудига ҳам тарқалган эди. XIV асрнинг 60- йилларида мўғул хонларининг ҳужуми муносабати билан Моварауннаҳрдаги сарбадорлар ҳаракати кучаяди. Самарқанд бу ҳаракатнинг маркази эди. Кўзғалонга мадраса мударриси Мавлонзода билан бирга жун титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бокр Калавий ва мерган Хўрдаки Бухорийлар бошчилик қиладилар. Сарбадорлар мўғулларга Самарқанд шаҳрида қақшатқич зарба берадилар. Илёсхўжа дастлаб Самарқандни, сўнгра эса бутун Моварауннаҳрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Шу тариқа Самарқандда сарбадорлар ҳокимияти ўрнатилади.

Сарбадорларнинг Илёсхўжа устидан ғалабаси тўғрисидаги хабар Кешда бўлган Амир Темурга, сўнгра Амир Хусайнга ҳам етиб боради. Амир Темур 1365 йилнинг қишини Каршида, Амир Хусайн Амударё бўйида ўтказди. 1366

йилнинг бошларида улар Самарқандга қараб йўл оладилар ва Самарқанд яқинидаги Кониғил мавзеида тўхтайдилар. Ҳар иккала амирлар сарбадорларнинг душман устидан қозонган ғалабасидан мамнун эканлиги ва улар билан учрашмоқчи эканликларини билдирадилар. Афсуски, сарбадорлар бошликлари амирларнинг ниятидан беҳабар эдилар. Учрашувда келишмовчилик юз беради ва улар қатил этилади. Фақат Мавлонозадани Амир Темурнинг илтимоси билан омон қолади. Бошлиқсиз қолган сарбадорлар ҳаракати бостирилади ва Моварауннаҳрда Амир Хусайин ҳуқумдорлиги ўрнатилади. Кеш ва Карши вилоятларининг ҳуқумдори бўлиб қолган ўзининг собиқ иттифоқи ҳамда қайноғаси Амир Хусайинга қарши ҳал қилувчи жангга тайёрганлик кўрабошлайди. 1366-1370 йиллар давомида улар ўртасида бир неча бор тўқнашувлар бўлиб ўтади ва, ниҳоят, 1370 йилда Хусайиннинг ўлдирилиши, Амир Темур Моварауннаҳр тахтига ўтиришга олиб келди. Чингизхон авлодга мансуб бўлган Суюрғатлиш қўлида Моварауннаҳр хони бўлсада, давлат бошқарув тизми Моварауннаҳр амири номини олган Амир Темур қўлида қолди. Амир Темур Кеш шаҳрида Самарқандга кўчиб, уни ўз давлатининг пойтахтига айлантирди. Шу пайитда Амир Темурнинг Моварауннаҳрни бирлаштириб, кучли марказлашган давлатини барпо этиш сиёсати бошланган эди.

Амир Темур томонидан кучли марказлашган давлатни барпо этиш учун олиб борилган сиёсати 1370-1385 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Амир Темур биринчи навбатда, мўғулларнинг 150 йиллик ҳукмронлик давомида вайрон бўлган шаҳар-қишлоқлани тиклашга эътиборни қаратди, бунёдкорлик ва ободанчилик ишларини амалга оширди. Иккинчидан, Соҳибқирон давлатининг сарҳадларини мустаҳкамлаш сиёсатини олиб бориб, Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳудудларни ўзига бўйсиндирди, Фарғона ва Шош вилоятларини ўз тасарруфига киритиши унча қийин бўлмаган бўлса-да, Хоразмни Моварауннаҳр таркибига киритиш енгил кўчмади. Шу сабабли ҳам Амир Темур Хоразмни бир давлат таркибига киритиш учун 1372-1388 йиллар орасида Хоразмга беш марта қўшин тортишга тўғри келади. Шундай қилиб, Амир Темур Моварауннаҳр ва Хоразмда сиёсий тарқоқлик ва ўзаро низоларга зарба бериб, Сирдарё воҳасидан то Орол денгизигача бўлган ерларда яшовчи халқлари ягона давлат тасарруфида бирлаштиради.

Давлатни тўғри ва адолатли бошқариш тизми «Темур тузуклари» да тўлиғича ифода этилган. Буюк Амир Темур нафақат давлатни бошқаришда маънавият ва қонунчилик соҳасида ҳам бебаҳо мерос қолдирган. Шу соҳага мансуб ноёб тарихий манба, ўз замонасининг асосий қонуни ҳисобланган «Темур тузуклари» нинг яратилиши Соҳибқиронни нақадар истеъдодли, кўпқиррали шахс эканлигини ёрқин ифодасидир. Амир Темурнинг «Тузуклари» салтанат ворисларига давлат ишларини бошқаришда қўлланма, асосий қонун сифатида фойдаланиш нуқтаи назаридан яратилган.

«Темур тузуклари» да ёзилишича, Соҳибқирон давлатининг марказий бошқаруви маҳкамалари сифатида етти вазирликни тузган. Бу етти вазирликдан тўрттаси доимо Соҳибқирон ҳузурида бўлиб, қолган учтаси вилоятларни бошқариш билан шуғилланганлар. Амир Темур давлатида мамлакат ва раият вазири, ҳарбий вазир, мол-мулк, закот ва бож-хирож ишлари билан шуғилланувчи вазир, молия вазири, забт этилган мамлакатлар молиявий муаммолар ва келадиган даромадларни бошқариш учун уч вазирдан иборат

давлат ҳайъати (холиса) тузилган. Ана шу айтиб ўтилган етти вазир давлат раҳбарига ҳисоб бериб турувчи девонбегига бўйсундирилган.

Бундан ташқари Амир Темур адолатли давлат қуриш мақсадида марказий бошарув тизми таркибида бир неча мансбларни жорий этган. Шунда мансаблардан бири арзбеги лавозими бўлиб, арзбеги сипоҳ, раият ва арз-дод қилиб келувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг ободлиги ёки хароблигини, мўҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлигини Соҳибқиронга маълум қилиб турган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур барпо этган давлатда чинакам шарқона демакратик томойллар ҳукмронлик қилган.

7/2. Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳонгарлик салоҳиятини унинг 1386 йилдан бошланган учта ҳарбий юришларида ва давлат хавфсизлигини таъминлаш ва унинг сарҳадларини мустаҳкамлаш бобида олиб борилган жанг-жадалларида кўрамиз.

Соҳибқирон давлати учун энг кучли хавф Олтин Ўрда эди. Шу сабабли ҳам Амир Темур Олтин Ўрдага зарба бериб, уни кучсизлантиришга жиддий ҳаракат қилади. Бу борада Олтин Ўрда мавжуд ички зиддиятлардан усталик билан фойдаланилади. Бироқ у Жўжи улусни ўз давлатига қўшиб олиш нияти эмас эди. Фақат Олтин Ўрданинг Моварауннаҳрга туташган шарқий қисми ўз таъсири остидаги хонлар тасарруфиига олиб бориш ҳам Сарой Берка орқали ўтадиган қарвон йўлини Моварауннаҳр томон буриб юборишни кўзлайди. Шу мақсадида у Оқ Ўрда хонзодаларидан бири Тўхтамишга бир неча бор ҳарбий ёрдам беради. Аммо, Олтин Ўрда тахтини эгаллаган Тўхтамиш Амир Темурга берган ваъдаларини бузиб хиёнат қилади. Шу сабабли Соҳибқирон 1389-1395 йиллар орасида Тўхтамишга қарши уч марта катта ҳарбий юришлар қилишга мажбур бўлади.

80-йилларнинг иккинчи ярмида Тўхтамиш, яъни Оқ Ўрда хони Амир Темур давлати ўртасидаги муносабатлар ёмонлашади ва икки орада урушлар бошланди. Амир Темур ўз қароргоҳини Ўтрор яқинига кўчирди. Лекин Амир Темур билан Тўхтамишхон қўшинлари орасида жанг бўлмади ва Темур Оқ Ўрда тахтини Тўхтамишхонга инъом этиб, Самарқандга қайтди (1376 йил 21 май). Аммо шундан кейин ҳам Тўхтамиш ишончини оқламади. Олтин Ўрдани Оқ Ўрдага қўшиб олган кейин Темур давлатига нисбатан душманлик сиёсатини юргиза бошлади. Тўхтамиш Олтин Ўрда ерларини янада кенгайтиришга интилиб, Кавказортига бир қанча юришлар қилди. 1385 йилда Табризни эгаллаш учун катта қўшин юборди. Хоразм ҳокими Сўлаймон суфини ҳам ўзига қўшиб, Тўхтамиш Моварауннаҳрнинг туташ вилоятларини талон-тарож қилди.

Шуларнинг ҳаммаси жам бўлиб, Жўчи улус билан Темур давлати ўртасида катта уруш чиқишига олиб келди. Амир Темур Тўхтамишга қарши уч марта (1389, 1391, 1395 й) қўшин тортди. Бу билан унинг мақсади Жўчи улусда ўз ҳокимиятини ўрнатиш эмас, балки бу давлатнинг ҳарби-сиёсий қудратини синдириш ва Моварауннаҳр, Эрон ва Озорбойжондаги ерларини муҳофаза этиш эди. Чунки Темур қудратли Олтин Ўрда тимсолида ўзи барпо этган марказлашган давлатига доимий хавф-хатарни кўрарди.

Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши сўнги ва ҳал юриши 1395 йилнинг 28 февралда бошланди. Дарбанд йўлида Темур ҳамма ишни тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Тўхтамиш хузурига Шамсиддин Олмалиқий бошчилигида

элчиларни жўнатади. Аммо Тўхтамиш тилёғламалик билан сулҳ ҳақидаги музокарани орқага суриб, урушга тайёрланишда давом этади.

Шундан сўнг Амир Темурни бир ёқли қилиш мақсадида жанг бошлашга мажбур бўлади. Ҳал қилувчи жанглар ҳар иккала қўшин ўртасида 1395 йилнинг апрель ойида Шимолий Кавказда Терек дарёси бўйича бўлиб ўтди. Қўшинлар сафида ҳар икки томондан камида 400 минг киши бор эди. Жанг 30-35 километрлик катта масофада олиб борилди. Ҳар икки томон бор кучлари билан қаттиқ олишди. Ниҳоят Амир Темур зафар қозонди. Тўхтамиш қолган қўшни билан қочди ва Бўлғор ўрмонларида ғойиб бўлди. Темурнинг ғалабаси кўп жиҳатдан у қўллаган мисли кўрилмаган, янги жағарлик санъатидаги тактикаси туфайли эди. Жанг бошланиши олдидан Амир Темур қўшинни етти ғул (Коргус) га бўлди ва йигирма етти қўшиндан иборат кучли заҳира бўлинмасини тузади. Мана шу етти ғул қанотдаги тўсиқлар билан кучли марказни ташкил этади. Заҳирадаги қўшинлар эса Темурга керакли вақтда жангнинг у ёки бу қисминини қувватлаш, кучайтириш учун имкон беради. Рус тарихчилари Б.Д. Греков ва А. Ю. Якубовскийларнинг таъкидлашича, Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, фақат Ўрта Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек Рус князликлари учун ҳам буюк аҳамият касб этган эди.

Амир Темур бу билан қаноатланиб қолмади. Кейинчалик у тарихда уч йиллик (1386-1388), беш йиллик (1392-1396) ва етти йиллик (1398-1404) ҳарбий юришлар номи билан шуҳрат топди. Уч йиллик ҳарбий юришлар оқибатида Жанубий Озорбойжон, Ироқнинг шимоли қисми, Гуржистон ва Арманистон (Ван қўли атрофи) даги ерларни эгаллади.

Шундан сўнг Амир Темур бутун эътиборини Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осиё ва Ҳиндистон ерларни фатҳ этишга киришади. Ҳ беш йиллик (1392-1396) уруш давомида Ғарбий Эрон, Ироқи Ажам ва Кавказни эгаллайди, у билан музаффарийлар ва жалойирийлар сулоласининг ҳукмронлиги барҳам топади.

Жаҳонгир Амир Темурнинг 1398-1404 йилларидаги олиб борган етти йиллик ҳарбий юриши энг шиддатли ва энг йирик маҳорабаларидан бўлиб, бунинг оқибатида даставвал Ҳиндистон, кейин Шомнинг Ҳолаб, Хумс, Дамашқ каби йирик шаҳарлари ва Ироқи Арабнинг Убулистон ўлкаси билан Боғдод, фатҳ этилади. Натижада икки буюк саркарда-Соҳибқирон билан Султон Боязид Йилдимларнинг тўқнашуви муқаррар бўлиб қолади.

Амир Темур билан Султон Боязид қўшинлари ўртасидаги сўнги ва ҳал қилувчи жанг 1402 йил 20 июлда Анқара Яқинида-Чубуқобод деган мавзеида бўлиб ўтади. Бу муҳорабаз тарихда «Анқара жанги» номи билан шуҳрат топди. Уч кун давом этган бу жангда ҳар икки томондан ҳаммаси бўлиб 360 минг нафар аскар қатнашди. Бу мисли кўрилмаган жангда Соҳибқирон қўшинлари Султон Боязид устидан ғалабани қўлга киритади.

Боязид устидан қозонилган буюк ғалаба билан Амир Темурни Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV ҳамда Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара табриклар, унга ўз муборакномаларини юборадилар. Чунки Соҳибқирон эндигина уйғонаётган Европага улкан хавф солиб турган Усмонли туруклар давлатига зарба бериб, бутун Европанинг халоскорига айланган эди.

Кичик Осиёдан Самарқандга 1404 йил июль ойида тантанавор қайтиб келади ва шу заҳотиёқ Хитойга қарши урушга ҳозирлик кўра бошлайди. Хитой ҳукимдорлари доимо Мовароуннаҳрга нисбатан даъвогар бўлиб келадилар. Уч

ойлик тайёрганликдан сўнг 1404 йил 27 ноябрь куни Амир Темур икки юз минг кишилик кўшин билан Хитойга қарши ҳарбий юришга чиқади. Бироқ бу юриш 1405 йил 18 февралда Темурнинг Ўтрорда вафот этиши муносабати билан тўхтатилади.

Амир Темур ва унинг давлати халқаро майдонда шуҳрат қозонганлиги тўғрисида кўп маълумотлар бор. Темур давлати билан Шарқнинг Мўғулистон, Хитой, Миср ва Европа мамлакатларидан Италия, Испани, Франция, Англия ва бошқа давлатлар ўртасидаги ёзишмаларга қараганда, дипломатик, сиёсий ва савдо алоқалари ривожланган.

7/3. Амир Темур вафот этиши биланоқ салтанатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида салбий ўзгаришлар бошланиб кетди. Амир Темур давлатининг ташқи қиёфаси кўчли кўринсада, аммо сиёсий жиҳатдан у айтарлик мустаҳкам эмас эди. Давлатнинг барқарорлиги тадбиркор Амир Темурнинг иродаси ва қилич зарби билан сақланиб турилган эди. Мамлакат ҳаётида ҳукум сурган суюрғол тартиби Амир Темур асос солган бу ўлкан давлатнинг кўп ўтмай парчаланиб кетишига сабаб бўлди. Амир Темурнинг жасади Самарқандга олиб келиниб дафн этилиши ва марҳумнинг матом маросимлари тугамасдан, ворислар ўртасида тожу-тахт талашув бошланиб кетади. Ўша пайитларда Самарқанд саройи доирасида қарорсизлик ва парокандалик ҳукум суради. Гарчи Амир Темурнинг ўртанча ўғли Мироншоҳ ҳамда Хуронсон ноиб-оқил ва тадбиркор кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзолар барҳаёт бўлсаларда, Соҳибқирон ҳаётлик чоғидаёқ ўзига валиҳад этиб оқил ва ботир набираси-ўша вақтлардаги Ҳиндистон ва Қобул вилоятларининг ҳукумдори Пирмуҳаммадни тайинлаган эди. Пирмуҳаммадни тахтга ўтказиш тарафдорлари кўчли бўлса-да, аммо Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон Мирзо 1405 йилнинг 16 март куни Самарқандни эгаллаб, ўзини Мовароуннаҳрнинг олий ҳукумдори деб эълон қилади.

Отасининг юртида бўлаётган ҳодисаларга лоқайд қараб тура олмаган Шоҳруҳ Мирзо 1409 йил 25 апрелда Амударёдан ўтиб, Самарқанд сари юриш қилади ва шаҳарни жангсиз эгаллашга муяссар бўлади. Шоҳруҳ Мирзонинг ўзоқ ҳукморлик даврида Темур давлатининг асосий қисми унинг қўли остида сақланиб қолса-да, аммо бу ўлкан мамлакат икки давлатга бўлинган эди. Улардан бира Амударёдан жанубда жойлашган Шоҳруҳ давлати бўлиб, унинг маркази Ҳирот шаҳри эди. Иккинчиси эса, Амударё шимолида-Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келган Улуғбек давлати бўлиб, Самарқанд унинг пойтахти эди.

Самарқанддан Ҳиротга қайтиш олдида Шоҳруҳ Мирзо 1409 йилда ўзининг катта ўғли Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳр билан Туркистонга ҳоким қилиб тайинлайди. Улуғбек Самарқанд тахтига ўтирган вақтида ўн беш ёшдаги ўспирин эди. Табиийки, мамлакатни ирода этиш унинг учун мушкул эди. Шахзода балоғатга етгунча давлатни бошқаришни Шоҳруҳ Мирзо ўзининг содиқ амалдорларидан бири Шоҳмаликнинг ихтиёрига топширади. 1411 йилга келиб Улуғбек билан оталиқ Шоҳмалик ўртасидаги муносабат бузилади. Чунки шуҳратпараст оталиқ Улуғбекни давлат ишларига яқин йўлатмай, ҳатто у билан ҳисоблашмай ҳам қўйган эди. Шу сабабли Шоҳруҳ Мирзо Шоҳмаликни Самарқанддан олиб кетади. Шундан бошлаб Улуғбек Мовароуннаҳрни мустақил идора қила бошлайди.

Мовароуннаҳрни идора этишда, айниқса, унинг ташқи сиёсатида Улуғбек айрим ҳоллардагина, мустақил ҳаракат қилган бўлса-да, аммо аслида у Шохруҳнинг Мовароуннаҳрдаги интизомли ва итоаткор ноиб бўлиб қолади. Ташқи ва ички сиёсатга алоқадор ҳар қандай масалани у отаси билан маслаҳатлашиб ва келишиб, унинг розилиги билан ҳал этишга ҳаракат қилади.

Шохруҳ Мирзо ҳам отаси Соҳибқирон Амир Темур давлати ички сиёсатида мавжуд бўлган тартиботларга риоя қилди. У ҳам мамлакатни ўғиллари, қирндош-уруғларига суғрғол тарзида тарқатган бўлиб, улар ёрдамида ҳокимиятни бошқарди. Маҳаллий ҳокимлар, жумладан Улуғбек ҳам гарчи уларнинг ўз саройлари, хазиналари, қўшини ва давлат идораси бўлса ҳам, марказий ҳукуматга қарам эдилар.

Темур давлатида суюрғол ерлардан ташқари, ер эгаллигининг кўйидаги турлари бор эди: мулки султоний (давлат ерлари) ва вақф ерлари. Вақфлар мсжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар ва мазорларга тегишли эди. Жамоа ерларига келсак, улар жамоанинг умумий мулки бўлиб, ундан биргаликда фойдаланилар эди.

Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши ва марказлашган давлатнинг барпо этилиши билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга интилиш кучайди. Мовароуннаҳрнинг асосий деҳқончилик райони доимо Зарафшон ва Қашқадарё водийлар бўлиб келган.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда суғорма деҳқончилик ва унинг асоси бўлган суғориш ва сув иншоотларини куриш ишларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, вилоят ҳокимлари томонидан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв воҳаларида, Тус водийсида ҳамда Ҳирот атрофида йирик суғориш иншоотлари барпо этилиб, баъзи деҳқончилик вилоятларида сув таъминоти тубдан яхшиланди. Темурийлар ҳукмронлик қилган даврида амалга оширилган энг йирик суғориш иншоотларидан бири Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан бош олган Дарғом анҳоридан чиқарилган қадимги Анҳор каналининг қата тикланиши бўлди. Замонасининг энг йирик суғориш тармоғи ҳисобланган бу канал орқали Зарафшон дарёси оқимининг бир қисми бу даврда кам сувли Қашқадарё воҳасига ташланиб, унинг адоғида жойлашган деҳқончилик ерлари сув билан таъминланди.

Бухоронинг қадимги суғориладиган ералари бўйлаб олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, мўғуллар босқини оқибатида бутунлай вайрон этилган воҳа сув хўжалиги XV асрга келиб тўла тикланади. Унинг деҳқончилик майдони бирмунча кенгайиб, воҳанинг ғарбий чегараси ҳатто Урганжий дашти томон ичкарига қарийб 5-6 километр кенгайиб боради. Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда (1409-1449) Бухоро воҳасининг жануби-шарқий чегарасига ёндошган Сомонжуқ даштига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилади.

Бутун XV аср давомида Мовароуннаҳрда аввалгидек ер ва мулкчиликнинг асосан тўрт шакли: мулки девоний» - давлат ерлари; «мулк» - хусусий ерлар; «Мулки вақф – мадраса ва ибодатхоналар тасарруфидаги ерлар ва ниҳоят «жамоа ерлари» бўлган. Деҳқончилик ерларининг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга аввалгидек мамлакат ҳукмдори султон ёки амирлар эгалик қилиб, улар давлат ерларини «суюрғол» тарзида инъом қилиш усули кенг тарқалган.

Темурийлар даврида мамлакатда турли солиқ ва мажбуриятлар бўлган. Суғорма деҳқончилик ерларидан олинадиган асосий солиқ «хирож» бўлиб, бу солиқ «мол» деб аталган. Хирож асосан ҳосил етилиб, уни йиғиб олиш вақтларида маҳсулот ёки пул ҳолида тўланган.

Ер солиқлари хирож, мол, ушр ва «сардарахт» ҳамда чорва молларидан олинадиган «закот» билан бир қаторда фуқаро солиқ йиғиш ва унинг ҳисоб-китоби билан банд бўлган турли лавозимдаги маъмурларнинг хизмати учун ҳам бир қатор йиғимлар тўланган. Масалан, шундай йиғимлардан «соҳиб жамона» - ҳосил миқдорини белгилловчилар; «мухассилона» -солиқ йиғувчилар; «миробона» - сув тақсимловчи мироблар фойдасига олинган. Асосий солиқлардан ташқари меҳнаткаш аҳоли ҳукмдор ва унинг маъмурлари, суюрғол эгалари ва тархонлар, йирик мулкдорлар фойсига текин ишлаб бериш тартибига ҳам бўйсинган.

Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрнинг чет эл мамлакатлари билан савдо-сотик соҳасидаги алоқалари кенг ривожланди. Айниқса, Амир Темурнинг турли мамлакатларни боғловчи савдо қарвонлари йўлларининг беҳатарлиги ва осойишталигини таъминлаш соҳасидаги, Буюк ипак йўли шуҳратини тиклаш борасидаги қилган саъй –ҳаракатлари бу борада муҳим касб этади. Натижада Шарқу Фарб, Жанубу Шимол ўртасидаги элчилик, дипломатик ва савдо-тижорат муносабатлари янада кучайди, бу эса Темур давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Испан элчиси Клавихо шаҳодат берганидек, мамлакатнинг Самарқанд ва бошқа шаҳарларида дунёнинг турли жойларидан келган савдо қарвонларини, сайёҳу дипломатларини кўплаб учратиш мумкин эди. Самарқанддан чиққан савдо қарвон йўли Кеш орқали ўтган. Бу ерда йўл Қашқадарёни кесиб ўтиб Қаршида Бухородан келган йўл билан қўшилиб кетар эди.

Ватанимиз тарихида темурийлар даврининг том маънода миллий ва маънавий уйғониш даври – «Ренессанс» даврининг иккинчи босқичи сифатида намоён бўлиши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан биргаликда маданий юксалишга эришиши Амир Темур номи билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, бу тенгсиз сиймо қудратли, яхлит салтанатни барпо этиш, унинг ҳар томонлама равнақини таъминлаш билан бирга маънавий –маданий ҳаётнинг ҳам гуркираб ривожланишига, илм-фан, адабиёт ва фан соҳаларининг ўсишига, шу жабҳа соҳибларининг истеъдоди ва ижодкорлигининг камолотига беназир раҳнамолик қилди. Амир Темур давлати даврида бунёд этилган бетакрор меъморий обидалар, осори-атиқалар, юксак санъат асарлари, илмий-маданий мерос намуналари бунга ёрқин далил бўла олади. Амир Темур салоҳиятининг ажойиб ифодаси бўлган «Тузукот» да соҳибқироннинг илм-фан, маърифат аҳлига ҳар доим алоҳида эътибор берганлиги ва ҳар бир муҳим ишни амалга оширишда уларга қатъиян суянганлиги қайта-қайта таъкидлаб ўтилган.

Темурийлар даврининг буюк номоёндаси Мирзо Улуғбекнинг тарихдаги алоҳида муҳим ўрни унинг давлат ҳукмдори сифатидаги кўп йиллик фаолиятидан кўра ҳам кўпроқ буюк олимлик, илмуурфон ҳомийси мақомидаги ўлкан хизматлари билан белгиланади. Чунки у ўзининг ақл-заковати, жўшқин ҳаётининг асосий қисмини илм-фан равнақига бағишлади, кашфиётларга бош бўлди.

Улуғбек Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан, Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиришга интилади. Унинг фармони билан 1417 йилда Бухорода, 1417-1420 йилларда Самарқандда ва 1433 йилда Ғиждувонда

мадрасалар бино қилинади. Мовароуннахрнинг бу учта қадимий шаҳарларида барпо этилган илмгоҳлар ўз замонасининг дорилфунунлари эди.

Мирзо Улуғбек 1424-1428 йилларда Самарқандда ўз атрофига тўплаган олимларнинг бевосита иштироки ва ёрдамида расадхона курдиради. Ўрта асрнинг машҳур олимларидан бири –Ғиёсиддин Жамшид мутасадлигида расадхонанинг асосий ўлчов асбоб-ускунаси - ўлкан секстант ўрнатилади. Расадхонада Улуғбек билан бирга машҳур математик ва астрономлардан, замондошлари ўртасида «Афлотуни замон» деб ном олган Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, «ўз даврининг Птоломейи» номи билан шуҳрат қозонган Алоуддин Али ибн Муҳаммад –Али Кушчи ва кўпгина бошқа олимлар илмий кузатишлар ва тадқиқотлар олиб борадилар. Хуллас, Улуғбек Самарқандда бутун бир астрономия мактабини яратади.

Самарқанд расадхонасида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларнинг самараси – бу улуғбекнинг шоҳ асари «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрогонийнинг янги астрономик жадвали»)номли китобидир. «Зижи жадиди Кўрогоний» дан ташқари, Улуғбек «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асар ҳамда мусиқа илмига бағишланган бешта рисола ҳам ёзди.

XV асрда Мовароуннахрда тарих фани ҳам кенг ривожланади. Бу даврда яшаб ижод қилган Ҳофиз Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ ва бошқа кўпгина тарихчиларнинг асарларида Темруйлар давлатининг тарихига доир жуда кўп қимматли маълумотларни топиш мумкин. Бу даврда тарихшунослик билан бир қаторда хаттотлик (китоб кўчирувчилик), тасвирий санъат, мусиқа маданияти, бадий адабиёт ҳам ривож топди. Улуғ, ўзбек шоири, мумтоз шеърятимиз султони Алишер Навоийнинг катта ижоди ҳам шу тарихий давр билан боғлиқдир.

74 Шоҳруҳ Мирзо отаси Мирзо Улуғбекнинг фожеали ҳолати (1449йил) дан 2 йил олдин, яъни 1447 йил 12 март куни невараси Султон Муҳаммад исёнини бостириш вақтида Рай вилоятида оламдан ўтади. Шоҳруҳ вафот эриши биланоқ Мовароуннахр ва Хуросонда темурий шаҳзодалар ўртасида тожу-тахт учун кураш авжига чиқади, мамлакатни беқарорлик чулғаб олади.

Улуғ подшолиги даврида Амир Темур вақтида ташкил топган барча ички давлат тартиб-қоидалари деярли тўла сақланиб қолган эди. 1428 йилда ўтказилган пул ислоҳоти мамлакатнинг молиявий аҳволини яхшилаш, пул муомаласини барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнади. Улуғбек ҳам бобоси Амир Темур Сангари мамлакат ободончилиги, маъмурчилигини кўзлаб кўплаб хайрли тадбирларни амалга оширди, кўркам маҳобатли масжиду мадрасалар, макбаралар, илм-маърифат масканларини бунёд этди.

Мирзо Улуғбек подшолигининг охириги йилларига келиб мамлакат ижтимоий ҳаётида тўхтовсиз юз берган ички зиддиятлар, темурий шаҳзодалар ўртасида тожу тахт учун кучайган курашлар, уларни бартараф этишга Улуғбекнинг ожизлиги – оқибат натижада унинг фожеали ўлимига олиб келди. Бу ҳол Мовароуннахр инқирозининг кучайиши ҳамда темурийлар ҳукмронлигининг заифлашув жараёнини кучайтирди.

Шоҳруҳ Мирзо ва Улуғбек ўлиmidан кейин Мовароуннахрда темурийлар сулоласининг инқирози кучайди. Шундан сўнг Самарқанд тахтини темурий Иброҳим Султоннинг ўғли Абдулло эгаллади. Бунга жавобан, Бухоро аёнлари Мироншоҳ набираси Абу Саид Мирзони подшоҳ этиб кўтардилар. Бундай

қарама-қаршилик натижасида Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият янада кескинлашди, ҳокимият учун кураш янги паллага кирди.

1469 йил баҳорида Ғарбий Эрондаги жангда Абу Саид ҳалок бўлади ва унинг ўғли Султон Ҳусайн Хуросон ҳокими сифатида Хуросонга қайтади. Мовароуннаҳрда Абу Саиднинг ўғиллари Султон Аҳмад (1469-1493), Султон Маҳмуд (1493-1494) ундан кейин унинг ўғли Султон Али (1494-1501) лар ҳокимлик қиладилар. Бу вақтда Мовароуннаҳр ҳукмдори, хусусан, Султон Аҳмаднинг ўқувсизлиги, сусткашлиги ва бунинг устига саводсизлиги туфайли мамлакатда беқарорлик янада авж олди. Бундан фойдаланган Дашти қипчоқ ўзбеклари уюштирган юришлари Мовароённаҳрни янада танг аҳволга солиб қўйди.

XV асрнинг 90- йилларида Фарғонанинг ёш ҳукмдори, Умаршайх Мирзонинг ўғли Заҳриддин Муҳаммад Бобур темурийлар ҳукмронлигини қайтадан тиклаш учун бир неча бор қатъий уринишлар қилди, афсуски бу ҳаракатлар кутилган натижа бермади.

Таян тушунчалар:

Буронғор, кешик, муҳораба, туман, ясовул, ғул. Мулки девоний, Соҳибқирон, суюрғол.

Текширув саволлари:

1. Амир Темур қандай тарихий шахс эди?
2. Амир Темур сиёсий кураш майдонига кириб келганда Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий вазият қандай эди?
3. Давлатни бошқарув тизимига бағишланган Амир Темурнинг қандай асари бор ва унинг аҳамияти нимада?
4. Амир Темурнинг ҳарбий саркардалиқ фаолиятига таъриф беринг.
5. Амир Темурнинг ташқи сиёсати баҳо беринг.
6. Мирзо Улуғбек шахсни таърифлаб беринг.
7. Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрнинг қайси шаҳарларида ва нечанчи йилларда мадрасалар қурдирди?
8. Темурийлар даврида қандай солиқ турлари бўлган?
9. Улуғ академиясининг ташкил топиши ва фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
10. Темурийлар сулоласи ҳукмронлигининг инқирозга учраши сабабларини кўрсатинг.

Адабиётлар:

1,11,17,19,20,26,27,28,30,31,32,33,37,38.

8-Мавзу: ТУРКИСТОННИНГ ХОНЛИКЛАРГА БЎЛИНИБ КЕТИШИ, УНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ.**Режа:**

1. XV аср охири ва XVI аср бошларида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият, Шайбонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши.
2. Мовароуннаҳрнинг Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ҳудудий парчаланиб кетиши.
3. Хонликлардаги ижтимоий-сиёсий вазият ва давлат бошқарув тизими.
4. Ўзбек хонликларнинг илғор Европа мамлакатларидан иқтисодий ва техникавий жиҳатдан орқада қолиш сабаблари.

811. Темурий давлатининг заифлашганлиги, тарқоқликнинг кучайиши ва ҳокимликка даъвогарларнинг ўзаро тўхтовсиз урушлари Дашти Қипчоқ ўзбек кўчманчи уруғларнинг Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннаҳрга ҳужуми учун зарур шарт-шароитлар яратди. Шайбонийхон XV аср охирларида Туркистонга бир неча бор юришлар қилиб, қатор шаҳарларни босиб олган эди. Бу даврда Темурийлар давлатининг пойтахти ҳисобланган Самарқанд тахти учун Бухоро ҳукмдори Султон Али Мирзо ва Фарғона ҳукмдори ёш Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўртасида кураш борар эди.

Мовароуннаҳр аҳолиси Шайбонийхон қўшинлари ҳаракатига турлича қарашарди. Уларнинг бир қисми босқинчиларга зарба бериш учун кучларни сафарбар қилиб, ўз шаҳар ва қишлоқларнинг мардонавор ҳимоя қилишса, иккинчи қисми ҳукмдорнинг ўзгариши ва бақувватроқ ҳокимиятнинг ўрнатилиши шаҳар ва қишлоқларда низо ва тартибсизликларнинг тўхтатилишига ёрдам беради, деб умид қилишарди. Уларнинг купчиликлари Шайбонийхон Бухоро ва Самарқандда бўлган пайтида у билан яқиндан танишиб олган эдилар.

Тўғри, баъзи темурийлар босқинчиларнинг қўшинларига қатъий қаршилик кўрсатдилар, бир-бирлари билан душманлашиб кетганлар ҳатто бирлашдилар ҳам Баъзи шаҳарлар жиддий қаршилик кўрсатди. Мос, Урганч ўн ойлик қамалдан кейингина таслим бўлди.

Шайбонийхон қўшинларига жиддий қаршилик кўрсатган темурийлардан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобур бўлди. Унинг отаси Умаршайх Андижонда ҳоким эди. 1494 йилда Самарқанд ҳркими Султон Аҳмад Мирза билан Мўғулистон хини Султон Маҳмуд ўзоро иттифоқ тузиб, ўз қўшинларини

Фарғонани босиб олиш учун юборан ўлка учун таҳликали пайтда Умаршайх фожеали ҳалок бўлди. ўша пайтда Бобур эндигина 11 ёшга қадам қўйган ва ҳукмроннинг катта ўғли сифатида Фарғонада отасиннинг тахтини эгаллаши керак эди. Андижоннинг кўпчилик амирлари Заҳриддин теварагида бирлашиб, ҳокимият тепасига Умаршайхнинг башқа ўғлини чиқармоқчи бўлган кишиларга муносиб зарба бердилар. Бобур тарафдорлари ўз кучларига ишониб, темурий Байсунғур ҳокимиятнинг заифлигидан фойдаланишга ва Самарқандга қўлга олиб, темурийлар тахтига Заҳриддин Бобурни ўтгазишга аҳд қилдилар 1497 йилнинг ноябрида ёш бобур бошчилигидаги Андижон қўшинлари Самарқандни эгаллади. Аммо бунгача шаҳар етти ойлик қамал натижасида ҳувиллаб қолган ва Самарқандга талон-талаж бўлган ён-атрофдаги қишлоқлар озиқ-овқат маҳсулатларини етказиб бера олмас эди. Натижада 1498 йил илк баҳорида Бобур бошчилигидаги Фарғона амирлари темурийларнинг расмий пойтахти Самарқандни тарк этишга мажбур бўлдилар. Ўн беш яшар Заҳриддин Самарқандда жами юз кунгина ҳукмронлик қилди. Бу унинг Мовароуннаҳр пойтахтига биринчи бор қадам қўйиши эди.

Шундан кейин Бухорода турган темурий Султон Амир Мирзо Самарқандга кириб келди. У машҳур Хўжа Аҳрорнинг ўғли Хўжа Яҳёга тамомила қарам бўлиб, Хўжа Яҳё тарафдорлари бўлган амирлар қўлида кўғичоқ бўлиб қолган эди. Шайбонийхон Султон Амир Мирзони ўз томонига оғдириб, деярли жанг қилмасдан Самарқандни қўлга киритди. Темурийларнинг кўпгина тарафдорлари қиличдан ўтказилди; Султон Амир Мирзонинг ўзи, бир оз ўтгач, Хўжа Яҳё ва унинг фарзандлари билан қатл этилди.

Самарқанднинг шайбонийлар қўшинлари томонидан забт этилиши жафокаш халққа энгиллик келтирмади. Шайбонийхон шаҳарга кириб келгач, самарқандликлардан босқинчилар фойдасига бож олди. Илгари аҳолининг бир қисми бақувватроқ ҳокимиятнинг ўрнатилиши билан тинчлик ва энгиллик бўлади, барча халқлар ва қабилалар дўстлашадиган пайт келади, деб умид қилган эдилар. Шаҳарликлар янада оғир аҳволга тушиб қолган эдилар. Шу сабабли ҳам улар янги ҳоким гумашталарига қарши чиқишга аҳд қилишди.

1500 йилнинг кузида Заҳриддин Бобур аскарлари Самарқандни яна эгалладилар.

Шайбонийхоннинг ҳукмронлигига қарши мамлакатнинг қатор шаҳарларида – Бухоро, Кеш, Қорақўл ва бошқа шаҳарларда аҳоли қўзғолон кўтарди.

1501 йилнинг баҳорида Бобур билан Муҳаммад Шайбоний қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлди ва бу жангда ёш Бобур лашкарлари мағлубиятга учради.

Шайбонийхон ўзининг босқинчилик юришларини давом эттирди. 1503 аил баҳорида Тошкент ҳокими Маҳмудхон қўшинлари устидан қисқа шиддатли жангда Шайбоний ғалаба қозонди.

1505 йили Урганч (10 ой қамалдан кейин) шаҳри эгалланди. Шу тарзда илгари расман Хуросон ҳокимларига бўйсунувчи Хоразмнинг катта ерлари Шайбонийхон давлатига қўшиб олинди. 1506 йилга келиб Андижон, шимолда – Тошкент ва Шоҳруҳия, жанубда – Ҳисор, балх, ғарбда – Хоразмни ўз ичига олган бутун Турки стон Шайбонийхон ихтиёрига ўтди. Шайбонийхон бу билан тинчимасди. У темурийлар давлатининг иккинчи таянч маркази Хуросонни эгаллаш учун тайёргарлик кўра бошлади. Хуросон султони Ҳусайн Бойқаро

атрофида бирлашган Ҳирот, Сейистон ва Журжондаги темурий ҳокимлар ўртасида бирлик йўқ эди.

Шайбонийхон қўшинлари 1507 йилда жанг билан Ҳиротни эгаллади. Босиб олинган янги ерларни бошқаришни Шайбонийхон ўз яқинларига бўлиб берди. 1508-1509 йилларда у шимолдаги қозоқларга Зарба берди ва ўз нигоҳини Эронга қаратди.

Асли насли сафовийлар сулоласига мансуб бўлган эрон шоҳи исмоил 1510 йилда Хуросон томон юриш бошлади. Шоҳ Исмоил билан Шайбонийхон ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1510 йилнинг декабрида Мурғоб дарёси воҳасида қадимий Марв шаҳри яқинида бўлиди. Шайбонийхон қўшинлари бу жангда тор-мор келтирилди ва унинг ўзи асир олиниб қатл этилди.

Шайбонийхон халок бўлганидан кейин Хоразмда Эрон шоҳи исмоил Сафовий ҳокимияти ўрнатилди, аммо Хоразм аҳолиси унга қарши фитна уюштирди. 1511 йилда Хоразм Шайбонийлар давлатидан ажралиб чиқиб, ўзига Берка султоннинг ўғли Элбарсни хон қилиб кўтарди. Шу тариқа, мустақил Хива хонлиги вужудга келди.

Эрон шоҳи Исмоил Қобулда яшаб турган Бобурни Самарқандга юришга даъват этди ва ёрдам беришга ваъда берди. 1511 йилда Бобур Ҳисор, Қундуз, Бадахшон, Қаршини сўнгра Бухоро ва Самарқандни эгаллади. Самарқанддаги Жоме масжидида шоҳ Исмоил номини хутбага қўйиб ўқитди. Бобурнинг бу иши суннийлардан иборат маҳаллий аҳолига ёқмади, халқ уни қўллаб-қувватламади. Шу сабабли Шайбонийхоннинг жияни Убайдулла Султон ўз қўшини билан Бухоро яқинида Бобур қўшинларини мағлубиятга учратди ва Бобур Ҳиротга чекинишга мажбур бўлди. Шайбонийларга қарши кураш бефойда эканлигини англаган. Бобур 1513 йилда Мовароуннахрни умрбод тарк этди. 1525 йилда Бобур ўз қўшинлари билан Панжоб водийсига қараб йўл олди. Дастлаб Лаҳорни, сўнг Дўхли султонини тор-мор қилиб Деҳли ва Аграни, кейин Ҳиндистоннинг бутун шимолий қисмини ишғол қилиб 1526 йилда Бобурийлар салтанатига асос солди.

82. Темурийларга тегишли ерларни забт этиш натижасида Шайбонийлар давлати вужудга келди ва бу давлат Мовароуннахрда бир асрга яқин ҳукмронлик қилди. Дастлабки пайтларда Шайбонийлар давлати анча кенг ҳудудни қамраб олган эди. Мовароуннахр унинг ўзагини ташкил қиларди. Шайбонийхон тарқоқ майда мулкларни ўз ҳокимияти остида бирлаштириб, нисбатан қисқа вақт ичида сиёсий ҳокимиятни марказлаштиришга эришди. Аммо бу ҳолат узоққа чўзилмади. Шайбонийхоннинг қариндошлари ва унга ёрдам берган қабилаларнинг бошлиқлари-султонлар ва бекларга удел шаклида (худудий бирлик бошқаруви) бўлиб берилган эди. Бу тизимнинг ҳукмронлиги натижасида давлат яна айрим бекликларга бўлиниб кетди.

Шайбонийхон вафотидан кейин Мовароуннахр ҳокимияти тепасига шайбонийлар сулоласидан бўлган Кучкунчихон (Улуғбекнинг қизи Робиябегим ўғли) келди, унинг вафотидан кейин унинг ўғли Абусаидга, Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахонга насиб этди.

Убайдуллахон вафотидан сўнг давлат мустақил бўлган Самарқанд ва Бухоро сулолаларига бўлиниб кетди, шу тариқа Туркистонда қўш ҳокимиятчилик вужудга келди. 1540 йилга келиб Бухорода Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1540-1550), Самарқандда эса Кўчкунчихоннинг учинчи ўғли Абдуллатиф (1540-1551) хонлик қила бошлади. Бошқа вилоятлар ва туманлар

ҳам мустақиллик учун кураш бошладилар. Кармана ва Миён-қалъада – Искандар Баходир, Балхда – Пирмуҳаммад, Қаршида – Султон Қиличқора, Ҳисорда – Шайбонихоннинг набираси Султон Бурҳон, Самарқандда – Бароқхон ҳукмдор бўлди. 1550 йилда Бухоро ҳокими Абдулазизхон ўлимидан кейин Бухоро учун яна кураш авж олиб кетди. Бароқхон ва унга қўшилган султонлар Бухоро тахтини эгаллаш учун юриш бошладилар Миён – қалъада уларга қарши Искандархоннинг ўғли Абдуллахон II чиқди, аммо бу жангда Абдуллахон енгилди ва Бухорони эгаллади. Бароқхон ўлимидан кейин (1556) Абдуллахон Бароқхоннинг ўғли Бойсунга қарши жанг олиб боради ва 1557 йилда Бухорони эгаллайди. Абдуллахон Мовароуннаҳр пойтахтини Самарқанддан Бухорога кўчиради ва 1560 йилдан эътиборан маркази Бухоро бўлган давлат Бухоро хонлиги деб атала бошланди.

Абдуллахон (1557-1598) Ўрта Осиёда ижтимоий сиёсий тарқоқликлар туфайли бўлиниб кетган кўпгина вилоятларни ўз қўл остига бирлаштириб, марказлашган Шайбонийлар давлатини қайта тиклашга муваффақ бўлди.

Абдуллахон 1598 йилда вафот этгач, Бухоро хонлиги тахтига ворисликка шайбоний уруғларидан ҳеч ким қолмаган эди. Ана шундай қалтис бир пайтда Бухоро амирлари кенгашиб, 1554 йили русларнинг Хожитархон хонлигини истило қилиши натижасида Бухорога қочиб келган ва бу ерда бошпана топган Ёрмуҳаммадхоннинг ўғли Жонибек султонни (у Абдулахоннинг синглисига уйланганлиги туфайли шайбонийларга куёвдош эди) хон қилиб кўтармоқчи бўлдилар. Бухоро зодагонлари Жонибекни таклиф қилиб, 1601 йилда унинг номига хутба ўқидилар ва Жонибек Муҳаммад Султон Бухоро хони деб эълон қилинди. Шу йилдан бошлаб Бухоро хонлигида аштархонийлар номини олган янги сулола ҳукмронлиги бошланиб, у 1753 йилгача – ҳокимиятга манғитлар уруғи сулоласи чиққанга қадар давом этди.

Жонибек султон Бухоро хони деб эълон қилингач, ўғли Динмуҳаммад фойдасига тахтдан воз кечди, Бироқ ўша кезлари Обивардда ҳокимлик қилиб турган Динмуҳаммад Бухоро тахтига ўтира олмади, йўлда у халок бўлди. Шундан сўнг Жонибекнинг иккинчи ўғли – Боқимуҳаммад тахтга ўтирди ва учинчи Валимуҳаммад Бухоро хонлиги тахтига ворис (валиаҳд) деб эълон қилинди ва Балхга ноиб қилиб тайинланди.

Бухоро хонлиги тахтга Боқимуҳаммаддан кейин Валимуҳаммад, 1611 йилдан Динмуҳаммаднинг катта ўғли Имомқулихон келди. XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги тахтига аштархонийлар сулоласидан бўлган Убайдуллахоннинг укаси Абулфайзхон ўтиради. Бу даврда марказий ҳокимият ўз аҳамиятини тобора йўқота борди. Мамлакатни бошқариш аста-секин хон саройида оталиқ лавозимида бўлган манғит уруғлари томонидан қўллаб-қувватланган ва улар орасида катта обрўга эга бўлган Муҳаммад Ҳакимбий қўлига ўта бошлади. 1747 йилда Абулфайзхон бир гуруҳ фитначилар томонидан ўлдирилди. Мамлакатни бошқариш Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ қўлида бўлди. Аммо кўп ўтмай Муҳаммад Ҳакимбий ҳам вафот этди ва давлат ишларини бошқариш тўлиғича унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий қўлига ўтди.

Манғитлар уруғи сулоласи ҳукмронлигига асос солган Муҳаммад Раҳимбий 1753 йилда ўз номига хутба ўқиттириб, ўзини амир деб эълон қилди. Шу тариқа, Бухорода деб эълон қилди. Шу тариқа, Бухорода манғитлар сулоласи ҳукмронлиги қарор топди ва бу ҳукмронлик 1920 йилга қадар давом этиб, тарихда Бухоро амирлиги деб аталди.

Хива хонлигидаги тахт учун курашнинг авж олиши натижасида 1763 йилдан бошлаб ҳукмронлик қўнғирот уруғидан бўлган иноқлар қўлига ўтди, 1804 йилда эса, хонлик тахтини қўнғирот ўзбеклари сулоласи расмий равишда эгаллади ва бу ҳокимият ҳам 1920 йилга қадар давом этди. 1709 йилда Фарғона водийсида Бухоро хонлигидан мустақил бўлган Қўқон хонлигига минглар уруғидан бўлган йирик зодагон Шоҳруҳбий асос солди. Дастлаб хонлик таркибига Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара ва улар атрофидаги ҳудудлар кирган. 1721 йилда Шоҳруҳбий вафот этади ва хонлик тахтига унинг катта ўғли Абдурахимбий ўтирди. Бу даврда хонлик ҳудудига Андижон ва Хўжанд, кейинчалик Самарқанд қўшиб олинади, ҳатто кенгаш беклари қўлидаги Шаҳрисабзга ҳам таҳдид солина бошланди. 1769 йилда Қўқон хонлиги тахтига Абдукаримбийнинг невараси Норбўтабий ўтиради ва 1784 йили ўзини Мустақил давлат сифатида эълон қилган Тошкентни бўйсиндириш учун қўшин юборади, лекин қўшин мағлубиятга учрайди.

Норбўтабий вафотидан сўнг, 1801 йилда унинг катта ўғли Олимбек тахтга ўтиради. Бу даврда хонликнинг сиёсий мавқеи янада кучаяди. Олимбек ҳарбий ислохот ўтказди. Оҳангарон воҳаси, Тошкент, Чимкент ва сайрамни ўзига бўйсиндиради. Олимхоннинг кучли марказлашган давлатни барпо этиш борасидаги ҳаракатлари айрим мансабпараст гуруҳлар кайфиятида норозиликни кучайтиради ва у 1810 йилда ўлдирилади. Хонлик тахтига Олимхоннинг укаси Умархон ўтказилади. Умархон тоғаси Раҳмонқулибийнинг қизи Моҳларойим (Нодира) га уйлантириб қўйилган эди. Умархон ўз ҳукмронлиги (1810-1822) даврида хонлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудий кенгайтириш бўйича бир қатор чораларни амалга оширди.

8/3 Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида давлатнинг маъмурий тузилиши ўзига хос йўналишдан иборат эди. Ҳокимият тепасига хон турарди. Хон тахтга таклиф қилинган вақтда у оқ кигизга ўтирғизилиб, тўрт томондан энг мўътабар ва нуфузли тўртта зодагон кўтариб борарди. Анъанага кўра хон саройидаги бош ва улуғ лавозимини оталиқ унвонини олган шахс эгаллаган. Бу лавозимга катта ҳаётий тажрибага эга ва обрўли амирлардан тайинланган бўлиб улар вояга етмаган шахзодаларнинг тарбияси билан шуғулланган.

Ҳудудий жиҳатдан давлат бир неча вилоятларга бўлинган бўлиб, уларга султонлар бошчилик қилар эди. Саройдаги девонларга давлат маҳкамаси ва молия ишларининг бошлиғи девонбеги раҳбарлик қиларди. Шайбонийлар даврида қуйидаги энг олий мартабали давлат лавозимлари бўлган: Кўкалдош (бир онадан сут эмган маъносидан) – муассасаларни бошқарган ва бутун мамлакатдаги хоннинг дўст-душманлари ҳақидаги маълумотларни тўплаган; мушриф – хоннинг маълум шахсларга инъом этган ашёларни руйхатга олиб боровчи ҳамда солиқлар йиғилишини бошқарувчи шахс; кушбеги – хонлар ва султонлар шикорга чиққан пайтда ов анжомларини назорат қилувчи шахс; мунши (мирза) – хоннинг фармонини ёзувчи шахс. Булардан ташқари шайбонийлар давлатида миршаб, додхоҳ (аҳоли имкониятларини тингловчи шахс), мроҳўр (отхона бошлиғи), парвоначи (ёрлиқ топширувчи шахс) лавозимлар ҳам бўлган.

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида давлат бошқарувчи тизимида амалдорлардан ташқари руҳонийлар катта роль ўйнаганлар. Улар орасида Жўйбар шайхлари давлат идора ишларида кенг кўламда ўзларининг сиёсий таъсирини ўтказганлар. Уламоларнинг бир қисми ўзларини Муҳаммад пайғамбар

авлодлари деб ҳисоблаганлар ва саййидлар деб аташган. Бошқа бир қисми ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг чорёр – халифалари бўлмиш Абубакр, Умар Усмон ва Али авлодлар деб ҳисоблаганлар ва улар хўжалар деб аталган. Худди ана шу хўжаларнинг обрўйи XVI аср ўрталарига келиб ниҳоятда ошиб кетган.

Шайбонийлар даврида деҳқончилик, хунармандчилик, умуман, шаҳарлар ҳаётининг ривожланишида ўзбек хонликларининг ташқи ва ички савдоси, халқоро алоқаларининг кенгайиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хонликларнинг Хиндистон, Эрон, Россия, Қашғар билан савдо ва дипломатик алоқалари кенгайди.

Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам давлат маъмурий бошқаруви тизими деярли шайбонийлар давридагидек бўлган. Хусусан, ҳокимият тепасида хон турган, давлат вилоят ва туманларга бўлинган. Аштархонийлар давлат тузуми юз йиллар давомида мавжуд бўлган ўтроқ аҳоли анъаналарини давом эттирибгина қолмай, ярими кўчманчи жамиятни ҳам ўзида акс эттирган. Хон чекланмаган ҳуқуқга эга бўлиб, мустақил сиёсат юргизарди. Шунга қарамай баъзи вилоятлар ҳокимларининг кучайиб кетиши хонларнинг уруғ амирлари сўзларига қулоқ солишга мажбур бўлган.

Давлатдаги энг мартабали лавозим, шайбонийлар давридагидек, оталиқ эди. Оталиқлар хонлар ҳузуридаги энг муҳим ишларни назорат қилардилар. Давлатдаги энг олий қароргоҳ девон деб аталарди ва уни бошқариш девонбеги зиммасига юклатилган. Давлат бошқаруви ишида кўкалдош вазифаси ҳам юқори аҳамиятга эга бўлган. Булардан ташқари аштархонийлар давлати маъмурий бошқарувида миршаббоши (тунги қоровуллар бошлиғи), додхоҳ (аҳолидан ариза ва шикоятларни қабул қилувчи шахс), иноқ (хонга амирлар чиқарган буйруқларни етказувчи шахс), марохўр (отхона бошлиғи), дастурхончи (ошхона бошлиғи), мунши (хон мирзаси), тўқсабо (овқат ва ичимликларни тарқатувчи шахс) каби лавозим ва мансаблар бўлган.

XVIII-XIX асрларда Бухоро амирлигида амир олий ҳукмдор ҳисобланиб, ижро этувчи ҳокимият қушбеги қўлида эди. Амирлик маъмурий жиҳатдан 24 бекликка бўлинган бўлиб, бекликлар ўз навбатида туманларга бўлинган. Шу бекликлар орасида Қашқадарё воҳаси худудидан Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Ғузор, Қарши ва Чироқчи бекликлари бўлган.

Бошқа ўзбек хонликларидаги каби Қўқон хонлигида ҳам хоннинг ҳуқуқи мутлақо чегараланмаган. Хонлиқнинг давлат тизими фармон ва тадбирларни бажарувчи кўп сонли амалдорлардан ташкил топган эди.

Хулоса қилиб айтганда, XVI-XIX асрларда Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт ўзига хос хусусиятлардан иборат эди. Бир томондан адабиёт, санъат соҳаларда ижобий ютуқларга эришилган бўлса, иккинчи томондан бирликнинг йўқотилиши, ўзаро низоларнинг авж олиши, табиий ва техника фанларига эътиборнинг деярли йўқлиги Ўрта Осиё халқларини жаҳон тараққиётидан орқада қолишигасабаб бўлди.

84. Туркистон халқлари тарихида XVI асрдан бошланган давр ўта ачинарли ва оғир давр ҳисобланади. Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрни босиб олиши ва ўз ҳукмронлигининг ўрнатилиши натижасида Амир Темур ва Темурийлар давлати уч бўлакка бўлиниб кетди. Дастлаб Шайбонийларнинг бир асрлик ҳукмронлиги даврида Бухоро ва Хива хонликлари ўртасида ўзаро низолар бошланган бўлса, бир ярим асрдан кўпроқ (156 йил) давом этган аштархонийлар ҳукмронлиги даврида бу ўзаро урушлар давом этди. Бу даврда

сиёсий тарқоқлик ва парокандалик авжига чикди. Бунинг асосий сабаблари – хонлар, амирлар султонлар ва бошқа хукмрон табақа вакиллари ўртасида бирлик ва аҳилликнинг йўқлиги, бойлик талашиб ўзаро олиб борилган мантиқсиз урушлар эди. Охир оқибатда, Ўрта Осиё халқлари жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан орқада қолиб кетди.

Маълумки, XVII-XIX асрлар жаҳон тарихига янги –иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий тараққиёт жиҳатдан инқилобий давр бўлиб кирди. Хусусан, Европадаги бир қатор мамлакатларда ишлаб чиқарувчи кучлар жадал ривожлана бошлади, завод ва фабрикалар қурилиб, замонавий техник воситалар билан жиҳозланди, темир йўллар қурилди, жаҳон денгиз йўллари очилди. Меҳнат унумдорлиги ўсиб, аҳолининг турмуш савияси кўтарилди борди. Аммо Ўрта Осиё хонликлари ана шу ижобий жараёндан четда қолди.

Ўзбек хонликларида ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, айниқса, техникавий қолоқликнинг, турғунлик ҳолатининг қуйидаги сабабларини қайд этиш зарур:

Биринчидан, ўзбек хонликларидаги мавжуд давлатни бошқарув тизими, тор доирадаги ҳукмдорлар манфаатларига мос келадиган идора қилиш усули янги, замонавий тараққиётга тўсиқлик қилаётган эди;

Иккинчидан, хонлар ва сарой амалдорлари, зодагонлар эшик қоқиб турган замон ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига ҳалақит берувчи ҳар қандай эски ишлаб чиқариш усулини жан-жаҳди билан ҳимоя қиларди. Асосий бойлик бўлган ерга мулкчиликнинг эски усули бир неча асрлардан бери ўзгармасдан келарди;

Учинчидан, хонликлардаги ҳукмдорлар ернинг бирдан-бир эгаси бўлиб, ер ишловчиларга, яъни барзикорларга хатлаб ижара тарзида бириктирилган эди. Деҳқон ер эгаси эмас, балки ердан олинган ҳосилнинг эгаси эди. Шу боисдан ҳам деҳқон ерни асраб авайлашга, унинг унумдорлигини оширишдан манфаатдор эмасди. Ирригация иншоотларига аҳамият пасайиб бориши натижасида суғориладиган экин майдонлари қисқариб борарди;

Тўртинчидан, аҳоли хон ва бекларнинг, турли лавозимдаги амалдорларнинг зўравонлигидан, ўзбошимчалигидан, кўплаб турдаги ва ғайриқонуний солиқ ва тўловларидан азоб чекарди. Турмуш даражаси паст бўлиб, аҳоли истеъмол учун энг зарур бўлган тор доирадаги оддий буюм ва маҳсулотлар билан қаноатланарди. Ишлаб чиқаришнинг фақат истеъмолга йўналтирилганлиги иқтисодиётнинг янги йўналишларининг ривожланишига тўсиқлик қиларди;

Бешинчидан, хонликларда саноат деярли ривожланмади. Олтингўгирт, рангли металллар, мрамор, тошкўмир, нефть каби табиий бойликларга тўла қонлар бўлса-да, уларни қазиб олиш, қон-тоғ ишларини йўлга қўйишга бефарқлик билан қаралди. Ўлкада етарли даражада йирик дарёлар бўлса-да, уларда болиқчиликни ривожлантириш, кемасозликни йўлга қўйиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди;

Олтинчидан, хонликларда пул-товар муносабатлари ривожлантирилмади. Иқтисодиётдаги даромад истеъмол ва қўшинга кетадиган харажатларни зўрға қоплар, капиталга айланмасди. Пул, олтин-кумуш хон ва амалдорларнинг хазина тўплаш манбаи бўлиб қолган эди. Савдо муносабатларида ҳамон айрибошлаш тарзи давом этарди. Ўрта Осиёнинг жаҳон бозорида ажралиб қолгани устига ягона ички бозор ҳам ташкил топмаган эди.

Шундай қилиб, ўзбек хонликларида содир бўлган ижтимоий-сиёсий беқарорлик, иқтисодий ва ҳарбий қолоқлик қўшни мамлакатларни ўз тасарруфига киритиб олиш сиёсатини тобора жадаллаштираётган чор Россиясига қўл келди. Хонликлардаги парокандалик, ўзаро низо ва урушлар охир-оқибат уларнинг Россия империяси томонидан босиб олиниш ва мустамлакага айланишига олиб келадиган шарт-шароитларни келтириб чиқарди.

Таянч тушунчалар:

Гумашта, сафовийлар, муҳораба, Вақф, валиаҳд, иқтоъ, мулк, жоми масжид, амир, манғит, қўнғирот, минг, барзикор, зироаткор.

Дастурхонли, девон, девонбеги, додҳоҳ, кўкалдош, мирохўр, миршаб, мушриф, мухтасиб, оталик, парвоначи, қўшбеги, мунши, тўқсабо.

Текширув саволлари:

1. Нима сабабдан Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳрни осонгина эгаллаб олди?
2. Мовароуннаҳрнинг XV аср охири XVI аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятини таърифлаб беринг.
3. Нима сабабдан 1497 йилда Самарқандни эгаллаган Бобур бу ерда узок тура олмади?
4. Нечанчи йилда Эрон шоҳи Исмоил Хоразмда ўз ҳокимиятини ўрнатди?
5. Шайбоний Абдуллахон II даврида Бухоро хонлигида рўй берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришларни таърифлаб беринг.
6. Аштархонийлар Бухоро хонлигида ҳокимиятни қачон қўлга киритдилар?
7. Туркистоннинг уч хонликка бўлиниб кетиш сабабларини кўрсатиб беринг.
8. Қачон ва нима учун Бухоро хонлиги амирлик деб атала бошланган?
9. Қўқон хонлигининг ташкил топиши ва ҳокимиятни қандай сулола бошқарганлигини айтиб беринг.
10. Ўзбек хонликларининг илғор Европа мамлакатларидан иқтисодий ва техникавий жиҳатдан орқада қолганлиги сабабларини кўрсатинг.

Адабиётлар:

1,4,9,14,19,24,26,30,31,32,33,34

ТАРИХИЙ АТАМАЛАР ЛУҒАТИ.

Амир – фармон берувчи, бошлиқ, ҳоким, қўшин бошлиғи, саркарда, ҳукумдор.

Амир ул-умаро – амирлар амири, бош саркарда.

Ахриман – зардуштийлик динининг зулмат, очлик, уруш, ўлим, гуноҳ ва қабихликлар тангриси.

Ахурамазда – зардуштийлик динининг олий тангриси, ёруғлик, фаровонлик, сихат-саломатлик, тинчлик ва барча эзгуликлар худоси.

Анимизм – рух ва жанг ишониш, ота-боболар руҳига сифиниш.

Археология – қадимдан қолган, қадимий ёдгорликлар ҳақида тушунча; қадимги замонлар ҳақида фан.

Барзикор – қушчи, зироаткор, қишлоғининг меҳнаткаш аҳолиси.

Ботмон – оғирлик ўлчови, (XII-XIV асрларда у 20 кг.га тенг бўлган).

Буронғор – қўшиннинг ўнг қаноти.

Вазир – девонхона бошлиғи.

Вақф – мусулмон мамлакатларида мачит, мадраса ва бошқа диний муассасаларга қарашли бўлган ер-мулклар.

Девон – вазирлар маҳкамаси.

Деҳқон – «қишлоқ ҳокими», ер эгаси, феодал.

Динор – олтин, кумуш танга. (Бир мискол 4,8 гр.га тенг бўлган).

Жузья – ғайри динлардан олинадиган жон бош солиғи.

Закоат – мусулмон мамлакатларида аҳоли умумий бойлигининг қирқдан бир миқдорида ҳар йили олинадиган диний солиқ.

Ихжид – илк ўрта аср князи, вилоят ҳокими, хон ёки амир авлодлари.

Иқтоъ, иқтаъ – йирик мансабдога ҳадия этилган ер ва мулк.

Кадивар – йирик ердорарга муте қишлоқ аҳолиси, крепостной.

Кашоварз – қушчи; зироаткор.

Кешик – қўшин таркибидаги захира қисм.

Кўрагон – хон куёви.

Мадраса – олий илмгоҳ.

Мажус – оташпараст.

Мажусий – оташпарастлик диндори.

Миррих – уруш, жанг ва галаба тангриси.

Мулки амлок, мулки девоний – давлат ихтиёридаги ерлар.

Мухораба – жанг, уруш, ҳарбий тўқнашув.

Мухтасиб – тош-тарозу, нарх-наво ва мафкура назоратчиси.

Мушриф – сарой иш бошқарувчиси.

Нафтандоз – нефтли ва пилликли кўзачаларни ирғитадиган ҳарбий қурол.

Нахшаб – Қарши шаҳрининг қадимги номи.

Нохид (анахита) – хосилдорлик ва фаравонлик маъбудаси.

Остадон (ассуарий) – сопол, тобутча.

Палахмон – тошотар; ҳарбий қурол.

Рабод – шаҳар атрофи, карвонсарой, савдо жойи.

Сардоба – пишиқ ғиштдан қурилган гумбазли ҳовуз; сувхона.

Сохибқирон – карн (кунчиқиш ва кунботиш) эгаси, жаҳон эгаси, жаҳонгир.

Сохиби турат – ҳарбий вазир.

Суюрғол – олий табақа задогонларга иноъм қилинадиган ер-мулк.

Таноб – ер ўлчови, 200-250 кв.м. ҳажмидаги ер майдони.

Туман – ўн минг кишидан ташкил топган қўшин.

Ушур – хосилдан 10 фоиз ҳисобида олинадиган деҳқончилик солиғи.

Хирож – ҳосилнинг 25-30 фоизи ҳисобида олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи.

Шайхул – ислом – дин ва ислом илми пешвози.

Шахристон – ички шаҳар.

Этногенез – халқ ва эллатларнинг келиб чиқиши.

Ясавул – соқчи.

Улпон – ер солиғи.

Қорахон – буюк ҳоқон.

Гул – мунтазам қўшин.

Хожиб – ҳарбий бошлиқ.

Хожиб ул-хужоб – бош қўмондон.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Тарих хотирасиз келажак йўқ. – Т., «Шарқ», 1998.
2. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т., «Ўзбекистон» 1992.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999.
4. Абу Тохирхўжа: Самария; Маршахий: Бухоро тарихи; Баёний: Шажара Хоразмшоҳий; Ибрат: Фарғона тарихи. – Т., «Мерос», 1991.
5. Абулғозий. Шажарий турк. –Т., «Чўлпон», 1992.
6. Абуний Ҳасан Ато. Туркий қавмлар тарихи. – Т., «Чўлпон», 1994.
7. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т., «Фан», 1993.
8. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд.-Т., «Фан», 1968.
8. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т., «Шарқ», 2000.
9. Амир Темур Курогон. Зафар йўли. –Т., «Нур»1992.
10. Аҳмедов Б. Сохибқирон Темур (ҳаёт ва ижтимоий-сиёсий фаолияти). –Т., 1996.
11. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. –Т., 1991.
12. Бобоев Х., Хасанов С. «Авесто»-маънавиятимиз сарчашмаси. –Т., «Адолат», 2001.
13. Валдий Заки. Ўзбек уруғлари. –Т., 1992.
14. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. –Т., «Ўқитувчи», 1994.
15. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. –Т., «Ўзбекистон», 1999.
16. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. (Арабчадан У. Уватов таржимаси). Икки жилдлик. –Т., «Мехнат», 1992.
17. Ибрахимов А. Биз ким ўзбеклар. – Т., «Шарқ», 1999.
18. Ипак йўли афсоналари. –Т., «Фан», 1993.
19. Муминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т., «Фан», 1968.
20. Низомиддин Шомий. Зафарнома. –Т., «Ўзбекистон», 1996.
21. Низом-ул Мулк. Сиёсатнома. –Т., «Адолат», 1997.
22. Рахмонов М. Турк ҳоқонлиги. –Т., «Мерос», 1993.

23. Саъдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларида. –Т., «Ўқитувчи», 1996.
24. Саъдуллаев А. ва бошқа. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. –Т., «Академия», 2000.
25. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т., Ўзбекистон, 1997.
26. Темур ва Улуғбек даври тарихи. –Т., КБТ,1996.
27. Темур тузуклари. –Т., «Ғафур Ғулом», 1991.
28. Шарофиддин Али Яздий Зафарнома. –Т., «Шарқ», 1997.
29. Шаниязов К. Ўзбек халқининг шакилланиши жараёни. –Т., 2001.
30. Ўзбекистон тарихи. I-қисм. Саъдуллаева А., Эшов Б. таҳрири остида. –Т., «Университет», 1997.
31. Ўзбекистон тарихи. (Қисқача маълумотнома). Бобобеков Х. Ва бошқа., -Т., «Шарқ», 2000.
32. Ўзбекистон тарихи (ўқув қўлланма). Усманов К ва бошқа., -Т., «Мерос», 2002.
33. Ўзбекистон тарихи (Дарслик). Муртазаева Р. таҳрири остида. –Т., «Янги аср авлоди», 2003.
34. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи агерклари. –Т., «Шарқ», 2001.
35. Ғуломов Я. Г. Қадимги маданиятимизнинг изларидан. –Т., «Фан», 1959.
36. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т., «Юлдузча», 1990.
37. Мирзо Улуғбек. Турт усул тарихи. –Т., «Чўлпон», 1994.
38. Хабибулла Зайниддин. Жалолиддин Мангуберди. –Т., «Фан», 1993.
39. Буриев О. Тошев М. Жалолиддин Мангуберди. –Т., «Фан», 1999.
40. Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилотлари. –Т., «Ёзувчи», 1999.

Кириш

1-маъруза: Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, илмий назарий ва методологик асослари, фанни ўрганишнинг манбалари ва аҳамияти.

- 1\1. Ўзбекистон тарихининг фан сифатидаги ўрни. Унинг предмети ва ўрганиш объекти.
- 1\2. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг илмий назарий ва методологик асослари ва тамойиллари.
- 1\3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш. Уни ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти.
- 1\4. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг ҳар томонлама етук инсонни тарбиялашдаги аҳамияти.

2-маъруза: Ўзбекистон инсоният тараққиётининг қадимги учоқларидан бири.

- 2\1. Инсониятнинг дастлабки аждодлари. Ибтидоий жамият ва унинг даврлари.
- 2\2. Уруғчилик жамоасининг вужудга келиши ва унинг инсоният тарихида тутган ўрни.
- 2\3. Аждодларимизнинг илк диний эътиқодлари. «Авесто» - зардуштийлик динининг муқаддас китоби.

3-Маъруза: Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари.

- 3\1. Жахонда ва ватанамиз ҳудудида илк давлатлар вужудга келишининг асосий омиллари. Ўзбек давлатчилиги тарихининг даврлари.
- 3\2. Ватанамиз ҳудудида вужудга келган энг қадимги давлатлар.
- 3\3. Турон заминга ажнабий босқинчиларининг хуружи ва уларга қарши озодлик, мустақиллик учун кураш.
- 3\4. мил. Авв. I минг йиллик охири ва милоднинг дастлабки асрларида ўзбек давлатчилиги.

4-Маъруза Ўзбек халқининг этник шаклланиши

- 4\1. Ҳозирги ўзбек халқининг асосини ташкил этган қадимги руғ, қабила ва элатлар.
- 4\2. Ўзбек халқи этник шаклланишининг тарихий жараёни ва унинг босқичлари.
- 4\3. Ўзбек халқи ва ҳозирги замон.

5-Маъруза: IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги, Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти.

- 5\1. IX асрнинг бошларида Мовароуннахрдаги сиёсий аҳвол. Сиёсий ҳокимиятнинг сомонийлар томонидан эгалланиши.
- 5\2. Мовароуннахрда қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги.
- 5\3. Мовароуннахрда Ғазнавийлар ва салжуқийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши.
- 5\4. Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида ўзбек давлатчилиги.

6-маъруза: Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш Жалолиддин Мангуберди

- 6\1. Чингизхон бошчилигида мўғулларнинг Мовароуннахрда босқинчилиги. Босқинчиларга қарши озодлик кураши.
- 6\2. Мовароуннахрда мўғиллар томонидан жорий этилган бошқарув тартиби ва унинг заифлашуви.
- 6\3. XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

7-маъруза: Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилиги. Бу даврда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт

- 7\1. Амир Темур томонидан марказлашган давлатнинг барпо этиши. Давлатни бошқариш тизми.
- 7\2. Амир Темурнинг жаҳонгирлик юришлари ва ташқи сиёсати.
- 7\3. Амир Темур ва темурийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.
- 7\4. Темурийлар сулоласи ҳокимиятнинг инқирозга учраши, унинг сабаблари.

8-мавзу: Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари.

- 8\1. XV аср охири ва XVI аср бошларида Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий вазият, Шайбонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши.

82. Мовароуннахрнинг Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ҳудудий парчаланиб кетиши.
83. Хонликлардаги ижтимоий-сиёсий вазият ва давлат бошқарув тизими.
84. Ўзбек хонликларнинг илғор Европа мамлакатларидан иқтисодий ва техникавий жиҳатдан орқада қолиш сабаблари.